



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ҲАМИД ОЛИМЖОН

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ
УН ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати
Сарвар Азимов, Ҳомил Ёқубов, Зулфия, Комил Яшин,
Наим Каримов, Салоҳиддин Мамажонов, Марат Нурму-
хамедов, Иззат Султонов, Юсуф Султонов, Эркин Юсупов,
Матёқуб Қўшжонов, Содир Эркинов

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ
ИНСТИТУТИ

ҲАМИД ОЛИМЖОН

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ
УЧИНЧИ ТОМ

ҲИКОЯЛАР
ОЧЕРКЛАР
КУНДАЛИКЛАР
МАҚОЛА ВА ХАБАРЛАР
НУТҚЛАР
МАТЕРИАЛ

ТОШКЕНТ — 1981

Нашрга тайёрловчилар:
ШАРАФИДДИН ЭШОНХУЖЛЕВ.
ФАРОҒАТ МУСАМУҲАМЕДОВА

Масъул муҳаррир
СОДИР ЭРКИНОВ

О $\frac{70403-1428}{М 355(04)-81}$ 138—80 4702057020

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1981 й.

Кўп қиррали истеъдод соҳиби Ҳамид Олимжон ўз ижодининг илк босқичларидан бошлаб проза соҳасида ҳам катта маҳорат кўрсатди. Адибнинг ҳикоя ва очерк-лари, публицистик асарлари ва санъаткор туйғуси билан яратган кундалик ҳамда хотиралари 30-йиллардан эътиборан матбуотда кенг ўрин олган эди.

Социалистик шаҳар ва қишлоқларимизнинг янги қиёфаси, республикамизда амалга ошаётган катта қурилишлар, колхоз ҳаётининг ғалабаси, Улуғ Ватан уруши даврида совет кишиларининг кўрсатган ажойиб ватанпарварлик жасоратлари Ҳамид Олимжон прозасининг асосий тематикасини ташкил этади.

Ҳамид Олимжон «Мукамал асарлар тўплами»нинг Сизнинг қўлингиздаги III томи унинг ҳикоя, очерк, кундалик ва публицистик асарларидан иборатдир.

Адибнинг мақола ва нутқлари ҳам шу томга киритилди.

Ҳамид Олимжон прозаик асарларининг қўлёзмалари кам сақланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида сақланаётган шоир архивида мавжуд бир қатор қўлёзмалар, асарларнинг илк нашрлари том учун асос қилиб олинди.

ҲИКОЯЛАР

ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ

(Воқсий ҳикоя)

Эрта билан ҳамма иш сари оқмоқда, қуёш эса қизиб, нурларини ҳар томон сочмоқда эди. Шу паллада округ судининг эшиги олдида Эргашни кўрдик.

У биз билан соғинган қариндошлар каби жиддий кўришди. Бошида кўп кунлардан бери ювилмаган дўппи, оёғида йиртилаёзган мўкки, эғнида ёз бўлса ҳам, кўп мартабалаб ямалган қалин чопон ва чиркин кўйлак. Хуржунини ерга ёзиб, устида ўтирган эди.

Биз унинг ортиқ даражада хафаланган ва нажот талаб бир киши эканини юзидан сездик.

— Қандай иш билан бу ерда ўтирибсиз?— у, ўтганларни бошидан яна бир марта ўтказгандай бўлди-да, қўлидаги аризасини кўрсатиб:

— Судга ишим бор эди,— деди. Биз унинг ғамгин ҳолларидан хабардор бўлмоқ ниятида яна:— Қайси ердан бўласиз?— дедик. У орқасига бир қаради ва

— Жиззах районининг Дулдул қишлоғидан,— деди. Биз унга тагин яқинроқ бордик ва бошидан кечирганларини сўзлаб беришни сўрадик.

— Ман ҳар кимга ўз сиримни айтиб, ўрганиб қолганман. Шунинг учун дардларимни сизларга ҳам ёрсам, ҳеч зарар қилмас,— деди ва йўл кўрган болалар каби ерга қараб сўзлай бошлади.

— Бизнинг қишлоқларда хотин олиш осон гап эмас. Бир хотин олиш учун кўп йиллар ишлаш, кўзлардан ҳадсиз ёш доналарини ялтиратиб тўкиш тўғри келади, деб ўзининг ўтмишларини бир-бир кўздан кечиргандай бўлди:

— Ман бир хотин олиш учун икки укам билан олти йил ишладим. Қуёшнинг қизиган дақиқаларида кўчаларда, айниқса, кўкка томон кўтарилган баланд тоғларда

10

20

30

юриш кишининг гулдай умрини хазон қилишгача олиб боради. Ман Қорасочни олиш йўлида қуёшнинг оловдек иссиқларига чидадим. Тоғлардаги қизиган тошлар устида юрдим. Уша вақтларда Қорасочнинг «ғойибона кучи» манга мадад берди. Иссиқдан, меҳнатнинг зўрлигидан баданларимдан селдек терлар оқиздим. Кўзлардан эса ёшлар... Кечалари чўлларда, қирларда қўрқмасдан ётдим. Қўрқмас юраклар каби кўп ерларни кездим. Қорасочнинг ишқи шундай ҳолларга тушишга мани мажбур

10 этган эди.

Қорасочни олиш ман учун нақадар бахт ва саодат деб ўйлардим...

17 яшар Қорасочни олганимга уч йил бўлди. Қорасоч баҳосига қудалар мандан бир от, бир эшак ҳам йигирма қоп буғдой олдилар. Тўй қиламан деб бор-йўғимдан айрилдим. Қорасочнинг шафтоли гулига ўхшаган юзи ва қадди-қоматидан кўзимни ажрата олмасдим. Унинг йўлига бутун нарсаларимни қурбон қилишга ҳозир турдим. Ман...

20 Бу гапларни гапирар экан, Эргашнинг юзида аллақандай севинч, алам аломатлари кўринар, гавдасида ҳайрон қоларли ҳаракатлар сезилар эди. У бошини кўтариб, тепасида бир неча кишиларнинг унинг сўзларини жон қулоғи билан тинглаб турганини кўрди. Рангини ўзгартмади-да, сўзида давом этди:

— Қорасочни олганимдан сўнгра бошимга нималар келишини, қудаларнинг манинг бошимга қандай савдолар солишини билмасдим. Фақат шуни англар эдимки, улар ҳеч бўлмаса Қорасочнинг ҳурмати учун ман кам-

30 бағалга кўмакда бўларлар...

Қорасоч ман каби ўксиз, етим эди... уҳ... Қорасочни олганимга бултур икки йил бўлаёзган эди, унинг ойкунлари яқинлаша бошлади. Бечоранинг қандай кўз ёришини кеча-кундуз ўйлардим. Ҳатто, тушларимда ҳам кўрардим... Бултур ёз ойлари, қурбон намозидан сўнгра унинг кўз ёриш дақиқалари яқинлашди.

Уларни ўйлаганда, мани виждон азоблари эзарди.

Қорасочнинг босмачиликдан қайтган қонхўр акаси Қувондиқ уни манинг уйимдан ўз уйига олиб кетди. Қувондиқнинг кўзлари ўтдай ёнарди.

40 Қорасочнинг чоршанба кунини ўғил туққанини эшитиб

севиндим. Эртасига Қувондиқ чақалоқни уйымга келтириб ташлади. Сабабини англамадим. Унга гапиришга тилим журъат этмади.

Олтмиш уч яшар энам ва ман бўлиб болани зўрга боқдик. Уни ўлимдан сақлаб қолмоқ учун ўн беш кунлаб докторларнинг эшикларида ётдим.

Энам уни эмизди. Кўрмаган кунларни кўрдим. Болани икки ойгача боқиб турдик, ундан сўнгра хотишим Қорасоч тузалиб уйымга келди.

Уни шодликлар билан қарши олдим. Яна ман — эр. 10
у — хотин бўлиб яшай бошладик.

Икки ой бўлди. Қуда томон билан муносабатимиз кесилиб... деган замон биз бир чўчиб, бир-биримизга қарашиб олдик. Эргаш бизнинг ҳолимизни сезса ҳам, билмасликка солиб, ғамгин гапира берди:

— Қорасочнинг Жонибек деган қариндоши бор. У Қорасочни мандан чиқишга даъват қилди. Қорасоч ҳар нарсани тушунадиган зийрак хотин эмас. Уларнинг сўзига кириб, мандан айниб қолди. Эшонқул, Қувондиқлар уни мандан олиб кетдилар-да, мақсадларига етдилар. 20

Эргаш чуқур бир «ух» тортди. Бу вақт унинг кўзлари бир очилиб, бир ёпилиб, дона-дона ёшлар тасбеҳ каби терилиб оқмоқда эдилар.

— Бирмунча вақтлар ўтгандан сўнгра, манга Эшонқул «Бир қоп буғдой берса, хотини билан яраштириб кўяман», деб одам юборди. Ман бир қоп буғдой беришга қудратим келмагачини билдирдим.

Жонибек ҳўкизимни уриб майиб қилди, бутун экин-тикинлардан қолиб кетдим. Бутун деҳқончиликларимиз ётиб қолди. Ман аҳволни ҳукуматга билдирдим. Жонибекни йигирма сўм штраф қилдилар. У «ўша йигирма сўмни берса, ярашаман», деди. Ман бунга ҳам кўнмадим. Мен уларга ўхшаган давлатли кишилардан эмасман. 30

Қорасоч мандан узоқда...

Ўғлим бир яшар бўлиб қолди. Уни кўп вақт энам боқди. Кўрганимда кўкрагим бир кўтарилади. Чатоқчилик билан суюкларни оқарган қудалар энди уни ҳам олиб кетмоқчи бўлдилар.

Манинг ундан ажралишим ўлишим билан баробардир. Манинг жоним, руҳим, қудратим шу ўғлимдир. Йиллаб меҳнат қилиб шу ўғилга эга бўлдим. Ман уни жоним деб биламан. Ман ундан ажралмайман... 40



Ҳамид Олимжон. 1929 йил.

Шу жанжалларим ҳақида районимизда қилинган ҳақиқатларга қаноатланмадим. Хотиним қариндошларининг иғвоси билан мандан ажралиб кетса яшаш қийин бўлади. Ман ҳақиқат йўлларини излаб юрибман, излаб. Ҳақиқат. Шунинг учун бир эшагимни сотдим, йўл кира қилиб Самарқандга келдим. Ҳукуматимизнинг одил судига ариза келтирдим.

У аризани бизга кўрсатди. Унда шу воқеалар ёзилган. Охирида:

- 10 — «Ҳақсизликлар ҳаммани енгиб кета берса, Шўролар судининг маъноси қолмайди. Шунинг учун бу ишни ҳақиқат қилдиришингизни сўрайман», деган жумлалар бор эди.

Аризани Эргашнинг қўлига бердик, судга кириш навбати унга келган эди. У бизга қарай-қарай ичкарига кирди.

Биз ҳам ўз йўлимизга бурилдик.

ТОНГ ШАБАДАСИ

Ҳали турмушнинг аччиқ-чучукларини англаб етмаган бир юрак нималарни ўйламади дейсиз: қушлар каби кўкларни тўлдириб учмоқ, эркин-эркин ҳаволарни қучмоқ тилаклари унинг кўз ўнгида кино ленталари сингари пирллаб ўтиб кета бералар. Фақат ўтимликларга етмак, оҳ, осон бўлса эди, инсон болалари нималарни қилмас, нималарни қўймас эдилар. У тилакларга етмоқ учун кучли телба дарёлардан кечмоқ, баланд-баланд тоғлардан ошмоқ керак бўлади. У дамларда, балки дарёларда фарқ бўлув, балки тоғ тошлари орасида янчилиб кетув эҳтимолдан узоқ эмасдир. 10

Меҳрибон бир онанинг юмшоқ бағрида жонсевар бир кўкракнинг ширин-ширин сутларини эмиб ўсган бир қалб қайғу-аламлар, зиндон ситамларининг нима эканини ҳали англамас эди. Ул дунёга келди. Шундай ўсди, юксалди. Ҳаёт бир боласи орқасидан иккинчисини етаклаган бир она каби ўтиб кетмакда эди. Ҳар ёқ жимжит, кўчалар баъзан қоронғилашиб, ваҳималари билан одамларни ютмак истар, чуқур бир қудуқ каби ҳар енгил овозни ҳам жаранглатиб юборар эди. Баъзан қанот ёзган ойдин кечалар, ёз оқшомлари баланд супалардаги борлиқнинг суҳбатини тинглар, дарё шалолалари билан ёқимли бир музиқи каби касб этарларди. 20

Ул қалби тоза, ўзи содда, омоч орқасидан кун кўргувчи бир отанинг кўрар кўзи, кеча-кундуз уй ишларидан тинмаган, умрида бир мартаба ҳам роҳат кўрмаган, яшашнинг азоб-уқубатларидан безмаган бир маъсум онанинг қизи эди. Уни Қундузой деяр эдилар...

Бугун турмуш кечириб турган бир киши эрта ўз бошига нималар келишини билмайди, албатта. Балки севинчлар бир-бирлари орқасидан баҳор капалаклари ка- 30

би енгил қанотлар билан учишиб келарлар, балки тоғ-тоғ алам-кулфатлар уни битирмоқ истарлар.

Қундузларнинг ҳаёти ўтиб кета борарди. Қишлоқ тинч, ҳар ким ўз ишида, ҳар камбағал меҳнат, машаққат билан кун кўради. Бойлар чоракорлар устидан ҳукмдорлик қиладилар. Қишлоқни айлантириб олган тоғларда чумоли каби уларнинг қўйлари, моллари ёйилади.

10 Отаси ишга кетган кунлари Қундуз онаси билан ёлғиз ҳовлида қолади. Баъзи-баъзида қўшни қизлари билан бирга ўйнайди. Ёз кунлари қуёш қизийди, ҳар ер ҳансираб ётади. Улар сада соялиқларида гўнғир-гўнғир гаплашиб ўтирадилар. Қундузнинг катта бўла бошлаганини кўрган онаси унга уй тутиш, кийим тикишни ўрғатади.

Туш чоғи бўлса, ул чой қайнатиб келади. Чой ичар экан, она-бола сўзлашиб кетадилар. Қўшнининг қизи, ҳамсояннинг изидан тортиб ҳамма-ҳаммасини сўзлайдилар. Ниҳоят, навбат Қундуз тўғрисига келади.

Онаси кулиб сўзлайди:

20 — Бир кун сени ҳам куёвга берамиз, қизим!

Ул қизаради, ярим зил билан ялинган каби бўлиб сўрайди:

— Кимга, қандай чиройли йигитга, бувижон?!

Онаси эриб кетади ва қизиқиб гапга тушади:

— Энг аввал ўзи чиройли, сени урмайдиган, мени сўкмайдиган, ёш, оппоқ бир йигитга-да, ўргилсин!— дейди-да, шу тотли тилакнинг завқига толиб, қишлоқнинг кўркам йигитларини эсга олади.

30 Қундузнинг юзига анорнинг қонли сувлари оқиб кеталар. Ул ичидан севинади-да, булут ичига беркинган ой каби қора рўмол билан юзларини ўраб, бир нафас жим қолади.

— Афсус, нақадар шод кунлар эдики, отам мени се-вар, онам бўйнимдан қучоқлаб эркалар эди. Улар билан бирга яшар экан, бошимга нималар келишини ўйламас эдим. Янги кавуш-маҳсилар, қатор-қатор шол рўмоллар кўрмасам ҳам, гам-ғуссалардан узоқ турардим. Тоға етти отанинг ўрнини тугади, дер эдилар ўтганлар. Йўқ, бу тўғри эмас экан. Ота-онам арзмаган бир иш учун қоронғи бир кечада, ваҳший босмачилар панжасида типирчиладилар. Уҳ... ўлдилар. Молларим таланди, бор-будимиз ёввойиларга ўлжа бўлди. Мен у кечада уйда йўқ эдим. Эрталаб воқеани эшитдим. Рангим ўчди, таң-

ларим титради. Қиш кечаларида кўчада кийимсиз қолган бир етим каби совқотиб кетдим. Бордим, қариндошлар йиғилган эканлар. Кўрдимки, отам ханжар билан жанда каби титилган, онам бир оқ қарс каби қизил қонга бўялган ҳолда ётардилар. Уларни қучоқладим, ўпдим, тўйиб-тўйиб йиғладим, сочларимни юлиб ташладим, сўнгра бир қанча вақт ҳушдан кетиб қолибман.

Қундуз буларни тоғасининг қўшни қизларидан бирига сўзларди. Унинг овозидан заиф бир мусиқа фарёди учгандек бўларди. Тоғасининг хотин-болалари қидириб кетган, ул эса уй пойлаб қолган эди. Ул буни жон билан тингларди. 10

— Мана бу кун,— Қундуз давом этди,— мен тоғамнинг ҳовлисида бир йил яшайман, бир йил! Ота-онам тириклигида келганимда, ойиларим «келинг, Қундузой» деб севиниб қарши олар, болалари «опажон» деб белимдан қучоқлар, тоғам бўлса «кел, жон қизим, сени соғиниб қолибман», деярди. Мен нақадар севинардим. Энди у сўзлар йўқ. Ойиларим «Қундуз жинни», тоғам «падар лаънати» деб чақирадилар. Энг ёмон, энг ифлос ишларини мен қидаман. Фақат, нима қилай, уларнинг ўз турмушлари ҳам жуда огир... Уҳ... ота-онам билан бирга ўлиб кетсам бўлмасмиди. 20

Қундуз жим бўлди. Дугонаси нима дейишини билмай, ичидангина бир оҳ тортиб, унинг маъюс кечмишига ўртоқ бўлган эди.

Эргаш, Қундузнинг тоғаси, камбағал бир оиланинг соҳиби, ул ўз бошидан бир қанча қийинчиликларни ўтказди. Уч-тўрт болали бир оилани боқиш унинг учун анча қийин эди. У очлик йилларни кечирди. У вақт ўзи топган нарсалар билан оилани таъмин қила олмади. Шунинг учун қишлоқнинг катта бойи Бўронбойдан икки баробарига бирмунча пул кўтариб ейди. 30

Ортиқ очлик йиллар ўтдилар. Фақат очлик йилининг булутлари унинг бошидан ўз сояларини ҳануз кўтармаган эди. Ул қарзларини ҳали ҳам тўлай олмади. Ишлов учун ёнида бир киши бўлмаган киши албатта азоб чекади. Бир ёқдан қарзлари, иккинчи ёқдан тўй қилиниши керак бўлган икки ўғилнинг улғая боргани уни қийнардилар. 40

Одатдагидай у кун эрта билан ҳам Бўронбойнинг хизматчиси эски қарзларини сўраб келди. У Эргашга қариндош бир киши ва Қундуз отасининг укаси бўлган

нидан хўжайиннинг нақадар газаб билан юборганини унга билдирмасдангина сўради.

— Хўжайин,— деди,— охириги мартаба сиздан пуллари сўрадилар.

— Яхши,— деди Эргаш,— бугун ўзларининг олдиларига бориб бир бир ёқли қиларман.

Эргашни ортиқ даражада ўй босди ва нима қилишини билмай боши айланиб қолди.

10 Бўронбой бугун эрта билан маълум масалалар устида гаплашмоқ учун масжиднинг домудулла ва сўфисини чақиртирган ва уларни кутиб ўтирган эди. Ул меҳмонхонага янги кўрпачалар солиб, сандалга олов қилдирди. Уйига овқат ҳам буюриб қўйди. Кўчадан азон намозини ўқиб кетаётган одамлар ҳам ўтиб бўлдилар.

Бўронбойнинг хизматчиси қўл қовуштириб, дарвоза оғзида турмоқда эди. Бўронбой меҳмонхонада ўтирар экан, ташқаридан овоз эшитилди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

20 — Марҳамат тақсир, марҳамат...

— Бўронбой уйдадилар?

— Шундай тақсир, марҳамат қилсинлар.

•Бўронбой уларнинг келганини англади ва ўрнидан туриб эшик оғзига чиқди-да:

— Қани марҳамат, тақсир, марҳамат!— деди.

Домулла қўлида тасбеҳ ва калтаги, оёғига эски кавуш-маҳси кийган, кичкинагина бир салла ўраган, сўфи эса эски кийимлари билан қалтираб, домудуланинг орқасидан, патаклари кўриниб турган бир кавуш кийгани 30 ҳолда меҳмонхонага кириб келди.

Домулла:

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Сўфи:

— Омин, биз келдик, бало келмасин!— деди. Улар сандал атрофига ўтиришдилар. Домулла фотиҳа ўқиб ташлади. Сўфи пойгоҳ томонда ўлтириб, сандалнинг ичига кириб кетган каби кўринар ва меҳмонхонани кузатар эди.

40 Бўронбой уйга кирди. Улар бир фасл жим қолдилар. Нон, чой, қант-қурслар чиқарилди. Улар учун махсус тайёрланган киш эрталарининг мазали овқати — оқ чой ҳам ичилиб бўлинди. Домулла дунёнинг борди-келдиларига тақалиб, бир нафас гап сотди. Сўфи, Бўронбой ҳам

гапга ора-сира қўшилиб турдилар. Энг сўнг Бўронбой ўз плани юзасидан гап бошлади.

— Тақсир, ўзингизга маълумки...

— Хўш,— домулла гапни бўлди,— эшитайлик.

Сўфи:

— Гапирсинлар!

— Эргаш мендан бир неча сўм қарздор. Бир неча марта яхшилик билан сўрадим, бермади. Кўп марта хизматчини юбордим, ҳийлакорлик билан қутулди. Ахир кеча олдимга келиб ялинди. Ҳеч нарса йўқ, дейди. Мен нима қилишни билмайман. Ул яна бир оз кутинг, дейди. Кутишга менинг тоқатим йўқ. Ахир, замон бундай хавфли бўлса!

Сўфи:

— Шуни айтинг-а...

Домулла масалани бошқача қўйди:

— Биз билмасак, тагин ўзингиз биласиз!

Бўронбой мағрурона сўзлади:

— Бу тўғрида меним бир фикрим бор.

Улар иккови бирдан гапирадилар:

— Қани айтинг!

— Билсангиз керакки, тақсир, Эргашнинг бир жияни бор. Эргаш ўз оиласини боқолмаган, қарзларини тўлай олмай ётганда, уни боқиш, албатта оғир келади. Шуни мен сизлар орқали сўратмоқчи ва қарзларимдан кечиб юбормоқчи эдим.

Домулла қўрққан каби ясамалик билан рангини ўчирди. Сўфи довдираб, у ёқ-бу ёққа қарамоққа бошлади.

Домулла:

— Замон бундай ёмон бўлса, сиз иккинчи хотин ўрнига учинчисини олмоқчи бўласиз! Бу ёмон бўлмайдими, бой?!

Бўронбой домулланинг «тилагини» англади ва қўли билан бир қанча қоғоз пулни узатди-да, кулиб қўйди:

— Сиз-биз иттифоқ бўлсак, ҳеч нарса бўлмайди, тақсир.

Домулла ҳиссасини олиб қувонди:

— Албатта, албатта, жонимиз билан хизматингизга тайёрмиз!

Бу ҳолни кўрган сўфи менга ҳам тегарми экан деб бой ва домулла томонига зирак-зирак қараб қўяр эди.

— Демак, бу ишни қачон тўғрилайсиз?

— Аввал бизга жавоб беринг, никоҳни қандай ўтказамиз?

— Замон кўп ёмон. Илгариги орзу-ҳавасларнинг толлари кесилиб кетган, тақсир! Сизга ўхшаган уч-тўрт соҳиби қуллар билан яширин никоҳ қиламиз, қўямиз!

— Хўп, бўлмаса, биз шу ишни бўйнимизга олдик.

10 Бўронбой жуда шод бўлди. Улар бир-бирларига ясама ҳурматлар билан тарқалишдилар. Бўронбой ўз режасини маъқуллашгани, домулла эса бир даста пулга эришгани учун хурсанд. Сўфи ҳали ҳам бир нарсадан умидвор бўлгандай домулланинг қиссасидан кўз олмасдан кетмоқда эди.

Бўронбой ўзининг келишмаган қомати, пахмоқ соқоли билан бу сафар учинчи мартаба чимилдиққа кирди. У билан масжид домулласи ўртасида бўлган план оз бир ҳаракат билан бажарилди. «Соҳиби» ақл мулланинг илтижоси, Бўронбойнинг қарздан кечгани устига берган озгина пули Эргашнинг тилини боғлади, ул ҳеч нарса дея олмади.

20 Ярим ишқибозлик билан ясатилган бир уйда эски палаклар ёйилган, кўҳна бисотлар осилган эди. Унда уч-тўрт кампир камшик тишлари орасидан кулгилар тўкиб ва Бўронбойнинг икки хотини қовоғидан қор ёғиб қимирлашиб турадилар.

Ташқарида домулла, сўфи ва ўзига тузук қўшниларидан иккитаси гаплашиб ўлтиради. Бўронбойнинг хизматчиси Турғун, шўрлик Қундузга ачинганидан бўлса керак, ҳеч кулмай, тез-тез уйга заҳар сочгандек қараб қўярди.

30 — Ойим пошша, ҳа жонидан, нега бунча хафа бўласиз.

Қундуз Бўронбойнинг ёнида ўзини қафасга тушган бир қуш каби сезарди. Бугун кийгизилган дока кўйлак унинг нафис танларига тикан сингари қадалмоқда. У тўйиб-тўйиб, тўлиб-тўлиб йиғларди.

Бўронбой унга тагин яқинлашди. Қўлини унинг елкасига ташлади ва;— Ҳой, дардингиз урсин, ойим қиз! Шу қадар ҳам бераҳм бўласизми? Бизга бир қаранг, ўлдирдингиз-ку, ахир!— деди-да, бир «оҳ» тортиб қўйди.

40 Қундузнинг елкасига унинг қўпол қўллари лангар чўп каби ботиб, бир заҳарли илон каби чирмашиб кетди. Ул асабийлашган эди. Уни силкиб ташлади-да, узун киприк-

лари орасидан унинг тулки юзларига бир дард билан қараб қўйди.

Бечора Қундуз... Бойга хотин бўлиб тушгандан кейин, унинг келинчаклик, эрка дамлари бир ел каби эсиб, бир қуш сингари учиб кетдилар. Ул икки кундош орасида икки тош ўртасида эзилгандай бўлиб, қўғирчоқ каби ўйнайтурган бир нарса бўлиб қолди. Ул уйдан эшикка зўрға чиқади. Уни бир фасл ишсиз кўрган кундошлар ҳовлиқиб, дарров таъна тошларини ота бошлайдилар.

Бугун ҳам арзимаган бир нарса устида шундай воқеа юз берди. Катта кундош олов каби ёниб кетди: 10

— Ҳа, бўйингни тупроқда кўрайлик сен асрандини, нимага юрибсан?!

Қундуз ялиниб гап бошлади:

— Хўш, нима қилдим, ойижон?!

— Ул қилдинг, ҳали бир нарса қилмоқчи ҳам эдингми, қаро ер!

— Йўқ, йўқ, мен сиздан гуноҳимни сўрайман!

— Биз нима десак, шуни қилишинг керак. Ул десак — ўл, тирил десак — тирил, ер юткур!... 20

— Нима, кундош бундай бўлмайди-ку! Мен сизларга хотинманми, Бўронбойга?!

— Бўронбойга хотин, бизга чўрисан, чўри, англадингми? Қарзга сотилиб келганингни унутдингми, бўз тупроқ?

Қундузнинг хўрлиги келиб кетди. Ул йиғлаб гапира кетди.

— Ер ютсин, хонавайрон бўлсин тоғам Эргаш, худое ўз нафсим деб мени шундай кунларга солган... Бу сизнинг ҳовлингизда менинг келинчак бўлиб шойи кўйлаклар кийганим, шол рўмоллар ўраб, бошқа бой хотинлари каби ҳар кун ойнакка юз марта қараб таралиб, қошимга ўсма, кўзимга сурма қўйганимми? Қариндошларга боргани қўймайсиз, ҳовлида тинч ўтқизмайсиз. Қаро ерга борсин бойингиз ҳам, сиз ҳам. Кошки ўлсам эди, қутулиб кетардим. 30

Ул ичкари уйга кириб кетди. Орқадан отилган қарғиш тошлари, ер ёрилса, уни ерга киргизиб юборар эдилар. Қундуз бир тўплам пахта ва олдига чархни олиб ип йигира бошлади. Кўзидан ёшлар томмоқда ва секин-секин ичидан дардли бир ашуланинг оҳанги эшитилиб турарди: 40

Чархим таноб ташлайди,
Бир балони бошлайди.
Кундошлиги қурсин-е
Кунда уруш бошлайди.

— Болангиз ўлсин, бағрингиз куйсин, сиздай кундошни, худоё, менга шундай туҳматларни тақсангиз...

— Туҳмат эмас, қаро ер! Ишингни билиб қилсанг бўлмас эдимиз?

10 — Мен ўз амаким билан шундай ифлосликни қиламанми, илойим болаларингнинг эгилигини кўрманг!

— Бўлмаса нега бунча Турғуннинг мижғига тиқилиб кетдинг, отинг ўчкур!

— Сизники ўчсин, илойим. Нима қилай? Сиз моховлар билан гаплашиб нима орттирдим? Сиз қаро ерларни кўрсам, кўзимдан ёш, бағримдан қон томади, биласизми? Диққинафас бўлиб ўлайми, ахир?

Кеча шундай бир воқеа бўлди. Турғун билан Қундуз ўртасидаги дўстликни кўролмаган кундошлар Бўронбойга «хотининг ўйнаш топибдир» деб иғво қилдилар. Шу ўртада катта жанжал чиқди. Бўронбой Турғунни ҳам, Қундузни ҳам ўлгунча урди. Турғун чидамади ва ўзига кучи етди-да, бу даргоҳдан бош олиб чиқиб кетди.

20 Турғун ўз устидаги ёлғон ва иғволарга чидолмай, бойникидан чиқиб кетган йили қишлоқда ер ислоҳоти ўтказилди. Унга Бўронбойнинг қўриқдаги бир бўлак ери тегди. Ҳукумат томонидан қўш ҳўкиз ҳам берилди. Турғун белини маҳкам боғлаб, бир йил ишлагандан сўнг-ра анча ҳосил олди. Ул шу ердан кичкина бир уй солиб, хотин ҳам олиб олди.

30 Турғунни қишлоқ фаоллари ишга тортдилар. Ул мажлисларга юра бошлади ва тез кунда анча нарсаларни тушуниб қолди. Шу йилнинг кузида ариза бериб, фирқага ҳам кирди. Ул ҳозир аввалги Турғун эмас. Унинг оёғи ҳам янги мўкки кўрди. Мажлисларга ва ишларга кийиб борадиган махсус кийимлар тиктирди. Ҳатто, ул қишлоқда очилган саводсизликни тугатув курсига ҳам давом қила бошлади.

1926 йилнинг охириги ойлари...

40 Турғун бойдан кетиб, ўз турмушини қура бошлаганига бир ярим йил бўлаёзгандан кейин, Қундуз уникига келадиган бўлди. Бугун эрта билан ҳам ул паранжига ўралгани ҳолда иккита нонни рўмолга ўраб кириб келди. Саломлашдилар. Уни Турғун ва хотини ўрнидан туриб

қарши олдилар. Қундуз жуда ориқ. Устидаги кўйлагининг ҳам бир неча мартаба ямалгани кўриниб турарди.

Улар янги солинган айвонда ўлтирар эдилар. Айвоннинг токчасида янги газета ва журналлар тахланиб кўйилган ва бир неча катта-катта ҳарфлар билан ёзилган китоблар турар эди. Турғуннинг хотини чой қайнатиб келди, нон чиқарди, ўлтириб гаплашиб кетдилар:

— Қалай, тинчмисан, Қундуз?

— Гўрдами, амакижон, ҳали ҳам жонимни сиқиб олдилар. Сизникиларга келганимга авваллари қанча жанжал қилдилар. Бой, қаро ер, урди. Энди бир оз совубми қолдилар. Лекин, бир ёққа борсам, заҳар соча бошлайдилар. 10

— Барибир, сен улардан ажралмасдан туриб тинч бўла олмайсан. Мана ҳозир шаҳар хотин-қизлари паранжиларини ташламоқдалар. Қишлоқларда ҳам секин-секин ташланаётибдир. Очилган хотин-қизларга ҳукумат мактаб, клуб, ҳатто иш уйлари ҳам очиб беради. Қишлоғимиздаги хотин-қизлар очила бошлагандан сўнгра менинг хотиним билан бирга очиласан, ҳам бойдан чиқасан, хўпми? 20

Ул бир оз уялди. Бу гаплар унга пором келганидан, таналари бир даража ором олгандай бўлди. Уялибгина сўради:

— Диним бузилмайдими?

— Дин, дин, деб ўтирсанг, бундан ҳам баттар бўласан. Бундай қийинликлардан қутуламан десанг, ундай бўлмағур нарсалардан кечишинг керак! Ул рози бўлди.

Хайр бўлмаса...

Овчи ўз боғига қўнган каптарнинг тирик қолувини ҳеч бир истамас эди. Лекин нима қилсин, унинг миштиқлари синиб қолган эдилар. 30

Қундузой Бўронбой билан бир неча йил турмуш кечирди. Лекин бир нафас ҳам роҳат кўрмади. У шу бургутнинг панжасида роҳат кўрувни истамас ҳам эди.

У кунларда Қундузойнинг егани заққум, ичгани заҳар бўлди, заҳар. Бўронбойни кўрганда ўзини вабо ваҳми босган каби сезган Қундуз кундошларининг турткисидан ҳам ипдай бўлиб қолган эди.

Ортиқ у кунлар ўтган эдилар.

Қишлоқда «хужум» йиллари шиддат билан ўсиб турарди. Ҳар кун янги хабарлар устига янги гаплар келиб кўшиладир. Бўронбойнинг ҳовлисида ҳадеб очилган хо- 40

тин-қизлар, куйдирилган паранжилар устида сўз бўлади.

Қундуз дарвозага чиқиб, унар-унмасга кўчага қарайди, камбағал хотин-қизларнинг паранжисиз, соф ҳаво ичиб ўтаётганларини кўриб, юраклари эзилиб кетади. Амакиси Турғуннинг тунови кунги гаплари эсига тушиб, унга ёруғ кунлар келуви яқин эканлигини ўйлаб, ғайрат отларига минади-да, дардли кўнглига тасалли беради.

10 Шу воқеалардан сўнгги уч-тўрт кун Қундузга бир йил каби узоқ кўринди. Ул чидаб туролмади. Олтинчи куни амакисиникига бориб, унинг хотини билан бирга очилди ва эртаси куни амакисининг йўлбошчилиги билан бойдан чиқди ҳам унинг уйига кўчиб келди.

Разил, огир турмуш зийрак, доно Қундузни ҳаёт қучоғига кучли бир курашчи қилиб отди. Ул ғунча эди, ҳаёт баҳорининг зилол саҳаридаги юмшоқ еллар уни очиб кетдилар.

Қишлоғида очилган бағри қон лолаларнинг кўркамларидан эди ул...

20 Ул ортиқ Бўронбойнинг вабо хабарини бергувчи ваҳмали гавдаларидан, кундошларининг қийноғидан бутунлай қутулди. Қуёш қаршисида эриб, ерларга сингиб кетган бир қор каби унинг аламлари ҳам битиб кетдилар. Ким билади, балки Бўронбойнинг уйида заҳарли, фожиали аҳволлар юз бераётгандир...

Қундуз ҳар бахтини турмушдаги курашдан изларди ва унинг яқин дўстлари амакиси Турғун ҳам унинг хотини Гулнор бўлиб қолган эди.

30 — Бизнинг ҳаракатимиздан ҳамма хабардор бўлиб қолганга ўхшайди, домудла, «уни» тезроқ тамом қилмасак бўлмайди!

— Ҳа, нима бўлибди, тагин, бой?!

— Кеча самовархонада Эшмат шундай деган эмиш:

Хотини очилиб чиқиб кетгандан бери Бўронбойга бир бало бўлибди. Ҳар вақт бир чойнак чойни беш тийинга олиб, самоварда қимирламасдан эртадан-кечгача ўтирадиган эринчоқ киши, оёғи куйган товуқ сингарин атрофга зир-зир югуриб қолди. Бунда бир ҳикмат бўлса керак.

40 — Тил деганнинг суяги бўлмайди, бой. Улар гапира берсинлар, биз эса шу кеча ишни тамом қилайлик!

Қундуз бойдан чиқиб кетгандан кейин ҳар бир ишга аралашиб кетди. Ҳар куни кўчада очиқ-сочиқ бир кўп одамлар билан ўтиб туради. Бу иш Бўронбой учун номус

эмасми, ахир! Ул нима учун танасига кулла, бошига салла қўйиб одам бўлиб юрибдир! Бунсиз ҳам унинг ўзи зўрға юрган эди-ку!

Бўронбой билан домумла шу ҳоллардан сўнгра Қундуздан интиқом олув ҳаракатига тушдилар. Бу кеча мақсад юзасидан иш кўрув вақти келган эди. Шунинг учун вақт хуфтондан ўтиб кетган бўлса ҳам домумла уйига кетмади.

— Домумла, энди мен қимирлай берай.

— Майли, ҳамма нарсангиз тайёрми?

10

Бўронбой эски тўн кийиб, белини маҳкам боғлаб олди. Чаққон ва энгил мўкки ҳам кийди. Суяк дастали ярқираб турган ўткир пичоғини мўккининг қўнжигга жойлади. Қора бир рўмол олиб, кўзидан бошқа ерларининг ҳаммасини ёпди.

— Қани, бир фотиҳа беринг, домумла!..— домумла ихлос билан қўл-қўтарди.

— Омин, йўлингиз оқ йўлда, ишингиз ҳақ бўлсин, оллоҳу акбар!

Қоронғи, ваҳимали бир кеча. Ой йўқ, юлдузлар ерни 20
ёрити олмайлар, қишлоқнинг узун ва кенг кўчалари мазористон қора ва зим-зиё кўриналар. Баҳор ойларининг қоронғи кечаларидан бири. Бўронбой секин-секин қимирлайдир. Ҳар ерни пийпаслаб ўзига зўрға йўл топиб бораётган бу одам, дарахтларга урилиб кетганда юраклари ўйнаб кетиб, у ёқ-бу ёққа қараган бўладир.

Узоқдан лайлақларнинг «ув, ув» деган ваҳимали қичқирувлари эшитилар. Ҳовлилардан итларнинг мағрур товушлари юксаладир. Шунда Бўронбой тўхтаб-тўхтаб 30
қоладир. Баъзи-баъзи номаълум махлуқларнинг заиф фарёдлари келадир. Дарахт ораларидан, барглар қўйнидан қушларнинг шитир-шитир қимирлашлари эшитилар. Бўронбой паст деворлардан ошар экан, туртинадирда, қайси бир деворларнинг гувалақлари қўпорилиб тушадир.

Қоронғи, ўлим севган бир кеча...

Бўронбой анча юрди. Катта кўчалардан кичкина, тор кўчалар қўйнига кириб йўқ бўлди. Ҳар ёқ тинч, ҳамма маст уйқуда. Оқ бечора одам... ким билади, балки биттаси ширин-ширин тушлар кўраётган, балки биттаси кел- 40
гусидаги хушбахт дақиқаларидан эртақлар тўқиб ётгандир. Балки гуноҳсиз, номусли бандалар «интиқом эрлари»ни ва ўлим соатларини кутаётгандирлар.

Бўронбой Турғуннинг бурчагидан тушиб аста-секин кела бошлади. Мўкки орасидаги суяк дастали пичоқни ҳам қўлга олиб «қодир худо»ни эсига туширди.

Ул айвон олдидаги ўчоқ орқасига яшириниб, ҳовлини кузата бошлади. Райҳон олдида катта бир жой солинган, унда икки-уч одам ётгандек кўринади. Айвон ичида кичкина бир жой, ёлғиз киши ётганга ўхшайди.

10 Оқ бечора Қундуз, бу сендирсан. Бўронбой энди айвонга қараб юрди. Қон томиб турган кўзлари билан маст уйқунинг асири бўлган Қундузни кўрди. Ул шошди. Устидан тушиб кўрпани олиб унинг устига ташлади ва бошидан босди, пичоқни эпчиллик билан Қундузнинг биқинига солди. Қундуз уйғониб кетиб, «дод, ўлдим» деб кучли бир талваса қучоғига ташланди.

20 Бўронбой маҳкам босадир, Қундуз типир-типир қилади. Ортиқ ул жон талвасаси билан пичоқни ушлади. Яна бақирди. Райҳон олдида ётган Турғун ва Гулнор уйғониб кетдилар ва югуриб кела бошладилар. Бўронбой пичоқ билан Турғунга қараб отилди. Гулнор ёрдамга етди. Бўронбойнинг қўлини қайира олувга улгурган Турғун уни йиқитиб олди ва қўлидаги пичоғини отиб юбориб маҳкам босди.

Гулнор дарров чироқ ёқди. Турғун Бўронбойнинг қора рўмолини йиртиб ташлаб уни таниди. Бўронбойнинг оппоқ соқоллари титрар, тиллари калимага келмасдан валдирар экан, Турғун уни бир-икки тепиб олди.

Шовқин-сурон натижасида қўшнилар уйғониб йиғилиб қолдилар. Ортиқ Бўронбой қўлга тушган, қоча олмас эди.

30 Улар айвонда йиғлаб ётган Қундузни келиб кўрдилар. Унинг қўлтигидан, қўлидан қип-қизил қон оқиб турарди. Дарров қўшнилар ва Қишлоқ шўро раиси Қундузни дорихонага, Бўронбойни соқчилар идорасига олиб кетдилар.

Тонг ҳам ёриша, кўчаларда далага кетаётган ёш йигитларнинг овозлари ҳам кела бошлади.

Бирмунча вақт ичида Қундуз даволаниб чиқиб, ўз ишида давом этиб кетди.

40 Ҳаёт тонг, Қундуз ва у каби дардли диллар очилмаган ғунча, Бўронбой кечадан қолган қора бир чироқ, «ҳужум» ҳаёт тонгининг кучли, юмшоқ шабадаси эди. У шабада, минглаб ғунча-чечакларни очиб, кечадан қолган қора чироқларни ўчириб кетди.



Ҳамид Олимжон қаламқаш дўстлари Ғафур Ғулом, Зулфия ва Ойбек билан. 1943 йил.

БИР ҚУЛОҚНИНГ ОТИ УЧДИ

Жўра ҳожини соқчи ҳайдаб келиб, қора курсига ўт-қизди. Ул сийрак соқол, ўрта бўйли, сариқ ва кучсиз бир чол, оёғидаги эски калиши билан енгил-енгил қадам ташлаб, ичкарига кирди. Жўра ҳожи устидан қараганда, ҳамма нарсадан тарки дунё қилган, ҳеч нарса билан иши бўлмайдиган мўмин ва мусулмон бир одамга ўхшайди. Ул курсида ўтирар экан, дам ерга, дам шипга ва баъзан олдидаги суд столига қараб қўяди. Гувоҳлар столида

10 ҳеч ёққа қарамасдан, бирмунча ёш йигитлар ва йиртиқ чопонларга бурканиб олган хотин-қизлар ўтирадилар.

Қизил чойхона бугунги судни томоша қилмоқ учун тўпланган қишлоқ деҳқонлари билан лиқ тўла.

Қизил алвон тўшалган стол ёнида суд саркотиби алақандай қоғозларни титкилаш билан машғул. Ул баъзан гувоҳларнинг келган-келмаганликларини ҳам текшириб туради.

Суд столида уч ариза бор. Бу уч ариза бир воқеа устида уч хил тил билан гапиради. Биринчи ариза, биринчи сатрларда қадди-қоматини кўрсатмак истадигимиз муштумзўр Жўра ҳожининг тили билан сўзлайди. Иккинчи ариза Қорабойнинг «жабр-ситами»га дучор бўлган бир батрак хотиннинг арзи додини тасвир қилади. Учинчи ариза эса шу муаммонинг калитини ўз кўнглида яширин тутган ва қишлоқ камбағаллари ўртасидаги ажралишнинг бош қаҳрамони жинояткор Жўра ҳожининг кураш тактикасини фош қилади.

20

Бу воқеа бошида бу сатрларни кўздан кечиргувчи азиз ўқувчининггина эмас, балки шу муаммонинг изини ахтарган қишлоқ батраклари, судга йиғилган томошабинлар ва ҳатто терговчиларнинг ҳам бошини қотирган. Лекин суд бизга ҳақиқатни бундай деб кўрсатади:

30

Кўклам. Бу йили кўклам улуг ўзгаришлар кўклами бўлиб келди. Якка ва тарқоқ хўжаликлар уюшиб, коллектив оилалар тузишга киришдилар. Қишлоқ ўзининг юрагига асрлардан бери ўргимчак каби уя қўйиб келган хусусий мулкчилик туйғуларига қарши бирлашган жабҳа билан ўт очди. Қишлоқнинг батраклари, камбағаллари ва онгли ўрта деҳқонлари уюшиб янги колхоз туздилар. Эски чегаралар ва тарқоқ бўлинишлар бита бошлади. Омочларнинг оғир ва ялқов қимирлашлари ўрнига тракторнинг мағрур товушлари ҳаволарга титроқ бериб юксала кетди. Қишлоқ ўзининг асрлик туйғуларига барҳам бериб муштумзўр, бой ва руҳонийларнинг сочаётган заҳарларига қарши қўзғалди. Жўра ҳожи каби данғиллама иморатларда кўкрак кериб, батраklarнинг жон ва қонлари ҳисобига айш-ишрат қуриб ётган кишиларнинг ҳаётига энг сўнги дақиқалар келдилар. Уларнинг ерлари колхозларга олиб берилиб, унга пахта программасининг уруғлари сочилди. Данғиллама иморатлар колхозчиларга уй-жой, мактаб ва роҳат уйларига айлана бошладилар.

Жўра ҳожи бу кучли трактор оқимининг зарби билан йиқилди. Лекин ўлар олдида ҳам ўз қароргоҳини осонлик билан қўлдан беришга рози бўлмади. Ул яширин ва сирли кураш жабҳасига оёқ қўйди. У англлар эдики, унинг бошига ёғилаётган барча фалокатлар ёлғиз қишлоқ меҳнаткашларининг самимияти ва мустаҳкам иттифоқидан келаётир. Унга шу иттифоқни бузиш ва шу бир синф кишиларнинг ўзаро ички курашлари ва чиришларини ташкил этиш керак эди.

У курашни очиқ равишда бошламади. Бир куни кеч-қурун ўз уйига эски чоракори батрак хотинини — Гулжамолни чақиртириб келтирди ва унинг онгсизлигидан фойдаланиб, ўз йўлига солди. Гулжамол колхоз аъзоси Носирнинг хотини Саломатга бориб деди:

— Ҳой, Қорабой сени менга қўшиб қўйгин деб, кўп кундан бери ҳоли-жонимга қўймайди. Унинг колхоз тузишдан мақсади сени ўз эрингдан ажратиб, ўзига хотин қилиб олмоқ экан. Шу хизматини бажаришим учун менга бир қанча пул ҳам бермоқчи бўлди. Сен энди нима қиласан?

Саломат оғир ва ғамгин бир ўйга толди. Унинг уйига ҳар кун неча мартаба кириб-чиқиб, колхоз раиси билан гаплашиб, колхозни мустаҳкамлаш ва қолган батрак-

ларни ҳам колхозга тортиш тўғрисида кеча-кундуз тинмасдан ҳаракат қилиб юрган Қорабой Саломатнинг кўзларига ҳар хил рангда кўрина бошлади. Ул Гулжамолга бир сўз ҳам демади. Ерга тикилиб ўтириб қолганича, бошини кўтариб, эшикка чой карточкасини сўраб келган Қорабойга кўзи тушди ва нима дейишни билмасдан кўзи жиқ ёшга тўлиб Қорабойга тикилди.

10 Қорабой унинг кўз ёшларига сабабкор бўлган фалокатдан хабарсиз эди, ул жуда хафаланди ва юпатгувчи бир оҳанг билан ундан сўради:

— Нима бўлди, синглим?

— Қорабой ака,— деди хотин,— мен сиздан...

Қорабой шошиб қолди ва тез-тез калта-калта сўроқлар ташлай бошлади.

— Хўш, хўш, гапир, синглим!

20 — Мен сиздан,— деди Саломат,— шундай умид қилган эдимми? Сиз ҳали бизни шундай ният билан колхоз қилдингизми? Воқеани англагандан сўнгра Қорабой ва Саломат Гулжамолнинг олдига биргалашиб боришдилар. Гулжамол буларнинг иккаласига ҳам қутургандай ташланди. Хотин қочиб кетди. Қорабой ва Гулжамол анча сан-манга бориб тарқалдилар.

* * *

*

Воқеа терговда аниқланди.

30 Суд мажлисида Жўра ҳожи ўзининг таржимаи ҳолини сўзлаб берди. Ул инқилобнинг бошланғич даврларидан бошлаб ҳукумат ишларига аралашганини ва бир вақтлар Полвонкўли Жамоа шўросининг раиси ҳам бўлиб турганлигини гапириб келиб:

— Шўро ҳукуматига хизмат ҳам қилганман!— деб қўйди. Ул колхозни бузиш учун қилган жиноятдан тамом тонар, Гулжамолни алдаб ва пул билан ишга солганидан тамоман бош тортди. Ҳатто, бир неча кун жабран қамалиб чиққанини ва дорилахлоқда кўп қийинликлар тортганидан арз-ҳол қилди.

Суд раиси ундан сўради:

— Қорабойни танийсизми?

— Танийман.

40 — У қандай одам?

— Қора кўнгил ва ўтакетган бузуқбош!

— Сиз бунни қандай биласиз?

— Бизнинг бошимизга шу кулфатларни солган Қорабойдан бошқа киши эмас, тақсир!

— Колхозни бузмоқчи бўлганингиз ёлғонми?

— Ёлғон!

— Гулжамолга нега пул бердингиз?

— Ёлғон!

— Гувоҳларнинг сўзига нима дейсиз?

— Буларнинг ҳаммаси Қорабойнинг йўлидан юради. Ҳаммасини ўша йўлга солган!

— Сиз шу жиноятда ўзингизни гуноҳкор деб билмайсизми? 10

— Шундай, тақсир, умид қиламанки, мени оқлаб юборсалар.

Гувоҳлар бир-бир сўроқдан ўтдилар. Колхоз аъзолари Жўра ҳожининг колхозни бузиш учун қилган ҳаракатларини тасвирлаш билан чекланмасдан, унинг бу йилги қишлоқ хўжалик солиғини ҳам тўламай юрганлигини очиб бердилар. Жўра ҳожи ўрнидан шошиб туриб:

— Эрта тўлайман, тақсир!— деб қўйди.

Қизил чойхона жуда димиқиб кетди. Судга йиғилган кишилар борган сари орта бордилар. Суд сўроқни тамом қилиб, ҳукм мажлисига кирди. 20

Суд ҳукмини эълон қилгани чикқанда қош қорая бошлаган эди. Суд раиси Жўра ҳожининг юқоридаги жиноятлари учун бир йил қаттиқ қамоққа, қамоқдан чиққандан сўнгра Ўзбекистон миқёсидан ҳайдашга ва солиқни уч баробар қилиб ундиришга ҳукм қилганини эълон қилди, сўнгра муштумзўрларнинг кураш ва иғволарига ишонмасдан, меҳнаткашларнинг бирлиги учун кураш, колхозларни мустаҳкамлаш ва янги колхоз тўлқини тўғрисида узоқ сўзлади. 30

Меҳнаткашлар Жўра ҳожининг дорулахлоққа ҳайдалиб кетишини томоша қилиб қолдилар. Жўра ҳожи кетар экан, суд раисига қараб:

— Ҳамма нарсани қилган Қорабой бўлса-ю, жазони тортган мен бўлайинми?— деб ғудурлаб қўйди.

Колхоз аъзолари тўпланиб Қорабойни ўртага олдилар. Саломат ишнинг нимадан бошланганини ортиқ тушунган ва Жўра ҳожига қараб нафрат сочгандай бўлар эди. Даврада турган колхозчилардан бири бошини юқорироқ кўтариб: 40

— Яна бир қулоқнинг оти ўчди,— деди.

ОЧЕРК.ІАР

ЗАҲАРЛИ ЮРАК

Кузги бир оқшом

Изгирин заҳарли тиллари билан борлиқнинг юзидан ўпаётир. Юзлари саргайган ворам япроқлар титрашиб, айланиб-айланиб тўкилаётирлар. Томошага чиққан қизларнинг қизил рўмоллари тинмасдан изгириққа қучоқ кераётир. Паришон сочларнинг хивич толлари киприклари билан ўйнашиб, ҳар ёнга бир уйғоқлик билан қараган ўткир кўзларнинг игна йўлларини тўсаётирлар. Жонсарак йигитларнинг юшқа кўйлак устидан кийган ятаклари аста-секин елпиниб, бош ялангларнинг мажнун сочлари майсалар каби силкинаётирлар. 10

Юлдузлар кўкдан зар қўлларини узатиб, бу жонли ҳаётдан завқ билан бирон нарса олган каби эдилар.

Кузги бир оқшом. Кичик бир вокзалнинг қайноқ кечаси. Поезд кутамиз.

Бир кўп кишилар аллақандай шаҳарларга, олис-яқин жойларга кетмоқчи бўлиб чиққан, бир кўплар бу сафарни томоша қилмоқ орзусига кўнгила қўйиб йиғилганлар.

Бекат қўнғироғининг жараңлаган овозлари ҳамма-нинг танига қон берган каби бўлди. Ҳамма халта-хуржунни кўтариб, поезд тўхтайдиган темир йўлнинг ёнига бир девор сингари қатор тирашиб кетди. Бир қанча дақиқа ўтди. Қоронғилик ичида биз кутган азамат йўловчининг олов кўзлари ярқираб кўринди ва унинг найза киприклари қоронғилик бағрини тешиб кетди. Вокзал шамол қўйнидаги денгиз суви каби оқа бошлади энди. 20

Поезд келди. Ул чарчаган бир чол, курашдан чиққан бир полвон сингари ҳансирар эди.

Ҳамма ўз вагонига қараб ошиқа кетди. Мен ҳам бир вагонга илашиб олдим. Менинг орқамдан ҳеч ким чиқмади. Ундаги одамларнинг уйқу товушлари чўзилар ва бўш жой кўринмас эди. Мен ҳар томонга қарай бошла- 30

дим. Узимга мувофиқ ҳеч қандай ўрин топмадим. Вагоннинг эшик олдидаги пастки қаватида ўрта бўйли, кулча юзли, қора, шириндан келган бир йигит китоб ўқиб ўтирарди. Устидан ҳали ёз кийимини ташламаган, оёғига оқ ботинка кийган бу одам ҳар замонда оппоқ қўллари билан узун сочларини буралар ва уни тароқ билан тараган каби орқа томонга йўналтирарди. Унинг ёнида чиройли бир қиз дуторни қўлга олиб, юмшоқ бармоқлари билан ўз ҳисларини елпир, йигит дам-бадам бу куйдирма жон қизга сирли-сирли кўз ташлар, қиз ҳам пайтини топганда, унинг келишган қоматини диққат билан яхши-ёмонга ажратиб чиқар эди.

Мен жойсиз қоладиган кўриндим. Беш-олти станцияга текли тикка туриб борув кишини чарчатиб қўяди. Ўтирув учун эса бўш жой йўқ. Нима қилмоқ керак? Ҳалиги йигитнинг ёнига бормоқчи бўлган бўлсам-да, уришадими ёки уларнинг сирли суҳбатларига тикан бўларманми, деган ўйда қолдим.

20 — Ниҳоят, йигитдан рухсат сўровга мажбур бўлдим. — Кечирасиз, ёнингизда ўтирувга рухсат берасизми? Ул менга диққат билан юмшоқ бир кўз ташлади. Қиз, бармоқларига роҳат бериб, менга ва унинг оғзига тикилди. Йигит жавоб берди:

— Марҳамат, ўтиринг.

Ўтирдим. Ул яна китоб ўқувда давом этди. Қиз яна дутори билан сўзлаша кетди. Вақт бўлган эди, поезд ҳам йўлга тушди. Анча юрдик, ниҳоят ул китобини ёпди ва менга қаради:

30 — Қаёққа борасиз?

— Шаҳарга.

— Ўқув учунми?

— Балли.

— Қайси мактабга кирмоқчисиз?

— Округ таълим-тарбия техникумига.

Ул савол сўрашда давом қилди, мен кечиктирмасдан жавоб бера бордим.

40 Ул муаллимларнинг кўплари ўрис, улар бизнинг ўзбек болалари учун жон куйдириб ишламайдилар. Шундай вақтларда кўп қийинчиликка тўғри келар, шунинг учун кўпроқ китоб ўқув керак. Мактабдаги ҳар бир ишга аралашув дарсга халал беради. Улардан сақланув лозим, деб «насиҳат» ҳам бериб қўйди.

Шу ҳолда ярим станция йўл босдик. Ортиқ ул сўзловдан тинди. Вагонни оғир бир жимжитлик босди. Ташқарида поезднинг темир йўл устидан ғилдираклари бу жимжитликни бузиб, кўшиқ айтар эдилар.

Мен зерикдим. Дам қизга, дам унга қаровдан ҳеч тўймадим. Охири унинг ўқиган китобини кўрув ҳаваси ўзига тортди:

— Китобингизни кўрув мумкинми?

— Жоним, сиз буни англай олмайсиз, бу ўзбекча эмас.

10

Ул китобнинг муқовасини кўрсатди. Ҳақиқатан унда ёзилган нарсани ўқув менга қийин кўринди. Бир уриниб ҳам кўрдим. Лекин бўлмади. Унинг тепасидаги Номиқ Камол деган ёзувнинг сурати ҳали ёдимдан кўтарилганча йўқ.

Поезд қўрққан бир бола сингари орқага боқмай чопмоқда эди. Орқада қолаётган баланд-баланд тоғлар, кенг саҳролар бой бир хаёл каби сезилар эдилар.

Шаҳарга етишдик. Ул менга борадиган еримнинг адресини ёзиб берди. Мен унинг исмини сўраб олдим. Ул исми Халид дейди.

20

Сўнгра ул хайрлашиб ҳалиги қиз билан бирга автобусга тушиб кетди. Мен якка қолиб, катта вокзалнинг саҳнидаги Ленин ҳайкалининг томошаси билан овора бўлдим.

Тонг оқ чойшаб ёпинмоқда. Юлдузлар секун-секун ерга узатган қўлларини йиғиштирмоқда эдилар.

Қўлимдан келса

Мен Халид билан шаҳарда беш-олти мартаба кўришдим. Иккимиз бир-биримиз билан яхши ўртоқ бўлиб қолдик. Унинг табиати жуда ажойиб эди. Баъзан жуда эски бир ўртоқ каби сирларини ҳам яширмасдан айтар, баъзан эса бир бегона сингари ўтиб кета берарди. Мен уни кўп чоғларда бўялган хотинлар билан бирга кўраддим.

30

Бугун мен уни шаҳар ўртасидаги катта майдонда кўрдим. Баҳор фаслининг ойдин бир оқшоми эди. Ҳар томон кўм-кўк бахмал ёпинган. Дарахтлар орасидаги электрик юлдузлар каби порлаб, олтин тишларидан тўкилган ёғдулар билан япроқларни чўмильтирар эдилар.

40

Майдонга гуллар экилган, атрофларига янги скамейкалар қўйилган, бир четда озод ҳайкал — хотин атрофида болалари тургани ҳолда юксак кўтарилган занжирсиз қўллари билан электр чироғидай нур сочиб турарди. Ҳайкалга яқин бўлган катта клубга тинмасдан одам дарёси оқар ва томдаги радио карнайидан қўшиқ янграмоқда эди.

10 Майдонда қатор-қатор одамлар айланишиб юрардилар. У скамейкада ёлғиз ўтирар эди. Мен унинг олдига келдим. Кўришдик ва ёнига ўтирдим.

Ул жуда хафа эди. Мен сабабини англамадим. Нима деб гап бошловга ҳам ҳайрон эдим. Ниҳоят, ўз ишларим тўғрисида гапирмоқчи бўлдим ва комсомолга кирганимни севиниб сўзладим. Ул яна оғирлашди. Сўнгра аччиқ-аччиқ шикоятга бошлади:

20 — Комсомолга кириб сен бечора нима орттирасан. Ундан зарардан бошқа ҳеч нарса чиқмайди. Олган билимингни камбағалларга тарқат деб, узоқ алвасти қишлоқларга юборадилар. Натижада шулар билан овора бўлиб, шаҳардан, маданиятдан узоқлашасан, эҳтимол, нодон одамлар томонидан отилган ажал ўқи сени ҳаётдан мўнгу ажратар ҳам.

Мен жуда ажабландим ва ўзинга сўроқ бердим:

— Узингиз ҳам комсомолга аъзосиз-ку, менга бундай дейсиз?

Ул бир оҳ торгди.

30 — Ҳ... ҳамма қабохат шунда, мен ҳам аввалда билмасдан шу сабилга кириб қолганман. Энди қалай қилиб қутулишимни билмайман. Булар у деб — бу деб, кишининг эркини олиб қўялар-да, тўғри гапни гапиришдан ҳам қўрқадиган бўлиб қоласан киши.

Мен тагин сўрадим:

— Шу уюшмаларни хоҳламасангиз, қишлоқда ишловни ёмон кўрсангиз, мақсадингиз нима?

— Тўғри, мен буларнинг ҳеч бирини жиним севмайди, ҳеч бирини ёқтирмайман. Мен шундай турмуш истайманки, ҳамманинг эрки ўзида бўлса, мамлакатимиз озод яшаса.

40 Мен шошиб қолдим. Булар менинг мактабда эшитган гапларимнинг бутунлай тескараси эдилар. Ортиқ савол сўрашдан ҳам тўхтадим. Ул гапларининг менга ёқмаганини сизди шекилли, жим бўлди-да, бир дамдан сўнгра кетмоқчи бўлиб, ярим бир жиддият билан мени кинога

борувга таклиф қилди. Мен бормаслигимни билдирдим.

Ул ўрнидан турди-да, совуқ бир хайлашиб жўнади. Мен клубга қараб юрдим. Клуб эшигидан кирув олдида орқамга қараб уни ахтардим. Ул ҳалиги биз ўлтирган скамейканинг тўғрисида ўтириб, бизга жилва қилиб ётган хотин билан жипслашиб, қоронғилик қучоғига сингиб кетди.



Ел ва жоду

10

Бизнинг мактабимиз жуда кўнгилли эди. Шунинг учун ҳам мен унга келганимдан сўнгра Холиднинг бутун гапларини ячейкамизнинг котибига бир-бир сўзлаб бердим.

Ул:

— Ундай одамлардан узоқлашув керак. Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг, балоси юқадди!— деди ва буни унинг ячейкасига маълум қилувни менга топширди.

Мен уни бажардим ва Холид билан гаплашмайдиган, 20
уни кўрганда бошқа йўллардан юрадиган бўлдим. Мактабимиз шу қадар қизгин эдики, мени кўз ёшларини дарё қилиб жўнатган онам, хўрсиниб, деворларга суяниб йиғлаб қолган опам ҳам эсимга тушмас эди. Лекин Холиднинг гапларини ҳеч унута олмадим!

Бир кун Холид ўқийдиган мактабга борадиган бўлиб қолдик. Биз футбол ўйновга борган эдик. У мактабнинг катта боғи бор эди. Эшикдан кирганда икки томонга савачалар ўтқазилган тоза, салқин бир йўл, ўнг қўлда катта бир оқ уй, юра борганда чап қўлда яна бир тўда 30
иморатлар кўринар эди. Биз улардан ўтиб яна юра бердик. Икки томондаги ариқ лабларига ўтқазилган олмаларнинг япроқлари билан қўшилиб кўринган гуллари чиройлик бир палакни эслатар эди. Улар орасидан ерга қуёшнинг зар сувлари томиб турмоқда эдилар. Биз яна юришда давом қилдик. Яна бир қанча уйларни кечдик. Ниҳоят пастликка туша бошладик. Энг аввал катта бир ёнғоқнинг тегидан, сўнгра кўм-кўк зилол сувлар оқиб турган бир ариқчанинг нимжон кўпригидан ўтдик. Сув 40
кичик-кичик тошларга текканда, томчи-томчи бўлиб

ўйинга тушиб, яна бир-бировига қўшилиб оқиб кетаётир эди. Сўнгра бир катта иморатга етдик. Унинг кичкина-кичкина уйлари бор эди. Атрофда олма, ўриклар гуллаган, айниқса шафтолиларнинг пушти ранглари кишини жалб этар эдилар. Иморат орқасидаги кичкина майдончада бир тўда ўқувчилар чаққон кийимларда чопишиб юрарди. Улар жуда соғлом, кўнгиллари ҳам шод эди. Шу чоқ меним эсимга Холид тушиб кетди. Бир ўйланиб қўйиб, яна ўйинни томоша қила бердим.

10 Анча вақт ўтган эди. Бутун ўқувчилар ўйинни тўхтатиб, бирдан орқага қарадилар. Мен ҳам қарадим ва Холидни кўрдим. Ул қайишга боғланган кўрпа кўтарган ҳолда милтиқли бир киши томонидан ҳайдалиб кетаётир эди. Унинг ранги ўчган, бир нарсадан уялгандай юзи шувутли эди.

Ҳамма ҳайрон. Менинг юрагим бирон оловнинг шарпасини сезган каби эди. Улар ёнғоқдан ўтиб кўздан ғойиб бўлдилар. Мен ўзимга таниш бўлган бир ўртоқдан сўрадим. Ул:— Уйга юринг, сизга бир нарса кўрсата-

20 ман, дейди.

Мен рози бўлдим. У уйга боргунча Холиднинг мактабдан ҳам, уюшмалардан ҳам чиқарилганлигини сўзлаб борди. Ҳозирги кетув тўғрисида ул ҳам шубҳада эди.

•Биз уйга кирдик. Ҳалиги киши менга уйдаги бир тахтага ёзилган Холиднинг шу хатини кўрсатди. Ул бир шеър парчаси эди. Уқидим:

«Арш уриб боғладим белни
Буюк мақсадлар билан.
Бироқ жодуда қирқдилар
Елимни майда-майда».

30

Холиднинг «буюк мақсади» ва унинг нур сочиб, чечак очувига тўсқин бўлганлар, «ёлини майда-майда қилиб қирққанлар» менга маълум эдилар.

Энди мен Холиднинг ким эканига яна очиқроқ ва ойдинроқ тушунган эдим.

Биз уйдан чиқдик. Мен ташқаридаги қизгин, севинчли ҳаётга борлигим билан отилдим.

ҚУВА ҚҰЙНИДА

Қуёш ботиб, қош ҳам қорайди. Бу бўлимимизнинг икки ёқасига ясов тортган дарахтлар қора бир ҳайкал каби кўрина бошладилар. Олдимиздан, узоқда аста-секин жилаётган аравалар, извошлар, одамлар қора бир либос кийиб, қоронғиликка кираётгандай сезиладилар. Уларнинг баъзилари бизга яқинлашаётгандай, баъзилари узоқлашган ва баъзи бирлари қоронғилик туманига сингиб кетгандай бўладилар.

Ҳаво қора бир мрамр каби муздай салқин. Қуёшнинг қиздирғич нурларидан табиатнинг салқин танасида асар ҳам қолмаган. Кундуз оғирлик қилган ва танларни терлатган кийимларимиз ортиқ юпқалик қилаётирлар. 10

Кечқурун ем емакка одат қилиб қолган отларимиз, қадамни илдам-илдам босишга ҳаракат қиладилар. Баъзи-баъзида ўзларини хўжасиз каби сезиб лўкиллаб ҳам қоладилар. Жилонни маҳкам ушлаб бир силкиб қўяр эканмиз, яна илгариги оҳанг билан тошлар товуш чиқарадилар. Ётар жойимиз бекатда бўлганидан, қишлоқдан қайтар эдик. Биз олти киши бугунги йиғинлар ҳикоясини сўйлаб келамиз. 20

Биз, бутун ёппасига колхозлашган Қувани учинчи кун кўриб турибмиз. Эрта билан бекатдан бир чақирим узоқдаги Ленин колхозига бордик. Улар янги «Дон сепар» билан пахта экиб турар эдилар. Бизни колхознинг раҳбарларидан бир батрак эргаштириб борди. Йўлда ул, колхозда ишларнинг яхши бориши, дон сепмакка катта ҳаваслар билан киришганлари, бултур шу кунлардагина омов кирган ерларнинг бу йил ҳайдалиб бўлиб экилаётганлари тўғрисида бўлиниб-бўлиниб гапирдида, Отага 30 қараб ўркалаб қўйди:

— Ота, первой очередни олмасак қўймаймиз!

Эҳтимол, Ленин колхози биринчилиқни олар, эҳтимол олмас. Биз ҳали буни билмаймиз. Лекин бунинг бугани, кучли бир коллективнинг юрак уришлари нимага интилганлигига улуғ шоҳид бўлар эдилар.

10 Биз иш бошига борганимизда улар жуда ғайрат билан ишлаб турган эдилар, нариги полда от етаклаб бораётган бола овозининг борича қичқириб ашула айтар эди. Биз янги усул билан пахта экаётганлар жойинга тўхтадик. «Дон сенар»нинг отини тортиб боргучи йигитни Ота тўхтатди.

— Сиз у дон йўли билан бу дон йўлининг орасини жуда тор олгансиз, бунда жўяк тортиб бўлмайди.

— Қандай қилиш керак бўлмаса? — ҳалиги сўради.

— Олиб келинг, мен тузатиб, экиб берайин.

20 Ота ишга кириб кетди, беш-олти йўлни экиб, орасидан жўяк тортгандин сўнгра, тўпланишиб, озгина суҳбат қилдик. Улар яхши агрономларнинг бўлмаганидан, ҳозирги агрономнинг машиналарини ишлатишдан хабарсиз ва ҳатто «чигитни ҳозир сенманглар» деганидан шикоят қилдилар. Яна бири Ўзбекистонга янги келган бир агрономнинг қизиқ бир ҳикоясини сўйлаб берди.

Янги агроном келиб, теракни ва унинг оқ баргларини кўриб, пахта шу бўлса керак, буни қачон саварсизлар? — деб сўради. Мана бизда шундай агрономлар ҳам бор, улардан кўра ишнинг кўзини ўзимиз яхши биламиз.

30 Ота анча гапириб кетди. Уртоқларимиздан бири, ВКП(б)нинг колхозчиларга берган янгиликларни тўғрисида уқтириш билан машғул бўлди. Суҳбат тугаш олдида, орқадан бир ёш йигит қизиқ бир сўз сўзлади:

— Биз колхозимизнинг отини Охунбобоев қўйсақ бўлар экан?

— Нега? — биз сўрадик.

— Негаки Отамиз келиб бизни кўрдилар: Ленин отамиз бўлса ҳали ҳам келганлари йўқ.

Ҳамма кулишиб юборди. Уртадан бошқа бир киши туриб, унга жавоб берди:

40 — Ленин отамиз ўлган. У киши келмайдилар. Лекин, бизни шу кунларга етказган Ленин отамиз бўлгани учун колхозимизни унинг улуғ исми билан атаганмиз.

Ҳалиги йигит бошини қашлаб қолди:

— Ҳали шундай десангизчи, мен тирик деб юрибман.

— Рост айтасан, воқеан ул ўлгани ҳам йўқ!

Биз отда экинзорларни то кечгача айландик. Колхозчилар тўда-тўдага бўлиниб ишлайдилар, ҳам 30—40 кишининг устидан битта бошлиқ ва бир раҳбар юради. Бир жойда юздан ортиқроқ кишининг жўяк тортиб тургани устига бориб қолдик. Улар беш минут ичида катта бир пол ерни селдай босиб, жўяклаб чиқдилар. Улар билан ҳам анча суҳбат қилишдик.

Кун юксак тоғлар орқасига ўта бошлади. Биз Охун-10 бобоев колхозининг қизил чойхонасига келдик. Чойхонанинг олдидан катта бир ариқ ўтади. Ариқнинг устига қўйилган сўриларда ишдан қайтган колхозчилар ўлтирадилар. Чойхонанинг ичи жуда безантирилган, бир бурчакка марҳум Мирмуҳсиннинг расми ёпиштирилган ва ўртоқ Лениннинг катта сурати бор. Чойхона лиқ тўла.

Чойхонанинг қаршисида, йўлнинг нариги ёнида бир masjid бор, унинг дарвозаси олдида икки оқ саллали ва бир қора кийимли одам ўлтирадилар, улар қизил чойхонага келишга журъат қила олмайдилар.

Биз ўртадаги бир краватда ўлтирдик. Ота кўпчиликка бир қаради-да:

— Қани қандай гап-сўзларинг бор?— деб уларни кўзгатиб қўйди.

Ортиқ краватларга ҳам одам сиғмай бошлаган ва кўча ҳам тўлиб кетган эди. Тикка турганлардан дўппи кийган бир киши сўз олди:

— Биз колхозга энди чўчишиб келаётимиз. Бошда муштумзўрлар бизларга кўп иғво тарқатдилар. Ҳукуматга мардикор бўласизлар, ҳар кун бир қадоқдан нон оласан. Бутун ундирган-ўстирганинг ҳукуматники бўлади,— деганлар. Лекин ҳақиқат бизга бунинг чаппасини кўрсатди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ўзимизнинг оғир турмушимизни тузатиш, енгиллатиш учун қилинаётган экан. Домуллолар колхозга кирсанг, ҳамманг бир хотинга ётасан деб бизни қўрқутган эдилар. Буларнинг бариси ёлгон чиқди. Ҳамма гап кўпчиликда экан. Энди, ўлсак ҳам колхоздан ажралмаймиз. Болаимиз, чақамиз, молимиз, мулкимиз ва юрагимизни ҳам колхозга берамиз. Лекин ҳали кам-кўстларимиз кўп!

Бошқалар ҳам ҳар жойдан бир-бир сўзлаб ўтдилар. Бир қари киши колхозга кирганини сўзлаб берди:

— Болам, мен колхозга кирмакчи бўлганимда бошқалар, «сиз қарисиз» деб қарши турдилар. Мен: «шу йигитларинг билан чопиштириб кўр. Агар биттасидан кейин қолсам ҳам колхозга олма!» дедим. Ундан кейин олдилар, ҳозир ишлашиб турибман, ишларимиз жуда кўнгилли бораёпти. Бу сўзларнинг ҳаммаси қувватинг кайфиятига таржимон бўлар эдилар.

. Кун ботиб, қош ҳам қорайди. Биз отларга миниб йўлга тушдик. Ҳаво мрамар каби салқинлашган эди.

ИШТИБОҲНИНГ ТУГАЛИШИ

Аминжон қишлоғининг қумликлари орасида «Иккинчи беш йиллик» колхози тузилди. Колхознинг юзага келиш ҳодисаси жуда қизиқ бир тасодифга тўғри келди. Хўжалик ва ташкилий жиҳатдан мустақамлана бориб, планни ҳар йили бажаришга одат қилган «Ворошилов» колхози Аминжон қишлоғигача ўзининг йўғон қўлларини узатиб янги ер очар, қўриқларни ишга солар, экин майдонини кенгайтирар эди. Аминжон қишлоғининг якка-тарқоқ хўжаликнинг панжалари орасидан чиқа олмасдан 10 ётган камбағаллари юз йиллаб бекор қолиб, ёввойи ўтлар макони бўлиб кетган қумликлар, тепаликлар, баланд ва пастликларнинг янги техника базаси асосида юксалиб бораётган «Ворошилов» колхози қўлида қулоч етмас семиз пахтакорликларга айланаётганини кўрдилар. Бу ҳам оз. Улар «Ворошилов» колхозчиларига ўзларининг тўққиз таноб ерлари ҳам ўтиб кетганини билмай қолдилар.

Юқоридаги тарих устига кейинги кўнгилсизликнинг қўшилиши Аминжон қишлоғи камбағалларига қаттиқ 20 алам қилди. Улар «Ворошилов» колхозининг ранси Карвонни кўрар экан жаҳл билан жиддий туриб гапирдилар:

— Биз колхоз бўлолмаймизми? Уларнинг колхозга киришлари Карвон ва унинг ёнидагилар учун ҳеч қандай фавқулоддалик, заррача фожиа туғдирмас эди. Чунки илғор «Ворошилов» колхози уларнинг бугун бўлмаса эрта, албатта колхозга уюшажакларига ҳеч бир шубҳа қилмас, ҳеч қандай ғараз ҳам сақламас эдилар. Шунинг учун ҳам Карвон уларни қизиқтирмоқчи бўлиб тегажоғлиққа 30 тушди:

— Бўлолмайсизлар.

Карвон ўзининг жирттаки билан уларнинг елкасига лангар ташлагандай бўлди. Улар ичидан Карвонни еб қўйтургандай бўлиб тикилувчилар ҳам бўлди. Улар Карвоннинг ҳазилини тўла жиддийлик билан қарши олдилар.

— Бўлмаганимизни кўрсатамиз. Ана шунда гаплашамиз ҳам! Карвон ва унинг ёнидагилар уларнинг бу ҳаракатига ичдан жуда хурсанд бўлдилар. Улар буларга якка-ёлғиз хўжаликнинг жабри ортиқ қаттиқ эканини, Мулкобод участкасида энг мутаассиб бўлган бу халқнинг энди кўзи очилганини, уларнинг колхозлашиш йўлига қаттиқ қадам қўйганларини, колхозлашишга шубҳа ва хавф билан қарашнинг сўнги келганини ва уларнинг бу ўпкалатиш жараёнида тезликда колхоз тузажакларини аниқлади.

Аминжон қишлоғида «Ворошилов» колхозининг уч бригадаси ишлайди. Улар аввалги йилларда экилган ерларни ҳайдаш, трактор билан янги қўриқ очишга машғул. Шу гап асносида Карвон ва унинг ёнида турган партия ячейкасининг масъул котиби Йўлдошнинг фикрига уларни ўз колхозларига қўшиб олиш муаммоси келди. Карвон жуда ҳам кам гап. Йўлдош яна оз ва секин, оғир гапирди. Карвон гап ташлади.

— Бизнинг «Ворошилов»га қўшилмайсизларми?

Улар сув сепгандай жим, бир-бирларига қаттиқ тикилдилар. Якка хўжаликларнинг олдида Йўлчибой ва Эркабой акалар бор эди. Улар шу икковига қаттиқ ишонар, уларнинг сўзини ҳамманинг айтганидан ҳам тўғри ва эътиборли деб қарар ва ҳеч қандай хавфсирамас эдилар. Улар шу икковининг ёнида қимирламасдан турар, икковининг оғзига тикилар, гапга қўшилмас эдилар. Карвон бўлса, яна бўйинини ушлаб, кўз қири билан тикилар, Йўлдош қўлига дафтар ушлаб, узун бўй билан чўзилиб, уларнинг башарасидаги ўзгариш, бир-бирларига «жавоб бер!» дегандай диққат билан тикилишини астойдил кузатар, тепада қизиб келаётган қуёш уларнинг диққат ва сергаклик билан тўлган кўзларини қамаштирар эди.

Уртада бир неча минут ўтди. Йўлчибой билан Эркабой ака тизза билан ерга ўтирдилар. Эркабой ака қўлидаги қамчининг учи билан ер чизар эди. Дарҳақиқат, саволга жавоб бериш қийин. Улар ўз жавобларида, уларнинг тепасида тикка туриб, кўзлари пастга тикилган, бошлари ерга энгашган камбағалларнинг фикрини баён

қилишлари керак. Эркабой ака бошини оғир кўтарди ва ерга тикилиб қолган кўзини Карвоннинг кўзига тикди.

— Йўқ, қўшилмаймиз, ўзимиз бирлашиб ишлаймиз!

Ҳамма яна бир-бирига қараб жим бўлди. Эркабойнинг кўзи яна ерга тикилди. Уларнинг жавоби Карвонни ҳам хурсанд қилмади. Улар бу тўғрида бир натижага келмасдан тарқалишдилар.

Шу ҳодисадан бир неча кун ўтди. Ҳар ҳолда, Аминкон қишлоғининг камбағаллари тинч қолмадилар. Улар колхоз тузувга бир оғиздан рози бўлдилар. Қизіқ-қизіқ билан колхоз ҳам тузилиб қолди. Унинг исмини «Иккинчи беш йиллик» қўйдилар. Унга 14 камбағал хўжалик уюшди. Уларнинг 17 таси эркак, 12 таси хотин эди. 10

Бу 1933 йилнинг март ойида бўлди.

Оддий кўз билан қараганда «Иккинчи беш йиллик» колхозини 9 таноб ер устида бўлган можаро, «Ворошилов» колхозини билан ўчакишиш ва аччиқ патижасида юзага келгандай бўлиб кўринди. Воқеада бунга ақлнинг ишонини мумкин эмас. Чунки Аминжон қишлоғининг бу камбағаллари колхозга уюшиш билан тамоман янги йўлга кирдилар. Бу йўлни улар ҳеч қачон, ҳеч бир жойда турмушларида синаб кўрганлари йўқ. Уларнинг етти пушти ҳам бу йўлнинг ё азоби, ё роҳатини тортиб кўрган эмас. Бу йўл буларнинг олдида буюк тирикчилик — яшаш учун бўлган улуғ кураш сафарига, ҳаёт ва мамот муаммоси сифатида турган тугун эди. 20

Улар уч-тўрт йилдан бери бу тўғрида ўйлар, фикрлашар, тушунар, бир-бирлари билан масала талашар эдилар. Улар юқоридаги ҳодиса билан шуларнинг ҳаммасига каттакон бир нуқта чекдилар. Утганнинг устига қора ва йўғон чизіқ тортилди. Ортиқ уларнинг фикрида колхозлашувнинг зарурлиги, фақирлик ва қашшоқликдан қутулунинг бирдан-бир йўли коллективлашув эканлиги ҳақида шак ва шубҳа қолмаган, иккиланув, кутув ва ўйланув даври тугаб, кетмон кўтариб, бирлашиб, коллектив бўлиб далага чиқув қатъияти муайян шаклга кирган эди. Бу ҳодиса фақат икки даврнинг чегарасини белгиланган, эски даврни тугатиб, янги даврнинг бир неча саҳифасини бошлашни тайинлаган кун эди. 30

Шунинг учун ҳам 9 таноб ер устидаги можаро, Аминжон қишлоғи камбағалларини колхозлашувга судраган якка ва ягона сабаб эмас. Бу ҳодиса, бир тасодифгина, холос. Аслида эса, унинг сабаблари жуда чуқур. 40

Бу эса, шундай бир ҳодисаки у, Аминжон қишлоғи камбағалларида уч-тўрт йилга аччиқ-тахир бир натижа-сида онгли, ярим онгли — стихия равишида юзага келган чуқур қатъиятнинг пешонага тегар даражада бўртиб чиқишига сабаб бўлди. Бўлмаса Аминжон қишлоғининг ерлари шунча узоқ даврлар бўйлаб бекордан-бекорга қолиб келди. Аминжон қишлоғинда одам ўтқазининг нақадар қийин бўлганини, унга сув келтириб, ҳосил олиш — қон тўкиш билан баб-баробар бўлиб, қанча бошлар кесилгани, қанча қонлар тўкилганини, ҳозирги «Иккинчи беш йиллик» колхозидаги қариялар жуда ажойиб қилиб ҳикоя қиладилар. Улар бу ерда қанча насларнинг битиб кетганини ва ҳозирги «Иккинчи беш йиллик» колхозидаги ўртоқларнинг ўзлари ҳам тўрт уруғдан таралганларини ва тўртинчи уруғ тамом битиб кетиб, фақат уч уруғнинг наслари қолганини гапирдилар. Фақат босмачилик бошланган даврнинг ўзида 30 хўжаликнинг қишлоқни тамом ташлаб, Тошканинг Урта Чирчиқ райониغا кўчиб кетганини, уларнинг шу районнинг Қирғиз овул жамоасида туриб қолганларини айтдилар. Эркабой ака, Ҳидоят қўрбоши замонида яна йигирма хўжаликнинг ҳар ёққа тумтарақай бўлиб тарқалиб кетганини сўзлади. Чунки ўғрилар замонида яна қишлоққа кириб бўлмайди. Уғриллар айрим хўжаликларни ўлдира бошлаганларида ҳам сўнг улар яна қишлоқни ташлаб кета бошладилар. Бир кўп деҳқонлар кечаси Мулқободга бориб ётиб, кундуз куни қишлоққа келиб деҳқончилик қилганлар. Аҳмад қассоб колхозларни талаб, ўлдириб юрган чоғда яна уларга қийин бўлган. Қишлоқнинг камбағал халқини талон-торож қилиб, хонадонидан жудо қилган босмачилар ҳозир колхознинг омбори бўлиб турган кичкина масжидга қўниб ўтганлар. Масжид уларнинг қароргоҳи ҳам бўлган. Босмачилик йилларида бу қишлоқда одам ўлдириш дарахт кесишдан оддий ва осон иш ҳолига келган. Шундай қилиб, қишлоқда юзлаб оилалар, бола-чақаси, уй-жойи, мол-мулкидан ажралиб, гадой, фақир ва қашшоқ ҳолга тушиб хароб, вайрона бўлиб кетганлар.

Аминжон қишлоғининг камбағал халқи эндигина тинч ва осойишта туриш йўлига кирди. Улар шу турмушни тўла равишда барқарор қилиш учун албатта колхозлашув керак эканлигини англадилар. Энди орқага қайтиш, эскиликка юз ўгириш, эски жамиятнинг фожиалари, вайроналиклари, кўз ёшларига қайтадан мубтало бўлишга йўл

кесилди. Аминжон қишлоғининг кўпчилик камбағалларида бўлган шу онг, «Ворошилов» колхози билан бўлган ҳалиги аччиқ муносабат натижасида ўз ифодасини топди. Эркабой ака бу кун бизга Аминжон қишлоғидаги камбағал халқ учун таассуф, эски одатнинг даҳшатли кучи таъсиридан, янги ялғиз рўзғорнинг фалокатларидан қутулиш жуда мушкул бўлганини, коллективлашув мақсадни шунча англантишларига қарамасдан у қишлоқда муштумзўрларнинг таъсири зўр бўлгани ва колхозлашувнинг кейинга сурилиб келганини сўзлайди. Ҳар ҳолда, бу ерда ҳам эскиликнинг сўнги тўсқинлиги синдирилмаган. Ҳозир колхозларга уюшмаган халқ бу ерда аҳолининг энг орқада қолган, мутаассиб қисмини ташкил қилади. Улар бу йили ҳам колхозларни синаб кўрмакчи, қанчалик қийин бўлса ҳам яна бир йил якка хўжалик ҳолида туриб кўрмакчи бўладилар.

Эркабой ака ҳозирги «Иккинчи беш йиллик» колхозига уюшганларда ҳам бошда кўзга қараб туриш кайфияти бўлганини сўзлайди:

— Лекин, бўлмади. Биз, ўз атрофимиздаги колхозларнинг қандай яшаётганларини кўриб ўз ҳолимизга чидаб туrolмадик.

Шунинг учун улар «Ворошилов»га қўшилмаганлари ҳолда ҳам колхоз бўлдилар.

Улар мустақил ҳолда, бир неча вақтгача бўлса ҳам ўз қишлоқларининг исмини сақлаб қолиш традициясидан чиқа олмадилар. Лекин улар энг катта ишни қилиб олдилар. Бу колхоз бўлиш эди. Қолганлари эса ишнинг иккинчи учидирки, бундай ишларнинг ҳар бир кунини қилишга тўғри келажак.

«Иккинчи беш йиллик» колхози 9 от кучи билан далага кўкламга чиқди. Иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида юзага келган бу колхознинг олдида, Мулкобод колхозларининг уч йиллик бой тажрибалари бор эди. Улар шу тажриба асосида, бола-чақалари, хотин-халажлари билан далага чиқдилар. Улар 16 гектар ерга пахта экишга киришдилар. «Ворошилов» колхози бу янги йўлдош олдида ўзини оқламоқчи бўлди. Уни оталиққа олди ва Аминжон қишлоғининг бу янги колхозчиларига 200 кило буғдой билан ёрдамга борди. «Ворошилов» «Иккинчи беш йиллик» колхозчиларини жуда ҳам оғир бир пайтда суяди. Энди икки ўртадан гина-кудурат кўтарилгандай бўлди. Карвоннинг бу сафарга бориши Эр-

кабой ака ва унинг атрофидаги колхозчиларга» катта хурсандлик бўлди. Улар Карвонни ҳақиқий ота сифатида қўядилар.

Ортиқ бу гапга жавоб бериш учун бир неча минутлар жим қолиб ер қизиш вақти ўтгандай бўлди.

10 Ҳозир экиннинг энг қизғин пайти. Пахта учун курашнинг биринчи фаслини тугатишга жуда ҳам ганимат кунларгина қолди. Далада қайрагоч танга ташлаб, гўза ердан бодроқ сингари потирлаб чиқа бошлади. Қуёш борган сари Аминжон қишлоғининг қумликларини оёқ куяр даражада иситмоқда.

Апрелнинг 28 ларида «Ворошилов» колхози ўзининг 8 бригадасини Аминжон қишлоғи ерига бошлади. «Иккинчи беш йиллик» ҳам саҳарда далага чиқиб, хуфтонда қайтишга одат қилди.

Аминжон қишлоғи умрида ўз қўйнида шу қадар кўп одамнинг ўлчаб бўлмас ҳафсала ва астойдиллик билан ишлаганини кўрган эмас. Бу ҳолни колхоздаги қариялар ҳам ёқа ушлаб гапирадилар:

20 — Одамзод ўз турмушини тузатиш учун ҳеч қачон бунчалик ишлаган эмас!

Ҳақиқатан, озод меҳнат Аминжон қишлоғи ва «Ворошилов» колхозчиларини кўрилмаган ташаббускорликка солди.

Булар йилдан-йил уларнинг турмуш шароитлари колхозлашув асосидаги ҳақиқий ва ҳалол меҳнат билан тузилажаклигини яхшилаб англамоқдалар.

30 «Ворошилов» ва «Иккинчи беш йиллик» колхозни юз йиллаб бекор қолиб, чўл бўлиб ётган ернинг асрлик уйқусини бузди, унга ҳаёт берди. Уни юқори ҳосил беришга мажбур қилди. «Иккинчи беш йиллик» экинни Биринчи Майга тираб олиб келиб тугатди. «Ворошилов» 25-да ўз ерларини экиб бўлиб, бошқаларга буксирга борди.

«Иккинчи беш йиллик» колхози отаси «Ворошилов» билан бирликда бу йилги Биринчи Май байрамини арзийдирган ҳурмат билан истиқбол қилади. Улар Биринчи Майни колхоз бўлибгина эмас, балки экин планини муддатидан илгари бажариш билан қаршилайдилар. Улар Биринчи Майга бутун бир пахтакор мамлакатнинг 40 буюк ҳурмат белгиси билан ўралган ҳолда чиқадилар. Уларнинг юзлари порлоқ.

Ҳақиқий шарафнинг маъноси ҳам шунда!

Мулқобод.

ФАЙЗУЛЛА ОТА ЮНУСОВ

I

Файзулла отанинг зеҳнига Садри сира ўтирмади. Ота унинг колхозга кириб қолганидан хафа. Энди нима бўлди-ю, у унинг звеносига ҳам кириб қоладиган бўлди:

— Ҳали менга берадиган саккиз кишининг биттаси шуми? — Файзулла ота жуда нолиб Райҳоновдан сўради.

— Шу, ота — Райҳонов жавоб берди.

— Жўра Райҳонов, ҳукуматга пахтани яхши одам берадими, ёмон одам берадими? — Файзулла ота раис Райҳоновнинг афтига тикилди. 10

— Яхши одам беради,— у тўғри жавоб қайтарди.

— Ундай бўладиган бўлса, Садри пахта беролмайди,— Файзулла ота гапни қисқа қилди.

— Садрига нима қилибди, унинг нима айби бор?

— Айбини ўзингиз билмайсизми?

— Билмайман. Сиз биласизми? — Райҳонов отанинг олдига саволларни орқама-орқа тизиб ташлайверди.

— Биладан,— ота жавоб берди.

— Билсангиз, очиб беринг, уни колхоздан қувайлик. 20

Райҳоновнинг сўзи отани ўйлантириб қўйди. У анча гача жим қолди. Райҳонов унга тикилиб турар эди. Ота бошини кўтарди ва Райҳоновга жавоб берди.

— Мен 62 га кирдим, энди тиригимдан ўлигим яқинроқ. У ишни сизларга ўхшаган ёшлар қилса яхши бўлади.

— Ундай бўлса ишлайверасиз, Садри сизда қолади,— Райҳонов Садрини отанинг звеносида қолдиришга уринди.

Садри қулоқнинг ўғли эмас, қариндошлари ҳам колхозда, унинг бирор ёмонлик билан қўлга тушиб қолганини отанинг ўзи ҳам билмайди. Агар шу вақт уни, Садрининг айбини айтиб бер, деб мажбур қилсалар, у ҳеч нарса кўрсата олмас ва ҳеч нарса дея олмас эди. Ота Райҳо-

новга «унинг айбини биламан» деб қўйди ва унинг Садри тўғрисида анча қизиқ фикрлари ҳам бор. Лекин уларга суяниб, Садрини колхоздан чиқариш ё зvenoга қўшмаслик мумкин эмас. Масалан, Садри отанинг назарида худди босмачига ўхшайди. Лекин агар ҳозир уни босмачи деб кўрсатса, қўлда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Босмачилар Бухоро тупроғидаги халқни қийратиб ётган вақтда у ҳали кўчада юрган ёш бола эди. Ёхуд Садрининг гапларини эшитиб, ота уни катта ёлгончи, фирибгарга ўхшатади. Лекин унинг шу ишни бирор марта қилганини ота билганиям, эшитганиям йўқ ва ҳоказо... Шундай қилиб, отада шубҳа бор, асос йўқ. У гўё бир нарсани сезгандай бўлади, лекин исбот қила олмайди. Шунинг учун у Райҳоновни кўндиролмайди. Улар иккови ўртасидаги жанжал жуда узоққа чўзилади. Ниҳоят, ота иккинчи йўлни олади.

— Садри қолса, мен звено бўлмайман.

— Садри ҳам қолади, сиз ҳам,— Райҳонов уни мажбур қилар даражага борди.

20 — Садрини оласиз, бошқани берасиз, шунда ишлайман.

— Кимни берайин,— Райҳонов отани ковлаб кўрди.

— Ражабни,— ота ўзининг кўнглига энг ёққан деҳқоннинг номини айтди.

— Э, у бошқа колхозга ўтиб кетди-ку, ахир,— Райҳонов тажанг бўла бошлади.

— Ўтиб кетгани йўқ, ўтказиб юбординглар,— ота энди юрагининг дардини ёра бошлади.

30 — Ким ўтказиб юборди? — Райҳонов ўзини худди айби бўйнига қўйилган одамдай сезар эди.

— Сиз, сизлар. Колхозда ишлашни йиғиштириб қўйиб, кеча-кундуз тортишдинглар. Яхши деҳқонлар бошқа колхозларга ўтиб кетди. Сизга Садри қолди — ота ичига йиғиб юрган яна кўп дардларни айтмоқчи эди, лекин тўхтади.

Райҳонов ўз саволидан анча пушаймон еди. Энди у пастга туша бошлади ва отани тинчитмоқчи бўлди:

— Ражаб энди бошқа колхозда тинчиб кетган, уни қайтариб келиш фойдасиз.

40 — Нега фойдасиз бўлсин. У колхозга қатнамоқ учун ҳар кун икки тош йўл юради. Шу ҳам гапми, ахир,— ота яна оловланди.

— Тўғри, ота, энди нима қилмоқ керак! Ражабнинг ўзи ҳам тинчиб кетган-ку, кўринмайди ҳам. Ариза ҳам бергани йўқ, биз уни судраб олиб келамизми?

— Ариза келтирса ёқади. Ўзингиз бориб келтирсангиз ёқмайди. Одамлар қачонгача ариза ёзадилар. Колхоз аризабозликка чиқарилганми? — Ота Райҳоновни қарийб мот қила ёзди. Райҳонов ҳеч нарса демади, яна нима дейсиз дегандай қилиб отага қаради. Бу сафар ота ҳам ҳеч нарса дея олмади.

Улар узоқ ўтирдилар. Лекин, ота Райҳоновни, Райҳонов отани кўндира олмади. У, «Садрини оласиз» деб қаттиқ туриб олди. Ота ўз фикрида қолиб, звено бошлиғи бўлишни ҳам отказ қилди. Икковлари бир қарорга келолмасдан тарқалишдилар. Эртасига кечқурун колхознинг мажлиси бўлди. Унда ҳам шу масала қаралди, лекин ота, мажлисда туриб, кўпчиликка қараб, айниқса, Садрининг олдида бирон нарса дейишга истиҳола қилди. Райҳонов кўпчилик бўлиб ўз фикрини ўтказди. Садри Файзулла ота звеносида қолди.

Ота мажлисдан хафа бўлиб чиқиб, уйига қайтди.

II

Кузнинг энг сўнгги кунларидан бирида соқоллари чақир тиканакка ўхшаган қари киши ўз орқасидан саккиз кишини эргаштириб далага чиқди. У ерга қаради: гўза-пояларни кўрди; осмонга қаради; кўнглида «эрта-индин қор ҳам тушса керак», деб қўйди. Одамлар чолнинг нима дейишини кутгандай мунтазир турар эдилар:

— Мана шу ер бизники бўлади,— чол қўли билан унинг звеносига белгиланган ернинг чегарасини кўрсатиб чиқди.

Ҳаммаси бўлиб тўққиз киши — тўрт эркак ва беш аёл гўзапоя суғуришга тушдилар.

Бу Файзулла отанинг звеноси эди.

Акмалободда ҳаммадан аввал ташкил қилинган звено шу эди. Файзулла ота звенода энг кекса киши, унга қараганда Садри, Тўйчи ва Ҳамид ҳали жуда ёш. Звено Файзулла ота ва унинг хотини Назокат опа, Садри ва унинг хотини Шарофат, Тўйчи ва унинг хотини Ҳамро-биби, Ҳамид ва унинг хотини Муҳаррам ва синглиси Обидахонлардан тузилди.

Файзулла отанинг бир таклифи одамларни ажаблантирди. Звено аъзолари гўзапоя суғурилиб бўлгандан ке-

йин ерга трактор тушади деб ўйлар эдилар. Иш бундай бўлиб чиқмади. Ғўзапояни суғуриб тамом қилгандан сўнг, у ҳаммага эрта билан ваҳлик етиб келишни буюрди.

Кечаси ётиб, звено аъзолари эрта билан яна далага қайтиб келдилар. Ҳали Файзулла отанинг ўзи келгани йўқ. Улар озгина кутдилар. Файзулла ота бешта катта шипирги кўтариб келиб, уларнинг олдига ташлади:

— Ўзи чи гап? — Тўйчи сўради.

10 — Бундан битта-битта олинглар,— ота хотинларга мурожаат қилди,— ерни шипириб чиқамиз.

— Бошқа иш топилмадими? — Тўйчи ажабланиб яна сўради.

— Бу иш эмасми?— Ота аччиғлангандай бўлиб қаради.

— Иш эмас, ҳайдаладиган ерни ким шипирган? — Тўйчи отанинг ҳаракатини тамом маъносиз деб ўйлар эди.

20 — Бутун ишни одамлар қилиб кетгану, бизга ҳеч нарса қолмаган деб ўйлайсанми? — Ота Тўйчига тикилиб қолди. Ҳамма жим турар, фақат Тўйчигина ота билан сўзлашар эди.

— Хўш, шундай қилиб нима манфаат топамиз? — Тўйчи яна шубҳа ва ишонмаслик билан унга қаради.

30 — Бир номаъқулчилик қиламизу, от чиқарамиз, шул — Ота киноя қилди. Энди Тўйчи ҳам индамасдан одамларга қараб турди. Андак вақт ўтгандан сўнг ота, ер шипириш нима учун кераклигини, ерда бўлган бутун хашақларни чиқариб ташлаш, ерни тоза қилиб, фақат тупроқнинг ўзини қолдириш лозимлигини айтди. Улар отанинг фикрини рад қиладиган ҳеч нарса гапирмадилар.

Ерни яхшилаб покиза қилгандан сўнг ҳайдашга киришдилар. От плуг билан ер ҳайдалиб бўлинди ва звено нури ташишга киришди, ота нурини ҳам сайлаб олишни буюрди:

— От кавшамайди, унинг нуриси хашақ бўлиб тушади. Ундан ерга фойда кам. Энак овқатни кавшаб ейди, унинг нурисини сочгандан кейин суғорсанг, ер хамирга айланади. Қўйники ундан соз, у ерни девона қилиб юборади,— ота дарс айтган бўлди.

40 Звенонинг вақтини кўп олган нарса, шу нури — гўнг ташиш бўлди. Улар бутун уйлардаги гўнглари олиб чиқиб, ерга ағдардилар. Маданий ўғитларни сочдилар.

Акмалобод билан Қизилтепанинг ўртаси 17 километр

келади. Бу масофага солинган тахт, текис йўлда эртадан кечгача арава қатнайди. Улар оппоқ ўғит ташийдилар.

Ўғитлар солиниб бўлгандан сўнг, уларнинг ерига трактор тушадиган бўлди.

— Ота,— дейди Садри,— қўшнинг ўзи тузук эмасми?

— Трактор соз, трактор,— деди ота,— у ернинг устини олиб остига ташлайди. Чуқур ҳайдайди.

— Ҳайдар,— Ота тракторчига қаради.— Чуқурлиги қанча бўлади, биласанми?

— Билаган, 17—18,— Ҳайдар жавоб берди.

10

— Йўқ, булар кам, энг камида йигирмага етказасан.

Ҳайдар «хўп» деди. Ўғит билан тўлган ерга ўзининг оғир оёқларини судраб, трактор кирди.

Куннинг қоқ ярмида отани агроном Иброҳим чақириб келди. Ота уйдан чиқиб эшикни очди. У тракторчини сўради. Ота ер ҳайдаётганини айтди. Улар бир-бир Ҳайдар ҳайдаб турган ер бошига келдилар. Ота ерга қаради, кўнглини бирор нарса ғаш қилгандай безовта бўла бошлади. Ўрик шохидан бир новдани синдирди. Уни ерга суқди, бир жойга суқди, қаноатланмади, яна икки ерга 20 суқиб кўрди ва бирдан бақирди:

— Туш трактордан!

Ҳайдар сесканганича орқасига қаради ва дарғазаб бўлиб унга тикилиб турган икки кишини кўрди. Трактордан тушди, уларнинг олдига келди.

— Бу нима? — ота қўлидаги чўпни кўрсатди.

— Чўп,— Ҳайдар бўзрайиб туриб олди. Ота катта очилган кўзлари билан уни санчгандай бўлар эди. У ўзини тутолмади:

— Бу ерга одамларнинг қанча ишлаганини биласанми? 30

— Бошқатдан ҳайда! — деб Иброҳим Ҳайдарга айтди. Унинг сўзи отани ҳам бир оз юмшатди.

Трактор янгидан тушди. У бу сафар, аввал ҳеч бир изи тегмаган қатламларни қўпориб устига чиқарди. Ота қараб турди ва бу ҳол унга жуда хуш келди.

Ҳайдалиб бўлган ерни молалаб, бир ҳафта ичида икки марта сув қўйдилар.

— Қишнинг нами қирқ газ кетади. Звено аъзолари кундан-кун отанинг гапига ўрганар ва унинг айтганларини бажо қилишга одатланар эдилар. 40

Звенонинг ери бутун колхозда энг аввал яхобга ташланди.

III

Отанинг қишлоғида фақат битта катта иморат бор. У ҳам мачит, қишлоқни «Бой хотин» деб атайдилар.

«Бой хотин»нинг ўзига яраша тарихи бор:

Ғиждувоннинг катта бойларидан бири тўққиз туялик карвон билан Оқмачит ва Ғазалига қатнаб, савдогарлик қилади. Ҳар юртдан «Хўжайи жаҳон» мазорини зиёратга келган «мўмин-мусулмон»лар унинг остонасини ялаб ўтадилар. Бойнинг қўлида катта давлат тўпланади. Шунда унинг онаси бу қишлоқда бир мачит солдиради ва бу мачит ҳам унинг ўғилларининг бойлигини сақлайдиган қароргоҳга айланади. Қишлоқ «Бой хотин» исмини олади.

«Бой хотин»да одамлар фақирларча кун кечирадилар. Пастак-пастак зах ва қоронғи уйларда кишилар туғилиб, яшаб ва ўлиб турадилар. Бу ерда туғилиш белгисиз бўлгандай, ўлим ҳам ҳеч қандай аҳамият қозонмайди. Одам туғилади, уни йўргаклаб олиб бешикка соладилар; вояга етади — ўлгундай ишлатадилар; бутун ноз-неъматни бор этади — ўзини оч ва яланғоч қолдирадилар; ўлади — битта кафанни ҳам зўрғатдан кўзлари қияди, элиб кўмадилар ва уйга қайтгунча уни эсдан чиқарадилар.

Асрлардан бери турмуш шу йўсинда ўтади ва амир тупроғида одамларнинг яшашлари кундан-кун ўзининг инсоний моҳиятини йўқота боради.

Файзуллани жуда ёш уйлантирадилар. Йигирмани энди тўлдирган ёшгина йигит Қилич ва Қосим бойларда мардикор юриб кун кечирди. У уйланди. Тез кунда бола-чақалик ҳам бўлиб қолди. Лекин уларнинг турмуши тузалмади ва кундан-кун оғирлаша борди. Натижада бир мардикор икки мардикорга айланди. Унинг ёшгина хотини Назокат ҳам мардикор бўлиб эрининг ёнига кирди.

Ҳозир Файзулла отанинг уйига кирсангиз, сизни 12 яшар Робиа қарши олади. Ҳолбуки, ота ўн бир бола кўрган; ярим инсоний, ярим оч турмуш йилма-йил уларнинг отини ўчира берган. Ўн бир боланинг тўққизи ўлган ва икки «ожиза» қолган. Унинг бирини сал бўй етиш билан эрга берганлар, уйда кенжа ва арзанда бўлиб Робиа қолган.

Ота инқилобдан кейин ўзи якка деҳқончилик қила бошлаган, лекин ёлғиз отнинг чанги чиқмаган, то коллективлаш бошлангангача у якка ва фақир турмушни давом эттирган.

IV

Қиш қорининг сўнгги парчалари эриб тамом бўлмоқда. Эрта баҳор қуёшининг ҳароратига ер ўз бағридан оппоқ буғ чиқариб жавоб беради.

Далада ҳаёт бошланади. Бутун жонивор далага чиққан. Кеча молаланиб бўлинган ерга Файзулла отанинг звеноси ўғит ташламоқда. Эрта-индин яна ҳайдов бошланади. Улар ерни икки марта от плуг, учинчи марта трактор, тўртинчи марта яна от плуг билан ҳайдаб чиқдилар. Ота ҳар бир ҳайдовдан сўнг ерни молалашга буюрди. Учинчи апрелда звенонинг экиш ишлари тамом бўлди. 10

Бир ҳафта ичида ер ўз бағрига бекитилган чигитни ёриб юборди. Кўм-кўк япроқлар уни кўтариб, дунё юзига чиқдилар. Сарик тупроқ ернинг устини ғўзанинг кўм-кўк япроқлари бекитди.

Чопиқ бошланиш олдида ота ўз звеносини тўплаб, маслаҳат қилди. Тўйчи ака биринчи чопиқни фақат хотинларгагина топшириб қўя қолишни таклиф этди. У, ер яхши ишланган ва хотинлар теша билан ер чопиб чиқсалар иш битади, деб ўйлади. 20

— Йўқ,— деди Файзулла ота,— бутун ишни баб-баравар қиламиз. Кетмонни шундай чопамизки, чотанимиз терлайди. Ҳар урганингда кетмон дастасининг икки қаричи бутингдан ўтиб кетсин, кетмон ернинг тагига етсин, ер қимирласин, ғўза роҳат қилсин.

— Чотанимиз йиртилса, товонини ким беради, ота? — Садри хотинларга қараб пичинг қилди.

— Товонини кузда пахтанинг ўзи тўлайди,— ота унинг пичингига жиддий жавоб қайтарди. 30

Биринчи чопиқ тугаб, ғўза бир марта суғорилгандан сўнг, ота ўз ерини бошдан-оёқ айланиб чиқди. Ғўза ўсаётган бутун ерни юриб кўрди ва ғўзанинг кўқариши кучсиз бўлган жойларга яна гўнг — ўғит чиқарди.

V

Кечанинг жуда қоронғи экани отани ғайратга миндирди. Ойнинг охири, кеча зим-зиё қоронғи, ҳаво иссиқ — дим.

— Робиа,— ота хотинини қизининг исми билан чақирди.— звеноларни чақириб кел! 40

— Қоронги кечада звенони нима қиласиз? — Назокат опа унинг нима демоқчи эканини тушунмасдан сўради.

— Овга чиқамиз,— ота жиддият аралаш жавоб берди.

Назокат опа бориб ўз шерикларининг эшикларини қоқди. Бир чой ичиб бўлганча звено аъзолари тўпланиб бўлдилар.

— Нега чақирдингиз, ота? — Тўйчи ака сўради.

10 — Кеча қоронги — ҳаммамиз овга чиқамиз,— ота Назокат опага айтган гапини қайтарди.

Улар ҳаммаси — тўрт эркак, беш хотин кетмон кўтариб уйдан чиқдилар. Ернинг бошига етганда ота гапирди:

— Сизлар сувни шу ергача етказиб берсаларингиз бўлгани, обдорликни фақат ўзим қиламан.

Уларнинг ҳаммаси ҳар ёққа тарқалиб, қоронғилик ичида йўқолдилар. Сувнинг боши келиб ерга тушгандан сўнг, хотинларга жавоб бердилар. Ариқ тўлиб, қутуриб келаётган сувга яланг оёқ тушиб, ота гўза ичига оралаб кетди. Ана-мана дегунча бир гектар ер суғорилиб бўлди.

20 Сувнинг жуда яхши келаётганини кўрган Садри отага гапирди:

— Энди бориб ухласак ҳам бўлар, ўзи келаверади.

Отанинг жаҳли чиқди:

— Шу гапни ўзинг айтдингми, ё бирон катта одам айтдимми?

— Ўзим айтдим,— Садри жавоб берди.

30 — Номаъқул ебсан,— ота Садрини уриша кетди,— шу кечаги сув, ўзи ов. Шу кеча ичмасак, қачон ичамиз?

— Хайр, хайр, бўлди, бекор айтибмиз,— Садри тавба қилган бўлди.

— Ўзинг биласан-ку, пахта тарбият билан одам бўлади. Сув берсанг жон киради, бермасанг қурийди,— ота сўнгидан қўшиб қўйди.

Тонгга яқин звенонинг бутун ери суғорилиб бўлди ва сувни энг сўнгги парча ерга ташлаб, ота Садри ва Тўйчи акага ҳам жавоб берди. Улар уйга ухлагани кетдилар, ота сувни ағдариб юборгани катта ариқ бошига борди ва ундан олдинроқ сувни ағдараётган бировни кўриб, кети-га қайта бошлади.

40 — Ҳой, тўхта! Ота тўхтади, сувни ағдараётган одам отини етаклаб, отанинг олдига келди.

— Нега сувни очдинглам?

— Уйқумиз келмади,— ота унга қараб пичинг қилди. Улар иккови бир-бирини танимадилар. Отини ушлаб турган одамнинг жуда аччиги келиб:

— Сен ким бўласан, мутгаҳам? У отадан сўради.

— Менми, колхозчи,— ота кулди.

— Уни биламан, ўзинг ким? — У яна тутоқди.

— Ўзим — колхоз,— ота яна кулди ва кулги билан уни энгди.

Сув ёқалаб келган киши жуда ғазабланди. Лекин нима қилишини билмади. Отига минди-да, бир қамчи уриб, сув бўйлаб юқорига жўнаб кетди. 10

Ота кетмонини ювди. Келтириб супанинг бир чеккасига қўйди, кўрпача устига чўзилди ва тинчиб ухлаб қолди.

VI

Ортиқ ака икки кун ахтариб, бузоғининг ўлигини отанинг еридан топди. Чуқур ариқнинг ичида икки ит талашиб, бир нарсани еб турибдир. Ортиқ ака кесак отди, итлар қочди, у яқин бориб ўзининг бузоғини таниди. 20
Титраб, ранги оқариб кетди. Улик бузоқнинг бир оёғини кўтариб кўрди, узилиб ётган калласини ағдариб қаради. Бошини кўтариб атрофини қараб чиқди. Далада ҳеч ким кўринмади. У қаёққа боришини, нима қилишини билмасдан узоқ ўйлаб қолди. Ниҳоят, Файзулла отанинг уйига қараб йўл солди.

Ортиқ аканинг товушига Робиа чиқиб эшик очди.

— Даданг уйдами? — Ортиқ ака хафа сўради.

— Уйда йўқ, нима ишингиз бор эди? — Робианинг сўроғига Ортиқ ака индамади, отанинг қаёқда эканини ҳам сўраб ўтирмади ва тўғри колхоз идорасига қараб юрди. 30

Колхоз идорасида фақат икки киши ўтирган эди: ота ва Райҳонов. Отанинг кўзи эшик олдида турган Ортиқ акага тушди. У нима дейишини билмасдан эшик олдида турибди.

— Гўсола топилдими?

Ортиқ ака жуда қаттиқ жавоб бермоқчи эди, лекин Райҳоновдан ҳайиқди ва аччиқ билан айтди.

— Ярмини итга ташлаб кетган экансизлар, топиб ол- 40
дим.

— Нима дединг? — Отанинг суяклари қақшаб кетди.

— Яرمىсини итга ташлабсизлар, ерингиздан топиб олдим.— Ортиқ аканинг аччиғи отаникидан қолишмас эди.

— Менинг еримдан топдингми? — ота бутун вужуди билан сўради.

— Ҳа, ташлаб кетган жойларингдан,— Ортиқ ака пичинг билан яна чақиб олди.

10 Отанинг нафаси бўғилгандай бўлди. Ортиқ аканинг ўз бузоғини унинг еридан топиб олгани ерга киргундай қилиб юборди. Бузоқни у ўғирлаган эмас, бу унинг учун энг ёмон номус. У очдан ўлганда ҳам бу йўлга тушмайди. Лекин, нима қилмоқ керак, бузоқ унинг звеносининг еридан топилган-ку!

20 Эҳтимол, у бўлмаса, унинг звеносидан бирон киши бу номаъқулчиликни қилгандир. У ўзларининг оқсоқоли-ку, ахир. Звеноси яхши иш қилса, бу бутун звенонинг обрўйи. Агар ўғри ҳақиқатан отанинг одамларидан бўлса, бутун звенонинг номи булғанади. Эҳтимол, унда уларга «ўғрилар» деб ном қўярлар. Ота узоқ ўйлаб кетди. Ортиқ аканинг аччиқ-аччиқ гапларига ҳеч нарса дея олмади. У Райҳонов олдида ўзини худди қўлга тушган ўғридай ҳис қилди ва бошини қуйи солди.

30 Ортиқ ака Райҳонов ва отани бошлаб бузоқнинг гўшти ётган жойга олиб келди. Отанинг одам бўйи бўлиб кўкарган фўзалари Райҳоновни ичдан хурсанд қилди. Лекин ҳозир гапнинг жойи эмас, шунинг учун у ўз ҳисларини айта олмайди. Улар чуқур ариқнинг бошига келганларида яна ҳалиги икки итни кўрдилар. Ортиқ ака итларни қувиб, ўлик бузоқни оёғидан судраб, уларнинг олдига олиб чиқди ва уни отанинг оёғи остига ташлади.

Райҳонов отага қаради. Ортиқ ака қаттиқроқ тикилди ва ота чидолмасдан ерга қаради:

— Ўғрини топмоқ керак,— ота секин гапирди.

— Топиб берасиз-да, Ортиқ ака яна чақиб олди.

Райҳонов ҳалиям ҳеч нарса демасдан туради.

40 Ота ботиниб гапиришга у ҳеч бир журъат қилолмайди. Ота ўзини тамом гуноҳкор ҳисоблар эди. «Эҳтимол, бегона бир одам менинг еримга олиб келиб сўйиб кетгандир», деб айтиш сира отанинг хаёлига келмади. У ўйлаб турди ва ўз тахминини айтиб улгурмасданоқ, уларни Садриникига қараб бошлаб қолди.

Садри — Ортиқ аканинг қўшниси; у уникага киришга ўйланиб ҳам турмади. Садрининг остонасига қадам бошиш билан Райҳонов, бир вақтлар ота иккови ўртасида ўтган жанжални эслади ва бадани живирлаб кетди.

Улар чақирмасдан, сўрамасдан Садрининг уйига кириб бордилар. Садри ўрнидан турди. Шарофат отани кўриб чидолмасдан эшикка чиқиб кетди.

Ота Садрига қараб тўғри гапирди:

— Нима қилдинг, падар лаънат?

Садри шошилиб қолди. У отага қаради. Райҳоновга 10 кўз ташлади. Ортиқ акага бошдан-оёққача қараб чиқди ва ўзининг ўғрилигини тамом аниқлагандай сезиб, оқла-нишга уринди:

— Мол қилган одам уни эҳтиёт қилади-да,— Садри айбни Ортиқ акага ағдармоқчи бўлди. Гапга Ортиқ ака қўшилди:

— Мол боққан одам нима қилибди?

Гўсоланг гўзани поймол қилиб юрган экан, бизнинг қанча кучимиз кетган, билмайсан-да. Жаҳлим чиқиб, кетмон билан бошига урдим. Гаранг бўлиб ерга йиқилди. 20 Сўнгра ўзим пушаймон бўлдим.— Садри айбдорлардай ерга тикилди.

— Елғон гапирма, ярим кечаси эшикни очиб чиқиб кетгани гўсоланинг қўли йўқ! — Ортиқ ака ўдағайлай бошлади.

Ота энди Райҳоновга тикилди. Райҳоновнинг қулоғи отанинг айтганларини янгидан эшитгандай бўлди.

— Ҳамманинг номини булғадинг, жувонмарг. Ота Садрини еб қўйгудай бўлди ва юзини қайтадан Райҳоновга ўгирди. 30

— Мен ўғрига иш бермайман! — яна Садрига қаради,— бундан кейин менинг кўзимга кўринмайсан! Мен ўғри билан ҳамтовоқ бўлмайман! Садри ҳеч нарса айта олмади. Ота Ортиқ акага айтди:— Сен ҳам бунинг гўштини игга ташла!

Улар оғир-оғир қадам ташлаб, Садрининг дарвозасидан чиқдилар.

VII

Гўза оралаб юрган одамлар бир-бирини кўролмайдилар. У одам бўйи билан баб-баравар бўлиб ўсди. Файзулла ота даласининг энг кўркама ва энг гўзал пайти етиб келди. Кузда — ёмғирда, қишда — қорда, баҳорда — 40

жала остида, саратонда қуёш бир газ пастга тушган вақтда чарчамасдан ишлаган одам шундай гўзал бир манзарани яратди. Гўзаларнинг шохини эгиб ётган ҳар бир кўсакда Файзулла ота ва унинг билан ишлаган одамларнинг кучи кўринади.

Ота қўшни звеноларнинг гўзасига қарайди. Улар ота гўзасининг белидан ҳам келмайди. Иккинчи звенонинг бошлиғи Аҳмад ака отага кўринишдан шарм қилади ва ундан қочиб юради.

- 10 Ота ўз гўзасини қўшни звено ва бутун колхознинг гўзаси билан солиштириб қарайди. У ҳар бир томонни текширади. Одамни кўмиб кетадиган гўзаларнинг кўсаларини олиб, бошқаларнинг кўсагига тенглаб кўради. Унинг кўсаги ҳам катта ва оғир; ота «бунинг толаси ҳам узун бўлади», деб қўяди.

- Бошқа колхозда аҳвол қалай экан?— Ота ўз ишининг меваларини бутун Акмалобод далаларидаги гўзалар билан солиштириб кўрмоқчи бўлади. Лекин бу имкониятдан у маҳрум. Отани ҳали ҳеч ким билмайди ва танимайди. «Сталин» колхозида одамларнинг кўпи ҳам ҳали уни оддий бир деҳқон тариқасида биладилар ва унга ҳеч ким алоҳида бир аҳамият ҳам бермайди.

- Отанинг энди сира даладан кетгуси келмайди. У эсини танийгандан бери деҳқончилик қилади ва фақат пахта экади. У бутун умрини шу қишлоқда ўтказган ва шунда қариган. Лекин ҳеч қачон унинг даласида шунчалик гўза кўкарган эмас. Далада шу йилгидай берилиб ва севиб иш қилгани ҳам унинг эсида йўқ. У гўзанинг шунчалик ўсиши мумкин эканлигини биринчи марта кўради ва шундай катта бир ҳодиса унинг ўзининг қўли билан, унинг қўли остидаги одамларнинг қўли билан юзага келади. Шунинг учун сира даладан кетгуси келмайди. Ўз гўзасини кўриб кўнгли ўсади, бошқаларникини кўриб ғурури ортади.

- 30 Ота бошқа юртларни юриб кўрган эмас, у бутун умрида ўз қишлоғидан четга чиққани йўқ. У одамларнинг юртма-юрт қатнаб юришларини билади. Одамлар оташ араваларга миниб юрт қидирар, томоша қилар эмишлар. Ота шундақа гапларни кўп эшилтади. Лекин ҳали у поездга ҳам минган эмас. Унга Фарғона деган юрт тўғрисида жуда кўп сўзлайдилар. Бу юрт жуда гўзал ва сертомоша жой эмиш. Ундаги одамлар ҳам катта-катта, йўғон одамлар бўлар эмишлар. Пахтани ана ўшалар экар эмиш, уларнинг пахтасига етадиган пахта ҳеч жойда йўқ эмиш.

Ўз даласида юриб, ўз гўзаларини кўриб севиначар экан, ана шу Фарғона деган юртни ўйлайди ва унинг йўғон-йўғон «Рустами дoston»ларини эсга келтиради. «Бу йилги пахтам ўшаларникига барабар келармикан?» деб қўяди. У бошқа катта колхозларни, Фарғонани эсга олганда ва ўзининг гўзасига қараганда юраги пўкиллаб кетади.

У бутун йил бўйи чеккан азобларини ҳам унутиб юборади. Садрининг қилган номаъқулчилиги ҳам эсдан чиққандай бўлади ва унинг қисиқ кичкина кўзлари доимо кулиб турганга ўхшайди. У ўзини жуда енгил ҳис қилади. У худди ҳамён топиб олган ёш боладай хурсанд. 10

Биринчи терим тамом бўлгандан сўнг ота далани айланиб чиқди. У кўсақларни бирма-бир текшириб кўрди ва катта ариққа ўзи чиқиб, яна сув очиб келди. Пахтага янгидан келиб сув тушганини кўрган Тўйчи ака отадан сўраб қолди:

— Ота, буни нечанчи суғориш дейдилар?

— Янглишмасам, ўн бир,— ота кулиб жавоб берди.

Учинчи терим тамом бўлаётганда ота унинг эвеноси элтиб топширган пахтанинг ҳисоби билан қизиқиб қолди. Чунки, у ҳеч қачон бу қадар кўп пахта берган эмас. Шунинг учун уни билиш, албатта керак. Скуппунктда унинг пахтасини қабул қилиб олган ёшгина йигит дафтарларини ҳисоблаб кўрди ва чўт урди: 20

— Гектаридан 57 дан берибсиз, ота,— ёш йигит тинчгина жавоб берди. Ота унинг жавобидан қаноатланмади. Ёш йигитнинг жавоби унга жуда қуруқ кўринди ва ота қайтариб сўради:

— Бошқалар қанчадан берган, ўғлим?

— Ҳали уни аниқ ҳисоблаганимиз йўқ,— ёш йигит яна отани қаноатлантормади. Ота, фақат 57 ни билиб, уйга қайтди. 30

Улар яна пахта теришда давом этдилар. Пахта ҳали жуда кўп, очилмаган кўсақлар яна саноксиз эди.

VIII

Файзулла ота ҳали далада пахта теришда давом этар экан, бутун газеталар, унинг жаҳон рекордини яратганини ёздилар. Ҳафтадаги энг қизик янгилик Файзулла отанинг иши. Унинг тўғрисидаги хабарлар газеталарнинг биринчи бетларида катта ҳарфлар билан босилади. Мухбирлар унинг неча ёшда экани, уйи, оиласи, болалари 40

ҳақида хабар берадилар. Газеталарнинг бошқа мухбирлари колхозма-колхоз юриб, Файзулла отадай кишиларни ахтарадилар. Унинг берган ҳосили жаҳонда энг юқори ҳосил экани билан мақтаниб, муҳаррирлар бош мақола-лар ёзадилар. Тошкентдаги ҳар бир газета унинг сура-тини олиб келиш учун ҳар куни ўз рассомини жўнатади. Радио ўзининг «Сўнгги ахборот» бўлимида ҳар куни Файзулла отани гапиради.

10 Лекин буларнинг ҳаммасидан унинг ўзи тамом хабар-сиз. У ўзи ҳақида дунёда шунча шов-шув борлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Кечқурун даладан келиб ётади-да, тонгда туриб Назокат опа ва қизи Робинани эргаштириб яна далага чиқади. Яна бутун звено янги очилган кўсақларнинг пахтасини теришда давом қилади.

Кун энди баландга кўтарилган, туш вақти бўлган эди. Узоқдан кўчани чангитиб бир автомобиль келаверди. Улар ҳаммаси кўтарилиб унга қарадилар. Автомобиль ҳам келиб уларнинг яқинида тўхтади. Ундан икки киши тушди. Унинг бири райкомнинг секретари Ризаев ва яна 20 бир киши эди. Улар тўғри келиб пахта териб турган одамларнинг олдида тўхтадилар. Бир қучоқ пахта кўтариб турган чол киши пахтасини жўякка тўкиб, чопиб келиб улар билан кўришди.

— Ота, биз сизга келдик,— деди Ризаев.

— Бошимиз осмонга етди, марҳамат қиласиз,— ота уларга кулиб қаради.

— Улар қайтиб автомобилга ўтирдилар. Ота жомакор кийган, яланг оёқ эди, у ҳам автомобилга чиқди. Отани нимага олиб кетганларини ҳеч ким билмай қолди.

30 — Чол хумпар хўп маза қилди-да,— улар орқадан гапиришиб, чақчақ кўтардилар.

Автомобиль ота уйи олдида тўхтади. Ота жомакорни ташлаб, янги кийимлар кийиб, тамом бошқа тусга кирган. Отага Ризаев кулиб қаради. Ота ҳам кулиб турар эди. Эшикдан шошилиб чиқиб, райкомга жўнадилар.

Ризаев отани райкомнинг ошхонасига олиб кирди. Иккови бирга ўтириб овқатландилар. Ундан чиқиб Ризаев ўз кабинетига кирди ва телефон билан гаплашди. Улар чиқиб яна автомобилга ўтирдилар. «Қаёққа боряп- 40 миз» деб ҳеч ким сўрамади.

Бу сафар автомобиль жуда узоқ юрди. Улар юриб-юриб бир ялангликка чиқдилар. Узоқдан уларнинг кўзига ерга қўниб турган бир аэроплан кўринди. Автомобиль

ҳам унинг олдига келиб тўхтади. Ота уни биринчи марта ерда кўрар эди. Жуда яқин бориб томоша қилгуси келса ҳам ўзини тутиб турди. Райком секретари аэропланнинг бошида турган одамлар билан кўришди ва отани кўрсатди. Ота ҳам улар билан саломлашди. Ризаев энди отага қараб:

— Ота,— Ризаев отанинг елкасига уриб гапирди,— сиз Акмалободда туриб, Америкадан ўтиб кетдингиз, энди шу аэропланга тушасиз, Сизни Тошкентга меҳмон қилиб чақирибдилар.

10

— Йўқ, йўқ, болам, мен бунга тушмайман. Мен ҳали поездга ҳам тушганим йўқ,— ота Ризаевга қараб зориллай бошлади.

— Ҳеч нарса қилмайди, бу ҳам поезддай гап,— Ризаев отани дадилламоқчи бўлди. Лекин ота кўнмади. Шунда Ризаев бошқа бир йўл билан уни кўндирмоқчи бўлди:

— Ота, мен бунга тушган эмасман. Майли, сиз учун мен миниб осмонни бир айланиб келай, сўнгра сиз мининг, хўпми? — Ризаев отанинг жавобини кутди.

20

— Хўп!

Ризаев аэропланга ўтираётганда, ота унинг бир қўли йўқ эканини билиб қолди. Аэроплан учиб осмонга кўтарилди. Лекин ота уни тамом унутди. Уни даҳшатли бир қизганиш чулғаб олди. Бир қўли бўлмаган одамнинг унинг учун аэропланга тушиб учиши унга ҳар нарсадан ҳам қаттиқ таъсир қилди. «Ўлсам ҳам учаман» деб кўнглидан ўтказди.

Аэроплан отанинг тепасидан икки марта айланиб ўтди ва келиб пастга қўнди. Унинг ичидан Ризаев кулиб тушиб, отанинг олдига келди:

30

— Энди тушасизми, ота?

— Тушаман, ўғлим, ҳар нарса бўлса ҳам тушаман,— ота буюк бир муҳаббат билан жавоб берди.

Ота Ризаев билан хайрлашиб, аэропланга ўтирди. Самолёт варилаб осмонга кўтарилди.

Жаҳон пахтачилигининг буюк устаси ўз қишлоғидан аэроплан билан учиб пойтахтга кетди.

ЗАЙНАБ

I

Айиқ катагига ўхшаган кичкина пастак бир уйда уч аёл киши турар эди. Сўнгги беш йил ичида уйга биронта эркак кишининг кириб чиққанини ҳеч ким билмайди. Уйдагилар ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимникига бормайдилар. Уй бутун қишлоқда ҳеч кимнинг оёқ изи тушмайдиган бир ўтовга ўхшайди. Уйдан фақат бир қари кампир эрта билан чиқади-да, кечқурун нималарнидир елкасига ортиб 10 қайтиб киради. Иккита қиз бола кампирни қаршилайди ва одатдагидай унинг кўтариб келган нарсасини титкилай бошлайди.

Эллик уч яшар кампир ва унинг икки ёш қизи шу уйда гадойларча кун кечирадилар. Кампир бирон нарса топиб келган куни бу уйда катта тўй бўлади, уларнинг қоринлари тўйиб қайғулари кетгандай, бирон нарса топа олмаган куни кампирнинг ўзи ҳам уйга жуда қийналиб киради.

20 Кампир кўтариб келган тугунча ичидан ҳамма нарса чиқар эди: пул, яримта-ярымта синдирилган нонлар, морлаб кетган нон парчалари, синиқ косалар, йиртилиб, илвираб кетган увада кийимлар, уйлардан чиқариб ташланган ямоққа ярайдиган нарсаларнинг ҳаммаси тугунчадан тўкилар эди. Кампир пулни кўпроқ кузда топар эди. Чунки, бу вақт пахта очилган пайт. Пахта териш учун бойларга чинакчи керак бўлар эди. Шу мардикорлар ичида кампир ҳам бўлар ва ишлаган иши учун бойдан нақд пул олар эди.

30 Кампир куз вақтида ўз орқасидан болаларини ҳам эргаштиради ва қора қишни ўтказиб олишга кифоя қиладирган овқатни озгина ғамлаб олади. Чунки қиш бутун қаҳр ва ғазабини шуларнинг устига тўқади.

Кишиларнинг эшигида юриб, кампир ҳар куни янги-янги гаплар топиб қайтади:

— Зайнаб, қизим, ҳукумат ҳамманинг ерини тортиб олар эмиш...

Зайнаб қизиқиб кампирдан сўрайди:

— Кимдан эшитдингиз?

— Ҳамма жойда шу гап. Тожибой эллиқбошининг хотинлари, Ҳамроқулбойнинг болалари, ҳаммаси шундай дейишиб, чувиллашиб юрибди. Уларники жуда қиёматқойим. 10

Бу гап Зайнабни жуда қизиқтиради:

— Отамдан қолган уч таноб ерни-ку сотиб еганмиз, энди бизнинг нимамизни олар экан?

— Ҳамроқулбойнинг хотини, ери йўқларга пул солар экан, дейди.

Зайнаб яна сўрайди:

— Агар пули ҳам бўлмаса-чи?

— Унда ҳаммани йиғиштириб, узоқ юртларга ҳайдар эмиш. 20

Зайнаб яна сўради:

— Тортиб олинган ерлар кимларга берилар эмиш?

— Унчалигини билмадим.

Зайнаб яна қизиқди:

— Ҳаммани ҳайдаб юборса қишлоқда ким қолар экан?

— Ҳукуматнинг ўзи қолар эмиш.

Зайнаб узоқ ўйлаб турмасдан, қисқа қилиб айтиб қўйди: 30

— Нималар бўлишини билмайману, лекин бу гапларга ҳеч ишонгим келмайди.

1930 йилнинг эрта баҳор кунларининг бирида кечқурун Зайнабларнинг уйига Юнус ота кириб келди. Юнус ота қишлоқнинг энг кекса одамларидан. Бутун умри деҳқончилик билан ўтган. Лекин у қишлоққа ҳеч қачон оқсоқол ёки эллиқбоши бўлган эмас. У кўпчилик халқ ичида икки нарса билан от чиқарган: қишлоқда ерни энг яхши ишлайдиган одам шу ҳисобланади. Ундан сўнг қишлоқда тинч деҳқончилик қилиш жуда қийин бўлган вақтларда босмачиликка қарши бутун бола-чақалари билан курашган ва иккита босмачини ўзи отган дейдилар. 40

Мана бу икки нарса Юнус отани ҳаммадан ажратиб туради ва одамларда унга бўлган муҳаббат жуда ҳам юракдан ва самимий бўлиб кўринади.

Юнус отадан фақат Зайнабнинг опаси Сорагина ўзини четга олди. Зайнаб ёш, ҳали паранжи ёпинишга улгурганча йўқ эди. Зайнабнинг онаси кишиларникида хизмат қилиб юриб анча одамдан қочмайдиган бўлиб қолган.

10 Юнус отанинг биринчи гапиеқ Ҳури холага жуда ажаб туюлди:

— Қариндош, яккалик ҳам жуда ўтказган бўлса керак-а?

Зайнаб нималарнидир ўйлагандай бўлди. Ҳури хола Юнус отанинг нима демоқчи бўлганини тушунмасдан жавоб қайтарди:

— Қандай қиламиз, ўргулай; пешонага ёзилгани шу экан-да.

20 — Мен сизга бир маслаҳат билан келдим,— Юнус ота этигининг кўнжидан бир газет чиқарди.— Ҳукумат камбағалларни колхоз қиляпти, мана газетда ҳам шуни ёзган, шунга сизлар ҳам кирсангизлар.

Колхоз сўзини Зайнаб ва Ҳури хола биринчи марта эшитар эди. Ундан ҳеч нарса тушунмади ва савол қилди:

— Ҳалиги, ҳамманинг ерини тортиб олишни айтасизми?

Юнус ота бу гапга жуда ҳайрон бўлди ва колхоз дегани нима эканини ўзича тушунтирган бўлди:

— Кўпчиликда баракат, дейдилар, қариндош! Кирсангиз ёмон бўлмайди.

30 Ҳури холанинг мясига барибир бу нарса сиғмайди.

— Газетда нима битибди?

— Колхоз бўлинглар деб ёзган,— Юнус ота жавоб берди.

— Қани, пича ўқиб беринг,— Зайнаб талаб қилди.

— Ўқишни мен ҳам билмайман.

Юнус отанинг бу гапи Зайнаб ва Ҳури холани анча шубҳага солди. Уларнинг кўнглига «ўзи ўқиган бўлмаса, аҳтимол бу ҳам боши айланиб юргандир» деган нарса келди.

40 — Бизда бирон эркак киши бўлмаса, амакингиз ўлиб кетган. Аёл бошимиз билан колхозда биз нима ҳам қилар эдик,— Ҳури хола рози бўлмагандай бўлди.

— Узингиз ўйлаб кўринг,— Юнус ота айтди,— ҳукуматнинг бу ишида ёмон ният йўққа ўхшайди. Бола-чақам билан мен кеча ёзилдим. Колхоз, айниқса сизга керак. Ҳукуматнинг айтгани бўлса, ҳаммамиз ёруғликка чиқамиз.

Юнус ота чиқиб уйига кетди. Ҳури хола унга қатъий жавоб беришга қўрқди. «Ўйлаб кўрамиз», деб жавоб берди.

Қишлоқ аҳолисининг бутун фикрини фақат шу масала ўраб олган эди. Колхозга ҳар куни ўнлаб кишилар 10
ёзилишиб туради. Ҳури хола қайси ерга борса, шу ҳақда гап бошланади. Колхоз ҳақида минг хил гап. Бирови яхшиласа, бирови қарғайди. Колхозга кеча ёзилиб, бугун чиқаман деб ариза кўтариб юрганлар ҳам оз эмас.

Ҳури хола бутун таниш-билишларининг колхозга кирган, кирмаганларини суриштириб чиқди. Унинг билганларидан Жўрабой элликбоши ва Ҳамроқулбой сингари бир неча одамларгина колхозга кирганлари йўқ. Бу нарса уни жуда ҳайрон қилди. «Қишлоқнинг энг эътиборли 20
одамлари нимага кирмабди»,— деб ўйлаб қолди. Ҳовлиқиб уйма-уй юрган хотинлардан бири «Колхозга Жўрабой элликбоши ва Ҳамроқулбойни олмас эканлар», деб қолди. Ҳури хола шунда ўз хўжайинларининг нима учун колхозга кирмаганликларининг сабабини тушунди.

Ҳури хола шу юришида бир ҳафта юрди. У суриш-тирмаган ҳеч нарса қолмади. Шу бир ҳафта ичида, у ўзининг энг кичкина қизи Зайнаб билан уч мартаба уришди. Зайнаб ҳашша-қалла колхозга ёзиламиз дейди. Ҳури хола уни «тўхтаб тур», деб қойийди. Зайнаб беш-олти 30
кун кечикса, гўё колхозга олиш тўхталадиганга ўхшаш шошилади.

Саккизинчи куни кечқурун яна Юнус ота эшик олдида кўринди:

— Қани, қариндош, гап бир жойга қўйилдими, йўқми?

Юнус отанинг гапига Зайнаб жавоб бермоқчи эди, Ҳури хола уни орқага итариб, ўзи унга қарши борди:

— Кўпга келган тўй, нима бўлса пешонадан кўрамиз.

Ёзиламиз, айналай,— Ҳури хола гапни айтиб бўлиб 40
оғир нафас олди. У, ортиқ ўзининг бутун умрини, болаларининг тақдирини ўзига таниш бўлмаган тамом бир янги нарсанинг қўлига топширгандай бўлди ва Юнус отага қараб қаттиқ тикилди.

— Баракалла, қариндош, омон бўлсак, ҳеч бир нарса бўлмайди. Яхши бўлади,— Юнус ота кампирнинг дилига тасалли берди.

Эртаси кун Ҳури хола, Зайнаб ва опаси колхоз дала-сига ишга чиқдилар. Ҳури хола эллик учга кириб, ҳеч қачон далада бунча одамни кўрган эмас эди. Далада одам жуда кўп ва уларнинг ҳаммаси олтин қазийтгандай буюк бир ғайрат билан ерга ёпишган эдилар.

II

- 10 Юнус ота томонидан тузилган бу колхозга Сталин номини бердилар. Дастлабки кунларда колхоз бирдан ривожланиб кета олмади. У бир неча ой кирди-чиқди билан овора бўлди. Тажрибали уста бир деҳқон бўлган Юнус ота бундай катта бир рўзгорни бошқара олмасдан, анча вақтгача калавасини йўқотиб юрди. «Иш бу аҳволда қолаверса кунимиз қандай ўтади», деган хаёл билан Ҳури хола неча мартаба колхоздан чиқмоқчи ҳам бўлди. Зайнаб унга ҳеч унамас эди. Ҳури хола, ахири бўлмагандан сўнг, катта қизини бир жойга саранжом қилиб бир ғирлиқдан қутулиб олай деб, катта қизини секингина эрга чиқарди.

Улар уйда икки киши қолдилар. 1932 йилда Ҳури хола ҳам ўлди. Ун етти яшар Зайнаб энди бир ўзи қолди. Юнус ота Зайнабни ўз уйига олиб кетди.

III

- 30 Юнус отаникида турган чоғида Зайнаб мактабга ҳам борадирган бўлди. Унинг ўқиш пайти жуда кўп нарсалар билан боғланади. Унинг мактабга бора бошлагани билан колхозда «Зайнаб Омон билан юрар эмиш», деган гап тарқалди. Зайнабнинг ўзи шунча вақтгача халқнинг бу сўзини эшитмади, лекин кишилар Омонга жуда кўп ҳазиллашадилар. «Маза қилиб юрибсанми?» деб бутун танишлари унга қарайдилар.

Гап бежиз эмас эди, албатта. Ҳеч қандай паноҳсиз қолган Зайнаб, очиқ-сочиқ юришдан жуда хавфланар ва бир илож қилиб ўз бошимни беркитиб олсам деб ўйлар эди. Мактабда ўқувчилар ичида унга ёқиб тушгани Омон бўлди.

Омон билан Зайнаб бир-икки мартаба мактабдан бирга қайтдилар, лекин уларнинг ўртасида ҳеч гап бўлгани йўқ.

Пайшанба куни кечқурун Юнус отанинг эшигини биров тақиллатди. Эшикни чиқиб очган Зайнаб эди. У ўзининг поччасини кўрди.

— Эрта бизникига бор, опанг айтиб юборди,— у жавобни кутмасданоқ орқасига қайтди.

Эрта билан туриб, Зайнаб опасининг уйига борди:

— Айтиб юборган экансиз. Зайнаб опасининг юзига қаради. Иккови айвонда ўтирдилар. Опаси шубҳалик қилиб сўради.

— Омон деганни танийсанми?

— Танийман,— Зайнаб тортинмасдан жавоб берди.

— Уша билан нима қилдинг? — Соранинг жаҳли кўтарилди.

— Ҳеч нарса! — Зайнаб яна дадил жавоб қайтарди.

— Ҳеч кимдан рухсатсиз кўчадан топиб, тегиб кетаверасанми? — Сора ғазаб билан Зайнабга қаради.

— Нима? — Зайнаб чўчиб кетди ва опасига қаттиқ тикилди.

— Ҳали ҳеч ундай гап йўқ. Гап мунақа бўлса тегишим ҳам турган гап.

— Ахир, бирга юрар эмишсан-ку!

— Тўғри, мактабдан бирга қайтган вақтларим бўлган. Лекин сен айтган гаплар ҳаммаси ёлғон.

— Очиқ кунда, етти ёт бегона бўлган одам билан эргашиб юрганинг нима қилганинг ахир? — Сора яна ўт олди.

— Энди нима дейсан? — Зайнаб опасига тикилди.

— Бузилиб кетибсан. Омон билан юрма дейман. Поччангнинг амакисининг ўғли бор. Сени ўшанга бераман.

— Эрга тегадиган манми, сан? — Зайнаб яна тикилди.

— Сан, лекин ман бераман! — Сора қатъий айтди.

Узоқ олишгандан сўнг опа-ука йиғладилар. У Зайнабга «сан бузилиб кетдинг», деб даъво қилди. Зайнаб опаси билан хайрлашмасдан унинг уйдан чиқди.

Шу ҳодисадан бир ҳафта ўтгандан сўнг Зайнаб билан Омоннинг тўйи ҳақида хабар тарқалди. Зайнаб билан Омоннинг топишиши ҳаммани ажаблантирди. Уларнинг ўртасида совчи юрмади. Ҳеч қандай эски исм-русм бўлган эмас. Комсомол комитетининг секретари уларни

ЗАГС га эргаштириб борган, рўйхатдан ўтказиб олиб келган ва Зайнаб Омонникида қолган, холос.

Зайнабникига биринчи бўлиб унинг майда-чуйдалари ва уч йилдан бери колхозда ишлаб юриб орттирган нарсаларини кўтариб Юнус ота кириб борди.

Сора Зайнабдан тамом тонди. «Синглимдан кечдим», деб эълон қилди.

IV

10 Зайнаб ва Омон колхозда ишлаб кетдилар. Артель колхознинг тузилганига анча йил ўтиб қолди. «Колхознинг умри беш кун», деган игволар пучга чиқди. Колхознинг қандай бўлажаги ҳақидаги шубҳалар тарқалиб, коллектив ширкат рўзгорининг биринчи мевалари қўлга кирди.

1934 йилнинг кузи охирида Омон иккита қўй етаклаб уйга кириб келди. Бугун уларнинг уйи катта тўй қилгандай бўлди. Бутун қўшнилари Омон келтирган қўйларнинг ҳамма ёғини текшириб кўрдилар. Улар шундай синчиклаб текширдиларки, улар бу билан Омон келтирган жониворларнинг ҳақиқий қўй эканига ишонмаганга ўхшар эдилар.

Зайнаб қўшни хотинга шундай тушунтирди:

— Утган куни колхозда даромад тақсим бўлди. Қўйлар ана ўшанинг ҳисобидан,— деди.

1934 йилда Зайнаб 150, Омон 200 меҳнат куни ишлади. Серунум меҳнат уларни тўқ турмушга қараб етаклар эди. Омон ва Зайнаб бутун меҳраларини колхозга қўйганлар. Улар колхозсиз инсонларча яшаш мумкин эмаслигига яхши ишониб олдилар.

30 Зайнабларнинг бутун турмуши билан жуда яқиндан ошна бўлган Юнус ота Зайнабда бўлган муҳаббатни жуда яхши англади. 1935 йилнинг бошида Зайнаб колхозга бригадир бўлиб тайинланди.

1935 йилнинг эрта кўкламида бўлган ишни Сталин номли колхознинг ҳеч бир аъзоси унутмас. Аввалги йилларда ҳам улар жуда қаттиқ ишладилар. Лекин бу йилгидай меҳнат ҳеч қачон бўлган эмас. Зайнабнинг бригадасида эрақ, аёл бўлиб 33 киши ишлайди. Ишда хотинлар ҳам эрақлардан қолишмас эдилар. Уларнинг 40 бу қадар қизиби, берилиб ишлашлари, сахар туриб, шомда уйга қайтишлари уларнинг ўзларини ҳеч бир ўйлантир-

мас эди. Улар бу ишни ўзлари учун табиий бир заруриятдай сезар ва берилиб ишлар эдилар. Иш жуда завқ билан борар, ҳаммалари бир-бирларига қараб кўнгиллари очилар ва бир-бирларига қизиқиб ишлар эдилар. Ҳамма бир-бирига қараб ва ҳаммаси бир-биридан ўрнак олар эди.

Буларнинг бунчалик қизиқиб ишлашларининг сабабини ишлар бошланиши олдидан Юнус ота икки сўз билан айтиб берди:

— Ернинг бағрида бўлган бутун бойликни уйга ташийлик. Одам ҳаммомга кирса тозариб, ёшаради. Ер ҳам одам. Яхши ишлаб яхши парвариш қилса, унинг ҳам қаймоғи бетига чиқади. 10

Улар Юнус отанинг сўзини буюк бир ишонч билан қабул қилдилар.

Кечқурун Зайнаб ўзининг эски уйини энг сўнгги мартаба кўргани келди. Эски чолдевор тамом қулаб тушган ва бир-икки жойда диккайиб унинг деворлари қолган эди. Онаси эсига келди. Отаси ва уларнинг кечирган гадо турмушлари кўз олдидан ўтди. Опаси эсига тушди ва у билан Омон тўғрисидаги жанжаллари ва унинг Зайнабдан тамом тониб, икки йилдан бери йўқламагани ёдига келди. Зайнаб бошини кўтариб бир силкиб ташлади ва ҳаммасини унутган бўлиб уйига кетди. 20

Эрта билан Зайнабнинг бригадасидаги 33 киши ҳовлини текислаб, унинг тупроғини далага ташишга тушдилар. Колхозчилар «ҳовлининг ўрнини нима қиласиз?» деб сўраганларида, Зайнаб Юнус отанинг сўзи билан жавоб берди:

— Ишлайверинг, қаймоғини юзига чиқарамиз! 30

Бригада кечгача ҳовлининг тупроғини далага ағдарди. Улар тупроқни замбил билан ташиб, ғалтак билан содда эски қопларга солиб кўтарар, этаклари билан элтар, арава билан ағдарар, бутун чораларни қилар эдилар.

Кечқурун ҳовли топ-тоза бўлди. Унинг теп-текис юзида, йиллар бўйи семириб ётган олтиндай тупроқ кўринар эди. Зайнаб теп-текис ерга айланган ҳовлини айланиб чиқди ва кўнглига бир нарса келтиргандай бўлди.

Эндигина Зайнаб бригадасининг тракторлари ўзларининг пўлат оёқлари билан бу ҳовлининг устидан ўтдилар. Ер тамом чаппа бўлгандай етилиб ағдарилди. 40

Апрель ойида, эски чолдеворнинг ўрнидан ғўза ўзининг кўм-кўк қулоқларини чиқарди. Бу Зайнабнинг энг хурсанд бўлган кунларидан бири эди.

Кун қизиб кундан-кун дала бахмалга ўралгандай бўлиб кўкараар эди. Одамлар эртадан-кечгача далада юриб, уни кўз қорачигидай асрар, парвариш қилар, кўкартирар эдилар. Тракторнинг оғир излари, кетмон кучи, текисланган чолдеворлар, ағдарилган зовурлар, маъдан ўғитлари, ҳалол ва эркин меҳнат колхоз даласини энг чиройли тусга киргизар ва уларнинг ҳаммасини яратган одамни яйратар, хурсанд қилар эди.

10 Биринчи чопиқ бошланганда, Зайнаб эски ҳовлининг ерини ҳеч кимга бермасдан ўзи чопиб чиқди.

V

Зайнабнинг қишлоқда энг хурсанд бўлган куни ўз бригадаси планни ошириб бажарган кун бўлди. Колхозда энг аввал унинг бригадаси от қозонди. Бригаданинг плани тўлган куни 7 ноябрга тўғри келди. Байрамни далада ўтказдилар. Зайнаб бу кун ўзининг энг яхши кийимларини кийиб ясанди.

20 Пахта тўпланиб қўйилган ерга катта қозон қўйилди. Тўйга аталиб қўйилган махсус қўй сўйилди. Катта қозонда ош дамладилар. Акмалобод театрининг артистлари грузовой машинага тушиб, тўй бошига етиб келдилар. Район партия ва комсомол ташкилотининг вакиллари тўпландилар. 5—6 тахта ёғоч бир-бирига тиралиб кичкина бир минбар қурилди. Минбарни қизил алвон билан ўрадилар. Юнус ота от устида бир байроқ кўтариб келиб, минбарнинг тахтасига боғлади.

30 Зайнаб биринчи марта минбар устига чиқди. Ҳамма унинг оғзига тикилар, шунча жимжитлик ва диққат билан тикилар эдики, пашша учса сезилар эди. Зайнаб нима дейишни билмасдан, қўли билан кўзини яшириб турди ва жиддий тус олиб, ўз бригадасига келган меҳмонларга қаради. Унинг бутун вужуди қалтирар эди:

— Ўртоқлар! — деди Зайнаб, — ҳаммамиз яхши ишладик, янги турмушга чиқдик, план тўлди. Бултур 20 центнер эди, бу йил 36. Яшасин Ҳукуматимиз! — Зайнабнинг хурсандлигидан кўз ёши чиқиб кетди ва пастга тушди, бутун колхозчилар «ура» кўтардилар.

40 Бу гапдан бир ой ўтгандан сўнг қишлоқда хотинлар орасида ҳар хил гап тарқала бошлади. «Зайнаб кетар эмиш», деган гап ҳаммани тутди. Лекин Зайнабнинг қаёққа кетишини ҳали ҳеч ким яхши билмас эди. Баъзилар

«Зайнаб районга кетар эмиш», баъзилари «Зайнабни ўқигани олиб кетар эмишлар», баъзилари «Зайнаб Тошкентга бориб катта бўлар эмиш», дер эдилар. Лекин ҳеч ким гапнинг энг ростини айтолмас эди. Ҳамма тахмин қилар, ҳеч ким ўз гапига ишонмас эди.

Уч кундан сўнг колхозчилар мажлисида Зайнабнинг жўнаяжаги аниқ бўлди. Кечқурун Акмалобод колхозчилари сафарчиларни байроқ билан поездга олиб чиқдилар. Поезд келиб тўхтади. Акмалобод райкомининг секретари Зайнаб, Файзулла Юнус, Усмон Норовни вагонга олиб чиқиб ўтқазди. Улар вагон ойнасидан қараб ҳамма билан хайрлашар эдилар.

Поезд жўнаши олдида вокзалга отни тез ҳайдаб Юнус ота етиб келди. Унинг отига бир аёл киши ҳам мингашган эди. Отни бойлаб, Юнус ота аёлни эргаштириб колхозчилар олдида тўпланиб турган вагонга кирар эди. Улар етиш билан поезд юрди. Зайнаб Юнус отага эргашиб келган опасини кўрди. Улар гаплаша олмадилар. Зайнаб вагон ойнасидан қараб қўл силкиди. Бутун колхозчилар қўл кўтариб қолдилар. Сора ҳам секунд сайин кўздан узоқлашаётган поездга қараб қўл кўтарди ва кўзидан дуриллаб ёш келди.

Колхозчилар Зайнабнинг опасига «синглинг Москвани кўргани кетди», деб тушунтирдилар.

ВАХШ

Қум денгизи

Узун, кенг ва поёнсиз саҳро қулоч етмас узоқларга чўзилиб кетган. Ул асрлар, умрлар бўйи ўзининг бутун табиати, бойлиги, гўзаллиги, жиму тинч одатлари, оғир ва қуоқ хаёллари билан ястаниб ётади. Бу чўлларда тепадан чексиз, учсиз ва мрамар лавҳалар билан тўлган осмон пастидан ўзининг бутун этакларини кўкка улаган қари саҳрогина узаниб кўринади.

10 Кенг саҳро офтобнинг жазирама иссиғи остида ҳансираб-ҳансираб нафас тортади. Куйдиргувчи қуёшнинг қаттиқ ҳарорати билан чанглари кўкларга кўтарилиб кетган йўлларда теваалар чарчаб, оғир ва қўпол оёқлари билан тупроқ қимирлатадилар. Ердан кўтарилган оқ тупроқлар офтобнинг сарғиш тиғлари орасида пастдан юксалаётган булутлар сингари кўринардилар.

Ёзнинг қайнаган кунларида саҳрода юрадиган жасоратли йўловчилар жуда ҳам камдан-кам учрайдилар. Иссиқ кунларда бу узун йўлларда отлар чарчаб, теваалар пишиб, йўлчилар ташналаниб қоладилар.

20 Сувсиз ва кимсасиз чўлларда чарчаган карвонлар қўнадиган манзиллар, жазирамада куйган одамлар бир лаҳза ором оладирган жойлар ҳам йўқ, бўлсалар ҳам жуда оз ва ҳар замонда учрайдилар.

Вахш чўли бутун борлиғи билан чўзилиб ётади.

Ваҳший Вахш

Бу чўлнинг ташна танларини қондириб, ваҳший Вахш дарёси оқади. У Вахш водийсининг жонсиз танларига ҳаёт суви оқизади. Ул шарқ томондан Чин, жануб ёқдан

30 Афғон ўлкасининг чегаралари этагига бориб туташади. Вахш асрлик музликлар қучоғига кўмилиб кетган юк-

сак ва мағрур Помир тоғларининг инсон оёқлари тега олмаган, киши кўзи кўрмаган баландликларидан қуёш нурларининг иссиқ тиглари зарби билан қайнаб чиқади. Иссиқда муз тоғлари йиқиладилар.

Вахш Помирдан пастга тушганча 3 380 метр йўл бо-садики, бу йўловчилик жаҳон дарёларининг кўпида кўринмайди. Қўрғонтепанинг музли этаклари Вахшнинг узун умрига доялик вазифасини бажарадилар.

Вахш ўзининг мангулик — туганмас музликлари, ваҳший ва ҳовлиқмаликлари билан характерлидир. Унинг жуда ҳам узоқ тарихи, ажиб саргузаштлари, қизиқ ҳикоялари бордир. Унинг ваҳший қилиқлари, ёввойи одатлари бугунгача ҳеч бир куч томонидан қўлга олина олмашидир.

Вахш узоқ муддат, ҳаттоки XIX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг — рус савдо капитали Ўрта Осиёни мустамлака қилганидан сўнгра ҳам ўз рафторини эскилигича сақлаб қола берди. Рус савдо капитали туб жой халқларининг сиқиб сувини чиқарган, мамлакатни хом мол конига айлантириб, туб жой меҳнаткашларини хом мол ишлаб чиқариш қуллари қила бошлаган чоғларида ҳам ул ҳеч нарсани парвойига олмади. Вахш эски оҳанглар билан товуш чиқарди.

Вахшнинг тақдири янги тарихнинг қўлида эди, у тарихнинг қулфи большевизимнинг пўлат қўллари билан очилди.

Капитализмдан сакраб

Тожикистонни ҳарбий-феодал империализмининг зулмидан қутқариб Шўролар Тожикистонига айлантириш, Вахш водийсининг асрлик мотамсаро тинчлигини бузиш, Вахш дарёсининг беҳуда ҳовлиқишларига хотима беришнинг бирдан-бир тўғри йўли доҳий Ленин томонидангина кўрсатилди. Вахш водийсининг тақдирига узоқ асрларнинг қонуний тарихий такомили натижасида ёзилган шикаст ҳат Ленин томонидангина тўғри ўқилди.

Коммунистлар байналминалининг 2-қўнғирасида ўртоқ Ленин жуда равшан йўл кўрсатди:

«...голиб революцион пролетариат улар орасида мунтазам пропаганда юргизса, совет ҳукуматлари эса ўз ихтиёрларидаги ҳамма воситалар билан уларга ёрдам берса, у вақтда қолоқ халқлар учун капиталистик тараққиёт

босқичидан ўтиш муқаррар, деб ўйлаш нотўғри... илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин...»¹.

Ленин томонидан кўрсатилган бу йўлда, олдинги ўлкалар пролетариатининг бевосита ёрдами, Шўролар давлатининг ўз қарамоғида бўлган бутун шароит юзасидан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қаттиқ қўллаши орқасида Шўролар ўлкасининг энг кенжаси Тожикистон азамат қадамлар билан илгари борди.

Теваларнинг оғир одимлари чанг чиқарган қулоч етмас чўлларга оғир саноатнинг резинкадай чўзилиб кетган салқин ва мустаҳкам излари ташландилар, феодализм тева карвонининг Душанбилари социализмнинг мағрур паровозлари товуш янгротган шаҳарга айланди.

Эски Вахш йўқ

Тоғлар, ўрмонлар орасидан борар экансан, Днепр — гўзалдир, шувилламас, деган экан бир вақтлар Гоголь.
20 Замон бугун Днепрларнинг шувилламасликларини бузиб, Вахшларнинг ҳовлиқмаликларига чек қўйди.

Вахш бу кун социализмнинг сафарбар зарбдорига айланди. Ортиқ азамат Вахшстройнинг жаҳонга гулгула солган товушларини барча эшитган бўлиши керак.

Эски Вахшнинг ўрнига бугун тамом янги дунё юзага келәтир. Шўролар Шарқининг қизил дарвозаси Тожикистон эски Вахшнинг ҳовлиқмаликларини йўқотиб Миср пахтасининг жони, макони, тўқимачилик фабрикаларининг қаттиқ таянчи бўлаётир.

30 Социализм қурилишида пахта масаласи жуда ҳам катта муаммодир. Пахтачиликнинг бугунгача бўлган холи тўқимачилик саноатининг талабларига жавоб беролмасдан келди. Саноатни хом мол билан таъмин қилиш учун чет капиталист мамлакатларидан жуда кўп пахта сотиб олишга тўғри келар эди. Америка ва Мисрдан пахта сотиб олиш йўлида Шўролар ҳукуматининг озгина олтини сарф бўлган эмас.

1927 йилдан 1930 йилгача Мисрдан олинган пахта учун 70 миллион сўм пул сарф бўлди. Тўқимачилик са-

¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 274-бет.

ноатимиз учун йилига 50 минг тонна Миср пахтаси сотиб олишга тўғри келар эди.

Бугунги азамат Вахшстрой тўқимачилик саноатимизни ана шу қийинчиликдан қутқазувчи яққа ва ягона чоралардан биридир. Биз ортиқ Ҳиндистон пахтачилигини қувиб олдик.

Вахшстройни қуриш натижасида Вахш чўлида гигант пахтачилик совхози қурилади. Бу совхозга эга бўлингандан сўнг йилига 70 минг гектар ерга Миср пахтаси экиш имконияти юзага чиқади. Совхоз 42 минг киловаттлик 10 электр станциясига ҳам эга бўлади. Шундай қилиб, Вахшстрой орқали Вахш чўлига жон киргизиб, икки йил ичида, бу чексиз чўлларда 250 минг гектар Миср пахтачилиги майдонга келади. Бу восита билан Тожикистон жумҳурияти тўқимачилик саноатимизнинггина эмас, балки автомобиль ва резина саноатимиз учун ҳам азамат манбага айланади. Пахта халқ эҳтиёжини таъмин қилишда энг катта чорадир.

Миср пахтасининг яна бир яхши хусусияти уни автомобиль ва резина саноатида ҳам ишлатиш имкониятининг 20 майдонда бўлишидир.

Вахшстройни ишга солиш натижасида Шўролар ҳукуматининг хазинасида йилига 15 миллион сўм пул қолажакдирки, бу ҳам хўжаликни яна кенгайтиришга катта бойлик бўлажак.

Бу йўл билан Тожикистон ёппасига коллективлашув йўлида катта қадамлар ташлаш, муштумзўрларни синф ҳолида тугатишда улуғ омилга эга бўлади. Вахшстрой Тожикистонга тамоман янги бир мазмун киргизажакдир.

Волхов — Днепр — Вахш

30

Волховстрой, Днепростройларнинг овозаси жаҳонни тутиб кетган. Ортиқ ҳар бир кўр капиталист ҳам биладики, СССР пролетариати ҳақиқатан кишиларнинг тушларига ҳам кирмаган мўъжизалар яратди. СССРда:

Очиб кўкрак
ҳар кун янги
бир тоза бино,
Ҳар кун кулиб
келаётир
азамат дунё!

40

Қурилишлар қўрғонида
қайнаётир иш,
Юракларга кираётир
социал турмуш.

Агар биз шу азамат қурилишлар билан Вахшстройни солиштириб кўрсак, унинг қандай катта аҳамият бахш этганига қаноат ҳосил қиламиз...

10 Ортиқ Тожикистоннинг ҳар бир меҳнаткашининг юраги Вахшстрой оҳанглари билан тепади. Улар «Қизил калтакчилар»га уюшиб, Тожикистон қишлоқ меҳнаткашларининг рўзғорларини талон-тороғ қилиб юрган Иброҳимбек бандаларини тор-мор қилиб, Вахшстройни кўз қорачиғларидай асраётирлар. Тожик меҳнаткаши Вахшстрой унинг шарафи, бахти, саодати эканлигини жуда яхши англаб олди.

Вахшстрой воситаси билан Тожикистон янги социал дунёга катта қадам ташлади. Шунинг учун ҳам вахшстройчилар билан бирга нафас олиб турган ёш шоир:

20 Тизгинсиз от каби чопган,
эй дарё,
Юрагиндан
порлаб чиқар электр,
Сен Вахш эмас,
энди бир
тоза дунё
Очиб бахт гулларин
дер сенга: «Ол, тер!»

30 демакда жуда ҳам ўринли ва ҳақлидир. Шўролар Шарқда қизил байроқ кўтарган Тожикистон Вахшстрой товушлари билан капитализм панжасида эзилиб ётган Шарқ мазлумларини инқилобий курашларнинг қизгин дақиқаларига чақиражаклар.

Вахшстрой шу кунларда

40 Шу кунлар Вахш қурилишининг жуда ҳам қизиган қатъий кунлари. Шу август ойида унга 250 юк автомобили, 200 трактор, 1200 от ва 4000 тева бориб ишга қўшилиши керак. Ҳозир қурилишнинг транспорти тугун бир масала, маблағнинг 25 проценти юк юритиш ишларига кетади. Иссиқ кун, жазирама офтобларда тевалар чарчаб, ишга ярамай қоладилар. Тева машина эмас, албатта.

Қурилишнинг 130 универсал трактори анча вақтдан бери Термизда ётади. Термиз йўл қурилиши шунинг Вахшстройга етказиб беришдан ожиз.

Вахшстройнинг ҳозир тупроқ кўпаргичи — 20 экскаватори бор, бунча кўп экскаваторни бу кунгача ҳеч қандай строй кўрган эмас.

Ҳозир Вахшда 2000 киши ишлайди. Сентябрда бу соннинг 11000 га етиши зарур, қолган ойларда эса 10000 дан киши ишляяжак.

Вахш чўлида янги шаҳар яралиб, ул Вахшнинг ёввойилиги, асрлик музликларини енгаётир. Юзлаб бригадир, зарбдор ишчилар қурилишни тинмасдан илгари сурадилар. Янги пролетарлар дунёга келаётир.

10

Вахш ишга тушади

Вахш саҳросининг кетсиз бўшлиқлари, бу кенг водийнинг кўз тиндирувчи оғир ва кенг сукутлари ва шу сукутларга бир қадар қўзғалиш берадиган ваҳимали Вахш бу кун экскаватор, тракторларнинг ғавғолари остида бош кўтаради. Экскаваторларнинг кўтарилиб тушишлари, моторларнинг товушлари, тракторларнинг қўшиқлари мудҳиш Вахш водийсига аллақандай азамат бир кўркамлик, бўйдоқлик — йигитлик берадилар.

Шундай, Вахшстрой ўта кетган суръатлар билан илгарилайди. Ҳар кун унда янги бир нарса битиб, ишга тушиб туради. Булар тездан тамом битажаклар. Шундай қилиб, бу кунгача фақат 25 проценти фойдаланиб келинган Вахш саҳроси Миср пахтачилиги билан фахрланади.

20

1 январда — сув тақсимлашни тартиблаш бўлимлари битади.

4 мартда — сув тақсимлаш каналлари ишга тушади.

15 мартда — қурилишнинг бош магистрал каналлари етишади. Бу оғир саноат қурилиши энди бошланиб келаётган ўлка учун дунёвий аҳамиятга эгадир.

30

Шундай, ҳар нарса ўзгариб оқади, муз — сувга, совуқ — иссиққа, қора — оққа айланади. Кеча феодализмнинг қора чироқлари ёнган жойларда бугун Ильич лампочкалари ёруғ сочади.

Биз Вахшни эшитиб-ўқибгина биламиз. Ундаги қурилиш дабдабасини ҳали ҳеч биримиз, ҳеч қандай ерлик ёзувчи кўрган эмас. УзАПП ва САПП нинг қурилишга узоқ муддатга бригада юбориши жуда ҳам хайрли иш бўлар эди. Пролетар ёзувчиси ўз синфи билан узвий боғланиб, социализм қурилишини большевик суръатлар билан ифодалаш лозим, бусиз мумкин эмас.

40

حەقىقەت ئىزلىب...

ئىرنەنمەن، ھەممە ئىش سارى ئافىندى، قوپۇش ئىسە قىزىپ، نۇرلىق زېمىن ھەر تامان ساۋماقتا ئىدى. ئۇ بەللىدە ئۆگۈرگە، جىدىنىڭ ئىچى شېكى ئالدىدا ئىرگەشنى كۆردى.

ئۇ ئۇزىن ئىنسان قازىداشلار كەينى جىندى كۆرۈشدى. باشلىدا كۆپ كۈنلەردىن بېرى يۈرۈلمەغان نۇپۇسى، ئاپتۇنىدا پۈتۈنلا بارغان دەۋىگى، ئىككىنچىدە پاز بولسا ھەممە ئۇزىن ۋە چوڭ كۆپلەش، خورجۇ-يېنى يېرىگە يازىپ، ئۈستىگە ئۇ-ئورغان ئىدى.

ئۇ ئۇنىڭ ئارتىقى دەرەجىدە خەتەرلىك ئىكەن ۋە ئەھمەت ئەلەب بىر كىشى ئىكەنلىكىنى يۈزەندىن سېزدى.

قاندەي ئىش بىلەن بۇ يېرىدە ئۇزۇن بولسا، ئۇ ئۈنكەنلەرنى ئاشىدىغان بىدە بىر ھەرتە ئۈنكەزگەندەي بولۇپ، ئۇنىڭ قولىداغى ھەرىزەسىنى كۆر-ئەلەب:

... سۈدۈگە ئېشىم بار ئىدى. ئىدى. ئۇ ئۇنىڭ ئەمگىكىن ھالدا، دېدىن خەتەرلىك بولماق ئىپتىدائە دەپ:

... قارىسى يېرىدىن بولسا؟ دېدى. ئۇ، ئارقا-ئارقىغا بىر قارادى، ۋە... خورەخ رەھبەرنىڭ ئۇزۇن قىشلايدىغان-دېدى.

ئۇ ئۇنىڭ تەنن باقتۇراق باردى ۋە ئاشىدىغان كېچىرگەنلەرنى سۈر-ئەلەب ئېشىنى سۈرۈش.

... مەن ھەر كىمگە ئۇز سۈرۈشنى ئەمەس، ئۆزۈمگە ئېلىنمەن، ئۇ-ئۇنىڭ ئۈچۈن دەۋرلەرنى سۈرۈشگە ھەممە پارا، مەن ھېچ زەرەر قىلماس. دېدى ۋە يول كۆرگەن راللا كەينى يېرىگە قاراپ سۈزلەي باشلادى:

... بۇنىڭ قىشلاقلاردا خانن ئاللى ئاسان گەپ ئىدەس.

بىر خانن ئاللى ئۈچۈن كۆپ پىل لەۋ ئىشلەش، كۆزۈلەردىن ھەندىر پاش دانەلەرنى يالتىراتىپ تۈگۈش نۇغۇرى كېلەدى-دەپ ئۇزۇنىڭ ئۈن-ئەشەرنى بىر-بىر كۆزدەن كېچىر-گەندەي بولدى:

... مەن بىر خانن ئاللى ئۈچۈن ئىككى ئۈگۈم بىلەن ئاللى پىل ئىشلەتمە، قوپۇشنىڭ قۇبۇغان دەپتە لەرپىدە كۆچەلەردە ئاپتۇنسا كۆككە تامان كۆتۈرلەنگەن بەلەند ناغلاردا بۇرۇش كىشىنىڭ گۈلەي عومىرنى خەزان قىلىشقا ئالپ بارادى. مەن قارا ساچنى ئاللى بولىدا قوپۇشنىڭ ئاللا دېگەن ئىسقلارغا چىدەم، ئاغ-لارداغى قۇبۇغان تاشلار ئۈستىدە بۇردىم. ئۇشە ۋاقىتلاردا قارا ساچنىڭ «ئەنئىيەنە كۆپى» مېنىگە مەدەت بېردى.

ئىسقىدان، مېھنىنىڭ رورلەيدىغان بەدەنلەردىن سېلىدىك ئېرلەر آقۇ-ئەم، كۆزلەردىن ئىسە باشلار... كىچىكلەرنى چۈشۈرۈپ، ئۇزۇن قورقۇ-ئاسان پاندىم. قورقۇمۇس بۇرۇكلەر كەينى كۆپ بۇرۇشنى كېچىدۇم. قارا.

ҲАЕТ ДАРЕСИ

Ширин «Айнулҳаёт» чашмасидан ўзининг гўзал қасри ўринлашган Арменияга сув чиқармоқчи бўлди. Армения қанча гўзал манзил бўлса ҳам, суви йўқ эди. Муҳандислар бу ҳолдан зўр ташвиш чекар, Арменияни сероб қилмоқ чорасини излар эдилар. «Айнулҳаёт» сувини Арменияга қараб оқизмоқдан бошқа чора сира йўқ эди. Аммо «Айнулҳаёт» чашмаси билан Ширин ўлкасини ўн ёғоч чоғлиқ масофага чўзилган баланд тоғлар ажратар эдилар. Бироқ, ўз ўлкасини сероб қилмоқчи бўлган Ширинни ҳеч бир тўсиқ тўхтата олмас эди. Шунинг учун у жуда кўп ишчилар чиқариб, тоғни кесиб, Арменияга қараб сув олиб ўтишга амр қилди. 10

Меҳнат чидаб бўлмас даражада оғир эди. Меҳнатчилар роса уч йил тинмасдан тоғ тешдилар. Синмаган теша, ушалмаган метин қолмади. Аммо иш асло силжимас, Нуҳ умрига эга бўлган одамларга ҳам у ишни тугатиш имконияти кўринмас эди.

Бу ерга буюк меҳнатқаш ва оташин севгувчи Фарҳод келиб қолди. Меҳнатнинг оғир юклари остида қийналиб ётган заҳматчиларни кўрди. Уларга раҳми келди, жони ачинди. Фарҳод ҳунарнинг энг нозик сирларини билган одам эди. Бу тоғ кесувчиларга ёрдам қилиш фикрига тушиб қолди: 20

Ҳунарни асрабон нетгумдур охир,
Олиб туфроққа му кетгумдур охир.

Фарҳод донишманд Қорундан яширинча ўрганган билимларни ишлатди. У ариқ қазимоққа киришиб, тоғ тошларини шундай ағдара кетдики, худди қумни сел ювиб кетаётганга ўхшар эди. Шунда Фарҳоднинг овозаси бутун юртни тутиб кетди. Унинг бу ишидан гўзал 30

Шириннинг ҳукмдор аммаси Маҳинбонуга ҳам хабар етди. Одамзод бундай ишни кўрган эмас эди. Шунинг учун уни кўз билан кўрмасдан туриб ақл ишонмади.

Маҳинбону ва Ширин Фарҳод ва унинг ишини кўрмоқни ўзларига ғанимат билиб иш бошига келдилар. Кўриб ишондилар. Фарҳод шунда излаб келган севгилисини кўриб қолди. Ширин Фарҳоднинг ишини кўриб ошиқ бўлди. Унинг бошидан жавоҳирлар сочди.

10 Фарҳод ишда давом қилиб, тез фурсатда тоғни кесиб ўтди. Ариқ Арменияга етди. У Ширин қасри ёнига қаср солди, у чиройиликда Чин суратхонасига ўхшар эди. Унинг олдида катта ҳовуз қилиб. «Баҳруннажот» ном қўйди. Энди «Айнулҳаёт» чашмасидан Фарҳод қазиган ариқ билан оқиб келган сув «Баҳруннажот» ҳовузига тушиб чиқар, кичик ариқчалар бўйлаб бутун қасрни гир айланар ва сўнгра шаҳарга қараб оқар эди.

20 Зўр ариқ тайёр бўлгани ҳақидаги хабар бутун халққа маълум бўлди. Фарҳод энди янги ариққа сув қўймоқ учун «Айнулҳаёт» чашмасига қараб йўл олди. Бутун Армения халқи хурсанд бўлиб томошага чиққан ва Фарҳод орқасидан борар эдилар. Халқ шунча кўп эдики, игна ташласа ҳам ерга тушмас эди.

Фарҳоднинг сув очмоққа кетганлик хабари Ширинга ҳам етди. Унинг сабру-қарори қолмади. Сув бошига етиб бормоқ учун дарҳол от буюрди. Маҳинбону ва унинг орқасидан Ширин «Айнулҳаёт» чашмасига етиб келдилар. Фарҳоднинг бахти ва саодатига поён йўқ эди. У ўзининг ариғига «Наҳрулҳаёт», яъни «Ҳаёт дарёси» деб ном қўйган эди.

30 Ҳамма тўпланиб бўлди. Фарҳод «Ҳаёт дарёси»га қараб сув очиб юборди. Бутун атрофга ғавғо тушди. Халқ чумолидай чуваб, ариқнинг икки қирғоғига сув билан бирга йўлга тушди. Ариқнинг икки қирғоғида ашулачилар қўшиқ бошлаб, ўйинчилар ўйинга тушдилар. Ер ва кўкни хурсандлик тутиб кетди. Маҳинбону билан Ширин от устида, сув олдида, қасрга қараб йўл солдилар. Бутун халқ сув билан баб-баробар чопиб борар, одамлар дарёдек, дарё одамлардек чопар эди.

40 Фарҳод чексиз ва чегарасиз бахтиёр эди. Бундан беш аср бурун бизнинг улуғ Алишеримиз ҳаёлида шундай гўзал бир ҳол жилва қилган эди. Одамларнинг зўр дарёлар чиқарганлари, катта каналлар қазганлари, денгизларга денгизларни қўшганлари рост. Ле-

кин, на Алишергача ва на ундан кейин одамзод бундай гўзал бир ҳолни кўрган эмас эди. Бундай гўзал бир ҳолни тасаввургина қила олиш мумкин ва уни тасаввур қилмоқ учун эса Алишер каби буюк хаёлкаш бўлмоқ керак эди.

Алишернинг хаёли — халқнинг хаёли эди. Халқ минг йиллар бўйи Алишер бўлган ширин хаёлларда бўлиб келган. Лекин, нима учундир, бу хаёллар асло ҳақиқатга айланмаган. Хаёл бир ёқда-ю, ҳақиқат бир ёқда қола берган. Хаёл яқин келган сари ҳақиқат узоқлаша берган. Шунда халқ бунинг сабабини замондан излаган ва Фарҳод билан Ширин ҳақидаги гўзал афсонани яратган ўз буюк шоирига янги ва ажойиб бир афсона билан жавоб берган. Унда халқнинг бутун алами, гўзал хаёлларнинг аччиқ ҳақиқатга айланишидаги фожиа ёрқин ифода қилингандир. 10

Бу бизнинг буюк оч даламиз Мирзачўл ҳақидаги афсонадир. Юртнинг гўзал қизи Ширин вояга етади. Унга манман деган йигитлар талабгор чиқиб, тўхтамасдан элчилар юборадилар. Мирзачўллик қизнинг донғи Чингача етади. Шаҳзода Фарҳод ҳам талабгор бўлиб келади. Эрон подшоҳи Хисрав ҳам келган эди. Ширин ўз ватани Мирзачўлни севар эди. У талабгорлар олдига шундай зўр бир шарт қўяди. Мирзачўлга канал қазиб, Сирдарёни бўғган ва оч далага сув чиқариб обод қилган одамга тегаман, дейди. Йигитлар унинг шартини қабул қиладилар. Лекин, бу шартни ҳаммадан аввал Эрон подшоҳи Хисрав бажаради. Ҳийлагар подшо ойдin бир кечада ўн километрлик йўлга лак-лак бўйра ташлатиб, худди Мирзачўлга қараб тўлқинланиб оқиб келаётган Сирдарёни тасвир қилади. Ширин чиқиб уни кўради. Ой нурида товланиб, ярқираб ётган бўйранинг чинакам сув эканига ишонади, Хисравга қараб «Шартимни сен бажардинг, энди мен сеники бўлдим», дейди. Эроннинг маккор подшоҳи Мирзачўлнинг гўзал қизи Ширинни алдаб, унинг ғурурини ерга уради. Тонгда эса Ширин подшонинг найрангига қурбон бўлганини англайди. 30

Жиноят ва жазо шундай бўлган. Бу жуда аччиқ ҳақиқат. Халқнинг бошига бундай кунлар жуда кўп тушган. Чунки халқ доимо яхшилиқни ўйлайди. Яхши яшагуси, бахтли кунлар кўргуси келади. Лекин, тақдири ҳали ўз қўлида бўлмагани учун, эрксиз ва ҳуқуқсиз бўлгани, бир тўда муттаҳамларга оёқ ости бўлгани учун 40

ҳийла ва найрангларга гирифтор бўлиб, ғам ва мусибатларга тушади. Куёвсиз қолган қизлар, эрсиз қолган хотинлар ҳақида афсона тўқийди ва келажакка қандайдир умид билан қарайди. Ноумид — шайтон, дейди.

10 Халқ жуда кўп афсоналар тўқиган. У афсоналарга минг йилларнинг тилак ва армонлари беркинган. Аммо халқ ёлғиз ўз армонлари ҳақида афсоналар тўқувчигина эмас, халқ бу афсоналардан мингларча ошиб тушадиган ишлар ҳам қилишга қодир. Лекин, бунинг учун қўлида занжир, оёғида кишан, оғзида қулф бўлмаслиги лозим. Бунинг учун шу афсонавий гўзал ишларнинг роҳатини унинг ўзи кўрмоғи керакдир. Бунинг учун унинг ариқ қазиб чанқаб ўтмаслиги, атлас тўқиб яланғоч қолмаслиги, буғдой ўриб очдан ўлмаслиги лозимдир. Яъни бунинг учун у халқнинг ўз тақдири ўз қўлида, ўз ҳурриятига ўзи хўжайин, ўз тупроғига ўзи эга, кўнгли тинч, уйи осойиш бўлмоғи лозимдир.

20 Бу йил Фарғонада афсонадан ҳам гўзалроқ бир ҳодиса бўлиб ўтди. Фарғонанинг колхозчилари ўз ичларидан бир юз олтмиш минг кишини сайлаб, Катта Фарғона каналини қазишга чиқардилар. Бу сайланган бир юз олтмиш минг киши энг аввало яхши ва онгли одамлар эдилар. Уларнинг орасида донғи кетган орденлилар, турган-бўтгани ҳикмат бўлган чоллар, меҳнат қилиб овоза чиқарган баҳодирлар, тракторчилар, чавандозлар, аёллар бор эди. Улар уй-жойлари, от-аравалари, кетмон-тешалари билан бўлажак зўр каналнинг бўйларига, чўлга кўчиб чиқдилар. Улар араваларга қоп-қоп гурунчларни, зўр-зўр тўй қозонларини ортиб, семиз моллар, бўрдоқи қўйларни 30 ҳайдаб чиқдилар. Отлар ясатилган, араваларга байроқлар осилган эди. Араваларда карнай, сурнай, чилдирмалар, ўйинчи ва қўшиқчилар ҳам бор эди.

Бу зўр овоза бутун ер юзига ёйилди. Совет Иттифоқининг бутун бурчакларидан уларни ҳам шу ишга қўшишни сўраб инженерлар, сувчилар ва қурувчилар аризалар юбора бошладилар. Агитаторлар, кутубхоначилар, муаллимлар ва халқ ҳофизлари бўлажак дарё бўйига чиқиб халққа хизмат қилишга чин кўнгилдан истак билдирдилар. Шундай қилиб, бир юз олтмиш минг киши 40 қаторига совет зиёлиларининг қирқ минг кишилиқ армияси қўшилди. Опера театри ўзининг зўр сахнасини кўтариб Учқўрғон даштларига чиқди.

Ҳамма нарса ихтиёрий эди. Халқ шоирлари ўз дўм-биралари, муаллимлар алифбе китоблари, агитаторлар Ленин асарлари, ашулачилар Навоий ва Муқимий газаллари ва киночилар ўз аппаратлари билан келар эдилар.

Мамлакатнинг бошлиқлари, ҳукумат арбоблари ҳам кеча-кундуз халқ билан бирга эдилар. Улар халқ билан бирга ётиб, бирга турар эдилар.

Ҳамма нарса янги, ҳамма нарса ҳеч қачон ва ҳеч ким томонидан қилинмаган ва кўрилмаган эди. Бу ерда кишини хафа қиладиган, одамнинг кўнглини оғритиб ранжитадиган ҳеч бир нарса йўқ эди. Кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда эди. 10

Ҳар бир киши ўз қилаётган ишининг маъносига яхши тушунар эди. Сув бизнинг ўлкамизда ҳаёт деган сўз. Сув бўлмаса ҳамма нарса қуриydi. Бир қатра сув бўлган ерда ҳаёт, маъмурилик ва гўзаллик пайдо бўлади. Ҳолбуки, бунда зўр бир дарё — Катта Фарғона канали қурилиб турибди. Демак, зўр иш. Одамлар қонхўр Норинни буриб, янги изга соладилар. Чанқоқ районлар сероб бўлади. Езёвон саҳросига жон киради. Минг-минг гектар ерда оппоқ пахта битади. Шоҳи-ипак битади. Коллектив хўжаликнинг чорвадорлиги кенгайди. Алмашлаб экишга зўр имкониятлар туғилади. Гурунч, бугдой кўпаяди. Янги-янги шаҳарлар бино бўлади. Халқ яна фаровон, ўғил ва қизлар яна ҳам бахтиёр бўладилар. Мамлакат яна ҳам бой ва кучли бўлади. Демак, зўр иш. 20

Лекин бу ҳали гапнинг ҳаммаси эмас. Бу сўзларда Катта Фарғона каналини қураётган одамларнинг меҳнатидан юзага келадиган биринчи натижалар айтилган, холос. Булар дарҳол кўзга ташланадиган нарсалар. Ҳали яна қанча нарсалар борки, ҳозир уларни дарҳол белгилаш қийин. Бунга зўр хаёл ва тасаввур керак. Ҳали Катта Фарғона каналини қурувчиларнинг ташаббуси бутун Совет Иттифоқида янги бир ташаббускорлик ҳаракатига айланиб кетиши мумкин. Лекин ҳозир шу биринчи натижаларнинг ўзи ҳам одамларга етарли. Халқ ҳикмати яхшилиқ кетидан яхшилиқ, баҳор кетидан ёз келади, дейди. 30

Халқ шунинг учун ишлайди. Шунинг учун иш ихтиёрий ва кишини чарчатмайди. Кўп ва яхши ишлаганнинг обрўйи ортади. Одамлар бугун кечагидан кўра яхшироқ ишлашга ҳаракат қиладилар. Уларга фан ва машина ёрдам қилади. 40

Катта Фарғона каналида 45 кун шу ҳолда бўлди. Буни халқ эртакларида қирқ кечаю қирқ кундуз ўйин ва томоша бўлиб ётди деб айтар эдилар. Ҳақиқатан, аҳвол эртаклардагидай эди. Бунда одамлар зерикишни билмас эдилар. Кечқурун соат ўнда халқ томошага тўпланар эди. Олдинги қатордаги даврада ўтирганларнинг ҳар бирида битта шоҳи қийиқ бор. Улар қийиқни ўз олдиларига ёзиб қўйиб, унга чўкка тушиб муқом қиладиган ўйинчини кутадилар. Томошага келган мингларча кишилар уларнинг

10 орқасидан тикка туради. Уларнинг орқасидан машиналар, араваларда келган одамлар тикка тизилади. Отлиқлар эгарнинг устига чиқиб тикка турадилар. Шундай қилиб, ҳар томошага ўн беш-йигирма минг одам тўпланади.

Уйин бошланади. Мамлакатнинг энг шуҳратли артистлари ўйинга тушадилар. Энг номи кетган кишилар ашула айтадилар. Уларнинг ўйини шу қадар илҳомий, ашулалари шу қадар таъсирли бўладики, улардаги бу ҳолни шаҳарда ҳеч кўриш мумкин эмас. Одамлар ўйин билан ашулаларнинг ҳам, карнай билан чилдирманинг

20 ҳам канал қазиб турганини кўрадилар. Шу уларнинг руҳини кўтаради. Чарчашни билмайдилар. Бутун ҳаракатлар асл ва илҳомий бўлади.

Уйин эрта тонгга қадар давом қилади. Одамлар татом ҳордиқдан чиқиб, қийқиришиб қайтадилар. Тонг ҳам аста-секин ота бошлайди. Одамлар яна канал бўйларига қараб юра бошлайдилар.

Меҳнат билан поэзиянинг бунчалик бирлашиб кетганлиги, санъатнинг бу қадарли халққа яқин турганлиги одамзод тарихида сира кўрилган эмас. Буни биринчи

30 марта ўзбек халқи Катта Фарғона канали бўйларида кўрсатди.

Мана, бу кун ўзбек халқи ўзининг гўзал республикасини кўрганига ўн беш йил бўлган кунда, шу ўн беш йилнинг энг порлоқ натижаларидан бўлган Катта Фарғона канали тайёр. Ундан гулловчи водийларга жон суви оқади. Улуғ Фарҳоднинг мислсиз ишларини ҳаёлдагина жилва қилдира олган буюк Алишернинг доҳий қалами мана шу гўзал ҳақиқат учун жуда ҳам зарур бўлиб қолди.

ҲАЁТ

Утган йили янги йилни Андижонда қаршилаган эдик. Меҳмонлар жуда кўп эди. Шаҳарнинг ўзида меҳмонларни тўла сиғдирарлик жой топилмади. Чунки улар бутун бир махсус поезд составида тўлиб борган эдилар. Андижоннинг миллионер колхозларидан бири бутун меҳмонларни ўзининг маданият саройида қабул қилди. Меҳмонлар Совет Иттифоқининг ҳамма томонларидан тўпланган эдилар. Уларнинг ичида Грузиянинг ҳукумат бошлиғи, Белоруссиянинг Оташранг деган гўзал шоираси, Узоқ Шарқнинг вакиллари, Қирғизистоннинг машҳур оқинлари ва москвалик профессорлар бор эдилар.

Декабрнинг энг сўнгги кунларидан бирида махсус меҳмонлар поезди Фарғона водийсини бўйлаб борар эди. Поездни ҳар станцияда карнай-сурнайлар билан қарши олар, Фарғонанинг энг ширин ноз-неъматлари билан зиёфат қилар эдилар. Ҳар бир вокзал эркак ва аёллар, болалар, гўдаклар билан тўла эди. Ҳар бир район ва ҳар бир шаҳар ўзининг энг машҳур ўйинчилари ва ашулачилари билан меҳмонларни кутиб олар эди.

Ўзбек халқини жуда меҳмондўст дейдилар. Айниқса, Фарғона меҳмоннавозлик билан донг чиқарган. Бу, бизнинг халқимизнинг энг ажойиб хусусиятларидан саналади. Ҳолбуки, Фарғона ҳеч қачон бунчалик кўп меҳмонни кўрмаган бўлса керак. Қани, Фарғона ўзининг меҳмоннавозлигини кўрсатиб кўрсин!

Декабрнинг сўнгги кунлари. Поезд ҳали ҳам ўз кўркамлигини йўқотмаган далалар, ўз чиройини сақлаган боғларни бўйлаб бормоқда. Тўғрида оппоқ тоғлар кўрилади.

Поезд энди Учқўрғон чўлларига етди.

Рост, Фарғона меҳмон кутишни билади. У бу гал ўз меҳмонларини афсонавий бир канал билан қаршиламоқда. Бу каналнинг бошидан-оёғига етмоқ учун поезд қуёш ботишдан кун чиққангача йўл юриши керак. Бу канал Фарғонага янги тўн, тоза либос кийгилади.

Бу, ҳақиқатан, гўзал меҳмоннавозлик эди. Мингларча халқнинг кўзи олдида меҳмонлар Катта Фарғона канали сув очдилар. Тўғонлар кўтарилди. Ваҳший Норин сувни янги изга бурилди. Карнай, сурнай, чилдирмалар 10 ҳаракатга келдилар. Ашулачилар қўшиқ бошладилар. Канал сувининг биринчи тўлқинларида тиззасигача сув кечиб, беқасам тўн кийган бир йигит ўйинга тушди. Сув меҳмоннавоз одамлар кўрсатган издан оқиб борар эди. Норин ва янги канал оралиғидаги ерда берилган зиёфатдан сўнг меҳмонлар шаҳарга қайтдилар. Миллионер колхознинг маданият саройи лиқ тўла. 31 декабрь кечаси. 1939 йилнинг энг сўнгги минутлари ўтмоқда. Саройни тўлдириб ўтирган одамлар бир ёш, бир ёш ошмоқдалар. Қадаҳлар май билан тўла. 1939 йил ёш келиб, йигит кет- 20 моқда. Ҳамма унга суқ билан қарайди. 1939 йил учун қадаҳ кўтардилар. Яна кўп қадаҳлар кўтарилди.

1939 йил энг сўнгги дақиқасини кечириб ўтди. Меҳмонлардан бири 1940 йил учун, 1940 йилдаги халқ қаҳрамонлиги, ижодий иш учун қадаҳ кўтарди. Ҳамма ўрнидан туриб қадаҳ уриштирди. Одамлар май эмас, онг ичаётганга ўшар эдилар. Бу тантанали онгга халқ қаҳрамонлигининг чуқур мазмуни сингдирилган эди.

Қирқинчи йилнинг сўнгги ойларини кечирар эканмиз, бизнинг кўз ўнгимизда ўша ажойиб соат жонланди. Шу 30 ўн ой ичида мамлакатимизда ўтган ҳодисалар ўзимизнинг кўз олдимизда бўлгани учун оддий бир нарсага ўхшаб кўринади. Ҳолбуки, буни китобда ўқиганимизда ҳайрон қолар, эртақ қилиб айтганларида чинлигига ишонмас эдик.

1940 йилнинг эрта баҳорида Ўзбекистонда халқ ҳаракатининг янги тўлқини бошланди. 500 минг колхозчи янги ирригация қурилишлари учун кўнгилли ишга чиқдилар. Улар билан бирга инженерлар, олимлар, студентлар кўтарилдилар. Ўлканинг жануби ҳам, шимоли ҳам, шарқи 40 ҳам, ғарби ҳам кўнгиллилар билан тўлди.

Агар ўлкадаги одамларни катта бир харитага тушириб бўлганда эди, мамлакатнинг бошидан-оёғигача ишлаб ётган кишилар кўринар эдилар. Унда Шимолий Фарғо-

на каналидаги тоғ участкасини кўриш мумкин бўлар эди. Унда тоғни ёриб ўтаётган одамлар, тоғнинг юрагини қўпориб олиб осмонга отаётган зўр портлашлар, метин ерларнинг бағрини тилкалаб кириб кетаётган экскаваторлар кўринар эди.

Унда Жанубий Фарғона каналини қураётган азаматлар пайдо бўлар эдилар, елкаларига қоп кўтарган чоллар, кампирлар, қизлар, йигитларнинг чумолидай чуваб тупроқ ташиётганлари, улардаги меҳнат шодлиги кўринган бўлар эди. Унда Тошкент каналининг қурувчилари, бағри ўйилиб кетган қир силсилалари, дарёнинг остидан дарё ўтказаетган доно одамлар пайдо бўлар эди. Улар ўзлари қилган ишга ўзлари ҳайрон бўлиб қараб турган бўлар эдилар.

Йўқ, жуғрофиюн бундай харитани ясаёлмайди, албатта. Ундай харитани ясаётган машина ҳали йўқ. Ундай харитани сиғдираётган зал ҳам топилмайди. Эҳтимол, харита одамларнинг сонини, нима ишлар қилганлигини ёзсалар. Лекин у одамлар бу хариталарда жуда кичкина бўлиб қоладилар. Харита, бари бир, одамларнинг руҳини, дунёни янгидан қураётган зўр халқнинг илҳомий ҳолатини, халқ ҳаракати деган камтарин ном олган ихтиёрий меҳнат юришини кўрсатолмайди.

Агар шундай бўлганда, Каттақўрғонда қурилаётган сув омборини қандай қилиб кўрсатиш мумкин эди? Одамлар бутун бир Зарафшон водийсини бир умрлик сувсизлик таҳликасидан қутқармоқ учун кўтарилдилар. Машиналар, темир йўллар, самолётлар ҳаракатга келди. Юз мингларча эркаклар, аёллар кетмон кўтариб келиб, сув денгизи қуришга тушдилар. Эл сероб бўлсин учун, далалар чанқоқликдан қутулиб, ўз бағридаги ҳамма нознеъматларни одамзодга яратиб берсин учун, пахтанинг ҳосили яна ҳам ортсин учун одамлар ўз ихтиёрлари билан сунъий денгиз яратишга киришдилар. Умрида кўчага чиқмаган хотинлар, хаёлида ҳам поездга тушмаган чолларгача шу ерга тўпланди. Одамлар ўзлари қилаётган ишнинг ўзлари учун қанчалик зўр эканини билдилар, ҳеч ким кўпчиликдан четда қолгиси келмайди. Чунки бу иш ҳар бир жонивор, ҳар бир парча ер учун зарур.

Харитада сувнинг қадрига етадиган одамларни қандай қилиб кўрсата олар эканлар? Шоир буни шеърга солиб айтиши мумкин. Ашулачи қўшиқ чиқара олади. Рассом ёзнинг ҳароратли иссиқ кунда қайнаб турган

дарёнинг қирғоғига лабини қўйиб сув шимираётган одамнинг суратини чиза олади. Аммо, харитачи, ҳеч нарса қила олмаса керак.

Унда Тошқоқа каналини қураётган хоразмликлар, дарёларни дарёларга қўшаётган қорақалпоқларни харитада кўрсатиш керак. Хоразмнинг сувга бўлган эҳтиёжини, сувга бўлган чанқоқлигини, ҳар бир қатра сувга бўлган муҳаббатини кўрсатишга шоир сўз, ашулачи куй, рассом бўёқ ҳам тополмас.

10 Амударё ўзининг ер-кўкка сиғмас суви билан Хоразм бўйлаб оқади. Лекин бир қултум ҳам сув бергиси келмайди. Хоразмликлар ундан ўзлари ичаётган сувни томчилаб оладилар. Дарё бераҳм, лекин одам ундан ҳеч қачон кўнгил узмайди. Бирор замон келиб эси кирар, одамларга меҳрибон бўлар деб ўйлайди. Мен хоразмликларнинг Амударёга бўлган ана шу қарашини, ўчини, гинасини, аламини сўз билан айтиб берадиган шоирни, куйлаб берадиган ашулачини, чизиб берадиган рассомни кўришни истар эдим.

20 Ана шунда халқ ҳаракати деган камтарин ном олган кўтарилишнинг чуқур илдизлари кўринган бўлар эди. Харита қанчалик катта, қанчалик оламшумул бўлмасин, буни кўрсатолмайди.

Агар шундай зўр харитани ясаш мумкин бўлганда, унга улуғ ўзбек трактини қандай қилиб жойлар эдилар. У Ўзбекистоннинг 23 районини, алақанча шаҳарларини, юзларча колхозларини айланиб ўтди. Уни кўрган одамлар бутун йўл бўйлаб чумоли карвонидай тизилган, лекин, албатта, чумолидан кўп эдилар. Чумолининг сони 30 уларга барабар кела олмас эди. Харитада битта чизиқ ўтади, холос. Унинг устига улуғ ўзбек тракти деб ёзиб ҳам қўядилар. Бу фақат бундан сўнг бу тахти равон йўлдан юрадиган йўловчилар учун керак бўлади. Негаки, ундан ҳар хил йўловчилар ҳар хил нарсаларга миниб ўтадилар. Уларнинг ичида шу йўлни қурганлар ҳам бўлади. Улар йўлни қандай қилиб қурганларини ҳикоя қилиб берадилар. Афсонавий иш бўлган ерларда гўзал эртаклар тўқилади.

40 Харитачи Чирчиқ дарёсига келганда, тоза ҳам шошиб қолган бўлар эди. Бунда ҳам дарёни, ҳам ҳавони, ҳам одамларни кўрсатиш керак. Жинни Чирчиқ дарёсининг бўйида бу йил одамлар ажойиб бир дунёни яратдилар. СССР нинг энг улуғ иншоотларидан бўлган Чирчиқ қу-

рилиши — электрохимия комбинати тамом бўлди. Бунда азотни кўрсатиш лозим. Иссиқ уйларда ўтириб, нормал иссиқликдаги сувни ўз қўли билан музлатаётган одамни кўрсатиш зарур. Водородни кўрсатиш зарур. Кўпларча миллатларнинг энг яхши фарзандлари қўлга-қўл беришиб яратган буюк гигантни кўрсатиш зарур. Харитачи нима қилади? Фараз қилайлик, шу гигантнинг суратини тушира олди. Лекин Чирчиқ қурилиши бутун мамлакатнинг қиёфасини ўзгартиради-ку! Уни қандай қилиб кўрсатиб бўлар экан?

10

Унда Оҳангарон ҳамманинг ҳам бошини қотириб қўяр эди. Чунки энди баланд тоғни ва етти қават ерни кўрсатиш керак. Етти қават ер остидаги дунё-дунё бойликни, кўмирни кўрсатиш лозим. Разведкачиларни, геологларни, етти қават ернинг бағрини ёриб кириб, ундан туганмас бойликни топган қудратли халқни кўрсатиш зарур. Унда харита ҳам бир неча қават бўлмоғи лозим бўлар эди.

Харитага олтин конини топган одамлар, металл булоқларини солиш керак эди. Албатта, мумкин бўлмаган бир иш. Пахтакор, пиллакор ва қорақўлчи. Ўзбекистоннинг ижодий ҳаёти шунча кенг ва ранго-ранг. Лекин, таассуфки, уни харитага тушириб бўлмайди. Бўлмаса «Лайли ва Мажнун» операсини, унинг равон дарёдай оқаётган музикасини қандай қилиб харитага солиб бўлади. СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалини қандай қилиб харитада кўрсата олиш мумкин. Булар ҳақида эртақлар тўқиш керак, холос. Буни тасаввур қила билиш лозим. 10 йил ичида қилинган бу ишлар бизнинг халқимизнинг азаматлигини, партиянинг меҳрибонлиги билан илҳомланган қудратини Шарқнинг барча халқларига байроқ қилиб кўрсата олади.

20

30

Эзилган Шарқ озодликка ахтарса чора —
Мана бизмиз улар учун энг зўр ишора.
Чич кўнгилдан гар истаса бўлмоқни

бўстон,
Мана биздан ибрат олсин буюк Ҳиндистон.
Афғонистон, Эрон учун бордир бир маёқ;
У ҳам бизнинг яшнаб турган қип-қизил

байроқ,
Эга мен деб Шарқда энг зўр ботир қўшинга,
Улуғ доҳий мумкин қаттиқ ишонса шунга.
Ким зулмдан қутуломоқни истаса чиндан,
Эркин, озод ҳур бўлмоқни истаса чиндан,
У, албатта Москванинг изидан борсин,
У, албатта партиянинг изидан борсин.

40

Бу йил янги йилнинг қаерда қарши оoliniши ҳеч кимга маълум эмас. Андижондами, Намангандами — уни ҳали ҳеч ким билмайди. Лекин бир нарса аниқ: янги йил қайси ерда кутиб олинса ҳам, унда кўтариладиган қадаҳларнинг энг биринчиси ўз сўзида турган ботирлар учун, мард ўзбек халқининг саломатлиги учун, унинг улуғ илҳомчиси учун бўлажакдир.

ОНАНИНГ НОМУСИ

Кунлардан бир кун Ортиқ ҳарбий машғулотдан йўқолиб қолди. Уни ҳарбий машғулотлар вақтида бирон ерда чарчаб қолиб кетгандир, деб ўйладилар, кутдилар — ундан дарак бўлмади. Одам юбориб, яқин ўртани ахтариб кўрдилар — топилмади. Бир кун, икки кун кутдилар — Ортиқ келмади.

Иқлимхон опа уйда ўтириб ўғлидан хат кутади. Эшик тик этса ҳам почтабон келгандир деб, юраги ҳарсиллаб чопиб чиқади. Лекин Ортиқдан хабар йўқ. Қўшнилари, 10 қавм-қариндошлар ўз ўғилларидан хат олиб турадилар. Хат ўқишни билмаганлар уни 75 яшар Иқлимхон опага олиб келадилар, ўқитиб эшитадилар. Аммо хат билган хотин ўз ўғлидан хат олмагани учун қон ютади. Кўзи тўрт бўлиб йўлга қарайди.

Эшик тақиллайди. Иқлимхон опа чопиб чиқиб, кичик эшикнинг занжирин туширади. Унинг кўз олдида пайдо бўлган икки киши Ортиқни излаб келганларини хабар қиладилар. Иқлимхон опага ўғлининг қочгани маълум бўлади. Оқсоч хотин ўзини қаерга қўйишни билмай қолади, тили сўздан тўхтаб, лаблари титрайди, бадани қалтирайди. 20

Она ўзини қаёққа қўйишни билмай, кўчага чиқади. Оёғи куйган товукдай типирчилайди, қўшнима-қўшни юриб ўз ўғлини ахтаради. Қўшнилари, қариндошларнинг ҳаммаси ҳам Ортиқдан асло хабарсиз эканларини айтдилар. Икки кечаю кундуз тинмасдан юрган она ўз бадбахт ўғлидан ҳеч бир нишон тополмайди.

Ортиқнинг қочган хабарини берган ҳалиги икки киши кун оралаб Иқлимхон опанинг олдига келиб туради. Она, 30 «ўғлинг урушда ўлди» деб хабар келганида ҳам бунчалик қайғурмас эдим, дейди. Она ўз ўғлини ростликка ўргата-

ди, унинг тўғри бўлишини истайди; ёлгон гапирган одам хижолат тортади; қочган шарманда ва шармисор бўлади; ҳамма унинг онасини фалон қочқиннинг онаси, деб бармоқ учи билан кўрсатади, у пайдо бўлган ерда киноя ва пичинг пайдо бўлади, ҳамманинг ҳақорати унинг орқасидан қувиб юради, дейди.

- Номус жуда ёмон нарса. Лекин нима қилмоқ керак? Юзи қора ўғлидан дарак йўқ. Ортиқнинг қочгани тўғрисидаги хабар бутун Тошкентга ёйилади. Ҳалиги икки киши қочқинни ахтариб келганлари сари, Ортиқнинг «шуҳрати» ортади, она ерга киргандай бўлади. Қўшнилари, қавм-қариндошлари Иқлимхон опадан юз ўғирадилар, маҳалла хотинлари ўз ўғилларидан келган хатни ўқитиб эшитиш учун ҳам келмай қўядилар. Кампирнинг уйи моховхонага айланади.

- Якка қолган она нима қилишини билмайди. Унинг устига тоғ ағдарилгандай. У эртадан кечгача ўтириб, эски китобларни тинтийди. Болалиқда мактабда ўқиган китобларини олиб кўради. Она ва болалиқдан, урушдан, интизорликдан, мардлик ва номардликдан гапирган китобларни ўқиб, ўз дардига даво, кўнглига тасалли ахтаради. Бошқалар олдида мўътабар, эл ичида билимдон бўлган хотиннинг танҳо қолганини ўйлаб, кўзларидан ёш оқади.

- Иқлимхон опа юртнинг қанчалик оғир кунлар кечиратганини яхши билади. Ҳамманинг тилида урушнинг гапи, ҳамма урушнинг тезроқ тамом бўлишини, ёвни ватандан ҳайдаб чиқарилишини, элнинг тинчишини, ўз фарзандлари билан соғ-саломат дийдор кўришмоқни орзу қилади. Ҳамманинг фикри-зикри бир нарсада. У — ғалаба. Ҳамма шунинг учун ишлайди.

Онанинг хаёлида яна ўз ўғли намоён бўлади. Нима бўлса ҳамки, у она, бадбахтни кўргиси келади. Қаҳри келиб қарғайди, лекин кўргиси, юзма-юз туриб гаплашгиси келади. Унинг нима учун ўз муқаддас бурчидан бош тортганини сўраб билгиси, аччиқ-аччиқ сўзлаб йўлга солгиси келади. Лекин ундан дарак йўқ. Унинг ўрнига яна ҳалиги икки киши келади, онадан хабар сўрайди. Кампир ҳеч нарса дея олмасдан, ерга қарайди...

- Қирқ кун ўтгандан сўнг шом қоронғилиқда эшик тақиллаб, ит вовиллади. Онанинг юраги ваҳима билан орқага тортиб, титраган қўллари билан гугурт чақиб чироқ ёқади, қоронғида битта-битта юриб келди. Эшикка қараб: «Ким?» деди. Кўча томондан қўрққан бир овоз секинги-

на: «Мен», деди. Кампир дир-дир қалтираб, эшикни очди-да, чироқни тўғри қилди. Жимжит қоронғи кечада, кичкина чироқнинг хира ёруғида оёқ яланг, ҳамма ёғини кир босиб, соч-соқоллари ўсиб кетган Ортиқ гуноҳкорлар каби ерга қараб турар эди. «Этигинг қани? — деди кампир — кийимларинг қайда, шим қани?» Ортиқ индамади. Улар секин-секин юриб ичкарига кирдилар.

— Тузим кўр қилади, бадбахт,— деди она — юрт олдида шармисор қилдинг. Урушга бориб, жон олиб жон бераётган йигитлар лойдан бўлган эмас-ку, шарманда. 10
Мен ўқиган китобларда ҳукуматнинг амри вожиб дейилган. Сен ҳукуматнинг амрини бажаришдан бош тортиб, ўз тенгларинг ичидан ажралиб, қочиб менинг олдимга келдингми? Менга сотқин бўлиб тирик юрганингдан мард бўлиб ўлганинг афзал. Сен бўлмасанг ҳам, бир кунимни кўраман. Қўрқоқ бўлсанг қарғайман, мард бўлсанг дуо қиламан. Улган шаҳид, ўлдирган ғози бўлади. Ёвдан кўрқиб, қочиб қолган одам ҳам бир кун ўлади. Лекин унга гўр топилмайди. Итнинг ўлганини кўрганмисан? 20
Ҳа, сен ҳам ўлсанг, шундай бўласан.

Ортиқ жим эди. Онанинг аччиқ сўзлари унга ўз қилган жиноятининг қанчалик оғир эканини тушунтирар эди. Утдай тутақиб турган она, ғазаб ичида, ўғлининг юзига қаттиқ бир тарсаки солди.

Улар туни билан ухламасдан чиқдилар. Азонда она Ортиқни эргаштириб йўлга чиқди. Шаҳарнинг четидаги бир бозорга олиб бориб, унга этик, шим сотиб олиб, кийинтирди ва Ортиқни топшириш учун тегишли жойга томон йўл олди.

Йўлда уларга бизга маълум икки киши учрашиб қолди. 30
Дарҳол улар Иқлимхон опани танидилар. Ортиқ уларга таниш эди. Иқлимхон опа ўз ўғлининг икки қўлини орқасига боғлаб уларга топширди:

— Ортиқ Қорабой ўғли мана шу бўлади. Ҳукуматнинг амри вожиб. Мана олиб боринглар. Энди қочмайди. Қаҳрамон бўлиб келмаса, уйга киргизмайман.

Кампир шу ерда улардан ажралиб, орқага қайтди. Энди ўзини қушдай енгил сезса ҳам, аммо жуда чарчаган эди. У яқин бир дарахтнинг соясига келиб ўтирди. Эсиб турган енгил, салқин шабада онанинг киприкларига уйқу 40
қушларини қўндиргандай бўлар эди. У секин-секин уйқуга кетди. Кампир то эрта азонга қадар чўлда, дарахт тагида, қимирламасдан кўп кунлардан бери биринчи марта яйраб ухлади.

ФАРҲОД ТОҒИНИНГ ЭТАКЛАРИДА

Қадимги ўзбеклар «Оч дала» номини олган Мирзачўл даштлари ҳақида ажойиб бир афсона тўқиганлар.

Мирзачўлда яшагучи гўзал Шириннинг овозаси бутун жаҳонга ёйилган. Бутун йигитларнинг хаёлида Шириннинг жамоли жилва қилар эди. Ширинга совчи бўлиб узоқ ўлкалардан карвон кетидан карвон келиб турар эди. Унинг учун ҳинд бекзодаси, ўз ватанини тарк қилган Чин шаҳзодаси ва Эрон шоҳи ҳам келган эди. Ширин ҳамма келганларнинг талабини қайтариб турар эди.

Йигитлар ва узоқ ўлкалардан келган меҳмонлар Шириннинг рад жавобига қулоқ солмас эдилар. Улар ҳар қандай шарту шароитга, ҳар қандай синоққа рози бўлиб турар эдилар.

Ниҳоят, Ширин ўз шартини эълон қилди.

— Мени Сирдарёнинг йўлини бўғиб канал очган ва Мирзачўлга сув чиқарган йигит олади.

Шириннинг шартини мушкул эди. Уни бажо келтириш учун ҳар ким ҳам ўзида етарли жасорат ҳис қила олмади.

20 Уни бажо келтириш учун ҳар ким ўзича чора, йўл-йўриқ қидириб кўрди. Эрон шоҳи Хисрав бўлса ўз қўшинларига бўйра тўқишни ва ойдин кечада уларни узоқ чўлга тўлқин-тўлқин қилиб, ариққа ўхшатиб ёзиб ташлашни буюрди. Ойдин кечада чўлга ёйиб ташланган бўйра, ой нури акси билан Мирзачўлга сув келаётганга ўхшаб кўринар эди.

Фарҳод бўлса Бекободда, баланд тоғдан зўр-зўр тошларни қулатиб, Сирдарёни бўғиш билан овора эди. Фарҳод анча ишни қилиб қўйган чоғида, ойдин кечада Ширин олдига Хисрав кириб келди ва чўлга ёйиб ташланган бўйраларни кўрсатиб, Ширинга айтди:

— Гўзал Ширин, ана қара, чўлга сув келаяпти!..

Шириннинг соф юраги ҳийланинг маъносига ета олмади. У: «Ўз севгисини исбот қилган одамга муҳаббат қўйишга тайёрман», деди. Ширин Хисравга хотин бўлишга рози бўлди. Хисрав кечани унинг хобхонасида ўтказди. Тонг отди, қуёш ойни осмондан қувиб, ерни ёритди. Қуёш кўтарилганда чўлда маккорона ёйиб ташланган бўйралар ётар эди.

Ширин шармандаликка чидай олмасдан ўзини ўлдирди. Бу фожиали макр ва ҳийла ҳақидаги хабар тоғдан дарёга тош қулатиб турган Фарҳод қулоғига етиб борди. Шириннинг ҳалок бўлганидан хабар топган Фарҳод бундан сўнгги ўз ҳаётидан маъно топмади. У ўзининг ўткир кетмонини осмонга отди, кетмон қайтиб тушар экан, Фарҳод ўз бошини кетмон йўлига қўйди. Ўткир кетмон Фарҳод бошини шартта қирқиб ўтди. Тоғнинг тошлари севгувчи Фарҳоднинг қонига бўялди. 10

Фарҳод билан Ширин ҳалок бўлди. Лекин оч-яланғоч Мирзачўл сувсиз, гиёҳсиз қолиб кетди. Фарҳод тепасига чиқиб олиб дарёга тош қулатган тоғни халқ Фарҳод тоғи, Ширин яшаган жойларни эса халқ Ширинсой деб атаётди. 20

Ширинсой дарёнинг чап томонида, Фарҳод тоғи бўлса дарёнинг ўнг қирғоғида эди. Уларни Хисравнинг маккорлиги натижасида бўғувсиз қолиб кетган Сирдарё ажратиб турар эди.

1943 йилнинг 10 февраль кунда ажойиб қадимги афсонанинг воқеалари намоён бўлган ерларга 60 минг киши кетмон кўтариб ишга чиқди.

Ўзбек халқи Сирдарёни худди Фарҳод хоҳлаган ердан бўғишга қарор қилди. Инженерлар худди Фарҳод тош қулатган ерга тўғон солиб, дарёнинг йўлини тўсмоқ ва Ширинсой орқали дарёга янги йўл кўрсатмоқ лозим дейдилар. Ширинсой йўлларида оққан дарё Мирзачўлнинг асрлик уйқусини бузади, колхозчиларга пахта экиш, ҳикматли боғбонларга мевали дарахтлар ўтқазиб, янги шоликорликлар майдонга келтириш, кишиларнинг ҳаётини яна ҳам фаровон қилиш имкониятини туғдиради. 30

Ўзбек халқи ўз мамлакатининг фақат йирик, машиналашган илғор деҳқончилик ўлкасига эмас, балки кучли, оғир саноат республикасига айланганини, у Ватанга аэропланлар, танклар, замбараклар, миномётлар, снарядлар ҳам бераётганини, унинг саноати ишлаб чиқариш 40

қуроллари ясаётганини ҳам яхши билади. Ўзбек халқи ўзининг ифтихори бўлган бу саноатни электр кучи билан таъмин қилиш учун бош тўғон белгиланган ерда зўр гидроэлектростанция қуришга қарор қилди. Бу улуғ иш-шоот барпо қилинган, республикамизнинг экономикаси тубдан ўзгариб кетишини ҳам халқ жуда яхши англайди. Халқ бу қурилишга Фарҳодстрой деб ажойиб ном берди. Унинг электр симлари Фарғона водийсини Тошкент билан қўшади. Фарҳод ГЭС Фарҳод тоғининг этакларида

10 барпо бўлаётган ўзбек металлургия комбинатини ток билан таъмин этади. У Сирдарёнинг сувларини ўзига олгувчи Ширинсой йўлларини чароғон қилади.

Фарҳод тоғи тепасида ўз тўлқинлари билан ерни ларзага солган портлашлар, артиллерия салютлари, Ширинсой водийларидан кўтарилган карнай овозлари 10 февраль кuni буюк нур ва сув қурилишида ер ишларининг бошланганини тантанали суратда эълон қилди. Байрам ва шодлиқ кунларидагина шундай қиладилар. Одамлар зўр ҳавас ва иштиёқ билан ишга киришган вақтларида шундай қиладилар, кишилар ўз ишларининг маъноси билан қаттиқ руҳланган пайтларида шундай қиладилар.

Фарҳодстройни бутун ўзбек халқи қуради. У ўзининг бу афсонавий иши ҳарбий-уруш аҳамиятига эга эканини яхши билади. Шунинг учун ҳам Фарҳодстрой жуда мушкул ва оғир қурилиш бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда шу чоққача бўлган барча қурилишлардан ҳам тез қурилади. Халқ қисқа муддат ичида 14 миллион кубометрдан ортиқ тупроқни кўтаради. 400 кубометр тош-бетон ишларини бажаради. Шавкатли Қизил Армиямизнинг

30 Улуғ Ватан уруши фронтларида кун сайин эришаётган ажойиб ғалабалари қурилиш иштирокчиларининг руҳини ғоят кўтариб юборди. Улар Фарҳод қурилиши ишларининг муддатидан илгари бажарилишини Қизил Армиямиз учун муносиб совға деб биладилар ва бу қурилишда жон-дил билан меҳнат қилишга қарор бердилар.

Сирдарё бўйларига республиканинг ҳамма томонларидан одамлар келиб тушди. Катта Фарғона каналининг шонли қурувчилари — Фарғона, Тошкент, Самарқанд,

40 Бухоро колхозчилари бўлажак канал қирғоқларига жойлашдилар. Узоқ Хоразм ва Қорақалпоғистон колхозчилари аэропланларда учиб келдилар. Уларнинг ҳар бири ўз колхозининг бутун аъзолари учун, колхозда қолганлар

эса Фарҳодстройга кетганлар ва Ватан уруши фронтларига жўнатилган азаматлар учун ишлайдилар.

Шундай қурилишнинг иштирокчиси бўлишдан шарафли нарса йўқ. У сенинг ўлкангни, сенинг тарихингни безайди, ҳатто сенинг авлодларинг ҳам ўз яқинларининг шундай нур ва фаровонлик қурилишида қатнашганликларини билганда шодлик билан фахрланадилар. Шунинг учун ҳам республикада ҳар бир киши Фарҳодстройни қуришга интилади. Қўқон станциясида Фарҳодстройга жўнаётган колхозчилар олдига бир неча аёллар келиб, ўз тўплаган 400 сўм пулларини қурилишга топширишни сўраганлар. Уларга: «Фарҳодстрой ҳамма нарсани олади, лекин пулни олмайди», деб жавоб берганлар. Аёллар қайтиб кетиб, бир оз фурсатдан сўнг коса-товоқлар олиб келганлар ва уларни колхозчиларга топширар экан: «Фарҳодстройни қураётганлар шу товоқлардан овқат есин!» дедилар.

Ишнинг биринчи куни... дарёнинг чап қирғогида 60 минг киши янги канал қазимоқда. Уларни кўз илғамайди. Ишлаётган одамлар шамолда чайқалиб турган ўрмонга ўхшайди. Бутун канал бўйлаб ошпазлар қурувчиларга овқат ҳозирламоқдалар. Ўчоқлардан кўтарилган тутуннинг ўзи ҳам ўрмон тепасидаги булут туманига ўхшаб кетади. УзКП(б) Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Усмон Юсупов бутун трассани кезиб чиқди, ертўлаларга тушиб, улардаги озодаликни кўздан кечирди, медпункт ходимлари билан суҳбатлашиб уларнинг кўп дорилар олиб келганликларини билди. Сўнгра у овқат пишиб турган ўчоқлар тепасига келиб чўмични олдида, қозонни кавлаб кўрди. Қурувчилар сергўшт, сермой, лаззатли таом еяжаклар.

Қуёш айни тепага чиққан. Одамлар ҳамон аввалги шавқ билан ишламоқдалар. Улар қичқирадилар, ашула қиладилар, қаҳ-қаҳ кўтарадилар. Биринчи куннинг ўзидаёқ энг номдор кишиларнинг овозаси тарқалади. Мана, Олим Эгамбердиев ишлаётган колхозчилар бригадаси. Бу наманганлик серягрин ёш йигит. Бир ўзи 10 кишининг нормасини бажаради. Тупроқ билан тўлдирилган қопни 2 киши зўрга кўтариб, унинг орқасига қўяди. Қопдаги 40 тупроқ 100 килограммдан кўплик қилади. У бўлса оғирликни сезмасдан, тойдай кишнаб чопади. Инженер Пословский унга қатъий норма белгилашни талаб қилади. Эгамбердиев кулиб дейди:

— Норма билан ишлашни билмайман. Катта каналда кичик тошларни ташиганман, Шимолий каналда тоғни қирқиб катта харсанглар кўтарганман. Бу қурилишда ариқ қазийман, норма билан ишлашни билмайман.

Шу яқинда ишлаб турган чол Эгамбердиевга қараб кулимсираб дейди:

— Бу Фарҳод, Фарҳод ҳам нормани билмас эди.

10 Бу ерда қурилишнинг энг яхши кишиларини Фарҳод деб атайдилар. Улар Фарҳод ва Шириннинг орзуларини рўёбга чиқариш йўлида ишлаётганларини яхши биладилар. Қурилиш бошқармаси, яхши иш намуналарини кўрсатган участка ҳаммадан олдин «Фарҳод ва Ширин» операсини томоша қилади, деб эълон қилган.

Кун кеч бўлмоқда. Февраль қуёши оҳистагина уфққа чўкмоқда. Бугун ҳам шамол қўзғалгани йўқ. Одатда бу ерда жуда зўр ва давомли шамоллар бўлиб туради. Усмон Юсупов Тошкентга телефон қилмоқда. Шамол одамларнинг ишига халал бермаслиги учун 60 минг кўз ойнак заказ қилиш керак.

20 У бўлажак каналнинг трассасига назар ташлайди ва гўё хаёл қилаётганга ўхшаб гапиради:

— Эҳтимол, бу трасса жуда узоқ кетса, у Ховос ва Жиззах орқали ўтиб, Сирдарёнинг салқин сувларини то Бухорогача олиб борса ажаб эмас. Биринчи иш уни тамом бўлмоқда. 60 минг киши ертўлаларга кириб кетди. Истироҳат ва уйқу соатлари яқинлашмоқда. Лекин одамларнинг кўзида уйқу йўқ. Уларнинг ҳар бирида ҳам жуда кўп таассуротлар бор. Бир кун ичида уларнинг ҳар бирида жуда кўп фикрлар туғилган. Бўлажак катта тўғон ерида, бир замонлар Фарҳод зўр тошларни ағдарган тоғ тагида бугун Андижон колхозчилари ишладилар. Улар қизгин суҳбат қилмоқдалар. Улардан бири дейди:

30 — Қурилишни тамом қилсак, Фарҳод билан Ширинга ҳайкал қўямиз. Фарҳоднинг ҳайкалини ўнг қирғоққа, Шириннинг ҳайкалини чап қирғоққа қўямиз.

Унинг фикрини иккинчи колхозчи давом қилдиради:

40 — Уларнинг ўртасига Лениннинг буюк ҳайкалини ўрнатамиз. Чунки у асрларнинг хаёлини ҳақиқатга айлантириб, Фарҳод билан Шириннинг юрагини бир-бирига қўшмоқда.

ЗАЪФАРОН

Анна Ивановна биздан сўрайди: неча ёшга кирганга ўхшайман? Биз жавоб берамиз: элликка. У ўз сумкаси-дан бир расм чиқаради ва яна биздан сўрайди: Бунинг ёши нечада? Расмда ёшгина жувон табассум қилиб турибди. Биз унга жавоб берамиз: ўттизда. Анна Ивановна, бу расмни бундан икки йилгина бурун олдирган эдим, дейди.

Анна Ивановна бир йилдан ортиқ муддатни душман қўл остида ўтказди. Улар унинг уйига чиройли қизларни судрашиб келар, уларнинг ифбат ва номусини ҳақорат қилар, сўнгра ҳозиргина очилган фоҳишахонага жўнатар эдилар. Фашистлар Курскка киргандан сўнг очган энг биринчи корхоналари — фоҳишахона бўлган эди. 10

Анна Ивановна шаҳар майдонида осилган одамларни ҳам кўрган эди. Гуноҳсиз одамларнинг жасадлари бу дорларда ҳафталарча осиглиқ турар, фашистлар унга ҳеч кимни яқинлаштирмас эдилар. Осилганларни кўмиш ҳам ман қилинган эди. Уларни кўммоқчи бўлган кишиларни фашистлар партизан, деб жазога тортар эдилар. Шаҳар кўчасида соат 6 дан сўнг пайдо бўлиб қолган кишини ҳам фашистлар партизан, деб эълон қилар эдилар. Улар босиб кирганда, ўз уйларида бўлмаган одамлар ҳам партизанликда айбланар эдилар. Онда-сонда ўз қариндошлариникига борган кишилар ҳам, фашистлар билишича, партизан ва уларнинг номлари дарров хавфли кишилар рўйхатига тиркаларди. 20

Анна Ивановна фашистлар томонидан ўлдирилган икки болани сира ҳам унута олмайди. Фашистлар бу болалардан қўрқар эдилар. Зийрак гўдаклар бўлса фашистларни ўлдиражагини билсалар ҳам, раҳм сўрамас ва ўзларини жуда тетик тутар эдилар. Улар ўлимдан қу- 30

тулолмасликларини билар эдилар. Лекин улар фашистлардан ўз оналари билан хайрлашгунча тўхтаб туришни, уйда тоза кийимлари борлигини ва ўлиш олдида улар шу тоза, ювилган уст-бошни кийишни хоҳлаганларини ва ундан сўнгра фашист уларни хоҳлаган йўл билан ўлдирса майли эканини арз қилдилар. Гўдаклар фашистдан яшашни сўрамадилар, улар тоза кийим кийиб ўлишга имкон беришни, уларни туғиб катта қилган, уларнинг бешиги ёнида сўнгсиз тунларни ухламасдан ўтказган меҳрибон она билан видолашиб ўлишга имкон беришни талаб қилдилар.

Ёш гўдакларнинг шу кичкина талаби фашистларга жуда катта бўлиб кўринди. Фашистлар уларнинг талабини рад қилдилар. Шуларнинг ҳаммаси Анна Ивановнанинг кўз олдида бўлган эди.

— Беизтироб кун кечирганимиз йўқ,— дейди Анна Ивановна.— Бутун бир йил давомида биз худди игна устида ўтирганга ўхшар эдик. Менинг кўз олдимда 20 йил давомида барпо бўлган шаҳар кўз очиб юмгунча вайрон бўлиб қолар эди. Таажжубда қоласан киши: бир нарсани яратмоқ учун инсон ўнларча йиллар машаққат чекади, лекин уни вайрон қилмоқ учун эса бир минут ҳам кўплик қилади. Чумчуқнинг уясини бузиш гуноҳ дер эдилар, ҳолбуки, шаҳарларни вайрон қилишни, одамларни ўлдиришни фашист ўзига касбу ҳунар қилиб олди. Уйлар портлар экан, шодланади, очдан ўлаётган одамларни кўрганда ўзини бахтиёр санайди, бомба ва снарядларнинг зарби билан кўчага итқитилган инсонларни кўрганда кўнгли ёзилади.

30 Бутун бир йил давомида биз зиндонда яшадик. Биз ёруғ дунёда нима бўлаётганини, ўз Ватанимизда қандай ҳодисалар кечаётганини билмас эдик. Қўшни шаҳарларда эса фашистлар Москва ва Ленинграднинг «йиқилгани» ва гўё фашистлар қўлига ўтганига бир йил тўлганини байрам қилар эдилар. Фашистлар бизнинг шаҳримизда газета чиқара бошладилар, улар бунда Москванинг «қулаганлиги» тафсилотларини ёзар эдилар.

40 Анна Ивановна ёш қизлар ва йигитларнинг қандай қилиб зўрлик билан Германияга ҳайдаб кетганликларини ҳикоя қилар эди. Бу ерда бизнинг қалбимизни доимий изтироб пора-пора қилмоқда экан, Германияга ҳайдаб кетганлардан хатлар кела бошлади. Бу хатлар қул бўлганларнинг хатлари эди. Уларнинг ҳар бири кўз ёши ва

юрак қони билан ёзилган эди. Ҳар бир хат келганда, биз тўпланишиб йиғлашар эдик. Лаънати фашист тупроғидан келган хатларни ўқиганда оёғимиз остида ер титрар эди. Фашистлар ўз юртига шаҳримизнинг ҳусни ва чиройини олиб кетди. Шаҳар бўшаб, катта кўчалар мзористон йўлига ўхшаб қолди. Фашистлар фақат фоҳишахоналарга сафарбар қилинганларнигина шаҳарда қолдирар эди.

Александра Терентьевна менга ўз шахсий шаҳодатномасини кўрсатди. Бу сариқ қалин қоғозни унга фашистлар берган. Аввал немисча, сўнгра русча тўлдирилган бу сариқ варақани қўлимга оламан. Унинг русчаси жуда саводсизларча тўлдирилган. 10

— Биз шу шаҳодатнома билан яшар эдик,— дейди Александра Терентьевна.— Бу шаҳодатнома бизга кўчага чиқишни ман қилар, бирон ёққа боришга ҳуқуқ бермас, қариндош-уруғларимиздан маҳрум қилар эди. Бу шаҳодатномага кўра, биз доим ўз уйимизда ўлтиришга ва фашистнинг пайдо бўлишини кутишга, унинг амру фармонларини бажо келтиришга, унинг учун қулларча меҳнат қилишга мажбур эдик. Фашистлар бизни чинакам қул қилган эдилар. 20

Александра Терентьевна ўзининг 4 боласини кўрсатиб сўзлайди:

— Мана, менинг болаларим, шаҳодатномага шулар ҳам ёзилган. Ундан сўнгра шаҳодатномада менинг бутун хислат-аломатларим айтилган.

Мен сариқ варақани яна диққат билан ўқий бошлайман. Шаҳодатномада бу хотиннинг аломатлари шундай деб ёзилган: «Миллати рус, дини — христиан дини, бўйи — 156 сантиметр, сочлари сариқ, кўзи сариқ». 30

Фашистлар рус хотиннинг миллатидан, қадди-қоматидан, эътиқодидан, сочидан, кўзидан қўрқар эди. У буларнинг ҳаммасини унинг шахсий шаҳодатномасига ёзиб кўяр эди.

— Ўз уйимда ўлтирмоқ ҳуқуқига эга бўлиш учун мен шундай шаҳодатномани олишга мажбур эдим,— дейди Александра Терентьевна.

Сариқ варақани синчиклаб қарамоқдаман. Унинг охирида бу шаҳодатнома муддати 1943 йилнинг 8 октябригача деб ёзиб қўйилган. Сариқ варақа кўрсатилган муддатгача умр кўра олмади. Япроқлар кузда сарғайиб, заъфарон бўладилар. Каттиқ шамол уларни булоқлардан узиб, ерга туширади. Қишда бўлса, улар қор остида чи-

рийдилар. Фашистларнинг бу сариқ варақасининг қисмати ҳам шундай бўлиб чиқди, муддатдан бир йил бурун унинг умрини хазон қилдилар. Қизил Армиянинг азамат жангчилари мурдор фашистларни шаҳардан қувиб чиқардилар. Пора-пора қилинган шаҳарларга, тилка-тилка бўлган қишлоқларга, кўз ёши остида чўккан одамлар қошига яқин, мўътабар ва олижаноб одамлар келишди. Улар тунни ёритишга — чироқ, оламни иситишга — офтоб бўлиб келдилар.

- 10 Анна Ивановна ва Александра Терентьевна қуёшни кутиб олмоқ учун очиқ ва соф ҳавога чиқдилар.

КУНДАЛИКЛАР

КУНДАЛИК ДАФТАР

(Биринчи дафтар)

Мулкободга 6 апрелда келдик. Биз уч киши — шаҳар парткоми вакили Ризаев, «Правда»нинг махсус мухбири Мануэлов ва мен.

5 апрелда мен Қўқонга келиб тушган эдим. Бугун ҳаво жуда ёмон. Эртадан кечга қадар ёгин бўлди.

6-кун эрта билан ҳаво очилиб, кун чиқиб кетди. Соат 11 ларда биз горкомнинг машинаси билан Мулкободга жўнадик. Биз далага чиқар эканмиз, ҳаво соф, салқин 10 эди. Озгина шабада ҳам бор.

Келар экан, йўлда горкомнинг вакили бу йилги кўк-ламнинг қарийб икки ҳафта кеч келганини ва ҳамон ҳаво исиб кетмаганлигини сўзлаб берди. Одатда, баҳор эрта келганда ҳаммадан аввал бодом гуллар эди. Ҳозир бўлса толлар куртак чиқарди. Урик гуллади. Лекин ҳамон бодом гуллаган эмас. Ҳали бошқа нарсалар кўкаргани йўқ, дала бўлса ҳайдалган. Лекин бунга қарамасдан, экин ўз йўлида боради. Кўкламнинг кеч келгани, хавонинг совуқ ва серёмғир бўлиши кўклам ишларининг боришига қаттиқ таъсир қилмади. Айниқса, Мулкобод алоҳила табиатга эга бўлган бир жой. Унинг ери қумок. Шунинг учун у, доимо бир марта ҳайдалади, холос. Бўлатурган ёмғир ва шамол эса, бунга ёрдам қилади. Мулкобод кейинги беш кунлик сводкасига кўра, районда олдинда борар эди. 20

Биз йўлда келар экан, тўп-тўп бўлиб ишлаб ётганларни кўрамиз. Айрим-айрим бўлиб ишлаб ётганлар ичида ясанганлар ҳам бор. Узоқда, ҳатто бир колхозчининг бошида салласи бўлган ҳолда ишлаётгани кўринали. 30 Чунки бу кунлар қурбон ҳайити кунлари эди. Ҳайит 5 апрелда бошланди. У 6 ва 7-кунлар ҳам давом қилиши лозим эди. Лекин булар ҳайит қиламиз деб ишдан қол-

мадилар. Ҳамма далада бўлди. Баъзилар бўлса, ҳайитни озгина ясаниш билан қарши олдилар.

Йўл босилган сари бизнинг кўзимизга янгидан-янги нарсалар илашади. Биз бир пол ерда катта-катта кундаларнинг қўпорилиб, қазилиб ташланиб, ернинг экинга ҳозирланганини кўрамиз. Бу, шу йилги планга киражак экин майдони.

10 Яна юрар экан, иккинчи бир жойда бир қабристоннинг бузилаётганини ҳам кўрамиз. Бу ортиқ жуда ҳам фавқулодда бир иш бўлиб туюлади. Мозорни бузаётганлар кўп эмас. Булар тўрт-бештагина холос. Кўринадики, бу ишга баъзиларнинг жасорати етмаган. Эҳтимол, буни бошлашдан бурун анча жанжал, хархаша ҳам бўлиб олгандир.

20 Горкомнинг вакили, колхозчилар бултургига қараганда яна ҳам берилиб ишлаётирлар, деди. Эркакларда ҳам, хотинларда ҳам каттакон фаолият кўринади. Менга, деди у, бир тажрибакор деҳқон сўзлаб берди: «Колхозлашмасдан бурун экин атрофидаги марзаларнинг эни бир қаричдан ошмас эди. Колхозда эса, бултур марзалар шунча кенгайиб кетдики, ҳатто унда грузовой автомобил ҳам бемалол юра олар эди. Ҳозир эса, бу иш яна эски ҳолига келди. Марзанинг эни бир қаричдан ошмайди». Бу, колхозчиларда хўжалик манфаатининг қанчалик ўсганини кўрсатади.

30 Биз Мулкобод скупунктига келиб тушганимизда, ишнинг жуда ҳам қайнаган пайти эди. Биз машинадан тушгандан сўнгра уч киши «Ворошилов» колхозининг дала-сига қараб бордик. Энди хотинлар — кетмончилар ишдан қайтаётган эдилар. Уларнинг баъзиларида кетмон ва кўплари ўзлари тозалаган жойдан чиққан хашак ва ажриқларни орқаларига кўтариб олганлар.

40 Биз экин бўйида ўтириб гаплашдик. Ризаев ўз сумкасидан қалин қора дафтарни чиқарди. Дафтарнинг бир неча саҳифаси участкадаги колхозларнинг ҳаракатини кўрсатадиган рақамлар билан тўлган. Дафтарда ячейкаларнинг номлари, партия аъзолари ва кандидатлари исмлари — ҳамма ёзилган. Унда партия аъзоларининг билетлари номерлари ҳам ёзилган. У, участканинг ҳамма икир-чикирларини яхши билади. Менимча, унга неча коммунистнинг далада ишлагани, қайси бригадада қанча коммунист борлиги, ҳаммаси маълум. Унинг дафтарида участканинг бутун ҳаракат ўлчови бор. У бутун колхоз-

чилар ҳаракатлари, кетмонларининг кўтарилиб тушиши, трактор товушининг қудрати, отларнинг юриши, омовларнинг ер тилиши, ерларнинг ҳосил беришини шу дафтардаги рақамлар, уларнинг пастдан баландга чиқишлари билан ўлчайди.

Унинг дафтаридида районнинг харитаси ҳам ёпиштирилган. У, ўз участкасининг қайси районлар билан чегараланганини кўрсатиб беради. Унинг харитасининг кўрсатганича, ҳақиқатан ҳам Мулкобод Сахалинга ўхшайди:

— Мулкобод деганда кўпларнинг назарига Сахалин келиб туриб олади. Кўплар бу ерга келишдан қочадилар. Лекин у, устидан Сахалинга ўхшаса ҳам, аслда ҳеч қачон Сахалин эмас.

6-куни Мулкободга халқ терговчиси Дадажон ака ҳам келди.

Дадажон ака жамоалар бўйлаб колхозлар ичидаги жанжалларни аниқлаб юрган экан. У, бир рўмолга эллик-олтмиш делони тугиб, бойлаб олган. Ўзи хушрўй бир йигит.

У гап-сўзларидан зиёли табиатроқ одамга ўхшайди. Унинг лексиконида «истеъмол», «ашёи далиллар», «нах уриш», «аксар вақтларда», «айни замонда», «қарамоғида бўлган», «иттифоқо», «алҳолгача», «истиқомат» каби сўзлар кўп такрорланади.

Дадажон ака билан кечаси биз Мулкобод мактабининг муаллими уйида ўтиришдик. У ерда Мулкобод скуп-пунктининг мудир муовини Муродов ҳам бор эди. Дадажон аканинг ҳикоялари унинг кўп нарсани кўрганини билдирар эди. У гўё Ўрта Осиёнинг бутун шаҳарларида бўлганга ўхшайди. У, суд ишчиси эмасми? Унинг қўлидан жуда кўп қизиқ, ажойиб ишлар ўтган. У шундай қизиқ ишларни шунча кўп кўрганки, ҳозир у, бундай нарсаларни ўзи хаёлдан ҳам тўқий беради. У Наманганда, Шаҳзодаҳон деган қизнинг кичик синглиси унинг акасига тушганини, Шаҳзодаҳоннинг отаси эса Наманганнинг энг катта бойи бўлганини, ҳатто унинг Москва ва бошқа жойлар билан савдо алоқаси бўлиб, 1919 йилларда ҳам крахмалланган кўйлакка галстук тақиб юрганини сўзлайди.

— Шаҳзодаҳонни,— деди Дадажон ака,— мен Наманганда акамнинг уйида кўриб қолдим. Шаҳзодаҳон шунча чиройлик бўлганига қарамасдан ҳалигача куёвга тегмаган.

Ўолбуки, унинг кичик синглисини менинг акам олиб ўтирибди...

Дадажон ака ундан сўнг Чуст, Попдаги Олмос қишлоғининг қизлари тўғрисида гапиради. Уларнинг қора қош, қуралай кўз, чилвир соч бўлишлари тўғрисидаги афсоналарни ҳикоя қилиб беради. У, ўзининг Тожикистонга бориб 14 ойга бир афгон қизига уйланганини, Қўқонда яна бир бой қизининг бойларнинг ўргатиши билан у билан алоқа қилмоқчи бўлганини гапиради.

10 Муродовга бу гаплар худди майдон монанд келади. Дадажон ака сўзлар экан у, муаллимнинг сўрисиغا ётиб олиб, дам у ёққа, дам бу ёққа ағанайди. Дам ўтириб, дам туради. Пешоналарини ишқаб қўяди-да:

— Закавказ қизларидан ҳам бир гапириб берсангиз. Улар ҳам соз бўлар эмиш,— дейди.

Дадажон ака «уларни кўрганим йўқ»,— деб кулди...

Дадажон ака адабиёт билан таниш. У Бехбудийнинг «Падаркуш»идан тортиб, Айнийнинг «Дохунда»сини тожикча ва ўзбекча ўқиганини, романнинг ёқмаганини, ундан кўра Иван Ленин «Тоғлар оралиғи» романи яхши эканини айтади. У «Дохунда»да натижа йўқ, дейди.

20 Дадажон ака Тожикистонда юрганда Анвар пошшонини йигитлари билан кўришган. Анвар бўлган меҳмонхоналарни кўрган. Анварнинг ўз қўрбошиларига ёзган хатларини топган ва ҳатто қўйин дафтарини ҳам қўлга туширган эмиш.

7 апрель. Кун ботди. Қуёшнинг ҳали унча ҳам қизиб улгурмаган нурида илиган ҳаво қайта бошдан сови-ди. Қуёш ботиб улгурмасдан, унинг орқасидан ой ҳам кўк юзида борлиқ кўрсатди. Ҳаво шу қадар совидики, қуёш иссиғида юқори кўтарилган ҳаво яна пастга қуйилган, бутун борлиқни тиниқ бир салқинлик юмшоқ бағри билан қучиб олган сингари туюлар эди.

Кеч кирди. Лекин қош қораймади. Ерга одатдагидай дарахтлар, толлар, томлар ва деворлар устини босиб, қоронғилик ёпирилиб келмади. Ортиқ далада ҳеч ким қолмаган, кетмонларнинг кўтарилиб тушишлари қуёш нурлари билан ярқираб ўйнамас эди.

40 Кўкда ой борган сари етилар эди. Ой шу қадар етилиб тўлар эдики, унинг нури борган сари қуюқлашар, сарғич нур борган сари ўз ёритувчанлик қувватини орттирар ва ой борган сари ерга яқинлашган сингари куч касб этар

эди. Ойнинг нури қуюқлашган сари юлдузлар яшнаб кўринар эдилар.

Одамзод ҳаракати кўринмаган бу пайтда атрофни минг турли жониворларнинг чийиллаган, қуриллаган товушлари ўраб олади. Қурбақа тўхтамай қуриллайди.

Шундай кечанинг тинчлигини фақат бир нарсанинг гувиллаган овози бузади. Бошқа томондан овоз тинган, тинчиган сари унинг товуши баландлашади. У узилмас бир оҳанг каби тўхтамасдан чўзилади. У, узоқда худди аэроплан учаётгандай товуш беради. Бу — трактор фонарь ёқиб ер ҳайдашни давом қилдиради. Кечанинг сукутини у ернинг бағоини кўпориш ғурурлигининг тантанаси билан бузади. 10

7 апрель эрта билан биз Муродов ўртоқ билан «Дзержинский» колхозига бордик. Унда ҳосилот Шўросининг раиси Ҳакимов билан гаплашдик. Ҳакимов ориқ, жағлари кириб кетган, белини кичик бир рўмол билан боғлаб олган эди.

Баҳс чигитни ерга соча бошлаш устида борди. Ҳакимов эртадан чигит ташлаймиз, бугундан бошлаб чигитларни ивитишга киришмоқ керак, деди. 20

Ҳавонинг ҳозирги даражасида чигитни ивитиш-ивитмаслик масаласида мубоҳаса бошланди. Муродов чигитни ивитмасдан эка бериш тарафини олди. Сўнгра Ҳакимов ҳам бунга қўшилди.

Ҳакимов айтди:

— Пахта иссиқлиқни талаб қиладиган экин. Ҳаво совуқ бўлса, ёмғир ёғиб турса, ер қаттиқ зах бўлса, ерда тухум чирийди. Кўкармайди. Кўкарган тақдирда ҳам дардчил бола сингари жонсиз ва ранги сариқ бўлади. 30

Ўз вақтида сочилган тухум етти-тўққиз кунда бош чиқаради. Бирдан гуркираб ўсиб кетади. Ўз вақтини топиб, оби-тобини тўғрилаб экилган пахта ҳосилни кўп беради. Унинг пахтаси ҳам тоза ва пухта бўлади. Ўз вақтида сочилган тухум пахтанинг ўз вақтида терилиб олинишига, кузги ишларнинг тезлик билан басаранжом бўлишига ёрдам қилади.

Лола гуллаган пайт ернинг оби-тобига келган пайтдир. Бунда ер қизиган бўлади. Лоланинг гуллаши ернинг ҳам экинга тайёр бўлганидан нишон беради. 40

Бу йил баҳор кеч ва серёгин келгани учун ер ҳали зах. Шунинг учун чигитни ивитмасдан сепа бериш даркор. Шунда у томирни ҳам яхши чангаллайди.

«Дзержинский», «Учқун», «Бирлик», «Янги Фарғона» колхозларини айланиб қайтиб, кеч пайти мен Муродов билан «Ворошилов» колхозида тўхтадик.

Меҳмонхонада колхознинг саркотиблари, табелчилари, колхоз раиси Карвон ва агропункт бошлиғи Қўқонбой ака бор эди. «Ворошилов» колхозининг раиси Карвон ёнига икки тўпонча тақиб олган, этик кийган, пўримдан келган, бошида дўпписи бор.

10 Қўқонбой ака семиздан келган чўтирнамо, қора тўн кийган, ўрта ёшдаги, ҳали кучи кетмаган одам. У қамчинининг дастасига суяниб ўтиради.

Бизнинг келишимиз билан гап табель устида очилди. Ҳақиқатан меҳнат ҳисоби масаласи колхозларда энг оғир масала. Меҳнат ҳисобини тўғри олиш ҳамманинг бошини қотиради.

Уларнинг олдида янги наряд варақаси бор эди.

Муродов билан Қўқонбой ака Мулқободнинг донишмандлари ҳисобланадилар. Мулқободда улардан билимдон, ақли пухта, ўткир одам йўқ.

20 Қўқонбой ака батрак, ялангоёқлардан бўлган. Қўқонбой аканинг оёғида баланд пошналик этик. Белида белбоғ, чап ёнида пичоқ, ўнг ёнида белбоққа катта қилиб жармон ҳам боғланган, соқоли тукдан иборат, кўса, учтўрт сарғич тукдан иборат бўлган мўйлови ҳам бор. Икки учида узун-узун толаси бор. Ўртаси калта ва сийрак.

30 Янги табель варақасини музокарага бошлар экан, Муродов қўлига қалам олиб кўрсатиб бермоқчи бўлди. Табелни тўғрилолмасдан боши қотганлар узала тушиб, ерга бағриларини бериб ётдилар ва бошларини бир ерга тўплаб, бутун диққатни Муродовнинг қаламига тикдилар.

Меҳмонхонанинг ўртасида катта чала ёнар, унга каттакон бир қумғон қўйилган эди.

Табелни тўлдиришга киришилди экан, бирдан «ишнинг тармоғи» деган савол келиб чиқди. «Тармоқ» деган сўзга ҳалиги икки донишманднинг ҳам тиши ўтмай қолди. Бу сўз уларга тамом бегона эди.

40 Улар бошқа саволларни қараб чиқишга, сўнгра тармоқни суриштиришга қарор қилдилар. Бирданига дард устига чипқон бўлиб, унинг устига «ишнинг ҳажми» деган сўроқ чиқди. Бу ҳалиги «тармоқ»дан ҳам шикаст эди. «Ҳажми дегани нима дегани», деб бир талай бош қотирдилар.

Бутун Мулқободда биринчи мартаба икки донишманд кўпчилик олдидан озгина ноқулай ҳолда қолдилар. Ёш табелчилардан бири «Сиздан катталар ҳам шуни тополмадилар», дегандан сўнг улар ўзларини босиб олиб, сўзга киришдилар.

Қўқонбой ака табелни тузганларни танқид қилиб кетди:

— Аҳвол шундай экан, шуни тузган вақтда бизнинг ўзимизни чақирса бўлмайдими, ахир.

— Буни қандайдир чурчутлар ёзган бўлса керак. 10

Шу хархашанинг устида бир рус ҳисобчи кириб келди. Унинг орқасидан яна бир ёш йигитча кирди. Озгина ўтмасдан колхознинг бухгалтери папкасини кўтариб кирди. Улар ҳалиги саволларнинг русчасини ўқиб, ҳажм ва тармоқнинг мағзини чақиб бердилар.

Лекин ҳалиги икки сўроққа жавоб берган одамлар иккинчи бир масалада Қўқонбойнинг донишмандлиги олдидан дар қолдилар. Улар «ҳар бир колхозчига шу катта қоғоздан биттадан ишлатмоқ керак», дер эдилар.

Қўқонбой ака ўзи саводсиз бўлганига қарамасдан қоғозни исроф қилишни ёмон кўради. Ҳатто, у қоғозга махорка ўраб чекиб юрганларни кўрганда «Мен ҳукумат каттаси бўлсам, махорка чекишни таъқиқ қилар эдим. Ҳамма алоқани, отношениени куйдириб юборасизлар», дерди. Шунинг учун ҳам ҳар бир колхозчига биттадан катта варақа ишлатиш тўғрисидаги таклиф Қўқонбой акага маъқул тушмади. Улар: шунда осон бўлади, деганларига қарши чиқди: 20

— Ишнинг осонини ҳамма ҳам қилади. Гап шундаки, ишнинг қийинини қилиб кўрмоқ керак. Умуман, бизнинг ишимиз қийин ишни юзага чиқаришдан иборат эмасми? Бу ерда шунча активлар ўтириб қоғозни исроф қилишга рози бўлишимиз яхши бўлмайди,— деди. 30

Меҳмонхонани чаланинг тутуни ўраб олиб, кўзлардан ёш чиқарди.

8 апрелда биз Қўқонбой аканинг уйига бордик. Бизнинг олдимизда тажрибага Қўқондан келган уч рус қизи борар эди. Мен Қўқонбой аканинг саводини суриштирдим.

Қўқонбой ака шунча донишмандлигига қарамасдан ҳамон саводсиз. У, «Иш кўплигидан мактабга боришга қўл тегмайди», деди. 40

Қўқонбой аканинг ҳақиқатан иши кўп. У, эртадан кечга қадар колхозларни кезиб юради. Уларга трактор беради. Ҳайдалган, экилган ерларнинг ҳисобини олади. Шунинг учун махсус равишда мактабга қатнашга қўли тегмайди. Шуни назарга олиб Қўқонбой акага муаллим ҳам бириктирган эдилар. Муаллимга ҳам доимий равишда бориш яна мумкин эмас. У, уч-тўрт кунда муаллимни бир кўриб қолиб, ундан сабоқ олади ва қўли сал бўшагундай бўлса, ўша сабоқни ёдлашга ўтиради.

10 Қўқонбой ака:

— Ҳарфларни танийману, газетни уриштира олмайман, ана шуниси жуда қийнайди,— деди.— Саводни чиқаришга ҳозир жуда астойдил киришдим. Саводсиз одамга ишлаш қийин бўлар экан. Айниқса, мени қаёқдаги агроном, техник, механикларга бошлиқ қилиб қўйганлар. Улар жуда пулни яхши кўрадиган бўлар экан. Агар уруғи оз бўлмаса, ҳаммасини ҳайдаб юборар эдим.

Қўқонбой ака:

20 — Горкомларга бориб доклад қилиб қоламан. Хатини ўқиёлмаганимдан цифрни айтиб бериш жуда қийин бўлади. Ҳаммасини ёдда сақлаш қийин. Шунда ўзим қизариб, ачинаман,— деди.

Қўқонбой ака 1929 йилда 7 киши батраклардан иборат бўлган артель тузди. Улар зўрға-зўрға ишни 1930 йилга қадар суриб келдилар. 1930 йилда коллективлашнинг қаттиқ ҳаракати бошланди. 7 кишилик артель 85 хўжалик катта колхозга айланиб кетди.

30 — У вақт синфий кураш кучайган замон эди. Қулоқлар ҳали «курорт»га юборилган эмас эдилар. Қиш пайти. Шунда бир кун, ҳалиги эски етти киши ўзимиз бўлак ётар эдик. Кўчани каттакон бир оломон босиб келиб қолди.

Қўқонбой ака кўчага чиқмасдан бурун унинг шериклари уй ичидан туриб отишмоқчи бўлдилар. Қўқонбой ака бунга йўл қўймасдан кўчага, уларнинг олдига чиқди.

Қўқонбой ака кўчага чиққанда оломон ҳақиқатан кўчага сиғмас даражада эди. Уларнинг қўлларида ўроқ, болта, теша, тош-таёқ — ҳаммаси бор эди. Қўқонбой ака секин, бепарволик билан сўради.

40 — Хўш, нима қилиб юрибсизлар?

Оломончилар барабар қичқирдилар:

— Бизни колхоз қилган рўйхатни қайтариб берасизлар.

Қўқонбой ака яна бепарволик қилгандай бўлди:

— Яна қандай талаб?

— Бошқа талаб йўқ.

Қўқонбой ака ўзини босиб олиброқ:

— Колхозга ўзларинг кирганмидинг, ё зўрлаб ҳайдаб келганмиди?

— Уз оёғимиз билан келган эдик, шу оёқ билан кетамиз.

— Жуда яхши. Биз сизни элтиб қўймоқчи эмасмиз. Шу арзимас нарса учун шунча тўполон чиқариб ўтириш 10
ҳожат эмас. Рўйхатни ҳам кўйдириш зарур эмас. Хоҳламас экансиз, истаган вақтингизда жўнай берасиз.

Қўқонбой ака ўзини босиб олди. Ичкаридаги 6 киши ташқарига чиқмадилар. Қўқонбой ака у ёқ-бу ёққа қараб, оломоннинг ичига кириб борди:

— Бизда мажбурлик йўқ!

Қўқонбой ака оломоннинг ўртасига борганда орқадан ўнга яқин кишининг қўлида пичоқ яланғочлаб, чопиб келаётганини кўрди. Булар Қўқонбойга таниш бўлган қулоқлар эдилар. Уларнинг, албатта бирон шикаст бера- 20
жакларига Қўқонбойнинг ишончи комил эди. У сесканиб кетди ва секин эшиги очиқ бир ҳовлига кирди. У ҳовлида турган отга минди-да, секин нариги эшикдан чиқиб, скуппунктга қараб от қўйди. Скуппунктда сиёсий штаб бор эди.

Қўқонбой аканинг қочганини билган оломон скуппунктга қараб юрди. Шунда скуппунктда каттакон митинг бўлди. Сиёсий штабнинг аъзолари муштумзўрнинг иғвосига учмаслик, колхозга киришнинг кўнгилли бўлиши, колхознинг имтиёзлари ҳақида узоқ сўзладилар. 30

Шунда яна оломон тарқалди. Колхозда 85 хўжалик қолди.

1930 йил экин яхши бўлди. Колхозчилар бошида Қўқонбой ака тургани ҳолда, якка хўжаликларга ҳам катта ёрдам қилдилар. Кузда пахта теришиб бўлмасданоқ улар ҳам колхозга киришга қарор қилдилар. Шунда Қўқонбой ака уларнинг ҳаммасини қизил карвон қилиб скуппунктга бошлаб келди.

— Колхоз, якка хўжалик деган айирмачилик йўқ,— деди. 40

Қишлоқда четда қолган 20 та тўқ хўжалик бор эди. Улар қизил карвонга қўшилмадилар.

Биз Қўқонбой аканинг ҳовлисига ётганда кеч кирган эди. Йўлда ёмғир ёғиб, чақмоқ ҳам чақиб олди. Бизнинг олдимизда кетаётган қизлар кийимлари юпқа бўлганидан жуда ҳам нивиб қолдилар.

Қўқонбой аканинг хотини уй ичидаги ўчоққа олов қўйиб, ош пиширар эди. Унинг ёнида олов олдида кичкина қизчаси бир чўпни ўйнаб ўтирарди. 14 ёшларда бўлган катта тўнғич қизи Қўқонбой аканинг ўғлини кўтариб айвонга чиқди.

- 10 Қўқонбой аканинг уйи жуда ясантирилган, европавори тусда. Тахмонга чойшаблар ёпилган ва бир эшик ўрнига дераза қўйилган. Лекин деразанинг олди майда-чуйда нарсалар билан тўла. Уйнинг обреш қисмида, тепада қошиқда исириқ ҳам осилиб туради.

Қўқонбой аканинг хотини 1932 йилда кетмончи хотинлар ишини ташкил қилишда катта маҳорат кўрсатди. Шунинг учун унга Ўзбекистон ҳукумати Қизил Меҳнат нишони берган. У ҳам Қўқонбой акага ўхшаган чаласавод.

- 20 Рузвон ая бизга яқинда ҳалиги ташқарига чиққан 14 яшар қизига совчи келганини ва уларга қарши Қўқонбой аканинг хат-саводини чиқармасдан туриб эрга бермаяжгини арз қилганини сўзлаб кулади.

Ризаев:

— Саводини чиқаришгина эмас, ўқитмоқ керак,— деди.

Рузвон ая:

— Қаерда ўқитамиз? — деб сўради.

- 30 Ризаев бу ерда биринчи босқични тугатгандан сўнг Қўқонга, сўнг Тошкентга юбориш керак, деган маслаҳатни беради.

Рузвон аяга қизи қўлдан кетиб қола турган кўринади ва жимлик билан жавоб қилган бўлади.

Қўқонбой ака 1931 йилда СССР саёҳати билан мукофотланди. У, шундагина умрида биринчи мартаба поездга тушди. Улар Москва, Киев, Харьков, Боку ва бошқа шаҳарларда бўлдилар. Уларни бутун шаҳарда автомобилга тушириб саёҳат қилдирдилар. Қўқонбой ака: «Шаҳарнинг бариси ўша томонда экан. Биз ҳам юрган эканмиз!»

- 40 деди.

Қўқонбой акаларга аккредитив қилиб бердилар. У «Бизга берилган ҳуқуқни тушунмай юрган эканмиз. Биз қайси банкага кирсак пул берар экан»,— дейди.

Қўқонбой акалар сафарга фақат икки шиша нос олган эдилар. У Москвадаёқ тамом бўлиб қолди. Уларнинг ичида бир чол носсизланиб, жуда ҳам кайфи бузилди. Ҳатто, саёхатни ҳам саёхат қилгандай бўлмади.

Қўқонбой ака:

— Шериклар нобоп чиқиб қолди. Бўлмаса тоза томоша қилган бўлур эдим,— деди.

Туш чоғи бутун дала одам билан тўлган эди. Биз беш эркак, беш хотиндан иборат бўлган бир бригаданинг бошига бордик. Бешта эркак кетмон билан жўяк олар, 10 бешта хотин уруғ сепиб, оёғи билан тупроқ тортиб, доннинг юзини кўмар эди. Уларнинг ичида колхозга янгидан кирган бир рус хотин ҳам бор эди.

Биз борганда хотинлар қочгансимон бўлиб марзага чиқиб турдилар. Ризаев бориб, чигитларни текшириб кўрди. Қопнинг олдида бир қанча чигит ерга исроф бўлиб сочилиб ётар эди. Ризаев койиб кетди:

— Бир увоқ нон ерга тушса, олиб кўзларингга суртиб, тавоб қиласизлар. Чигитлар бу ҳолда ётади. Бу яхши эмас. Чигит нон беради. Уни ҳам кўзга суртмоқ керак. 20

«Ишни қилсанг пухта қил, хом қилмағил!» деган гап эсдан чиқмаслиги зарур.

9 апрель. Кечқурун мен Қорамулла жамоасига бордим. Кеч кира бошлаган. Колхозчилар ортиқ даладан қайтган эдилар.

Колхоз идораси олдидан ўта турган кўчанинг икки томонида колхозчилар борган сари чизилишиб ўтирмоқда эдилар.

Улар газета ўқир эдилар.

«Янги Фарғона» газетасининг бугунги сонида Қорамулла жамоа шўросининг раиси Мадалиев ва унинг котиби Шокировнинг якка хўжаликлар билан ишламаганлари, уларни камситганлари устида бир хабар босилган эди. 30

Даладан қайтган колхозчилар қатор бўлиб, қум устига ўтириб, ҳалигини ўқир эдилар. Уқишни билмаганлар билганлар ёнига тикилмоқдалар.

Жамоа шўросининг раиси Мадалиев ўзини жуда ҳам ўнғайсиз сезар эди. Унинг қўлида газета ҳам йўқ. Нима қилишини ҳам билмай, ҳар бир газета ўқувчига бориб бир гап ташлайди: 40

— Текширмасдан ёза берар экан-да!

Жамоа шўросининг котиби Шокиров бўлса, мен Қорамуллага бораётганимда, йўлда кетаётган эди. У, кўзи

чақчайган, енгил табиат, устида беқасам тўн, оёғида қора ботинка, кўк пайпоқ, шими тиззасидан пастга тушмас, қўлида портфели ҳам бор эди. У эса бу маҳалда тамом йўқ, балки эрта ҳам келмас. У жуда кайфсиз эди. Ҳатто, мен ўтиб кетгандан сўнг ҳам менинг орқамдан бир неча минут қараб қолди.

Шундай, Мадалиев болаларча ҳаракатлар қилар эди. У, қумтупроқ устига чордана қуриб ўтириб олар, яна турар эди. Мадалиев энг сўнгида уйга кетмоқчи бўлди. Ҳеч ким у билан бирга кетмади. Сўнгра отбоқар Ҳасанов уни бир оз мазах қилди. Мадалиев бўрни олиб, Ҳасановни қора тахтага ёзмоқчи бўлди. Ҳасанов уни тахта ёнига қўймади. Сўнгра қизил тахтага ёзмоқчи бўлди. Яна қўймади. Мадалиевга қийин бўлди. Ҳар ҳолда бирон нима деб ёзмоқ керак эди. У бўрни кўлига ушлаб, телефон устуни олдига борди-да, Ҳасановни «Пўлат — дангаса, ялқов»,— деб ёзди.

Ҳамма Мадалиев ҳаракатининг қизғонч эканини кўрар эди. Ҳасанов унга:

20 — Бугун замбарга солиб элтиб қўямиз, шекилли!— деди. Мадалиев гапга бошқа маъно берди:

— Замбарсиз юриш, умуман қийин бўлиб қолди.

Ортиқ колхозчиларнинг ҳаммалари йиғилиб қолган эдилар. Биз мажлисга кирдик.

Оқшом ойдин эди. Колхозчилар колхоз идорасининг ҳовлиси саҳнида қатор ўтиришдилар. Ўртага иккита стул билан битта стол қўйилди. Стол устига битта чироқ ҳам чиқарилди. Девор остларида, ой нури яхши тушмаган жойларда колхозчиларнинг кўзлари ялтирар эди.

30 Колхоз раиси мажлисни очди.

— «Сталин» колхози аъзоларининг мажлисини очиқ деб эълон қиламан.— Шу билан у тўхтади. Орқада абжирроқ бўлган киши:

— Мажлисни олиб кетмоқ учун 3 кишидан комиссия сайлаб беринглар,— деди.

Ўртадан «Отабоев» деган бир овоз чиқди. Яна жим бўлишди. Бир неча нафас ўтгандан сўнг «Қурбонали» деган овоз кўтарилди. Ўйлаб-ўйлаб яна бир кишининг номини айтдилар.

40 Раис:

— Кўрила турган масала ижтимоий мусобақа ўйнаш тўғрисида... Ким билан ўйнаймиз?

— «Ворошилов».

— «Учқун».

— Ҳаммаси билан ҳам ўйнай берамиз.

Ўртада ўтирган биткўз одам сўз олди.

— «Учқун» колхозни билан ўйнаймиз. Агар ютқизса, бутун бола-чақаси билан келиб, ғўзапоямизни юлиб берсин.

Орқада чапанироқ бўлгани ўрнидан турди:

— Ким ютқизса, бир тоғора қуруқ кул олиб борамиз. Ютқизган одам...— деди. Ҳамма кулди.

Ижтимоий мусобақа шартномасини тақдим қилган 10 раҳбар сўз олишга мажбур бўлди:

— Уртоқлар! Ижтимоий мусобақа — қимор ўйнаш эмас. Уни кўпқари деб айтиш ҳам хато. Бизнинг мақсадимиз «Учқун» колхозини йиқитиш эмас, балки икки колхознинг юқори ҳосил учун курашда ўз планини бажаришига эга бўлиш, холос.

Колхозчилар жим бўлдилар. Соқоли мошкичирн бўлган бригадир қисқагина нутқ қилди:

— Бизга унинг ютуғи даркор эмас. Бизни ўша скуппунктга олиб бориб, қора ва қизил тахтага ёзиб, ҳаммага 20 кўрсатиб турса бўлади.

Ўртадан ғўнғиллаган яна бир товуш чиқди:

— Бўлмаса ўйин эмас, бирлашиш экан-да... Ҳеч ким жавоб бермади.

Мусобақани ерни яхши ғўнглаш, яхши ҳайдаш, суғориш ва бошқалар устида ўйнала турган бўлди. Шунда ҳалиги бригадир мусобақа шартномасига:

— Ишни кўнгилдагидан ҳам ортиқ қилиб бажарамиз! — деган модда киргизишни таклиф қилди. Қабул қилдилар. 30

Мажлисни қизиқтирган нарса — мусобақа шартномасида ҳар экин фаслининг охирида зарбдорлар куни ўтказиш масаласи эди.

— Ҳар фаслдан сўнг бир кун эълон қилиб, унда зарбдорларни мукофотлаб, ҳурматлаб, ялқовларни қизартирамиз.

Орқадан бирдан кулган, хурсанд товуш чиқди:

— Эшитиб қўй, бўйнингга қора латта иламан.

Мажлис шартномани қабул қилиб тарқалди.

Биз кундуз куни Қорамулла жамоа шўросининг идорасида бўлдик. Гап орасида мен уларнинг лексиконидаги сўзлар билан қизиқдим: «Закунчи омонат!», «Тегирмон 40

- тошидай оғир», «Саркотиб деган жой бор» (саводсизнинг сўзи), «Жиндай нарсани илиб олиб важ қилади», «Шаҳар ҳам ёддан кўтарилиб кетди (иш кўплигидан)», «Қорни эшилиб», «Ҳаммасини билаверамизми», «13 центнер 100 килограмм», «Аксинчасига», «Раисни оғиштирсак колхоз иши олдинга юрмайди», «Ўт бўлмаса тутун чиқмайди», «Жўжабирдай жон», «Кўпчиликнинг ризқи», «Ер бериш масаласида — омин оллоху акбар бўлмайди», «Отга омонат ўтирган йиқилади», «Хўрда ер, одамнинг қўли гул»,
- 10 «Меҳнат ёна турган ер».

Гап орасида агроном маслаҳатига қарши гап чиқди. Ҳосилот шўросининг раиси:

— Бу ерда ўзимиз яшаганмиз. Ернинг тилини ҳам ўзимиз биламиз. Агрономнинг билимдонлиги керак эмас бизга,— деди.

- Ҳамма нарсани ўзинг биладиган, қиладиган бўлсанг, нима учун бошқаларнинг ёрдамисиз колхоз туза бермадинг? Нима учун бизга шунча раҳбар келади? Чунки сенинг ўзинг буни қила олмас эдинг? Бу фикринг
- 20 ҳам тўғри эмас.

Шамол деворларни ялаб, эшикларга ўзини уриб, даражларни эгиб-кўтариб, тўзонларни чаппарастасига олиб ўйнатиб пишқирар эди. Эшикларнинг шамол кучи билан тўхтовсиз ва ёқимсиз шиқирлаши кишини жонидан тўйғазиб, асабларни бузади.

- Ҳавонинг табиати бузуқ. Қуёшнинг таъсири йўқ. У бор ва йўқ даражасида борлиқ кўрсатади. Толларнинг куртаклари шамолга урилиб товуш беради. Тутларнинг яланғоч новдалари ҳавонинг баданига шарт-шарт тегади.
- 30 Шамол кучининг зарби билан ўрикларнинг гули тўкилиб, учади.

Ташқарига чиқишдан қийналганлар Мулкобод скупунктининг телефони олдида эртадан-кечгача шаҳарни чақирадилар. Телефон худди бузилган ғалтак сингари ғуриллаб юради. Унда гаплашиш асабларни ғалаёнга солади.

- Мулкободда оммавий экин ва ҳайдовнинг энг қизиган пайти. Ҳавонинг шу қадар бузуқлигига қарамасдан дала одам билан лиқ тўла. Шамол тракторнинг юришини сустлатмоқ бўлади. Кетмонни кўтариб уришга йўл қўймайди.
- 40 Донларни — чигитларни кесаклар билан қўшиб учириб кетмоқчи бўлади. Улар кетмон урар экан, бошни осмонга кўтара олмайдилар. Дўппилар қўлтиққа солинган, кўз-

ларни очиб бўлмайди. Улар кўзларни бир очиб-бир юмадилар.

Колхоз идорасида тўхтовсиз равишда ҳисобот давом қилади. Экиннинг бориши, гектарларнинг ўтилиши, иш нормаларининг бажарилиши, меҳнат кунининг тугалиши ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари тўлғазилади.

Мулкободда экин планини бажариш устида қаҳрамонларча фидокорона кураш боради. Бир кунги меҳнатнинг самараси бутун ўлканинг ҳаёти билан маҳкам боғлиқ эканини улар яхши билдилар. Улар бутун ўлкадаги рақам кўтарилишининг сусайишида ўзларининг ҳаракатларини кўрадилар. Бутун ўлка тўрт кўз билан улардан ҳар бирининг нафас олишини кузатади. 10

Шунинг учун ҳам шамол, ҳавонинг табиатига қарамасдан дала юзи одам билан тўлган бўлади.

9 апрелда мен «Сталин» колхозида умумий мажлисдан аввал колхоз правлениеси, активлар билан социал мусобақа шартномасини музокара қилдим. Бу кичик мажлис тамом бўлгандан сўнг колхоз раиси умумий мажлис чақиришга қарши чиқди. 20

У, «улар (колхозчилар) даладан чарчаб келдилар. Шунинг учун тўплаш қийин. Барибир, ҳозир яхши ишламоқдалар. Мажлис қилиб ўтирмасдан, ўзларига айтсак ишлай берадилар. Бизнинг гапимиздан чиқмайдилар», деди.

Мен қарши бўлдим. «Ҳар бир колхозчи шартномада кўрсатилган шартларни яхши билмаги, шунга қараб ўзаро мусобақа, зарбдорчилик билан иш бормоғи, ўз ишини шу шартнома асосида қурмоғи керак, биз уларни шунга сафарбар қилишимиз лозим», дедим. 30

Колхоз раисида бу ерда оқсоқоллик тенденцияси кўринди. У ўзини эски бир оқсоқол сифатида тасаввур этди. Бу албатта, феодализм қолдиғи, унинг манфий жиҳатидан бир кўриниши эди.

У менинг сўзимга ноилож рози бўлди.

10 апрелда кун билан шамол давом қилди. Шамол борган сари кучайиб пишкирар эди. У, шу қадар кучланиб кетдики, ҳатто ариқ бўйидаги жуда буюк бўлган 56 ёшли чинор томири билан қўпорилиб тушиб, атрофидаги узун деворларни қулатиб юборди. 40

Тушдан кейин, кечга яқин далада юришга ҳеч қандай имкон қолмади. Шамол бўронга айланиб кетди. Бутун

дала чанг билан тўлди. Ортиқ ишни давом қилдириш мумкин эмас эди.

Кеч киргач, шамол озгина секинлади. Лекин ҳаво қаттиқ совиган, шамол изғиринлари орасидан юзга ёмғир томчилари ёқимсиз тегар эди. Бугун ой ҳам йўқ. Кеча қоронғи. Хар томонда чироқларнинг кучсизгина ёруғи кўринади. Ташқарида тракторнинг товуши, қурбақанинг қуриллаши эшитилади.

10) Бугун мен эрта билан яна Қорамулла жамоасига бордим. Бугун мен билан бирга горкомол вакили Толибжонов ҳам бор эди.

Толибжонов икки йилдан бери Мулқобод участкасида комсомол вакили бўлиб ишлайди. Уни каттадан-кичиккача, колхозчиларнинг ҳаммаси танийди. Унинг туратурган муқаррар жойи ҳам йўқ. Қаер тўғри келса, шу ерда ётиб кета беради. Унга жой берадилар. Ҳамма ўзига яқин сезади.

2) Кеча «Сталин» колхозига Қўқон ёғ заводининг партия ячейка котиби, завкоми, комсомол котиби келган. Бу ерда заводнинг икки кишиси доимий равишда ишлайди. Улардан бири колхоз правлениеси раисига муовин ҳам қилиб олинди. Ёғ заводидан келганлар кеча кечаси, ярим кечага қадар колхозчилар билан мажлис ўтказганлар. Улар завод билан социал мусобақа ўйнаш масаласини фикрлашганлар.

Биз уларни кўрмоқчи эдик. Биз борганда ҳеч ким топилмади. Раис шаҳарга, бошқалар бугун бозор бўлганидан бозорга, заводликлар «Маданий» колхозига, колхозчилар далага кетган эканлар.

30) Биз жамоа ижрокоми идорасига кирдик. Идорада ўзимизга маълум Мадалиев ва саркотиб Шокиров ўтирган эди. Мадалиев аввал кунги газетага урилиш фожиасидан шикоят бошлаб кетди.

Мадалиев ўзининг ҳаракатларига кўра, у яққол муштумзўрларнинг думи. Унинг гапларидан шу анқиб туради. У колхозчилар билан мажлис ўтказиш масаласига келганда норози:

— Тушунмаган одам қолмади, энди ўлганда ҳам, ишлаб ўлади.

40) Толибжонов унга бугун бўлатурган мажлис ҳақида гапирди. Мадалиев савол берди:

— Қандай масала кўрилади?

Толибжонов қўполроқ қилиб:— Нима бўлар эди? Ҳозир нима зарур? — деди.

— Биладан, посевной, кечаси уйқуда, тушда, йўлда, идорада, бозорда посевной тўғрисида ўйлаймиз. Мияда бошқа фикр йўқ. Хотинлар ҳам ўлган-тирилганига қарамай ишлаётир. Кеча шунчаки, рангига қараб бўлмайди. Бу изделний дегани одамни ўзидан-ўзи ишлайдиган қилиб қўйди,— деди.

Бугун бозорга ҳам тушдик. Ҳамманинг далада бўлишига қарамасдан бозор одам билан лиқ тўла эди. Кўчанинг икки томонига тизилишиб олиб, одамлар ўз молларини сотар эдилар. 10

Бозорга ҳам ким ўз буюмини кўтариб чиқади.

Деворнинг нариги бурчидан қатор бўлиб атторлар чизилиб кетган. Булар кичкина-кичкина газета, рўмол устига ўзларининг мол-матоларини диққатни ўзига тортадирган қилиб терадилар. Буларнинг буюми — сақич, ишқор, заранг, калампир, мурч каби барча майда нарсалардан иборат. Булар шу ўзларининг арзимас нарсалари билан доим қишлоқма-қишлоқ, бозорма-бозор юриб, у бозорни бу бозорга, у нархни бу нархга уриштирадилар. Улар ҳар хил тўқима, ёлғон, сохта гаплар билан нархларни кўтарадилар. Улар, уйма-уй эшакда юриб, кишиларнинг эшигини тақиллатиб нонга сақич, обакидандон сотиб, алишадилар. Улар кооперативнинг гугуртини 2 тийиндан олиб 10 тийиндан ошириб сотадилар. Одатла бу нав меҳнатнинг аҳллари ҳамма вақт кам бўй, ингичка, ориқ, ногирон одамлар бўлади. Буларнинг орқасидаги тор кўча ичида хотинлар қатиқ билан тухум сотадилар. Хотинларнинг нариги томонида 2—3 одам супурги сотиб ўтиради. 30

Бозорда ҳар ким ўз молини сотиб ўтиради. Бир татар халқнинг ўртасига кириб, игнага ип ўтказишни осонлаштирадиган нарсани ушлаб олиб, у орқали игнага ип ўтказиб, қизиб ташвиқот қилади:

— Қишлоқларга колхоз, деҳқонларга трактор, машиналар берган ҳукумат кампирларга игна ўтказишни осонлов машиналар чиқарди. Олиб қолинг!

Атторлардан ўтгандан кейин очикроқ ерда пўстин кийган чол, бир кир белбоғ устида уч-тўрт парча пиширилган балиқ гўштини сотиб ўтиради. Унинг узун оқ соқоли ҳеч қачон совун кўрмаганга ўхшайди. Соқолининг уч тарафи сап-сариқ янтоққа ўхшаб қолган. Ҳатто, чирий 40

бошлаган кўринади. Бу, унинг доимо балиқ пишириб сотиб, олов олдида кўп ўтирганидан, соқол оловнинг тафтидан шундай бўлган бўлса керак. Унинг атрофида одамлар калла гўшти сотадилар. Деворнинг нариги тагида бир тўп одамлар ёнғоқ сотмоқ билан овора. Уларнинг орқасида бир одам қовуннинг бир тилимини бир сўмдан қилиб сотади.

10 Бу ернинг коппон деб аталувчи бир ҳовлисига кирсангиз, энг аввал қозоқларнинг эски гилам ва кигиз сотганини кўрасиз. Улар ўз олдиларига туяларини ҳам бақиртириб чўктириб қўйганлар. Улардан нариги ёқда ун, буғдой, гурунч, шоли, арпа, жўхори сотадилар. Ун билан шолини кўпроқ колхозчилар олиб чиққанлар. Бозор ўтган даражада қиммат.

Бозорда уч кооператив дўкони бор. Улар ҳам савдо билан машғул. Сельпонинг олдида бир киши эски от тақаси, қулф-калитларни олдига ёзиб ўтиради.

20 Бозорда томошабин ҳам кўп. Улар ҳеч нарса олмасалар ҳам, ҳар бир нарсанинг нархини сўраб, ҳар олувчининг оғзига, сотувчининг башарасига қараб юрадилар. Бозор ифлос. Бунда ҳамма нарса бозор. Колхоз қизил чойхонасининг олдидаги кооператив дўконида колхозчиларга қанд ва чой берилади. Саноат моллари ҳам бор. Кооперативга колхозчилардан кўпроқ ҳалиги олиб сотарлар кириб чиқадилар. Улар бозордаги бекор касалларни ҳам пул бериб, ўзларига «агент» қилиб оладилар. Бундай одамлар жуда кўп. Қаерга борсангиз, албатта буларни топасиз. Улар кооперативнинг эшиги оғзида ҳалиги кооперативдан бир ҳиссага олинган молни ўн ҳисса қилиб 30 сота берадилар. Бу уларнинг қонига сингиб кетган одат.

11 апрель кечқурун скуппункт чойхонасида агроучастка Мулкобод колхоз правлениеларининг слётини ўтказди.

Слётни Қўқонбой ака очди. Участка агрономи Приходько экин ишларининг бориши, тракторларнинг синиб, бузилиб, ўз нормаларини тўла бажара олмаётганини, тортув кучларидан ҳам фойдаланиш унча яхши эмаслигини гапириб, ҳайдов ва экинни тезлатишни таъкидлади.

40 Приходько орқасидан Қўқонбой ака агроучастканинг бошлиғи сифатида сўзга чиқди. У, қўлини стол устига қўйиб олиб гапирди. Унинг олдида қоғоз ҳам йўқ, тезисга қарамайди. Рақамлар ҳам келтира бермайди. У экинни бошлаб-тугатишигача бўлатурган бутун ҳодисалар устида сўзлади. У, ўз сўзида «агрономия кўрсатганича», «ҳозир-

ги моментда» деган сўзларни ҳам ишлатди. Унинг сўзини кўпчилик яхши диққат билан тинглади. Қўқонбой ака айрим жойларда «намуна» кўрсатаман деб, бир бор ҳайдалган ерларга ҳам чигит ташланганини танқид қилди. У, «ҳосилни оширишда чигит ташлашни пухта бажариш керак. Яхши, семиз ердаги чигит оралиғини 80 сантиметр, саёз, ориқ ердаги чигит орасини 60 сантиметр қилиб экиш керак. Чигитлар дона-дона бўлиб кўкарсин. Бу яганалашга ҳам яхши бўлади», деди.

Бундан сўнг «колхозларда ялқовлар билан кураш» 10 ҳақида сўз борди. «Пролетар» колхозининг раиси «бир кун келмаганнинг беш кунлик, икки кун келмаганнинг ўн кунлик ҳақини қирқиб, уч кун келмаганни колхоздан ҳайдаётирман», деди.

Ризаев уни койиди. «Марказий ижроком сессиясининг қарори бўйича икки кун келмаганни тўғридан-тўғри колхоздан ҳайдай бериш керак эди. Сизлар янги зақун чиқарибсиз», — деди.

Жамоа вакилларидадан бири отларнинг жуда ҳам но-чорлиги ҳақида сўзлади. Мажлис колхозлар, жамоалар 20 орасида социал мусобақа масаласини ҳам кўриб, тасдиқлади. Скуппункт вакили колхозларнинг кунжара, аванс олишлари, қора, сариқ чигитларни топшириб, яхши чигит олишларини билдирди.

Мажлис кечаси соат 3 га қадар чўзилди.

* *
*

(Иккинчи дафтар)

Ишни қилсанг пухта қил, хом қилмағил,
Лавлаги ўрнига шолғом олмағил.

30

12 апрель куни ҳавонинг чиройи жуда ҳам очилиб кетди. Қишлоқ борган сари яшил тусга кирар эди. Ҳозир мен келганимга бир ҳафта ўтди. Шу ҳафта ичида қишлоқда баҳор анча етилди. Энди ўрик ёнига олма, тол ёнига терак ҳам барг ёзиб қўшилди.

Бугун ҳавонинг яхшилигидан далада ишлаш ҳам жуда кўнглили эди. Шунинг учун ҳамма далага чиқди.

Мен «Сталин» колхозининг правление мажлисидан қайта туриб, йўлда ҳайдалган жойдан бир тўп хотинларнинг ажриқ ва шунга ўхшаган ғўзапоя томирларини те-

риб-йиғиб юрганларини кўрдим. Уларнинг ичида катта хотинлар ҳам, ёшлар ҳам бор эдилар.

Мен бир ўзим ёлғиз келар эдим. Улар далани тўлдириб ашула қилар эдилар. Мени кўргач, уларнинг ашуллари яна авжига чиқди. Улар ашула билан менга ҳазил қилмоқчи бўлар эдилар.

10 Ашуланинг бош байтларини хотинларнинг олдида тез юриб бораётган бир хотин айтар эди. Уларнинг ҳаммаси худди лўли хотинларга ўхшар эдилар. Олдинги хотин ашуланинг икки бандини айтгандан сўнг унинг кетидан кетаётганлар ашулани юқори кўтариб, баланд товуш билан такрорлар эдилар.

Ашула айтаётганларга бир хотин:

— Яша, ҳукуматнинг даврида! — деди.

Ашула халқ шеърдан эди. Ўзи ҳам ишқий мавзуда, жуда чиройли мисралар эдилар.

20 Ёримнинг оти Лайли,
Менга бормикан майли.
Менга бор бўлса майли,
Мен унинг қаландари.

Улар иккинчи бандга ўтдилар:

Қошинг билан кўзингга,
Ошна бўлдим ўзингга.
Айтолмайман юзингга,
Инсоф берсин ўзингга.

Мен улардан ўтиб кетдим. Менинг орқамдан бир ёши улғайган одам арава ҳайдаб етиб келди. Эҳтимол, уларнинг ашуллари чолнинг ҳам ҳиссини қўзғатган бўлса. У ҳам араванинг филдираги оҳангига солиб ашула қилар, ашула ҳам чолчасига эди.

30 Эшигингдан ўтаман
Ҳам йўталиб, гул кўтариб,
Сен агар ошиқ эсанг,
Чиқ укангни кўтариб.

Мен скуппунктга келдим.

«Сталин» колхози правленийсининг аъзоси Рустамов — ҳозир колхознинг жони, колхознинг бутун бордикелдисини шу қилади.

40 Рустамовнинг велосипеди бор. У, эртадан-кечга қадар шунга миниб, оғирни-енгил, қийинни-осон қилади. Рустамовнинг колхозчи бўлиб қолиш ҳодисаси анча қизиқ. Мен Рустамовнинг ўзи билан гаплашдим.

Рустамов Қорамулла қишлоқлик, деҳқон оиласидан бўлган. У, ўзи бевосита деҳқончилик қилмасдан бирмунча фурсат Андижонда, Қўқонда юрган. Бир фурсат заводга ҳам кириб ишлаган. Яна ўз қишлоғига қайтиб келган.

Рустамов жуда хушёр, ишгир одам. У кўп гапирмайди. Ҳатто у, ҳозир ҳам ҳар бир гапга қўшилишдан уялиб, тортиниб туради. У фақат иш қилади. Иш унинг гапи, сўзи, номуси ўрнида юради. Шунинг учун ҳам у қишлоққа келгандан сўнг халойиқ уни миробликка сайлайди. У мироб бўлиб, бир қанча вақт ишлагандан сўнг, уни жамоа шўросининг раиси қилиб кўтардилар. 10

Жамоа шўросининг раиси экан, Рустамов ҳамон хат-саводсиз бўлади. Ишда хат-саводнинг қадри жуда ҳам ўтади. Шунинг учун ишни ташлаб, у шаҳарга ўқишга кетади.

Ҳар бир ишга жиддий киришишга одат қилиб қолган Рустамов 6 ой ўқиб муаллим қувватига эга бўлади. Тақсим вақтида уни бошқа жойга муаллим қилиб тайинламоқчи бўладилар. Рустамов ўз қишлоғимга бораман деб туриб олади. Шунда уни Қорамуллага мактаб мудирини ва муаллим қилиб юбордилар. 20

Рустамовнинг муаллим бўлиб қайтиши қишлоқ халқига жуда катта таъсир қилади. Ҳатто, кўплар «биз ҳам ўқисак — одам бўламиз» деган қаноатга шундан сўнггина келадилар.

Рустамов ўқитувчилик билан шуғулланар экан, колхоз ишига ҳам жиддий ёрдам қилади. Рустамовнинг ишини кўргач, колхоздагилар бутун оғир ишни шунга юклайдилар. 30

Ниҳоят, Рустамов мактаб иши билан колхоз ишини бирлаштира олмасдан қолади. Унинг олдида янги социалистик хўжаликнинг тузилиш жараёнига актив иштирок каттакон муаммо тариқасида туриб олади. У муаллимликни ташлаб, колхоз ишига тамом ўтди.

Рустамов ҳамон нутқ сўзлашни билмайди. У «Талабалар билан ишлаб, ота-боладай бўлиб қолар экансан, шунда ҳамма нарсани тортинмай гапира бериш мумкин, лекин кўпчилик ўртасида гапириш қийин»,— деди.

Рустамов ўрта ёшли. Рустамовнинг отаси камбағал-деҳқон бўлган. Унинг тўрт таноб ери бўлган. У инқилобдан аввал ўлиб кетган. Очлик йилларида Рустамов ўша 40

ерни сотиб еган ва сўнг бир кичкина ҳовли эгаси бўлган. Уни ҳам ташлаб, шаҳарга кетган.

«Ленин» колхозининг темир фонди

Ой шом еган кечалар бошланди.

Биз: мен, Қўқонбой ака, Қўқон ёғ заводининг вакили Отабоев, Рустамов, Мадалиев «Ленин» колхозига бордик.

«Ленин» колхозининг раиси Назаровнинг муштумзўрлиги ҳақида икки йилдан бери гап бор. Лекин шу кунгача масала бир ёқли қилинмади. Назаровни жамоа шўросининг раиси Мадалиев шу кунгача қўллаб келди. Унинг устида бошланган ишларни йўқотиб юборди. Охири масала участка сиёсий раҳбаригача бориб етди. Участка сиёсий раҳбари жамоа ижроқўмини бу гапнинг тўла маъносида шу ишни қарашга зўрлади. Бугун кечқурун жамоа ижроқўмининг президиум мажлиси Назаровни ишдан бўшатишга қарор қилди.

Масалани умумий мажлисга чиқармасдан аввал, уни колхоз камбағалларининг мажлисида пиштиб олиш лозим эди. Мажлис бошланмасдан илгари одамларда гап бўлди.

• Бу ерда гапдон бир киши чиқди. У, ҳавонинг тузук бўлишига қарамасдан бошига катта телпак кийган, устида узун сариқ бўз тўн, оёғида этик, кириб келди.

Ундан аҳвол сўрасалар:

— Пахта пилаграмини бажараман деб олишиб ётибман,— деди.

Ундан:

— Колхоз иши илгарига босаётирми? — дедилар.

— Худо хоҳласа, бостирамиз... Ишласанг-тишлайсан.

30 Хотинимга ҳам ишласанг-тишлайсан, бўлмаса овқат бермайман, дедим. Бошлаб хотинлар далага чиқадилар. Аввал ўзимнинг хотинимни чиқардим. Сўнгра раис, ижроқўмнинг хотини чиқди. Ҳозир ҳамма ишга тушиб кетди. Ҳамма жойда «ишласанг-тишлайсан» деб маъруза юргизаман.

Бу одам нашаванд, ҳамма вақт наша чекади. Кеча мажлисга бораман деб ўтириб, куннинг кечикканини билмай қолган эмиш.

40 Мажлисга биз билан борганлардан бири, ҳозир уришиш, ёқалашиш қалай, деди. Бошқа биров жавоб қилди:

— Аввал ҳар йили уруш бўлар эди. Доим сув, ер та-

лашар эдик. Сувни зўрлар ичар эди. Энди талашишга ҳожат қолмади.

Одамларни чиқариб, кичкина уйда камбағаллар мажлисини очдик. Мажлисда ҳалиги нашаванд, жамоа шўро раиси Мадалиев ҳам бор эди. Пастда 8—9 колхознинг камбағал-батрак қисми, колхознинг темир фондлари ўтирар эдилар. Буларнинг кўпчилиги ёш йигитлар, батраклар эди. Булар мажлисда Назаровнинг муштумзўрлик ниқобини йиртиб, колхознинг олдинга босмаганини айтдилар. Улардан бири:

10

— Раис ҳамманинг айбини яширди. Касалларни очмади. Чунки ўзининг айби очилишидан қўрқар эди,— деди.

Қўқонбой ака:

— Камбағал деган пролетар бўлади. Ҳамма нарсани қўрқмай оча беринглар,— деди. Улар Назаровнинг киши кучидан фойдаланувчилиги, колхозга раис бўлиб тургани ҳолда, ўзининг ўғай ўғлини якка хўжалик ҳолида сақлаб унинг олган жўхори ҳосилани бўлиб олганини, колхоз ташкил топганидаги 22 отдан ҳозир фақат 10 от қолганини, бедаларни сотиб қўйганини, экин ишларининг ёмон боришини гапирдилар.

20

— Колхозни кейинга кетказди. Ишнинг натижасини кўрсатмайди.

Мажлисда Мадалиев ҳеч бир сўз айтмади. Ҳатто, жамоа шўросининг қарорини эшиттиришга ҳам гал келмайди, деб рози бўлмади.

Нашаванд гапни кўп билади. У ҳар хил шаҳар гапларидан ҳам хабардор.

Колхозга раис сайлаш тўғрисида гап борганда, айниқса у қизиб кетди. Янги раисликка кўрсатилган Ёқубжонов унинг акаси бўлиб чиқди. Шунда у ҳаммадан кўп гапирди. Қўймасалар ҳам, «Мен ҳеч нарса деганим йўқ», деб яна гапирди. Пастда ўтирган камбағаллардан бири раиснинг қандай киши бўлиши ҳақида гапирди.

30

— Чўпдан-хасдан паст, бурни кўтарилмайдиган одамни танлаш керак.

Ёқубжоновни раис қилишга қарор бўлгандан сўнг нашаванд устида гап тўхтади. У тафтиш комиссияси эди. Уни туширмақ керак бўлди. Нашавандга бу жуда ноқулай тушди. У охирги сўз айтди:

40

— Мен ҳеч нарса демайман. Лекин шуни айтиб ўтаманки, инқилобчилардай қаҳрамон бўлиб ишладим.

Умумий мажлисга чиқилди. Умумий мажлисда ҳам нашаванд ҳаммадан кўп гапирди. У ҳар бир музокарачидан сўнг сўзга чиқар, раис сўз бермаган тақдирда ўтирган жойидан телпагини ерга қўйиб, осмонга қараб гапирар эди.

Умумий мажлисда эски раис туширилиб, янги раис сайланди. Бунда бир қизиқ ҳодиса ўтди. Эски раиснинг укаси 8 кундан бери ишга чиқмас экан. Лекин, улар — ака-ука қандайдир бир хусумат қилиб юрсалар керак.

- 10 Укаси чиқиб, раисни жуда шарманда қилди. Раис уни, албатта колхоздан чиқариш масаласини қўйди.

Умумий мажлис уни прогулчи, ялқов деб колхоздан чиқарди. У одам 8 кундан бери уйида ток кўтариб, сабзи-пиёз эккан. Лекин далага чиқмаган.

— Нега ишга чиқмадинг? — деганда:

— Оч эдим, хотиним ўладиган, болаларим жингайиб ётибди, — деди. — Бўлмаса, астойдил ишласам, планни 200 процент бажариб, уч кишининг ишини қиламан.

- 20 Уни колхоздан чиқаришга қарор қилдилар. Баъзилар уни яна бир марта синаб кўришни қўйдилар. Лекин ўтмади. У жуда хафа бўлди. У жиннинамо одамга ўхшайди. Узини чиқарганлари учун ўғлини ҳам колхоздан чиқариб олиш хавфи билан қўрқитмоқчи бўлди. Ҳатто, у мажлис раислигини ҳам ўз ихтиёри билан олди:

— Ўғлимни ҳам колхоздан чиқсин деганлар қўл кўтарсин! Одамлар кулди. Ўзи икки қўлини кўтарди. Ҳеч ким кўтармади. Шундан сўнг у мажлиснинг тугалишини кутмай, чиқиб кетди.

- 30 Мажлис охирида колхозга ариза берган икки кишининг масаласи кўрилди.

Мажлис ярим кечада тарқалди. Ой кўтарилган эди.

Мажлис тарқалгандан сўнг Назаровлар Мадалиевнинг уйига йиғилишдилар.

13 апрель эрта билан кечаги колхоздан чиқарилган ялқов бизнинг олдимизга келди. У ўзининг бутун документлари, солиқ тўлаган қоғозлари, справкалари, заёмлари, доторея билетларини кўтариб келган.

— Осмон баланд, ер қаттиқ, мен нима қиламан? — деди.

- 40 Биз унга ишга чиқмаганларни қаттиқ жазолаш тўғрисида гапирдик. У ҳалиги бутун документларни кўрсатди. Ҳолбуки, унинг ҳеч бир кераги йўқ эди. Сўнгра заёмларини кўрсатди.

— Энди булар ҳам куйиб кета берадими?

Биз куймаслигини билдирдик. Йил охирида ишлагаң ишларига ҳақ ҳам олажагини айтдик ва ишлашни таклиф қилдик.

— Мен колхоз даласида юрганимда, хотиним ўлиб кета берса бўладими? — деди ва чиқиб кетди.

Бугун мен агроучастканинг трактористи Дўстмат билан кўришдим. У, уч-тўрт йилдан бери трактор ҳайдайди. Ҳозир у уста тракторчилардан ҳисобланади. У кооперативдан уч-тўрт газ мато олган. Лекин, унинг қўли, кийимлари, тўни шу қадар мазутланган, кирки, у, оқ матони қандай қилиб ушлашни билмас эди. Унинг қошлари, кўзлари, лаблари, бўйинлари ҳам трактор мойига беланган. У: «Трактор бузилиб қолганда унинг тагида осмонга қараб ётиб олиб унинг мурватларини текшириш, поршенларни тузатиш, камарларини улаш керак бўлади. Шунда мой кишининг устига томади. У тупроққа қоришади», деди.

Ҳозир анча трактор бузуқ. Баъзи тракторлар юрмайди. У қайси кунги шамолда ўз нормасини тўла бажармади. Лекин кейин роса бир кеча-бир кундуз ишлади. Бу қадар қаттиқ берилиб ишлаш жуда ҳам камдан-кам бўлади. У эса, бир кечада 20 гектарни ағдариб чиқди.

Дўстматнинг айтишича, бу кеча унинг трактори жуда ҳам чидаб берди. Ҳеч бир бузилмади. Унга керак бўла турган ёғ ва бошқа нарсалар ўз вақтида етказилиб турди. Шунинг учун у тўла равишда нагрузка олди. Ҳолбуки, тракторлар 2,5 гектар, 5 гектар, 7 гектардан оширганлари кам бўлади. Бу унинг учун каттакон маҳорат эди. У трактористлар олдида ҳам ўзини жуда баҳодир сезар ва чарчаганини билдирмасликка тиришар эди. У комсомол тарафидан тракторчиликка юборилган ва ўқиб келган эди.

Қорамулла жамоасининг раиси Мадалиев уч-тўрт якка хўжаликни пунктга контракция учун олиб келди. Пункт кишилари идорада йўқ эди.

Мадалиев уларни колхозга киришга ташвиқ қилиб кетди. У уларни агар колхозга кирмаса оч қолиш даҳшати билан қўрқитмоқчи бўлар эди. Якка хўжаликлардан бири 1930 йили колхозга кириб, чиқиб кетган ва бошқа ҳеч бир колхозга кирмаган эди. Улардан бири дейди:

— Шу йил ҳам сабр қилайик, нима бўлар экан.

Мадалиев уларни койиди. «Ўзларингга зарар қиласизлар, пушаймон бўласизлар», деб сўзлади.

Ҳалиги якка хўжалик:

— Шу беш-тўртта якка хўжалик нима бўлса, мен ҳам шу бўламан,— деди. Кўринадики, якка хўжаликлар бир-бирларига орқа қиладилар. Бир-бирларига суянадилар. Ҳолбуки, улар колхозлашувнинг қаёққа бораётганини, нима қилаётганини тушунмайдилар.

10 Кечқурун мен «Маданий» колхозига бормоқчи бўлдим. «Сталин» колхозида Отабоев билан учрашиб, сўнг-ра бормоқчи эдим. Мен бордим. Отабоев шаҳарга кетибди. «Маданий» колхозига бормасликка тўғри келди.

Қайтар эканман, «Сталин» колхозининг отлари турган ҳовлига кирдим. Унда отлар ва ҳўкизлар томоқланар эдилар. Ҳовлининг тўрида отбоқар, молбоқарлар сўзлашиб ўтирар эди. Колхознинг от ва ҳўкизлари семиз, тузук эди. Мен хурсанд бўлганимни айтдим. Колхознинг раиси сўзга аралашди.

20 — От-ҳўкизи яхши, семиз бўлмаган колхоз — колхоз эмас, у пиёда қолади деган сўз. Шунинг учун ўзимиз емасак ҳам, отларни боқамиз. Ҳозир бутун оғирлик шуларнинг устида.

13 апрель куни горкомнинг тарғиботчиси «Правда Востока»ни олиб келиб қолди. Унда Муродовни муштум-зўрликда айблайдилар.

30 Кечқурун Мирзажонов, «Известия»нинг вакили Эл Регистон, ТАСС нинг мухбири ва Ризаев шаҳардан қайтди. Улар ҳам бундан хабардор эканлар, Муродов билан ярим ҳазил тариқада гаплашдилар. Муродов икки оғиз сўз айтди:

— Энди астойдил ҳафа бўлдим!

Мирзажонов бугун РКИ ва КК дан одам келажагини айтди.

Эл Регистон билан ТАСС нинг мухбири «Қизил юлдуз» колхозига кетди. Мирзажонов шаҳарга жўнади.

40 Кечаси соат бирларда эшик тақиллади. Ташқаридан Ризаев, РКИнинг вакили Ҳусанбоев, яна бир сумкали рус кирди. У қомати жуда келишган, яғринли, узун бўйли эди. Ҳусанбоев калта, қайроқ, кўкрагида қизил нишони бор. У, буни 1931 йили Қайнар участкаси пахта планини ошириб бажарганда олган, дейдилар. Ҳалиги русни Адлия комиссарлигининг янги тайинланган муҳим ишлар терговчиси эканини сўнгга менга айтдилар.

Эрта билан сиёсий идора вакиллари ҳам келдилар. Улар Муродовнинг ишини текширгани «Қизил юлдуз» колхозига кетдилар ва керакли бўлган кишиларни ҳам ўша жойга чақирганлар.

Муродов эртадан-кечга қадар пункт атрофида юрди. У нима қилишини билмас эди. Эрта билан биз самоварда чой ичиб ўтирганда у келиб, ёлғиз ўтириб чой ичди. «Сизларга касалим юқиб қолмасин», деди. Тушдан сўнг уйига овқатга бориб, яна овқатлана олмасдан қайтиб келди ва одам юбориб, уйдан икки нон олиб келтириб чой ичди. 10

14 апрель. Биз Муродов билан чой ичишиб ўтирганимизда Урганжидан партия ячейкасининг котиби Султонов ва горкомнинг тарғиботчиси, «Ворошилов» колхозининг саркотиби келиб қолдилар. Бирга ўтиришдик.

Бу кунларда Мулкободда ҳаёт фақат экин, ер ҳайдаш, гўнглаш учун курашдан иборат. Ҳозир бутун диққат шунга қаратилган, шаҳардан юборилганлар фақат шунинг орқасидан юрадилар. Маҳаллий активлар фақат шунинг орқасидан колхозма-колхоз юриб кун ўтказадилар. Суд шу тўғридаги ишларни кўради. У трактор бузганларни, ерни ёмон ҳайдаганларни, колхоз ғалласини омборда ҳеч қолдирмай тақсимлаб қўйганларни, экин ишига совуқ қараганларни жазолайди. Улар ўзларидан ташқари ўртоқлик судлари ҳам ташкил қиладилар. Ҳар куни колхозларда мажлис бўлади. Участка бўйича слётлар ўтказилади. Колхозлар бир-бирларини мусобақага чақирадилар. Бригадаларда зарбдор қаторига янги зарбдорлар тортилади. Уларни қизил тахтага ёзадилар. Кўпчилик ўртасига чиқариб, ҳурмат ва муҳаббат белгиси билан ўрайдилар. Уларни мақтаб, ялқовларни қизартирадилар. Меҳнатни севмас деб таҳқирлайдилар. Уларнинг меҳнат кунлари қирқилади. Улар колхоздан чиқариладилар. Уларнинг ҳаммаси кўпчиликнинг диққатини экин атрофига сафарбар қилиб, ҳайдаш ва экиш суръатини тезлаштиш, ҳосилни юқорилаш учун қилинади. 20 30

Колхозчилар кеча-кундуз аравалаб нури ташийдилар. Ҳатто, шундай катта саҳли скуппунктнинг ҳовлиси нури уюми билан тўлади. Улар ҳовлини ифлослайдилар. Эрта тушга қадар сарой топ-тоза бўлиб қолади. Ҳолбуки, скуппункт идораси ҳовлининг тозалигига қарамайди ҳам, уни колхозчилар қиладилар. Улар ҳовлини супуриб, гўнгни тўплаб, аравага ортиб кетадилар. Булар ҳосилни 40

оширмоқ йўлида ишлайдилар. Шуларнинг ҳаммаси экин учун қилинади.

Самоварда бекор ўтирган одамлар ҳам фақат шу тўғрида гапирдилар. Нон сотиб ўтира турган нимжон бир чол:

— Одамзод ерга бу кунгача бунча куч бериб ишлаган эди,— деди.

10 Колхозларнинг коммунистлари ўтириб, чигитни қандай сочса яхши тушажаги, қачон чигит барг олажаги устида сўзлайдилар. Муродов сеялка билан экишнинг қўл билан экишдан фойдалироқ эканини сўзлади. У:

— Қўл билан экилганда, ер яна колхозчиларнинг оёғи зарби билан қаттиқланади. Чунки унинг оғирлиги тўрт-беш пуд келади. Сеялка эса бундай қилмайди,— деди. Улар шуни ҳисоблашгача борадилар. Улар, ҳар бир кичик нарсага ҳам аралашмасанг бўлмайди, дейдилар.

Кун кеч бўлиб қолди. Ҳаво бугун пешингача жуда яхши, иссиқ бўлди. Лекин сўнгра бузилди, озгина томчилаб ҳам олди. Сўнгра яна шамол бошланди.

20 «Қизил юлдуз»га кетганлардан дарак йўқ. Муродов «Қизил юлдуз»га қандай одамларни чақириб кетганларини самоварчидан сўрайди. У айтиб беради. У «текшириш ҳамнинг марта бўлди», деб пешанасига уриб қўяди.

Муродов бугун ўзини қаёққа қўйишни билмади. У, на уйга сиғди, на эшикка, ҳатто у кечаси ҳам уйга боришни билмасдан пунктда бировнинг жойида ётиб қолди.

Ҳаво паст келган фасларда чигитни қуёш қизиган, ер исиган пайтда сочса кўкаради.

30 15 апрель. Бугун мен «Ворошилов» колхозининг 5-бригадасига — далага бордим.

Ворошилов номидаги бу колхоз Мулкобод участкасининг олдинги колхозларидан ҳисобланади. Унинг 250 аъзоси (жон ҳисоби билан 700 киши) ва 319 гектар ери бор. Колхоз ҳаммаси бўлиб 8 бригадага бўлинган.

5-бригада шу саккиз бригаданинг энг олдида боради. Биз борганда туш вақти эди. Далада, тол тагида 5—6 колхозчи олов ёқиб, катта қумғонда чой қайнатиб, ичиб ўтирар эди. Бизга лозим бўлган бригадир ҳам шу ерда экан.

40 Бригадир Абдуали ака кеча ва бугун қилинган ишлардан маълумот берди. Бригада ерининг ҳаммаси биринчи ҳайдовдан чиққан. Иккинчи ҳайдов 19 гектарга етган. Кечаги ҳисоб билан улар ҳаммаси бўлиб 17,5 гектар ерга

чигит сочганлар. Бригаданинг 19 эркаги экиш, тўрттаси 2 отлиқ қўш билан иккинчи ҳайдаш, иккитаси марза олиш, 19 хотин яна экиш, 19 хотин бурчаклар, майдаланмаган кесакларни майдалаш, хас-хашакларни териш билан машғул бўлган.

Биз суҳбат қилар экан, Абдуали аканинг ёнида ўтирган семиздан келган, қора чўтир, кўкраги очиқ бир одам



Ҳамид Олимжон фронтда. 1943 йил, март.

гапни гапга қўшмайди. Абдуали ака гапни тамомламасдан у гапга бошлайди. Уни тўлдиради. Унинг эсидан чиққанларини эсга солади.

— Одамзод ҳеч қачон биздай ишлаган эмас. Ерни шундай ҳайдадикки, қизнинг сочидай таралиб кетди. Унда олмадай кесак топиб бўлмайди.

Бу одамнинг бригададаги ҳосилот шўросининг вакили эканини бизга, биз билан борган, колхоз партия ячейкасининг секретари ўртоқ Йўлдошев айтди. Ҳалиги одам яна гапга кириб кетди.

— Бу йил жуда ҳам қаттиқ ишга тушдик. Бултурги марзаларни қисқартириб, торайтиб ташладик. Бутун бур-

чакларни яхшилаб кетмонладик. Буни кўпроқ хотинлар қилишди. Улар ҳам жуда қаттиқ ишга киришдилар.

Йўлдошев хотинларнинг қандай ишга тортилганини гапириб берди:

— Бултурги экин мавсумида хотинлар ишга аралашмаган эдилар. Улар чопиқ вақтида ишга чиқдилар. Бу йил масалани бошлаб фирқалилар орасида қўйиб, уларнинг хотинларини ишга чиқардик. Сўнгра комсомоллар орасида ишлаб чиқдик. Ундан сўнг ҳамманинг хотини

10 далага чиқиб кетди. Ҳозир ишдан қола тургани йўқ.

Ҳосилот шўросининг вакили яна гап олди:

— Бизнинг бригада тамом янги бир нарса ўйлаб чиқарди. Буни ҳеч қандай деҳқон умрида кўрмаган бўлса керак. Биз марзаларни қисқартиб олингандан кейин, шу қисқартирилган марзаларни ишга солишни ўйлаб чиқардик ва марзаларга ҳам чигит сочдик. Биз бундан тахминан 200 пуд пахта олишни таъминлаймиз. Чопиқ ва сугориш вақтида уларга диққат берамиз.

10 Бригадада меҳнат интизоми ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишнинг бошида партиялилар билан комсомоллар борадилар. Аввалги кун бир комсомол бола ўз нормасини шошиб бажарган. Шунинг учун у кесақларни яхши майдалаш, марза ва бурчакларни яхши олишни кўнгилдагидек қилмаган. Бригадир унинг 50 фоиз иш кунини қирқди. Комсомол ячейкаси уни ўз мажлисида ишлаб чиқиб, ҳайфсан — виговор берди. Бригада аъзолари уни ўртага олиб қизартирадилар.

Улар:

30 — Агар ишлайдиган бўлсанг, яхши ишлашга ўрган. Бўлмаса ишлама! — дейдилар.

Ҳозир у ўз қусурларини тузатди ва зарбдорлар қаторига кирди. Энди уни мақташга кирдилар.

Бригадирнинг топширигини ҳар колхозчи ҳар хил миқдор билан бажаради. Бир куни ярим таноб ола турганлар бўлганидек, икки танобга етказувчилар ҳам бор.

— Ишлай бериб, қўллар мунчоқ бўлиб кетди, — дейдилар.

30 Бригадада 37 эр, 37 хотин бор. Бригада экишни 21-га тамом қилмоқчи, мусобақа шартномаси бўйича колхоз 25-га тамомлаши керак.

Муродов иши юзасидан бўлган текшириш кечаси билан, бугун кундузи билан давом қилди. Комиссия эрта билан Муродовнинг уйини бориб кўрди. Чунки газетада-

ги хабарда, Муродов колхознинг ғиштини ўғирлаб ўзига янги иморат солиб олди, деган айб ҳам қўйилган эди. Шунинг учун улар бориб унинг томларини ҳам текшириб қайтдилар.

Кундуз соат 2 ларда шаҳардан Мирзажонов билан Халқ назорат комиссарлигининг вакили ҳам келди. Улар ҳам иш билан танишиб, керакли йўл-йўриқни кўрсатиб қайтдилар.

Кечқурун комиссия яна текширишни давом қилдиргани «Дзержинский» колхозига кетди.

Кечаси Муродов менинг олдимга келди. Биз гаплашиб ўтиришдик. У комиссиянинг уйга борганини гапирди. Комиссия борганда, унинг хотини ва уч боласи (каттаси ўғил, ўртанчаси қиз, кичкинаси яна ўғил) уйда бор эканлар.

Комиссиянинг бориб, уларнинг уйини текшириши уларни қаттиқ ҳаяжонга солган. Хотини, энди масала ҳал бўлибди, демак, Муродовни қулоққа тортибдилар ва уй-жой, мол-мулкни рўйхат қилгани келибдилар, деб ўлгудай қўрққан ва йиғлаган эмиш. Муродов, «Мен ҳовлига киришим билан улар йиғлаб юбордилар. Гўё мен билан хайрлашмоқчи бўлар эдилар. Мен уларни юпатдим», деди.

Колхознинг мустақамланиши, колхозчиларнинг онгларининг ўсиши, ким кўп ишласа, ўша кўп олади асосидаги меҳнат — колхозчиларни эски турмуш ифлосликларидан суғуриб чиқа бошлади.

Қишлоқнинг масжидида шом азони товуши эшитилади. Иш куни тугаб, кўчаларда ҳаракат камайиб, жимиган. Қишлоқда сўфининг секингина қичқирган мадорсиз азон товуши жуда узоққача чўзилиб кетади. Бир вақтлар қишлоқни бирданига ҳаракатга келтирган бу товуш ортиқ каттакон бир ўзгариш юзага келтирмайди. Кўпинча бу товушнинг ортиқчалиги ҳам сезилиб туради.

Шом қоронғиси ичида бармоқ билан санарли даражада бўлган беш-олти одам масжиднинг кичкина эшиги олдида пайдо бўлади. Улар секин-секин кириб худога нола қиладилар.

Азон товуши фақат маълум кишиларнигина ҳаракатга келтиради. Уларни қишлоқ одамлари ҳам яхши биладилар. Масжидга йиғилувчилар кўпинча ишдан чиқиб қолган қарилар, қишлоқ турмушига ҳеч бир йўсин билан аралаша олмайдиган ҳуқуқсизлар, сони жуда ҳам оз ҳи-

собланган якка хўжаликлар ва баъзи колхозчилар бўладилар. Уларнинг расмий имомлари ҳам йўқ. Имомликни ҳозирги фурсатда доимий олиб бориш учун ҳам юрак керак. Шунинг учун қарироқ бирининг этаги орқасига иқтидо қиладилар. Уларнинг ўз кўзларида ҳам масжид ва имоматчиликнинг қурби кетганга ўхшайди. Улар қишлоқ халқининг тақдири дин, масжид, имом қўлидан суғурилиб чиқиб кетаётганини, уларнинг қўлларида биргина дум қолганини ва шу думгагина ёпишиб олганларини ўз кўзлари билан кўрадилар. Уларнинг ҳаётида қандайдир бир яккалик, ёлғизлик, фақирлик бошланганга ўхшайди. Улар жойнамозга энгашар, пешонаси ерга тегар ва сукут этар экан, шу тўғрида ўйлайдилар.

10

Колхозчиларнинг кўпи масжидга қатнамайди. Лекин бу ҳали уларнинг диндан, худодан кечганларини ҳеч бир кўрсатмайди. Улар масжидга қатнамаганлари ҳолда, ҳали ўз оилавий ҳаётлари, ички турмушда диннинг юзлаб қоидаларига риоя қиладилар. Хотинлар ҳали мазорга борадилар. Уликлар ҳамон жаноза билан кўмилади. Ҳали тўй ва азанинг исм-расмлари битиб кетгани йўқ. Улар ҳали ҳам овқатни худонинг исми билан бошлаб, унинг исми билан тугатадилар. Улар кўпинча «одат-одат бўлиб қолган. Шунинг учун», дейдилар. Ҳар ҳолда, одатни яратувчи замин йўқолган эса, ҳали ҳозир одат йўқолмаган ва яна бир неча фурсат чўзилиб борса керак. «Одат иккинчи табиат, натўра», дейдилар.

20

Колхозчилар ҳосилни меҳнатга ўлчаб олишга ўрганаётирлар. Кўп ва яхши ишлаган — кўп ва мўл олишга ўрганаётир. Оз ва ёмон ишлаган инчунун яна ўз насибасига тушганини олмоқда. Ҳосил аввалгидаки минг тақсимга бўлинаётгани ҳам йўқ. Уроқ-машоқда бўлмасдан хирмонда ҳозир бўлганларни улар ўз ичларидан ҳайдаб чиқарадилар.

30

Ортиқ кетмонни срга қўйиб, чўкка тушиб, осмонга кўз тикиб, икки қўлни юқори кўтариб худодан ёмғир тилаш: «Эй яратувчи, барча махлуқотнинг ғамхўри сен ўзингсан», деб ёлвориш ҳам илдизи билан йўқолиб кетмоқда.

40

Трактор бир кечаю кундуз юзлаб таноб ерни қўпориб ташлайди. У, от ва ҳўкиз билан ойлаб қилиб бўлмаган ишни бир-икки кунда бажариб қўяди. Тракторнинг рули ер ҳайдовчининг қўлида. Трактор унинг иродасига бўйин эгади. Лекин, у ерни майда-майда увоқларга бўлишдан,

деворлар билан ажратишдан, минг тақсимот солишдан суғуриб чиқарди. У, ерга ҳаёт беради. Тракторнинг мағрур товуши, кетмоннинг ерга чуқурроқ ботиши, қўлларнинг дадил ва баланд кўтарилиши, ерга экилган доннинг яхшироқ парвариш топиши — турмушдаги бутун гўзалликни, бутун неъматни топиш учун энг яхши очқич. Шу озод, эркин, астойдил меҳнат кишини бутун разолатдан, гадойликдан, очликдан, гумроҳликдан, қулликдан озод ва мустақил турмушга олиб чиқади. Колхозчиларнинг йилдан-йил меҳнатга астойдил киришишлари диннинг томирларини узиб боради. Улар, ўз тақдирлари ўз қўлларида эканини, ерга астойдил урилган ҳар бир кетмон уларнинг кундалик турмушида ўз ифодасини топа бошлаганини англай бошлаётирлар.

Намоз ўқилиб бўлгандан сўнг, улар масжид саҳнида одатдагича ҳар жой-ҳар жойда тумушиб ўтириб оладилар. Ҳар ким ўз билганини гапиради. Улар нархи-наводан тортиб, дунёнинг бутун борди-келдисини гапириб чиқадилар. Улар бир-бирлари билан фақат шу ерда учрашиб, кўнгил ёзгандай, ёруғликни кўргандай бўладилар. Улар бу йилги ишга айтиб бўлмас даражада ҳайрат билан қарайдилар. Улар ичларида, бу маҳоратни ҳеч бир кўра олмайдилар. Балки бунга нафрат ва таҳқирона қарашга мажбурлар. Улар ўзларининг бутун фалокати шу маҳоратнинг қудрати билан юзага келганини яхши англаганлари, унга қарши кин сақлаганлари ҳолда, ҳар ҳолда шу буюк кўтарилишни кўришга, унга ҳайрат билан қарашга, бармоқларини тишлашга мажбурлар.

Сухбат анча узоққа чўзилади. Тун қоронғиси қўйнида улар бирин-кетин ўз режаларини очиб, ичкари кирадилар.

Кеча тўла бир талант билан сукут қилади.

16 апрель. Дадажон ака мени бир ўзбек ҳисобчи билан таништирди. У одам қўқонлик бўлиб, то инқилобдан бери шу хил савдо, кооператив ва ҳисоб ишларида ишлаб келар эмиш.

У одам — бўйи узун, бошида гулдор дўппи, устида костюм, оёғида ботинкаси бор. У, участкадаги бирмунча ҳисобчилар билан табель тўғрисида, янги табель варақаси тўғрисида сўзлашиб турар эди. Уларнинг ичида Қўқонбой ака ҳам кўриниб қолди. Саводсиз бўлишига қарамасдан у, яъни Қўқонбой ака ҳисобчиларнинг ишларига ҳам аралашади ва фикр беради.

Улар ичкарига кириб гапиришга қарор қилдилар. Ундан ҳалиги одам, ташқарида ўтирганлардан Толибжонов бир велосипедни кўрсатади:

— Шунга қараб турасиз-да!

— Хўп!

Ҳисобчи Дадажон акага қараб кулди ва ичкари кириб кетди.

Дадажон ака унинг тарихини гапириб кетди:

- Бу одам Қўқоннинг энг катта купецининг ўғли
- 10 бўлар эди. Булар бир неча оғайни эдилар. Отаси ҳаёт экан, шунча катта давлатга қарамасдан буларни моддий жиҳатдан қаттиқ сиқади. Улар ўзларининг бойвачча эканликларини ҳис ҳам қилмайдилар. Бу ҳол буларнинг нафсига қаттиқ тегади ва отани ўлдириш пайига тушадирлар. Ўзлари ўлдиришлари уларга қандайдир муяссар бўлмайди. Шунда улар икки одамни пулга сотиб олиб, ўз оталарини сўйдирадилар. Бу 1908 йилда бўлади. Отани ўлдириб, давлатни бўлиб олув пайига тушган ўғиллар, шу мақсадларига эриша олмайдилар. Катта давлатманд
- 20 кишининг ўлдирилиши фожиасига катта-катта ҳукумат кишилари, қозилар аралашадилар. Ўлдиришнинг бош сабабчилари бўлган бу оға-иниларга ҳам калтак тегадиган бўлиб кўринади. Шунда улар бутун давлатни порага бериб, соб қиладилар ва натижада отадан ҳам, мол-мулкдан ҳам, давлатдан ҳам ажралиб, сўппайиб қоладилар.

Бу одам сўнгра бошқа оға-иниларидан ажралиб, ҳукумат хизматига кириб кетади. Ўзи ҳисоб ишларининг тилини жуда яхши билар эмиш. Лекин ўзи жуда қўрқоқ эмиш. «Мен бойнинг боласи бўлганман, шунинг учун

30 мен чатоқ қилсам, раҳм қилинмайди», деб шунинг учун бир чўқиб, ўн қараб иш қилар эмиш, дейдирлар.

Лекин у, кўринишда енгил табиат, аҳмоқ феълликка ўхшайди.

Бир таржимаи ҳол

- 20 апрель. Бу ерда бир кишининг таржимаи ҳолини қисқа қилиб ўтишдан каттакон бир қисса чиқариш нияти кўз олдида тutilмайди. Бу таржимаи ҳол билан фавқуллодда бир тасодифни, тарих эшитмаган, кўрмаган бир қаҳрамонликни далиллаш, уриниш ҳам йўқ. Бу, бир оддий саргузашт. Тарихий тараққиётнинг маълум даврида турмушнинг энг тубан остонасида турган оддий бир ки-
- 40

шининг бошидан кечирганларига бир қарра кўз ташлаш, холос. Бу таржимаи ҳол битта эмас, мингта эмас, миллионтадир. Зотан, бу таржимаи ҳол, муҳаррир, ҳозирги куннинг устунлари, келажакнинг қаҳрамонлари деб саналган одамлар учун ўртоқ бир хусусият бўлган ҳолатдир. Бу латифа оддийдир.

Тожибой ака умрбод қарол бўлиб ҳаёт кечирган. У, ота деган гапни кўрганим ҳам йўқ, деди. У ўзи ҳам қирқ ёшга кириб қолди. Лекин шунча соддаки, юзаки ишонч билан қараганда у, ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарса билмаганга ўхшайди. Ҳолбуки, ҳозир унинг уч бола-си бор. Икки марта уй кўрган. 10

Тожибой ака жуда камгап. Мажлисларда эмас, ҳатто икки-уч киши ўзаро суҳбат қилиб ўтирганда ҳам, ҳеч нарсага аралашмайди. У калласини хўрак еб турган отга ўхшаб қамирлатади. Бўйинини у ёққа, бу ёққа қайиради. Шунда унинг жуда ҳам ориқ бўлмаган бўйнида пайлари чўзилиб-чўзилиб чиқади. Лекин индамасдан гап ўғирлаб ўтиради.

Мен келганимдан бери ҳар куни, деярли Тожибой акани кўриб турдим. Кўп мартаба ўтиришдик. Жуда кўп чой ҳам ичдик. Лекин икки оғиз сўзини эшитганим йўқ эди, у бугун қандайдир ийиб кетди. Ўзининг таржимаи ҳолини жуда ҳам хасисчасига олиб, айтиб берди. Унинг сўзидан эсдан чиқмаганлари шулар эди.

Тожибой ака Бауман жамоасида туғилган. Лекин отасини кўрмаган. Доим қишлоқда қароллик билан кун кўрган. Тожибой ака қароллик қилган пайтларда кундузи мол боқиб, кечаси ўғри пойлар эди. Унинг онаси бўлган. 30

Қишлоқда босмачилик кучайган замон, эл тинчлигининг энг бузилган даври эди. Бу вақтда у, қишлоқда қоровуллик қилар эди.

Босмачилик кучайган даврда қандай қилиб Тожибой ака қизил аскарлар билан боғланиб қолди. У қоровул экан, қишлоққа келган қизил аскарлар ахтариб, Тожибой акани топиб олар эдилар. Улар бунга қандайдир бир хат қилиб берган, у шу хатни доимо липпага қистириб юрар, қизил аскарлар келса, ўша хат билан ўзини танитар ва босмачилар кетган тарафни кўрсатар эди. 40

Бир куни жуда катта бахтсизлик бўлди. У бахтсизлик Тожибой аканинг турмушини тамом бошқа йўлга бурилишга, бошқа кўчага киришга мажбур қилди. Лекин

у шу бахтсизликни шу кунгача ҳеч кимга айтмаган ва биринчи марта менга айтар эмиш.

Аскарларнинг Тожибой ака билан алоқаси тузук эди. Улар қишлоқда ўтган бутун ҳодисани шу орқали билар, ҳатто у, Урганжига, аскарлар қўна турган манзилга хат ҳам ташиб юрар эди. Бир куни у ўзининг пули билан бирга ҳалиги липпадаги хатни ҳам йўқотиб қўйди. Тожибой акани фалокат босган эди.

10 Шў ҳодиса устига қишлоққа аскарлар келиб қолдилар. Улар Тожибой акага босмачилар кетган ёқни кўрсат деб йўл бошладилар. Кеча қоронғи эди. Тожибой ака аскарларнинг олдида қарвон бўлиб кетар экан, адашиб қолди. Қаяққа юришни билмади. Аскарлар ундан шубҳаланиб қолдилар. Тожибой эса ўзини танита турган ҳужжатни йўқотган эди.

Аскарлар бу бизни босмачига рўпара қилмоқчи деб жаҳлланиб уни ура кетдилар. Шунда улар орасида бир нўғой Тожибой акани таниб кафил бўлиб ажратиб олди.

20 Тожибой ака ҳалиги нўғойга хатни йўқотиб қўйганини айтди. Нўғой: «Агар хатни бойлар топиб олиб, сенинг шу ишингни билиб қолса, ўлдиради, эҳтиёт бўл», деди.

Тожибой ака қўрқди. Босмачилар қишлоқдаги якка-ёлғиз йигитларни жазолар, жарима солар, ўлдираар эдилар. Хатни йўқотиб қўйганлиги уни катта бир даҳшатли ваҳимага ташлади. Шунда у қишлоқни ташлаб, Пискентга қочди. У Пискентда Бобомурод Зокир мингбоши ўғли деганга қаролликка кирди.

30 Тожибой ака Пискентга уч қўниб етди. У пиёда эди. Бобомуроднинг ундан ташқари ҳам икки корандаси бор эди. Тожибой ака иш боши бўлиб, бозордан мардикор сотиб олиб келар, улардан яхшиларини сайлар, ишлатар, ишлашар эди.

Босмачилик тугаб, эл тинчиди. Шунда Тожибой ака ўз болалари олдига қайтмоққа қарор қилди. Лекин Бобомурод уни бўшатмасдан, ҳақини тўламасдан бирмунча кун сарсон қилди. Шунда у бир куни Бобомуроднинг ёқасидан ушлади.

— Эшигингни турмидан ўргилай, червонни чиқар!—
40 Бозорда одам кўп эди. Мардикорлар ҳам йиғилишдилар. Ҳамма ёқни одам босди. Тожибой ака тутоқиб кетган эди:

— Мен сеникида ҳазилакам ишлаганим йўқ.

Бобомуроднинг обрўйи қаттиқ тўкилди. Халқ кўплашиб Тожибой аканинг ҳақини олиб бердилар. Шунда у, биринчи мартаба поездга минди ва ўз қишлоғига қайтиб кетди. Лекин у келганда аҳвол ўзгарган эди. Тожибой ака:

— Ҳамма вақт ҳукуматга ишладим. Фалокат босиб бир нарса бўлиб қолмасам, тинч ўтирмайман,— деди.

21 апрель. Биз Муродов иккимиз «Ишчи» колхозига бордик. Гап колхознинг самовари олдидаги ишланмасдан ётган ерни боқча қилиб қўйиш устида бошланди. 10

Бу ерда Қўқонбой ака ҳам бор эди. Гапни ўша бошлади. Одатда бундай янгиликларни ўша топиб юради:

— Турмушни тузатаман дегандан кейин яхши уй солиб бермоқ керак. Мен вокзалда бўлдим. Унда ҳар тўрт уйликка бир ҳовли солиб, ҳовлида боқча ва қудуқ қилиб бераётирлар. Одам зерикса, ҳовли боқчасига чиқади. Ҳовуздан сув ичмай, қудуққа бора беради. Биз ҳам секин-секин шундай қилмоғимиз керак.

Гап устига «Дзержинский» колхози ҳосилот шўросининг раиси Ҳақимов ҳам келиб қўшилди. 20

Ҳақимов кичкинагина одам, ориқ, нимжон. Лекин у жуда кўп ўйлаб иш қилади. Гапга ҳам кам аралашади. Чой ичганда ҳам, тишлаганда ҳам ўйланиб ўтиради. Ишни ҳам ўн ўйлаб бир қилади. Унинг кийими ҳам жилетка форма, кўкракларидан кассалари бор. Лекин у, жилеткани икки белбоғ билан боғлаб олади.

Қўқонбой ака китобни уч буклаб этикнинг қўнжиганга солиб юради. У уни очиб, худди хўроздай қилиб, китоб ҳарфларига тикилади.

Ҳақимов Муродовдан нос сўради. Муродов юмалоқ шишани узатди. Унинг ойнаги ҳам бор эди. Ҳақимов ойнакка қаттиқ тикилиб қаради. У, ўзининг кўзига, юзига, бурнига, соқолига қаради. Калласини кўтариб бўйин томонларини ҳам кўрмоқчи бўлди. Шишадаги ойнакнинг кичкиналигига қарамадан Ҳақимов ўз қоматининг ҳамма томонларини кўрмоқчи бўлар эди. Лекин, у соқолдан бошқа нарсани яхши кўролмади ва ойнакка қараб, ўз ҳолига кулиб тургани ҳолда, буларнинг сўзига қўшилди: 30

— Йўлнинг планини «КИМ» колхозини ва агроучасткага қараб олмоқ керак. Сўнгра йўл атрофидан бинокорликни бошлаш лозим. Бориб-бориб «КИМ» колхозини 40

Билан қўшилиб кетганда, план тўғри бўлиб чиқсин. Тўғри йўлдан тракторга юриш қулай бўлади.

- Гапга «Ишчи» колхозининг раиси Тошпўлат ака қатнашди. У жуда ҳам серсоқол одам, ҳатто қошлари ҳам бир-бирига қўшилиб кетган. Икки қошининг ўртасидаги очиқ қолатурган бурун усти ҳам жуда сержун. Кўзлар кўм-кўк, бўйинлар ҳам жун. Кўкрагининг жуни ҳам тўқай бўлиб кетганга ўхшайди. Унинг сочларида, соқолида ва ҳатто кўкрагида ҳам оқ соч кўринади. Соқол мошкичири бўлиб қолган. У яҳудийга ўхшаганидан «жуҳуд» деб ҳам атайдилар.

«Ишчи» колхозининг ҳаммаси бўлиб 127 гектар ери бор. Улар 17 апрелда 97 гектарни экиб бўлишган. Шу экин тамом бўлган кун ҳалиги 127 гектарга ўлчаб берилган чигит ҳам тамом бўлиб чиққан. 30 гектар ер чигитсиз қолган.

Шундан бери колхозчилар ишсиз қолганлар ва қовун экишга тушганлар.

- Омборчи чигитни жўрабошилар, бригадирлар орасида тақсимлашда, гўё ким қанча истаса шунча чигит бера берган эмиш. Дафтарда ёзилганига қараганда, бригадирлар ўз нормасидан 300—400 кило чигитни ошиқ олишган. Лекин ер ўша. Ҳозир чигитни қаёққа қўйганлари маълум эмас.

Колхоз раиси: «Чигит жуда қалин сепилди. Шунинг учун тамом бўлиб қолди», деди. Ҳолбуки, 2000 кило чигит йўқ. Албатта, шу қадар сепилмоғи ақлга тўғри келмайди.

- Кечқурун Ризаев шаҳардан қайтиб келди. У, Муродовни сўради. Муродов уйда экан. Жуда тезлик билан етиб келди. Улар иккаласи извошда Урганжига жўнадилар.

Ризаевнинг Муродовни ўтган кунги жанжаллар сўнгидан чақиртириши ўзи катта бир ҳодиса эди. Чунки Муродов қулоқ бўлиб чиққан бўлганда, албатта чақирилмас эди. Шунинг учун бу Муродовга янгидан тетиклик берди. Улар извошда Урганжидан яна бирга қайтдилар. Муродов ўзини сиёсий вакил билан бирга юришга эришганини кўрар эди.

- Ҳалиги жанжаллар бошланганда Муродов жуда сўлғинланиб қолди. Бу унинг юришида, туришида, сўзида, бошқалар билан бўлган муомаласидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топган эди. Муродов бир қадар оддийлашиб

ҳам қолган, бўйнига осиб юра турган — умуман қишлоқда ишлай турган кишилар,— бошлиқлар учун характерли бўлган полевой сумкасини ҳам ишлатмасдан қўйган эди.

Ризаев Муродов билан бирга Оқтепага жўнай турган бўлди. Шунда Муродов қайтадан кириб ҳалиги сумкани елкага ташлаб чиқди ва самовар, анча одамлар олдида устидаги чопонини ечиб, ичидан — одатдагидай қилиб, сумкани тақиб олди. Муродов оёғини ортиқ тетик-тетик ташлар, баланд пошналик кўн этик ерга қаттиқроқ тегар, унинг устидаги одам ўзини яна эски ҳолида, дадил сезар эди. 10

Улар извошга ўтирдилар. Извошчи отга қамчи берди. Пар от туёғи тагидан, извош ўз ғилдираклари остидан чанг чиқардилар.

«Ишчи» колхозига борган пайтда Муродов билан мен якка хўжаликлар масаласида гаплашдим. Муродов якка хўжаликларни ҳар йили кўрганда гапиришга тўғри келганини, лекин улар ҳар йили кузда «бир гап бўлар» деган жавобни бериб келишда давом қилганларини айтди. 20

— Колхоздан ҳайдалган ярамаслар, ялқовлар ҳам якка хўжаликларнинг колхоздан чўчишларини оширади. Колхоздан ҳайдалган ялқов дарров якка хўжалик билан яқинлашади. Сўнгра у: «Колхозга кирган бизни нима қилдилару, сизни нима қилар эдилар. Ундан кўра шу юрганларнинг ҳам катта давлат», дейди. Бу сўзлар ҳам якка хўжаликларга ўз таъсирини қилади. Зотан, улар ҳали энг кичик нарсаларга ҳам шубҳа билан қарашни ташлаганлари йўқ. Улар колхознинг ҳаётига оид ҳар майда ҳодисага катта аҳамият берадилар. 30

22 апрель. Эрта билан мен пункт қошидаги чойхонага чиқдим. Чойхона сўрисида бир киши бир этикнинг ямоғини ямаб ўтирар эди. Ундан нарироқда ўтирган одам бир кишидан нон сотишлиги ҳақида сўраб қолди. Шунда бир бола «менда нон бор», деб унга нон чиқарди.

— Нонинг бор экан, нега шунча вақтгача айтмай ўтирдинг?— ҳалиги сўради.

— Мен сизга нон кераклигини қаёқдан билар эдим,— бола жавоб қилди. Шунда ҳалиги ямоқчи гапга қўшилди. Ямоқчининг соқоли узун, оқ эди. Унинг сочларига ҳам оқ тушган. У, қуёш иссиғида қизир экан, устидаги камзул форма тўнини ечиб қўйди: 40

— Сотувчини олувчи, олувчини сотувчи ахтаради. Ҳолбуки иккаласи ҳам бир жойда бўладилар. Бутун бозорларда ҳол шундай. Худойи таолло бандаларининг синини ошкора қилмайди, пинҳон.

Ямоқчи ўз гапига ўзи завқ қилди. Бошини юқорироқ кўтариб пухталиқ ҳақида ғазал ўқиб кетди:

Баъзиларни пухта қилди, баъзиларни қилди хом.

Мен унда шоирлик таби борлигини кўрдим. У яна тўрт мисра шеър айтди:

10 Камсамон шаҳ бўлгуси,
Хоинларни ўлгуси.
Булар эгамни фармони,
Махлуқни йўқ дармони.

— Бу нима, бу?— мен сўрадим.

— Байтийин,— ямоқчи жавоб берди.

— Камсамон нима деганингиз?— мен сўрадим.

— Камсамонни билмайсизми?— у хўроз бўлиб қарайди. Мен тушунган аломатини қилдим.

— «Хоинларни ўлгуси», деганингизнинг маъноси
20 нима?

Ямоқчи қизиқиб гапга кирди:

— Бойлар, ҳуқуқсизлар, дея, сингласини ўлдириб, юборди-ку! Қани, нима қилди? Камсамон шаҳ бўлди!

Мен яна тушунган бўлдим, қайтариб савол бердим:

— Махлуқ деганингиз ким?— у ҳеч нарсани тушунмайдиган одамни кўргандай бўлди. У, бу савол орқасидан нима келишини билмас эди. Яна дўқ аралаш жавоб берди:

30 — Махлуқ — сиз, биз, ким бўлар эди?

Энди мен кўтарилдим:

— Бизнинг дармонимиз йўқми? Бу қандай бўлди?

У, узунроқ, тафсилроқ жавобга тушди:

— Ҳукумат пахта эк, деди, экди. Жўхори, буғдойни экмайсан, деди. Экмади. Қани, дармони бўлса эксин-чи, бу нима сизга?

Мен унга дўқ қилган бўлдим:

— Демак, сиз ҳукуматга қарши экансиз-да. Пахтани колхозчилар мажбурий экаётган эканларда. Сиз акси-

40 линқилоб?

У энди пастга тушди.

— Юқорида хоин дедим-ку, шу бўлмайдими? Энди мен сизга ҳеч кимга айтилмайдиган гапни айтдим. У шу ерда қолмоғи керак.

У яна бир-икки ғазал ўқиди. Лекин унинг ғазаллари ярим-ёрти, қофиясиз, вазнсиз, оғзига келган сўзлардан иборат эди:

Камбағалга камчилик, йўқ анга беғамчилик.

У бошқасини айтолмади.

Мен:

— Сизнинг шеърларингиз калта бўлар экан-да, икки мисрадан ҳеч бир ошмайди. 10

— Жон тинч бўлса байт-ғазал қайнаб келади. Қорин оч бўлса, у чиқмайди,— деб у жавоб қилди.

Мен унинг саводини сўрадим.

— Хукумат китобларини ўқиганман. Лотинчани ҳам «Инжиллия»ни ҳам ўқимоқчи эдим, қариб қолдим. Мен «Инжиллия»ни сўрадим.

— Билмайсизми, Николайди илми-да, нима бўлар эди!

У жавоб берди, мен ичкари кирдим.

22—23 апрель. Мулкободга «Ўзбекистон Правда»сининг вакили Ручинский келди. 22—23 апрель кунлари биз бирга «Ворошилов» колхозида бўлдик. 20

Колхозда экин ишлари етарли даражада тез суръат билан боради. Социал мусобақа шартномаси бўйича улар экинни 25 апрелга тугатишлари лозим. 21 апрелда 8-бригада биринчи бўлиб экинни тугатди. 22 апрелда 7-бригада ишни тамомлади. 23 апрелда 5-билан 6-бригада тамомлади, 24 да 4-бригада ишни тугатади.

Экин суръатининг аввалги кунлардаги даражалари 5-бригадининг биринчи бўлиб экинни тамомлашини кўрсатар эди. Бу бригадада меҳнат интизоми масаласи ҳам бошқага қараганда яхши қўйилган эди. Лекин улов кучи билан бўлган қийинчилик бу бригадани икки кун кейинга сурилишга олиб келди. 30

1—2—3-бригадалар Бой қишлоқдаги ерда ишлайдилар. Улар ундан янги қўриқ ва бултур ишланган ерни ҳайдаб экар эдилар.

Биз 23 апрелда «Ворошилов» колхозининг бутун ерини айланиб чиқмоқчи бўлдик. Лекин мумкин бўлмади. 40
Кўз илғамас даражада ер чексиз эди. Биз Бой қишлоққа борганда, у ерда уч трактор янги ер очар эди.

Бу ерларга асрлар бўйи кетмон теккан эмас. Одам-зод ундан ҳеч қандай ҳосил ҳам олгани йўқ. Шундайки, янги ерлар паст-баланд тепаликдан, қум кўтаринкиларидан, ҳар хил ёввойи ўтлар, дарахтлардан иборат. Ернинг устида трактор худди тошбақага ўхшаб судралиб юрар эди.

Бу ернинг ери бошқа бригадаларнинг ерларига қараганда кечроқ етилади. Баъзи бир ерларга эндигина трактор қўйиш мумкин бўлди. Йўқса ер жуда ҳам қаттиқ нам эди. Трактор юра олмасдан лойга ботиб қолган, тракторчиларнинг жаҳли чиқиб, ишни ташлаб кетган кунлари ҳам бўлди.

Бошқа бир бригадалар ишни тамом қила бошлагандан сўнг, бутун кучни Бой қишлоққа ташлаш, у ерни штурмага олиб, экинни тез тамомлаш колхоз правлениеси олдида турар эди.

23 апрелда 7-билан 8-бригада хотин-халажи билан штурмага чиқди. Улар ўзларини «Сафарбарлик колхозни» деб атайдилар.

20 24 апрелда 5-билан 6-бригада яна ўша қишлоққа ташланди. Ер шунча кенг бўлишига қарамасдан 7-бригада ерни ютиш тезлиги билан экин ва ҳайдов ишларини бажарар эди. Колхоз раиси Карвоннинг хотини, қизи ҳам далада ишлайди. Биз уларни икки карра кўрдик. Бир кўришимизда ҳалиги кичкина қизча бир толнинг тагида беланчақдаги кичкина укасини овутиб ўтирар, иккинчи кўришимизда чигит сепар эди. Отаси Карвон унинг олдидан ўтар экан:

30 — Ҳорманг, дада!— деб қўйди. Карвон унга секин қаради ва илгарига юрди.

5-бригаданинг ерида бир неча зарбдор колхозчилар суратини олди. Уларнинг ичида эллик ёшлар чамасида бўлган хотин ҳам бор эди. Хотин қариб, кучи кетганга ўхшамайди. У эркаклар билан бир қаторда кетмон уради ва баъзи бир эркаклардан кўра тузук ишлаб, нормасини ошириб бажариб, 125 процент ёзилади.

40 Хотиннинг эри ҳам бор эмиш. 80 ёшларга кирган чол, ишга тамом ярамай қолган. У фақат ўз хотинининг топган овқати билан яшар эмиш. Шунинг учун ҳам хотин томонидан урилган кетмон албатта икки нонхўрнинг манфаатини кузатмоғи зарур. Биз даладан қайтар эканмиз ҳалиги аёлнинг ўз эшиги олдидаги чорак таноб келадиган жойда ишлаб турганини кўрдик. Ариқ лабида унинг

сигири ҳам боғлиқ турар, хотин ҳалиги ерни чопар эди. Бизнинг суратчимиз яна сурат олди. Хотин бундан жуда хурсанд бўлди. Кўнгли кўтарилди. Карвон унга яна далолат берди:

— Суратингиз Москвага кетадиган бўлди.

— Нимага бунча мени бугун инobatга олиб қолдиларинг? Тагин менинг ўзимни ҳам олиб кетиб қолмасин!

Хотиннинг ўзи ҳам бу сўздан кулди. Биз ҳам кулдик ва йўлга тушдик.

22 апрель кечаси биз колхоз правлениеси ва бригадирлар билан ўтиришганда буларнинг ичида фақат биттагина хотин киши бор эди. 10

Хотин — партия аъзоси. Колхоз правлениесида ишлайди. Уни Пошша опа дейдилар. У тўрт йилдан бери жамоат ишларида юриб, ҳозир колхозда хотин-қизларни ишга солиш, уларни ташкиллаш йўли билан ишлайди.

Пошша опа ориқдан келган, чаққон хотин. Унинг юзлари ҳам жуда кичик. Тишларида камшиклик аломати ҳам йўқ эмас. У юрганда маҳси кийиб, устида камзул, қўлига албатта, кичкина ингичка чўп ушлаб олади ва кўп вақт бир ўзи юради. У худди лўли хотинларга ўхшаб юради. Уни ёлғиз кўриб танимаганлар, албатта лўли деб биладилар. Биз мажлисдан чиққанда соат 12 га яқинлашиб қолган эди. Шунда Пошша опанинг бир ўзини ёлғиз йўлга туширмай, мен унга сўроқ бердим: 20

— Бир ўзингиз қўрқмайсизми, Пошша опа?

— Тўрт йилдан бери юра бериб ўрганиб қолдим. Пошша опа нариги кўчага, бизнинг кўчага кирди.

23 апрель эрта билан Карвон бизга уйдан Аҳмад қассобнинг суди куни олинган суратни кўрсатди. Сурат жуда хунук олинганига қарамасдан, у жуда қизиқарли эди. Унда қора стулда ҳукм қилинган гуноҳкорлар ўтирадилар. Бир стулда бошида телпак, устида оқ олача тўн, оёғида тош товон бўлган ҳолда Аҳмад қассоб, худди айиқ сингари бўлиб, ерга қараб ўтиради. Унинг қора соқоллари ҳам кўриниб туради. Аҳмад қассобнинг ерни тешиб юборар даражада ерга тикилиб, диққат билан ўтириши, унинг жуда ҳам напяржение билан ўтирганини, ғазабга тўлганини кўрсатиб туради. 30

Гуноҳкорлар орқасидан милтиқ, тўппонча кўтариб, Аҳмад қассоб шайкасини қўлга туширган самоохран отрядининг соқчилари, Аҳмад қассобнинг тепасида тўппон- 40

ча тираб, уни ўз қўли билан тутиб келган Карвон тугади.

Карвонни Мулқободда одамлар босмачилар билан курашда синалган бир қаҳрамон сифатида тасаввур қилдилар. Ҳақиқатан унинг умри босмачилик билан курашда камолот топган. Бандит босмачилар Карвоннинг укасини пичоқлаб, қаттиқ яралаганлар. Мирзадавлат жамоасидаги «Янги йўл» колхозининг раисини 1931 йилда ГПУга гўё агентликда айблаб, устидан керосин қуйиб куйдирган эмишлар.

Карвон қишлоқда кўнгилли отрядни тузиб, унинг бош қўмондони бўлиб юрди. Аҳмад қассоб ва унинг шериклари орқасидан доимо қувиб юрди ва уларни тугатди. Карвон: «Ҳозир қишлоқ тинчиб қолди. Лекин ҳамон уларнинг думлари бизнинг ичимизни бузиб юрадилар»,— деди.

Карвон колхозга 1933 йилнинг 8 феввалида раис бўлди. Уни босмачилар шайқаси билан курашда кўрсатган қаҳрамонлиги учун колхозга раис қилиб сайлаганлар.

Биз кечикиб даладан қайтдик.

25 апрель. Раҳбарликнинг энг жиддий вақтини топа билиш ва шу раҳбарлик керагича таъсир қилтурган пайғирни топиб ишлай билиш бу раҳбарлик қилувчининг энг катта санъати, жуда ҳам муҳим хусусиятидир.

Мен Мулқободда экан, ҳамма вақт Ризаев ва унинг атрофидаги активларнинг ҳаракат вақтларини кузатиб бордим.

Апрель ойининг тугалиш кунлари яқинлашиб келаётир. Участка бўйича колхозлар социал мусобақага тушиб, экинни 25 апрелга тамомлашга муваффақ бўлишлари керак. Лекин 25-га «Дзержинский» ва «Ишчи» колхозларига ўхшаш колхозлар — ҳар ҳолда жуда катта ва анча мустаҳкамланган колхозлар бажарадилар. 20 апрелга тамомлашни мўлжаллаган бизнинг машҳур «Ворошилов» колхозимиз ҳам 6 гектар ерни 26 апрелга ўтказди. 26-га яна бундан бошқа бир неча колхозларнинг экинни тугатишлари кутилади.

Кўпчилик колхозларда 25 апрелда экинни тамом қила олмаслик — бу хил аҳволнинг кўнгилсиз эканини, планнинг реал бўлмаганини кўрсатмайди. Бу колхозчиларнинг экинга ёмон қараганларини, пахта учун курашга совуқ қараганларини ҳам кўрсатмайди. Аксинча, иш даҳшатли равишда қизгин ва кўнгилли бормоқда. Экин-

ни 25 апрелга тамомлаш — бу шиор эди. Колхозчиларни шу шиор атрофига тўплаш ва экинни, асосан биринчи майга тамомлашга эришиш зарур. Ризаев шундай дейди. Участкадаги ернинг тилини биладиган кўпчиликнинг фикри ҳам шундай. Ҳар ҳолда, 25 апрелга экинни тамомлаш шиори участканинг ифтихори, ғурури бўлган катта колхозларни сафарбарликка ола олди. Айрим бригадалар:

— Сафарбарлик колхози бўлиб ёрдамга борамиз,— деб ўз ишларини 25 апрелдан илгари тамомлаб, «Ворошилов» колхозига ва 1—2—3-бригадаларнинг ерига 10 штурмага — буксирга бордилар. Ҳолбуки, ҳали участкада социал мусобақа шартномасини ишлаб чиқмаган ва шу мусобақага қўшилмаган колхозлар ҳам бор. Участкадаги колхозлар, ҳар ҳолда, ҳозир планни ярмидан ошириб юбордилар. Улар ҳаммаси биринчи майга қараб кўз тикиб, қолган ерларни тақсим қилиб ҳам қўйдилар. Улар ҳар кунда қанча ер ҳайдаш кераклигини белгилаб, биринчи майга тугатиш учун нормани ошириш фикрига ҳам тушдилар.

Социалистик мусобақа шартномаси яхши ишланиб 20 чиқилмаган колхозларда, айрим ўринларда бошқа баъзи бир кўнгилсизликлар ҳам рўй берди. Улар ичида ерни бир ҳайдов билан чекланиш, ҳали иккинчи ҳайдов ўтказмасдан дон ташлаш, пахта учун мўлжалланган ерларга пиёз ва шунга ўхшаган нарсалар экиб юбориш ҳодисалари бўлмоқда.

Лекин, ҳар ҳолда, иш яхши бораётир.

Муродов Муллазиё ҳам яна қайталабдан мустаҳкамланиб кетди. У ҳозир кеча билан кундузни билмасдан Ризаевнинг ёнига кириб ишламоқда. У жуда ҳушёр, иш- 30 гир одам. Қаттиққўлли хўжаликчи коммунист дейишга ҳам арзиди. У ҳар куни участка бўйича сводкаларни олиб, кечқурун жамлайди. Олдига чўтни қўйиб олиб, участка бўйича экиннинг қайси даражада кетаётганлиги, қанча процент бўлгани, қайси жамоа, қайси колхознинг оқсаётганини белгилайди ва ундан дарров керакли бўлган ташкилий натижага келади. Шундан сўнг Ризаев иккаласи бир кун-икки кунга бир жамоага жўнайдилар.

Ҳақиқатан ҳам, хўжалиқ, сиёсий жиҳатдан анча мустаҳкамланган колхозларда иш махсус вақилсиз, 40 сиқишсиз ҳам ўтаётир. Уларда пахта экиш маъракаликдан, ташқаридан қонун сифатида мажбур қилишдан чиқиб, нормал ишлаб чиқариш шароитига айланмоқда.

Улар бир неча ўн йиллар натижасида жўхори, буғдой, арпа, қовун экишга қандай одатланган ва унсиз умр кечириш қийин бўлганини турмушнинг қимирлашида кўрган бўлсалар, ҳозир пахта учун кураш, юқори ҳосил олиш учун кураш иши уларнинг маиший даражаларини кўтариш учун бирдан-бир шароит эканини қаттиқ англамоқдалар. Бу колхозларда пахта экиш, агар шундай таъбир жоиз эса, заруратга айланаётир. Улар ўзлари кўнгилли равишда янги пахта майдонлари очишга ташаббускор бўлмоқдалар. Бу, албатта, яланғоч фаолият эмас. Бу қизиққонлилиқ деб ҳам бўлмайди. Бу телбалиқ ҳам эмас. Ва балки уларнинг пахта учун кураш асосидагина, колхозлар, янги машина, техникавий база асосидагина порлоқ турмушга чиқаётганларини кўраётганлари ва тўқ хўжаликка айланиш жараёнида жуда ҳам кўзга кўриниб турганини кўрганларини кўрсатади.

10 Ризаев бундай колхозларга диққатни жуда қаттиқ берса, кучни шуларга ташлаб қўймайди. Улар дейди:— Ризаев бизсиз ҳам бажара берадилар. Бизнинг вазифамиз орқада қолганларни илгари кўтармоқ ва уларни ҳам олдинги колхозлар савиясига кўтармоқ бўлмоғи лозим.

Шундай, Ризаев қандай ўринларга кучни ташлашни билиш барабарида, қай вақт, қачон ташлашни ҳам билади.

25 апрель куни пешиндан сўнг қаттиқ шамол бошланди. Кечқурунга келиб у шундай кучайдики, далада туриб ишлаш мумкин эмас эди. Кечаси шамол яна кучайиб, маст сингари пишқира бошлади. Кеч овқатини қилиб бўлгандан сўнг, улар участка бўйича қолоқ Мулқобод жамоасига кетдилар. У билан бирга Муродов ҳам, Қўқонбой ака ҳам кетди. Улар Мулқободга бориб, бир колхоз раисини ишдан бўшатиб, яна нималардир қилиб келдилар. Кечаси соат 12 ларда қайтиб улар иккови колхоздан босмачиларга қатнашгани аниқланган, муштумзўрликка тортилган дала мудирининг қочиб кетганини сўзладилар.

— Мен,— деди Муродов,— қамоққа бериб юборайлик деган ва ишнинг шундай бўлишидан шубҳаланган эдим. Чунки уларнинг қариндош-уруғлари кўп, шуларнинг қочилишини билган эдим.

40 — Мен,— дейди Ризаев,— маъмурий кишилар эмаслигимизни ўйлаб, рози бўлмаган эдим. Хато бўлган экан.

26 апрель. Мулкободда кўклам етилиб кетди. Қайрағоч тангасини ташлаб, ғўзалар патирлаб, бодроқ каби чиқа бошладилар.

26 апрель куни мен Қорамулла жамоасида бўлдим. Мен билан бирга Мадалиев, Отабоев, агротехник Абдуллаев бор эди. Биз «Ленин», «Маданий», «Иттифоқ», «Сталин» колхозларини айланиб чиқдик.

Ҳозир экиннинг энг қизиган пайти. Эртага биринчи Май. Ерлар етилиб, баъзи жойлар ўтиб ҳам кетмоқда. Бундан бир неча кун илгари мен Урганжида бўлганимда 10
ёғ заводидан келган Мирзаев деган ўртоқ Қўқонбой акани мажбур қилиб, тракторларни Шўро жамоасидан «КИМ» колхозига ўтказдирган эди. Кеча агроном Приходько «биз ўшанинг гапига кириб, шунинг ерини ўтказиб юбордик, у бизни партия ячейкаси номи билан мажбур қилган», деди. Бунда ернинг тилини билмаган коммунистларнинг маъмуриятчилик билан иш бузишлари ҳақида шикоят бор эди. Ҳозир энг қизгин пайтда шунинг учун бутун кучни ҳаракатга келтириш устида кураш борарди. 20

Биз билан бирга кетар экан, Мадалиев жуда кўп юришга тўғри келаётганидан этиклар оёқларни сиқиб, оғритиб ташлаганидан гапирди.

— Ҳар кимнинг кўнглида бир қушлик жой бўлади. Мен ҳам оёқнинг тагида тура турган ботинка (шиппак демоқчи) олмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Қорамулла жамоасидаги колхозларнинг ҳаммаси, дегарли ҳайдалиб, тайёр қилинган ерларни экиб бўлдилар. Лекин ҳали ҳайдалмаган ерлар ҳам бор. Шунинг учун улар ҳозир тўрт кўз билан трактор келишини кутиб турдилар. 30

Биз «Ленин» колхозида бўлдик. Колхозда тунов кун 8 кун ишга келмагани учун колхоздан чиқарилган ялқовнинг ўз уйи атрофидан колхознинг ярим танобча ерини ажратиб олиб, қовун, бодринг экканини бизга кўрсатдилар. Кўринадики, у одам ҳамон колхознинг нималиги, унинг ери кўпчилиكنинг мулки экани ва унга ҳеч кимнинг қўл теккизмоққа ҳаққи йўқ эканини тушунмаган.

Биз ундан ерни ажратиб олишни айтдик. Шундан 40
сўнг мен ҳосилот шўросининг иши масаласида гаплашдим. Ҳосилот шўросининг раиси суриштирганда, мен кундаликнинг ўтган саҳифаларида гапириб ўтганим бан-

ги Юсуфжон ака мени раис қиласан деб туриб олди. Колхознинг раиси Еқубжон ака унинг укаси. Унинг жуда жаҳли чиқди ва номуси келди. Улар иккаласи ўтган кун ҳам уришган эканлар. Юсуфжон ака қандайдир шаҳарга бориб, бир колхоз ишчилари тайёрлаш курсида ўқиб келган экан. Шунинг учун, ўзининг миясининг жойида бўлишига қарамасдан, буларнинг ҳеч бирига гап бермайди.

10 — Бу синоатларнинг ҳаммасини мен қурганман. Мендан маслаҳатсиз ҳеч нарса қилмоққа ҳақнинг йўқ.

Мен Еқубжон акани олиб, ундан ажратиб кетдим. Юсуфжон ака бутун колхозчиларга эшиттириб, бақириб гапирар эди.

Биз ҳаммамиз ўтириб бир уйда гаплашдик. Шунда Еқубжон ака колхоз омборчиси Назир полвонга ишонмагани ва унинг ҳаракатида баъзи бир қинғирликлар рўй бераётганини айтди.

20 Ундан сўнг биз «Иттифоқ» колхозига ўтдик. Бу колхоз жуда кичик. Фақат бир бригадadan иборат. Лекин шунга қарамасдан, ерни ҳайдаш, марзаларни олиш, юқори ҳосил учун кураш сушт борган. Колхозда раис билан котиб саводли, холос. Ҳосилот шўроси ҳеч қандай иш олиб, бормаган. Шунинг учун бир танобча йўнғичқани бузиб, пахта экиш ўрнига қовун экканлар. Пахтани экиб бўлмасдан қалампирга жой ажратилиб қўйилган. Йўнғичқа сочмасдан арпа экканлар. Колхоз ишларига раҳбарлик ҳам сушт бўлган. Шунинг учун бу колхозга икки марта боришга тўғри келди. Кечқурун Мадалиев билан Абдуллаев ва мен бориб, колхознинг умумий мажлисини ўтказдик.

30 Ҳаво исиб кетди. Одамлар ёзги кигиз телпак кия бошладилар.

Мажлисда улар бўлган камчиликларни бўйинларига олдилар ва биринчи майга қадар бутун хатоларни тузатиб, экинчи асосан тамомлаш билан байрамни қарши олишга қарор қилдилар. Мажлисдан биз соат 10 ларда чиқдик ва қайтдик.

40 Бугунги юришда иккинчи бир ҳол жуда диққатимни жалб қилди. Биз «Сталин» колхозининг биринчи бригадаси ишлаб турган далага келдик.

Бригаданинг бошлиғи бўйнида қандайдир яраси бўлганидан, ярага барг босиб, унинг устидан бўйинини рў-

молча билан боғлаб, ўраб олган, оёқ яланг ва чопонини белбоғ боғламасдан, салт кийиб олган эди.

Бригаданинг аъзолари жуда иттифоқлик билан ишлаётганларини гапирдилар. Айни замонда, ишлашдан ўзлари манфаатдор эканини айтдилар.

— Биз мардикор ишлаётганимиз йўқ. Шунингдек, биз учун биров ҳам ишлаб бермайди. Биз ўзимиз бир нонимизни икки қилмоқчимиз.

Улар, ишлашга уларни ҳеч ким мажбур қилмаганини, балки кўнгиллича, онгли равишда ишлаётганларини из- 10 ҳор қилдилар:

— Қамчини ҳам ўзимиздан. Илгари хотинларимиз ҳам «ола қопнинг хотини мен, ола қоп бўлмаса — аллакимнинг хотини мен», дер эдилар. Энди улар ҳам киришиб кетди.

Бунда қуйидагича ҳол қизиқ эди. Бригадир ота бригада аъзоларининг руҳини кўтаришни билади. У, уларга дадиллик, эркинлик беради.

— Булар,— деди ота,— менинг гапимни ҳам кутиб ўтирмайдилар. Ўзлари ҳаммасини кўнгилдагидай қилиб 20 ишлайдилар.

Бу гап, албатта тўғри бўлмаслиги мумкин. Лекин бу уларга кўтаринкилик, дадиллик, мустақиллик беради. Шунинг бараварида улар бригадирга айрим ҳурмат билан қарайдилар. Бригадир уларнинг ҳурмат белгиси билан ўралган. Масаланинг энг қизиқ ери шунда. Буни ҳар ким ҳам қила бермайди. Ҳамма ҳам бунга қобил эмас.

27 апрель. Пахта учун курашнинг жуда ҳам тиқилинч кунлари келиб етди. Колхозлар Биринчи майга экишни 30 тугаллаш билан чиқмасалар нима билан чиқадилар? Бутун ўлканинг тўрт кўзи шу масалага қаратилган. Матбуот кеча-кундуз шу тўғрида бонг уради. Ҳукумат, партия ҳар минут шу масала устига оммани сафарбар қилишга чақирадилар.

Мулқободнинг коммунистларида ортиқ уйқу қолмади. Участкадаги партия таянч ячейкаси ҳамма ишни ўз устига олди.

Ҳозир участкадаги бир неча колхозлар экинни ба- 40 жардилар. Баъзилар Биринчи Май кунининг ўзига келтириб бажармоқчи, баъзилар 30-да рапорт бермоқчи ва баъзилар ҳатто ҳозирда 29-да тамом қиламиз, деб ёзиб бердилар. Участкадаги сиёсий штабни тинчитиш учун

баъзилар фақат Биринчи Майда бажаришларига қарамасдан, «бажардик» деб ҳозирдан сводка бераётирлар. Бунда айрим ўринларда кўзбўёвчилик унсурлар ҳам объектив равишда ўзини кўрсатиб қолади.

Баъзи колхозлар ҳали ўзини қаттиқ ўнғариб олгани йўқ. Уларнинг ичида ери етилиб улгурмаган, захоб ерларнинг суви қочмаган бўлганидек, ери етилган ҳолда, кучсизлик қилиб, ерни ўтказиб юбораётганлар ҳам бор. Куч бўлган, астойдил киришганлари тақдирда, уларнинг

10

албатта Биринчи Майга қизил юз билан байрамга чиқишлари мумкин. Шунинг учун уларнинг ичи куяди. Таянч партия ячейкаси, сиёсий штаб, участка МТС бўлимининг қулоғини қоқиб, қўлига берадилар.

Мулқободнинг юраги ҳозир фақат шунга тепади. Агроучастка, сиёсий штаб, партия таянч ячейкаси фақатгина шу тўғрида ўйлайдилар. Улар бутун имкониятларни ҳаракатга келтирадилар.

20

Агроучастка кечалари чироқ йўқлигидан тракторларни бир неча кунга бир сменга кўчирган эди. Ҳа, ер ҳайдов экиннинг суръатига анча таъсир қилди. Шунинг учун улар чироқ топиб, тракторларни кечасига ишга, иккинчи сменга мажбур қилдилар. Қўқонбой ака ҳеч бир отдан тушмайди. У кеча-кундуз трактор бошига бориб, трактор тузатишни билмагани ҳолда, уларнинг аҳволидан хабар олиб юради. Баъзи жойларда тракторларнинг бузилиб қолганини, механиклар, тракторчиларнинг нози, аччиғини кўриб, трактор механиги бўлмаганига хуноб бўлади. У:

— Ҳозир жуда ҳам иш кўрсатадиган вақт келди. Агар шуларнинг тилини билганимда, ҳаммангнинг адабингни берар эдим,— дейди.

30

Сиёсий штаб фақат шу тўғрида ўйлайди. Бугун таянч партия ячейкасида кечаси соат 12 га қадар мажлис бўлди. Муродов билан Ризаев соат 12 ларда қайтиб келдилар. Мажлис бутун кучни ҳозир экинга ташлашга, айрим колхозлардаги бинокорликни вақтинча бўлса ҳам тўхтатишга, орқада қолаётган колхозларни экинни тугатган колхозларнинг буксирига олишга қарор қилди. Улар ярим кечагача ўтириб, қайси колхознинг қаёққа қанча киши беражагини, неча кунга беражагини тайинладилар. Ҳар куни бўлатурган ишдан муфассал сводка бериб туриш учун ҳар бир жамоага махсус вакил тайинладилар. Сводкани сиёсий штабга топшириш фақат самоохран орқали бўлажаги тайин этилди.

40

Ҳар ҳолда, экинни Биринчи Майга 100 процент тугаллашга имкон йўқ эди. Бунга бирмунча ерларнинг ҳали тайёр бўлиб улгурмагани ҳалал беради. Бўлмаса, шунча астойдил ташаббус, ҳар қанча иш бўлса ҳар бир кунда қилиб ташлайтурган бир қизгинлик билан ўзини кўрсатар эди.

Мажлисда иштирок қилган коммунистлар кечаси билан ухламадилар. Улар эшикма-эшик юриб, буксирни ташкил қилдилар ва эрта билан буксир бригадаларини юбориб, тинчигандай бўлдилар.

28 апрель куни «Ворошилов» колхозининг 5-бригадаси Оқтепа жамоасига жўнади. Буксир бригадаси қандайдир бугун одатдан ташқари ишларни қилди. Бошлаб, бригадир уларни парад қилди. Сўнгра уларга «Ворошилов» колхозининг 5-зарбдор бригадаси деган ёзув билан бир байроқ чиқарди. Байроқнинг икки учидан икки киши ушлаб параднинг олдига ўтдилар. Қолганлар орқадан тизилдилар. Уларнинг ҳар бирининг орқасига нон ва шунга ўхшаган озиқ ортилган эди. Уларнинг орқасидан уч киши эшақка минган ва жуда ҳам кўп кетмонни ортиб олган. Парадга тўпланганлар қирқ кишича келар эди. Бригадир парадни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди. Ғалати ва нотўғри турганларга танбеҳ айтиб, уларни тузук туришга мажбур қилди. Бригадир ичидан жуда ҳам хурсанд эди. Бригададагиларнинг ҳаммасини ҳам қандайдир кайфи баланд эди.

Парадни кўздан кечириб бўлгандан сўнг бригадир ичкарига кирди. Ичкарида колхознинг правлениеси маслаҳатлашиб ўтирар эди. Бригадир Карвонга қаради. Карвон кўзини ярим очиб, бригадирга тикилди. Бригадир Карвонга ярим кулги билан:

— Сафарбарлик колхози тайёр!— деди.

Карвон ўрнидан туриб ҳовлига чиқди. Отхонадан отни ечиб чиқди-да, отга ўтирди ва бўйинини энгаштириб, катта дарвоза орқали кўчага чиқди. Оти яхшилаб эгарланган Карвон ҳам одатдагидан бошқача кийиниб, белига қийиқ боғлаган, қийиқ остидан тўппончанинг ипи осилиб турар эди.

Карвон от билан бригаданинг олдига ўтди. Бригадир ҳам бригадага келиб қўшилди. Карвон эгарнинг учини чап кўли билан ушлаб, чап оёғини узангига қаттиқ тираб, ўнг оёғини бўшатиб, ўнг кўли билан қамчини тепага кўтариб, ўнг томони билан орқага қистайди. Бригада

10

20

30

40

Карвонга бошини кўтариб қаради. Уларнинг ҳаммаси жим, кўчада пашша учса сезилар эди. Карвон бригаданинг бошидан-оёғигача кузатиб чиқди ва икки оғиз сўз айтиб команда берди:

— Юр, хўрозлар!

Карвон отга қамчи берди. Биринчи чангни унинг оти чиқарди. Унинг орқасидан бутун бригада қадам ташлади. Уларнинг ҳаммаси деярли яланг оёқ эди. Бригаданинг орқасидан «хих!» деб, кетмонларнинг товушини чиқариб,

10 эшакдагилар ҳаракатга келдилар.

Байроқ тагида кетаётганлардан икки киши ашула бошлади, ашула эски ашулалардан «Ўлгум келур, ҳам-суҳбатинг бўлғум келур» эди. У тамоман эски куй, эски оҳангда эди. У, на қўл ва оёқнинг ҳаракатига тўғри келар эди. Зотан, уларнинг оёқ ташлашлари ҳам чалакамчатти, тапур-тупурдан иборат эди. Улар шундан ташқари ҳеч қандай ашулани юриб айтишни мувофиқ топмадилар. Воқеан ашуланинг ўзи ҳам йўқ эди. Шунинг учун нима бўлса ҳам, ашула билан юриш жим юришга қараганда тузук эди. Ҳар ҳолда ёмон бўлса ҳам, шу ашула улардаги руҳ кўтаринкилигини кўрсата олар, шунинг ўзи эса жуда ҳам катта гап эди.

Карвон олдинда кетар экан, ўзини аллақандай сезар, у, ўз экин планини муддатидан илгари бажариб, бошқаларни илгарига тортишга кетаётган бир армиянинг кўмондони сифатида ўлчаб бўлмас даражада хурсанд эди. У ҳеч бир ёққа қарамасдан, отни дадил оёқлантирар эди. Кўчага одам тўлиб уларни қаршилар эди.

Бугун қоқ ярим кечага қадар эшик тиқирлаб турди. 30 Икки кундан бери кеча-кундуз тинмаган Ризаев, бугун пешиндан сўнг донг қотиб ухлаб қолди.

Утган кунги кечаси бўлган мажлис Мулкобод участкасидаги ҳаракатни тамом бошқа йўлга солди. Уларда ҳам жиддий оперативлик майдонга келди.

Штабнинг таклифига кўра, экин ишларининг бориши ҳақидаги сводкалар кундуз соат 6 дан кечиктирмасдан олиб келиниб топширилмоғи керак эди. Кўринадики, бу таклифни амалга ошириш жуда қийин бўлган. Колхозларда ҳисобот ишларининг жуда ҳам ёмон қўйилганлиги, кўп 40 ҳисобчиларнинг ўз ишларини ҳали пухта равишда ўрганиб улгурмаганлиги бир кунда қилинган ишнинг ҳисобини ўша куннинг ўзидаёқ вақтли ҳисоблаб тугатишни таъминлашга халал беради. Лекин, ҳар ҳолда, улар штабга

берилган ваъданинг устидан чиқмоқлик учун азонгача бўлса ҳам, сводкани келтириб беришга ҳаракат қилганлар. Чунки бундай оперативчилик, эҳтимолки, буларнинг умрида биринчи мартаба бўлаётган бўлса. Утган йилларда ҳам кундалик сводка қўйилган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бу йилгидагидай аниқлик талаб қилинмас эди. Бунга у пайтда вақт ҳам келмаган эди.

Колхозлар аниқ планли турмушга колхозни хўжалик ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш асосида келаётирлар. Улар кундан-кун қилинган, қилинажак ишнинг (режаси) бир неча кунлар аввал аниқланган, экинни қай куни, қай соатда тамом қилажаклари муҳаққақ қилинишига киришаётирлар. Ҳали бунга кўп нарса етмайди. Бунга уларнинг тажрибаси оз. Бунга тўла равишда эришмоқ учун энг аввало, таваккал традицияси билан курашмоқ, уни тамоман енгмоқ ва онгли, планли, коллектив турмушга ўрганмоқ керак. Бунинг учун ҳали жуда кўп қийналишга, кўзларнинг нурини, асабларнинг соқитлигини максимал сарф қилишга, юриш-туришни ўрганишга, маданий турмуш қуришга ўрганишга тўғри келажак. Ҳар ҳолда, кундалик сводка бериш учун бутун колхозлар тиришдилар ва кўпчилик ихтиёри билан кечикиб, ярим кечага чўзиб бўлса ҳам, уйқуни бузиб бўлса ҳам беришдилар. Шунинг ўзи жуда катта буюк ютуқдир.

Заготпункт чойхонасининг олдида икки кундан бери бир одам ўралашиб юради. У ҳеч қаёққа бормайди. Ҳеч бир иш қилмайди. Ҳеч нарсага қўли ҳам бормайди. Ҳеч ким билан гаплашмайди ҳам. У оз-озгина юриб келадида, яна чойхонанинг сўриси устидаги кигиз устига чўзилади.

Мен унинг кимлигини кечқурун билдим. У, ялқовлик учун колхоздан ҳайдалган. Шунинг учун ҳеч кимга аралаша олмайди. Лекин у, хато қилганини англаганга, қилмишидан ўлгудай хафага ўхшайди. У, жамият ўз ичидан унинг юксалиш йўлига халақит берувчиларни раҳмсиз равишда супуриб ташлаяжаги аниқ эканига, ўзининг шахсий юриш-туриши билан ишонгансимон бўлиб, афсусланган бўлиб кўринади.

29 апрель. Мен «Сталин» колхозидан қайта туриб, далада туш пайти дам олиб, сояда ўтирган икки кишини кўрдим. Уларнинг бири ўрта ёшда бўлган эркак, бири ёшгина хотин эди. Эркак оддий иш кийимида, хотин каттак-катак шоҳи кўйлак кийган эди.

Мен шундан сўнг ёзажак нарсамга шундай бир картина ҳам киргизиш фикрига келдим. Унда албатта яқин орада уйланган бир йигит ва турмушга чиққан қиз бўлади. Улар иккаласи ҳам — ҳозирги кўриб ўтганимдай — колхозчи бўладилар. Мен уларнинг биргалашиб, далага ишга чиқишлари, бирга экин экишлари, оилавий муносабатларида колхозлаштириш ҳаракатининг ифодасини кўрсатажакман. Мен, унда уларнинг иккови ўртасидаги эр ва хотин муаммосини, аввалги маънодаги хотиннинг йўқолиб, унинг ўрнига баб-баравар ҳуқуқли янги хотиннинг яралиб келаётганини ва бу янги турмуш эски, аввалги турмушнинг фожиаларидан озод эканини, эркин меҳнат асосидаги ўртоқлик турмушнинг нақадар кўнгилли, чиройли эканини ва бирга, коллектив меҳнат асосида паранжи, хотин-қиз қуллигининг йўқолиб бориш жараёнини кўрсатажакман.

10 Бунда масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Далада ишлар экан, хотинлар албатта ўз эрлари билан бирга бўладилар. Хотинларнинг бошқа эркаклар билан, ёхуд алмашиб бажарган ишларини кўриб бўлмайди. Кўринадики, бу ҳали анча руҳий ўзгариш, коллектив тарбияни талаб қилади. Эркак билан хотин далага очиқ чиқиб ишлашига қарамасдан, ҳали ҳам хотинга хусусий мулк тариқасида қарашнинг йўқолиб битмагани ва колхозчиларнинг ўз хотинларини бошқа билан бирга ишлашга рози бўлмаслари ва бундан маълум даражада номус ҳам қилишликларини кўрсатади.

20 Бу мазмунда иккинчи картинани ҳам кўрсатиш мумкин. Бу ҳам аллақанча драматик картина бўлажакдир. Колхозда, албатта, хотинларнинг бошқа эркаклар билан ишлаб қолиш ҳодисалари ҳам бўлади. Бу мумкин имкон. Шу картина, албатта, маълум даражада оилавий кўнгилисизликни юзага келтириши мумкин. Масалан: эри зарур иш билан бошқа ёққа юборилди. Хотин бошқа киши билан ишлашга мажбур бўлди. Кечқурун қайтиб, бу воқеани эшитган эр албатта ўзини қандайдир хотини томонидан оёғ ости қилинган сезади. Бу катта оилавий можаро, хотин билан эр орасида жанжал чиқади. Албатта, уларнинг дарров ЗАГС га боришлари шарт эмас. Балки бунда хотинлар ёхуд қизларни далага чиқариш билан турмушнинг бутун қарама-қаршиликлари, тугунлари ечилди, деб бўлмайди. Бу ҳали бошланғич, холос. Паранжини ташлаган, далага эркаклар билан саҳарлаб баравар ишга

чиқишга одатланган хотин, секин-секин хотинларнинг тор, аввалги маънодаги «сочи узун, ақли калталиқ» муҳитидан чиқар, эркаклар муҳитига ҳам кирар, бошқалар билан муносабатда бўлар, мажлисларга, кўпчиликнинг коллектив ишига қатнаша бошларлар. Бунда коллективлаш, меҳнатга қараб турмуш даражасини белгилаш, далага очиқ ишга чиқиш асосида каттакон қайтадан тарбия жараёни боради. Бу хотиннинг онгини янги нарсалар билан бойитади. У дунёнинг, унинг атрофини ўраб олган муҳитнинг, ўзи қилиб турган ишнинг нималигини англай бошлайди. Унинг психологияси, одатлари, юриш-туришлари, эри билан муносабати, оиладаги биргалик турмушга қарашлари ўзгаради. Айни замонда, эр ҳам ўсади. У ҳам дунёни борган сари тўғри ва тўла англай бошлайди. Лекин хотинда бўлган ҳалиги жараёнга у бирданига яхши кўз, тўғри ният билан қарай олмайди. Борган сари оила ўртасидаги бу тугун ечилиб, янги турмуш қаттиқроқ ўрнашиб борса ҳам, биринчи даврда бу анча кўнгилсизликларнинг юзага келишига қонуний равишда сабаб бўлади.

10

20

Ана шу картинада жуда ҳам қизиқ воқеани кенгайтириш мумкин. Мазмун: коллективлаш ва оила...

КУНДАЛИК САҲИФАЛАРИ

1943 йил, 18 февраль.

Эрта-тонг чоғида ўзбек халқининг совға-саломларини элтмоқ учун биз Тошкент вокзалидан Ғарби-жанубий фронтга жўнадик, Тошкентда икки кундан бери қаттиқ қор ёғиб турибди. 17 февралнинг иккинчи ярмидан бошлаб яна қуруқ қор севалай бошлади. Биз вокзалга чиқар эканмиз, машиналар қорда зўрға юрар эди. Қиши билан бунчалик қор ёққан эмас.

Соат 5 га яқин вокзалга келдик. Тошкент уйқуда. Делегациямизга Николай Андреевич Ломакин бошчилик қилади. Делегацияда мен, Қорасув районидаги «Бирлашган» колхозининг раиси Турғун Тошматов, авиа завод ишчиси Убай Солихўжаев, завод ишчиси Ҳалима Тошмуҳаммадиевалар бор. Бизни кузатишга чиққан ўртоқлар хайрлашиб, вагондан чиқдилар. Тонг туманига ва оппоқ қорга ўралган поезд Тошкент вокзалидан йўлга чиқди.

19 февраль.

Делегация аъзолари бир-биримиз билан танишмоқдамиз.

Турғун ака куни билан бизни кулдириб ўтирди.

— Мени тўрт юз колхозчи узатиб қолди,— деди у,— улар мендан душманнинг бир қанча каллакесарларини: яшикка қамаб олиб келасан, ўзимиз суд қиламиз, дедилар. Мен уларга бизнинг аскарларимиз ҳозир Харьков билан Киевни олган бўлсалар, мен душманни то ўз чегарасигача қувиб бормагунча қайтиб келмайман, дедим.

Шундай, халқ душман каллакесарларининг энг катталаридан бир қанчасини Ўзбекистонга олиб келиб, ўзи суд қилмоқчи, унинг бунга тўла ҳаққи бор. Шундай қилмаса, у асло хумордан чиқмайди. Чунки фашист унинг бошига кўп ташвиш солди. Уни ўзининг севикли ўғилларидан

ажратди. Уғлидан ажралган ота-она агар тирик фашист-ни кўрганида еб-гажиб ташлар эди. Негаки, унинг юрагида ўт тутақиб ётибди.

20 февраль.

Ҳалима бизнинг ичимизда энг ёшимиз. У жуда кам гапиради. Кунни билан бир оғиз ҳам сўзламасдан ўтириши мумкин. Лекин, уни гапга солсангиз, анча нарсаларни ҳикоя қилиб бера олади. Уруш кунларида у бир ўртоғи билан юриб, Тошкентга кўчириб келинган бир қорхона олдида чiqиб қoлибди. Икковлари унинг ичига кириб кўрибдилар. Бу катта комбинат экан. Ҳалимани ишга олибдилар. У секин-секин ишга кела бошлабди. Сўнгра парашютчилик ҳақида бир китоб ўқибди. Бу китоб уни аэродромгача олиб бoрибди. У парашютдан ташлашни ҳам ўргана бошлабди. Унинг комбинатга кирганидан, парашютдан ташлай бошлаганидан ота-онаси хабарсиз эканлар. Бу гаплардан хабар топиб қолган онаси уни излаб аэродромга бoрибди, қараса, қизи парашютдан ташламоқда экан.

20 Ҳалима ҳали ҳеч қачон якка ўзи сафарга чиққан эмас. Лекин бугун у биз билан бирга жуда катта сафарга чиқди. У фронтга, ўзбек халқининг совғаларини Қизил Армияга олиб бoраётибди. Эҳтимол, Ҳалима бунчалик катта сафарни бундан сўнг кўрмас. Бундай ҳодисалар кишининг ҳаётда бир марта юз бeради.

21—28 февраль, 1 март.

Жуда секинлик билан илгарига жилмақдамиз. Темир йўл нефть, кўмир ва бошқа ҳарбий эшелонлар билан банд. Кечагина Ўзбекистон чегарасидан ўтдик. Кела келгунча ҳамма ёқ қор эди. Вагонимизга ўртоқ Ломакиннинг оғайнилари келишди. Вилоят Ижроқўм раиси ўртоқ Попов билан таниш бўлиб қолдик. У қайтарда, албатта Чкаловга тушасизлар, деб қолди.

— Бир кун бўлса ҳам қўниб кетасизлар. Ҳар бирингизга оренбургликларнинг нафис рўмолидан совға қилман, — деди у.

Февраль тамом бўлар кечаси шундай зўр қор ва бўрон бўлдики, одам боласи унинг зарбига чидай олмас эди. Бўрон вагонимизни ларзага соларди. Бўрон кўп вагонларнинг тунукасини кўчириб кетди.

40 1 март эрта билан қуёш пайдо бўлди. Шамол ва бўрон тўхтаб, ҳавода илиқлик сезилди. Қор эрий бошлади.

Кечаси совуқ ва бўрон тугаб, баҳор бошланаётганга, қиш хайрлашаётганга ўхшаб қолди.

2 март.

Бузулукда чиқадиган газеталардан Охунбобоевнинг ўлганлиги ҳақидаги хабарни ўқидик. Куни билан ўзимизга кела олмадик. Мен, ҳатто озгина йиғлаб ҳам олдим.

10 март. Ниҳоят, 20 кун йўл юриб, Москвага етиб келдик. Бизни Мудофаа Халқ Комиссарлигининг вакили подполковник Каратюк ва бизнинг вакилимиз ўртоқ Газарянц кутиб олдилар. Мен урушдан бурун Москвада кўп бўлганман. Ҳозир Москвада одам оз, ҳар нарсада оғир бир жиддий сезилади. Москва урушга кўникиб қолибди. Халқ руҳида совуққонлилик ҳукм суради. 10

Москвада бизга Ғарби-жанубий фронтга эмас, балки Марказий фронтга боражагимизни билдирдилар. Чунки ўртоқ Рокоссовский ҳозир Марказий фронтда экан.

10-да чиққан газеталардан жанубда фашист қўшинларининг ҳужумга ўтганини ва бизнинг армиямиз бир қанча шаҳарларни ташлаб чиққанини ўқидик. Бизнинг сафаримиз учун бу жуда кутилмаган бир ҳол бўлиб чиқди. 20

13 март.

Москвадан Марказий фронтга жўнадик.

15 март.

Икки кундан бери Берюлево деган станцияда турибмиз. Бу ер Москвага ўттиз километр келади, холос. Ҳозиргина нима учун тўхтаб қолганлигимизнинг сабабини билсак, Елецни душман бомбардимон қилибди. Депо бошлиғи ва бир қанча ишчи ўлибди. Соат 17 да темир йўл тузатилиб ишга бошлайди, деган гап бор. Темир йўл қайтадан ишга бошлаши билан бизни жўнатишга ваъда қилиб турибдилар. 30

Станцияда жуда кўп ҳарбий эшелонлар тўхтаб ётибди. Мен эшелонлардан бирининг бошлиғига дуч келиб қолдим. У полковник, ёш рус йигити, тез-тез гапиради.

— Фашистнинг урушдан бошқа иши йўқ. Уруш унинг касби. У ҳунарманд ўғри, бошкесар бўлиб қолган. Лекин биз унга бас келдик. Энди биз ҳам урушни ўрганиб олдик. Шароит одамни тарбия қилади. Сен сибирликларнинг урушганини кўрсанг, оғзинг очилиб қолар эди. Ҳозир ҳамма халқларнинг болалари ҳам яхши урушмоқдалар. 40

16 март.

Кундуз соат 12 ларда Ожерелье станциясига етдик.

Кечгача яна тўхтаб қолишга тўғри келди. Зимин кеча бизнинг қўшинларимиз Харьковни ташлаб чиққанлари ҳақида хабар келтирди. Биз жуда ачиндик. Куни билан кайфимиз бузуқ эди.

Кечгача шундай оғир кайфиятда бўлдик. Ҳозир биз ўрмон олдидаги станцияда тўхтаб турибмиз. Ойдин, юлдузлар чарақлаб турибди. Осмон ойнадай тиниқ.

Елец ҳақида бугун ҳеч гап билолмадик.

17 март.

10 Кечаси билан йўл босдик. Душман бўлган ерлардан ўтиб бормоқдамиз. Станцияларда йўл бўйлаб вайроналиклар учрайди. Булар душмандан қолган «ёдгор».

Жданка станциясида Елец ҳақида хабар эшитдик. Кечаси соат 10 дан то соат биргача душман уни бомбардирмон қилибди. Ҳозир Елец поездларни қабул қилмайди, дедилар. Рокоссовскийни қаердан топишимизни билмаймиз. Ҳеч ким аниқ маълумот беролмайди.

Елецдан 65 километр жойда тўхтаб қолдик. Кечқурун соат 7 дан бошлаб осмонда душман самолётлари учиб ўта бошладилар. Мен вагондан пастга тушиб ҳайрон бўлиб турибман. Самолётлар якка-якка учиб ўтмоқда. Уларни бу ердаги халқ жуда яхши танийди. Булар Елецга қараб учмоқдалар.

Станция кишилари Елецда тревога эълон қилинганини хабар қилдилар. Елец бизни қабул қилмаётир, қачон қабул қилиши маълум эмас. Демак, душман калхатлари Елец тепасига бомба ёғдирмоқдалар.

30 Соат 11 дан ошди. Ҳозир Зимин Елец билан телефон алоқаси узилганлиги ҳақида хабар келтирди. Мен бу кеча навбатчиман. Қўлимда Навоий «Чор девон»и.

18 март.

Елецдан 20 километр берида турибмиз. Соат 7 дан бошлаб душман уни яна бомбага тутди. Тепаликка чиқиб Елец томонга қараймиз. Бомба портлашлари олам-олам учқунлар кўтаради, бомба тушган жойда ёнғин пайдо бўлади. Еқилғи солинган идишлар ёрилмоқда. Проекторлар ҳавода самолётни қувиб, зенитларга йўл кўрсатдилар. Зенит ўқлари қип-қизил чўғ бўлиб ёнади. Маълум вақт шаҳар тепасида тинчлик пайдо бўлади, бир оз фурсатдан сўнг яна портлаш, зенитларнинг қизил олови осмонда ярқирайди.

Икки кўзимиз осмонда. Ой ёруғ, юлдузлар чарақлаб турибди, душман самолётлари худди бизнинг тепамиздан

ўтмоқдалар. Лекин, улар шунча баланд учадиларки, кўриб бўлмайди, уларни фақат товушидангина таниш мумкин. Ҳаммамизда ҳам жиндак шошқинлик сезилади. Лекин тетикмиз. Ярим кечагача шу ҳол давом қилди. Фашист биз бораётган шаҳарни хароб қилмоқда эди.

19 март.

Ниҳоят, Елецга кириб бордик. Бир неча кунги бомбардимоннинг натижалари кўриниб турибди. Кечаси бизга аланга ва учқунлари кўринган портлашларнинг натижалари кўз олдимизда. Бу ерда бирорта ҳам соғ иморат йўқ. Енган вагонлар, ағдарилган паровозлар, портлатилган қурол-аслаҳа складлари — душманнинг иши. Жангчилар соғ қолган ва «яраланган» вагонлардан озиқ-овқат ташимоқдалар. Усталар темир йўллари тезроқ ямашга шошилади. Бу ерга етиб келган темир йўл бошлиғи ўртоқ Пичугин мумкин қадар тезроқ поездларни қабул қила бошлаш кераклиги ҳақида ташвишланади. Ҳарбий ҳаракат бошлиғи ўртоқ Рубаков, икки суткадан буён кўз юганим йўқ, деди. Ҳарбий комендант ёнаётган депо ичида ўқ-дорилар омон қолганини ҳикоя қилади. Уларнинг ҳаммаси бизнинг вагонга келишди. 10

— Фашистлар кечикиб қолди,— деди ўртоқ Рубаков,— биз кейинги ҳафтада фронт учун зарур бўлган жуда кўп қурол-аслаҳа ва резервларни ташиб олдик.

Елецда ошиқча тўхтаб туришнинг маъноси йўқ. Улар бизни дарҳол жўнатдилар. Косторка деган станцияга қараб йўл олдик. Ундан Курскка жўнаймиз. Қаттиқ жанглар бўлган жойлардан ўтиб бормоқдамиз. Бу ерларда бирорта ҳам соғ иморат йўқ. Душман чекинар экан, ҳар бир деворга тиш-тирноғи билан ёпишиб олган. Уни уриб-ўлдириб чиқарганлар. 30

Бошқа станцияларда ҳам аҳвол шу. Кета-кетгунча ер бомбадан жароҳатланган, воронкалар...

Душман солган жароҳат излари жуда узоқ йилларгача сақланиб қолади. Фашист итваччаларини битта қўймай қириб ташлаб, қўлга тушганларнинг кучи билан барча бузилган ерларни обод қилмасак, биз ҳам одам эмасмиз. Ҳали шундай қилганда ҳам биз аламдан чиқмасак керак, деб ўйлайман. Бизнинг фашистга берган ҳар бир оғир жазомиз ҳам — унга марҳамат, холос... 40

Ҳеч қандай мўъжиза биз берган қурбонларнинг ўрнини босолмаса керак.

20 март.

- Кечаси бўлган даҳшатли бомбардимондан сўнг бир йўлни тезгина тузатиб, бизни Косторная станциясидан ўтказдилар. Станцияга кириб бормоқдамиз, бу ерда январь ойида бўлган жанглarning асарлари дунё-дунё бўлиб ётибди. Кўз илғамас даражада кенг майдон техника қабристонини ташкил этади. Фашист армиясининг тилка-пора қилинган машиналари, танклари, вагонлари, омбор-омбор ўқ-дорилари бу ерда ўтган даҳшатли жанглардан гувоҳлик беради. Станция марказига кириб бормоқдамиз. Станцияни кеча душманнинг юз самолёти бомбага тутган. Юз самолёт тўрт юз бомба ташлаган. Ҳозир бу ерда станция йўқ. Етти қават ер ағдар-тўнтар бўлиб ётипти. Жуда катта оғирликдаги ажал бомбалари портлаган ердаги чуқурликларга бутун бир иморат сиғади. Бутун бинолар куйиб, қулаб одош бўлган. Ўтган куни бу ерда станция бор эди. Бугун у йўқ. Катта-катта бинолар ўрнида зўр-зўр чуқурликлар. Бомбардимон шунча зўр бўлганки, станция олдидаги кичкина ўрмоннинг бутун шохлари кесилиб тушган. Танклар тўнтарилиб ётибди. Куйган вагонларнинг жасадлари кишини даҳшатга солади. Биз ўтиб бораётган издан бошқа бирорта ҳам соғ йўл йўқ. Жангчилар, станция ишчилари тинчимасдан йўлларни ямаб ётибдилар.

- Бизни станцияда тўхтата олмайдилар. Бу, биринчидан, бизни хатардан сақлаш ва, иккинчидан, бирдан-бир изни бўшатиш учун керак. Станциядан ўтиб бормоқдамиз. Лекин юрагимиздаги ғазабни ифода қилиш учун сўз ожизлик қилади. Европани нажот соҳилига олиб чиқмоқчи бўлган олий ирқнинг маданияти шуми? Бизнинг газеталаримиз фашист ваҳшийлигини тўла кўрсатиб беролмаяптилар. Бизнинг халқимиз ҳали фашист деган махлуқнинг қандай йиртқич ҳайвон эканини тўла билмайди. Ҳолбуки, душманга қарши жони бор ҳар бир зотни, дунёда яшашни хоҳлаган ҳар бир жониворни жангга чиқариш ва фашистнинг тухумини ер юзидан қурутмоқ керак. Дунёда ҳозир одамзод учун бундан савоб иш йўқ.

- Косторнаянинг иккинчи томонидаги кичик разъездда тўхтадик. Бу ер душманнинг базаси бўлган жой. Қўшинимиз бу ерда фашистни ер билан яксон қилган. Қор тагида музлаб ётган мурдалар оёқ яланг. Оёқ яланг тезроқ қочаман деб ўйлаган бўлса керак, аблаҳ. Нобуд қилинган техникаси, портлатилган аслаҳа омборлари, танклар, замбараклар, араваларнинг сон-саногини йўқ.

Вагонимизга бизни Елецда кузатиб қолган ўртоқлар кириб келишди. Улар Косторнаянинг аҳволидан хабар олиш учун бугун учиб келишибди. Улар бизга энди жуда яқин кишилар бўлиб қолишганди. Уртоқ Пичугинни қучоқ очиб кутиб олдим. У бизни сўнгги икки-уч кун янгиликлари билан ошна қилди.

Бир дунё таассурот билан Курск томон йўлга тушамиз. Душман қочган ерларда бутун йўл бўйлаб душман солдатларининг каскалари сочилиб ётибди. Уликлар бу ерда ҳам ҳаммаси оёқ яланг. Походдан қилинган «эрзац» валенкалар билан қочиш қийин бўлса керак-да. Йўлдаги кичик станциялар душмандан ўлжа олинган ўқ-дори, бензин омборлари билан лиқ тўла. Косторнаядан ўттиз километрча узоқдамиз. Лекин йўл бора-боргунча куйган эшелонлар, ўлжа аслаҳалар билан тўла.

Бомбардимон қилинган станциялардан анча узоқ кетдик. Йўл энди тинчроқ кўринади. Ойдин. Ҳар замонда тепамиздан душман самолётлари ўтиб турибди. Менга кеча ноҳосдан одамлар устига тушган бомбанинг даҳшатини гапириб бердилар. Маҳаллий халқдан бир неча хотин-қиз ўз уйларига қайтаётган экан. Ёнларига бомба тушибди, бирмунчаси дарҳол ерга қапишиб омон қолибдилар. Бир нечаси ярадор бўлибди. Орада бир қизча ҳам бор экан. Бомба портлаб бўлгандан сўнг қарасалар, унинг асари ҳам топилмабди...

Соат 11 дан ошди. Эртага Курскка етамиз. Ухламоқ учун ўз купеларимизга кириб кетдик. Бирдан тепада самолётларнинг овози эшитилиб қолди. Душман самолётлари тинмасдан тепамизга ёпирилмоқда эди. Биз дарҳол пастга тушиб, ўзимизни поезддан четроққа олдик. Душман икки станцияни, бизнинг орқамизда қолган Косторнаяни, олдимиздан Шчитринни ўққа тута бошлади. Биздан бир неча минут олдин ўтган бир эшелонни ҳам бомбага тутибди, кўп одам ўлган эмиш.

Биз янги қор устида ётибмиз. Икки томонда портлашларнинг ларзаси келиб турибди. Ҳавода зенит ўқлари ёрилмоқда. Узоқдан газабли фарёд эшитилади. Яқиндаги бир дарахтда какку сайрамоқда.

Шунча олов ичидан ўтиб, нима учун шу кунгача эшелонимизга бир марта ҳам бомба тегмади? Темир йўлчилар ва ҳарбий маъмурлар бизни жуда эҳтиёт қилишмоқда, шекилли. Биз одатда кундузи йўл босамиз, душман ўққа тутаётган станциялардан тўхтамасдан ўтиб кетамиз

ва кечаси харитага чизилмаган бирон кичик разъездда тунаймиз. Одатда бу ерда биздан бошқа ҳеч ким бўлмайди. Ҳар нарсани пухта қилишга одатланган душман ҳам бизнинг турган еримизни билолмайди, у ўз харитасига чизилган жойларнигина бомбага тутати.

21 март.

Эрта билан Курскка етиб келдик. Бизни полковник Петров ва Кравченко ўртоқлар вокзалда кутиб олишди. Кундуз куни фронт Сиёсий бошқармасининг бошлиғи **10** генерал-майор Галаджев билан учрашдик. Бу генерал жуда ёш кўринади. 42 ёшда эмиш, ранги 30 яшар йигитни эсга солади. Биз унинг билан Сталинград ҳақида сўзлашдик.

— Сталинградда олинган асирларнинг сони матбуотда хабар қилинганича 90 минг эмас, 130 минг бўлиб чиқди. Асир тушган офицерларнинг сони ҳам икки баробар кўп,— деди у.

Кечаси Курскда Анна Ивановнанинг уйида ётдик. Душман аэропланлари қарийб азонгача Курск аэродромини бомбага тутиб турди. Бомба зарбидан бутун шаҳар титраб турар эди. **20**

22 март.

Кечаси ҳарбий раҳбарлар билан учрашдик. Ўзбекистон ҳақида, пахта, Фарғона канали ва Фарҳодстрой ҳақида сўрашди. Сўнгра мен билан адабиёт ҳақида суҳбатлашдилар. Мен «Муқанна»нинг сўнгги монологини ўқиб бердим. Монолог уларга жуда маъқул бўлгандай кўринди.

Бу учрашувда ўртоқ Рокоссовский ва бошқа генераллар бор эди. Расмга тушдик. Ўртоқ Рокоссовский бизга кумуш қадаҳ тақдим этди. Шу онда икки сатр шеър айтдим: **30**

Едга олиб аждодларнинг энг муқаддас номини,
Ўзбекистон сенга тутди бу муҳаббат жомини!

Кўп одамлар билан кўришдик. Кўп нарсалар эшитдим. Лекин уларни ёзиб қўйишга вақт бўлмаётир.

— Урушда кўп оғир кунларни кечиришга тўғри келди. Биз орқага чекиндик. Шунда мен ўз-ўзимча ўйладим,— дейди генерал Галаджев,— наҳотки мен душмандан кўра кучсиз ва ожизман? Наҳотки, фашист мендан баланд ва афзал? Наҳот, мен уни ўз ватанимдан қувиб чиқара олмайман? Наҳот, фашист оғирликларни енгишга **40**

мендан қобилроқ? Йўқ! Мен уни енга оламан! Шунда менинг олдимга бир оддий жангчи келди. Уртоқ комиссар, деди у, душманнинг иши ишқал. У ёз кунини ўзини аҳоли яшайдиган пунктга қараб урмоқда. Унинг уй ичида каравотда ётгиси келади. Очиқ далада ётишга чидай олмайди. Эрта куз киради, ундан сўнг қиш. Унда унинг аҳволи қалай бўлади? Душман оғирликка чидай олмайдиган кўринади.

Шунда мен бизнинг енгажагимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

24 март.

Биз Свобода деган қишлоқда Александра Терентьевнанинг уйида турибмиз. Йигирма яшар бу аёлнинг тўрт ёшли боласи бор. Эри фронтда, лекин ундан ҳеч бир хабар келмабди. Урушдан илгари улар колхозда ишлашар экан. Душман бу ерда бир ярим йилга яқин бўлган. «Колхозни тарқатиб, «обшчина» туза бошлаган. Ҳар ишчи кучига бир гектар ерни экиб беришга мажбур қилган. Улар экканлар. Душманлар бугдойнинг ҳаммасини олиб кетган. Аёлнинг бисотида битта сигири бор экан, холос. Александра Теретьевна менга бир кружка сут келтирди:

— Ҳозир сигир соғдим, сут ичинг.

— Сигирингиз қанча сут беради?— дейман мен.

— Уч литр. Аввал 15 литр берар эди.

24—25 март.

Курскда учувчилар орасида бўлдик. Қирувчилар аэродромини, штурм самолётлари аэродромини кўрдик. Америкадан келган самолётлар билан танишдик. Фашистлар «қора ўлим» деб ном қўйган «Илюшин» самолёти билан муфассал ошна бўлдик. «Илюшин» самолётига ўрнатилган парраклар, пулемётлар ва реактив снарядларни кўрсатдилар.

Ватанимизда чиқаётган самолётлар ҳозир иттифоқчилардан келаётган самолётлардан ҳам, фашистларнинг самолётларидан ҳам устун.

27 март.

Олтинчи гвардиячи дивизиядан қайтиб, Курскка келдик. Ҳарбий асирлар лагерида бир яҳудий ва икки фашист асир билан сўзлашдик.

Яҳудий венгерлар орасида қўлга тушган. У доктор экан. Душман армиясида уни кучер қилиб ишлатганлар.

— Венгер аскарлари орасида,— деди у,— юз мингга

10

20

30

40

яқин яҳудий бор эди. Яҳудийларни асосан қора ишда, қурувчилик ишларида фойдаланар эдилар.

Асир ефрейтор билан суҳбатимиз жуда зерикарлик бўлди. У, фин солдатиман, деди, бошқа ҳеч нарса айтмади. Лекин оберлейтенант билан бўлган суҳбат жуда қизгин ўтди. У ўзини жуда дағал тутди. Мияси тамом заҳарланган. Ҳали ҳам «буюк» Германиянинг енгшига ишонади. Сталинградда асир тушган генераллар ҳақида газаб билан сўзлайди.

- 10 Суҳбатда бизга шоир А. Безименскийнинг ўғли таржимонлик қилар эди. У душман генераллари асир тушганда оддий қизил аскар кийимида ўша генераллар ичида юрганини сўзлаб берди. У душман генералларининг асир тушганларини бутун тафсилотлари билан билади.

28 март.

Яна Свобода қишлоғидамиз. Бугун обед вақтида Мўғулистон Халқ Республикаси делегацияси билан учрашдик. Улар ҳам Қизил Армияга совға олиб келганлар.

- 20 Кечқурун сафаримизнинг энг олий нуқтаси юз берди. Яна Ҳарбий Совет аъзолари билан учрашдик. Бизни бехосдан чақириб қолдилар. Учрашувда Рокоссовский, Калинин, Козаков, Галаджев ва Пономаренко ўртоқлар бўлдилар. Ултириш то эрта билан соат 5 гача давом қилди. Ултириш ғоят самимий эди. Рокоссовский билан жуда узоқ сўзлашдик. Бошда жим ва ҳар замонда бир-икки оғиз сўз айтиб жилмайиб қўйгувчи бу одам жуда очилиб кетди. У ўзининг таржимаи ҳолини, қамоқда ётганларини, Сталин билан бўлган учрашувларини, Москва, Брянск, Сталинград атрофида қилган жангларини, 30 ярадор бўлганларини сўзлаб берди.

МАҚОЛАЛАР ВА ХАБАРЛАР

КЕЛГУСИ ДАРҒОМ (Таассурот аралаш)

Йўл гўзалликлари

Эллик чақирим чўзилиб кетган йўл. Айтишга осон, лекин юрган чоғларда кўзларингиз тешилгундай бўлади. Йўлларда ҳар нарсани кўрамиз, ҳар нарсани. Биз шу эллик чақирим йўлни кезмак, эркаланиб оқиб ётган Зарафшон бўйларини кўрмак бўлдик. Яшин эди. Автомобиль Зарафшон дарёсига қараб варилаб орқа-олдига қарамасдан жўнади.

10

Автомобилнинг ҳаллослаб оққан қадамларига тошлар, дўнгликлар, чуқурликлар ва қишдан қолган доғлар тўсқин бўладилар. У ўзини отиб-отиб уради. Биз бутун вужудимиз билан титраймиз. Картиналарда автомобилларнинг даҳшатли суратда чопган вақтларини эслаймиз. Шунини ҳис этамиз.

Сиз яхши гўзалликни Зарафшон дарёси қучоғида кўриш мақсадида, ўша томонга оққанингизда кўрасиз. Бутун гўзаллик йўлларда:

Кўчалардан ўтар экансиз, ерга қараб сукут қилол-майсиз. Қизариб турган шафтолилар, нахши олмалар сизнинг бутун борлигингизни ўзларига тортадилар: «Шафтоли шохи ларзон», дейсиз. Улар, кўчаларга қараб, «мени ол» деб турган ёш болалар каби сиз томон талпинадилар. Сукут йўқ. Кўзларингиз ҳар томонга термулган..

20

Секин-секин далаларга гўзаллик бадиъаларини сочиб ётган қовун, тарвузларнинг думалаб ётганларини ҳам кўра бошлайсиз. Палаклар кўм-кўк. Куз малакларидан ҳали уларга мактублар келган эмас.

Автомобилнинг овозлари ҳаммада ҳам уйғоқлик тугдиради. Ҳамма уни кўрмак истайди. Болалар, эрлар кўчалардан, хогинлар, қизлар эса деворлардан, эшикларнинг оралиқларидан томоша қиладилар. Сиз ҳам ноилж уларга қарашга мажбур бўласиз.

30

Далалар қўйнига кирар экансиз, кўм-кўк, поёнсиз ёйилиб кетган шолиларни кўрасиз. Улар энг кучсиз шамолларга ҳам куз япроқларидек қалтираб ўйнаб берадилар. Уларнинг ўйнашларини сиз ўзингизга назмдай сезасиз. Улар, сув денгизлари ичида ёш-ёш ўсадилар.

Чанг... чанг бутун гўзалликдан сизни бездирмак истайди. Уларнинг кўзларини, юзларини ва хипча белларини нурсизлантиради. Фақат сиз, у гўзалликдан безолмайсиз. Юзингизни ундан бура олмайсиз.

- 10 Зарафшон бўйлари, Зарафшонга яқин ерлар ҳали кўклам. Ҳамма кўм-кўк. Сарғайиш, сўнгги дақиқаларни ҳали сезганлари йўқ. Бу ернинг ерлари, ҳали куз елликларини кўрганлари йўқ.

Эрка Зарафшоннинг олтин сувлари, балки буларни ўз бағрига мангу олгандир.

Балки Зарафшоннинг ҳурмати учун табиат буларга мангу баҳор бағишлагандир.

- 20 Чўзилиб кетган сим ёғочлари манзилга яқин қолганини билдира бошладилар. Зарафшоннинг ҳобқираб оқишлари эшитила бошлади. Уйлар, машиналар, тракторлар яна алланималар кўрина бошладилар.

Кўн ботди. Кечқурун биз Зарафшон бўйидаги «маданӣ қишлоққа» етиб автомобилдан тушдик.

Зарафшон бўйларида

Ўлкамизда халқни сув билан тугал таъмин қилиш масаласи жуда чанқоқ ишлардандир. Ариқлар ва дарёларимизнинг технический томонлариңи тузатиш, сувни тўғри тақсим қилиш иши маҳаллий масалалардан бўлиб келади. Айниқса, Зарафшон дарёсини... бузуқ шу ҳол-

- 30 дадир.

Сув хўжалигининг марказий идораси ва бошқа идоралар бу масалани ҳал қилишга киришдилар. Зарафшон дарёсидан олинадиган эски Дарғом сувидан яхши фойдаланиш ниятида ҳозир канал сунъий дарё ишини бошлади. Кирган уйимиз ишчилар кўмитасининг идораси эканини Баладов ўртоқ билдирди. Биз ишчилар орасидаги ерлиларга яхши эътибор қилинаётганини шу ерда кўрдик. Касабалар союзига кириш учун ерлилар томонидан тўлдирилган анкеталар мамнуният билан қабул қилинди. Шу кечаси биз радиодан Тошкентда қилинган маърузани тингладик. Баладов ўртоқ тездан ишчилар учун 400 кишилиқ радио қўюлғусини билдирди.

Биз, эрта билан Анжирнай Будривич билан танишдик. У бизни ишлар билан таништирди.

Янги Дарғом каналидан етти катта ариқ сув олади. Бу каналнинг бирмунча ерлари цемент қилинди. Қолганлари ҳам қилинғусидир. Урта Осиё жумҳурияти шу билан бирдан-бир цемент қилинган тажрибакор Янги Дарғом каналига эга бўлғусидир. Бу иш, Урта Осиё учун катта ютуқлардан саналса керак.

Канал учун лозим бўлган майда тош ва қумлар ишчилар томонидан ясалган темир йўллар орқали 20 чақирим узоқликда бўлган бир тоғдан олиб келинди. Бу ернинг ишчилари тракторни темир йўллардан юргизиш йўлини топдилар. Бу эса ҳали кўрилмаган янгиликлардандир. Бу ҳол, уларнинг канал ишига нақадар самимият билан курашганларини кўрсатади. Сув билан халқни таъмин қилишда уч хил йўл бор:

1 — сувни доимий оқизиб қўйиш (худди ҳозирдагидай).

2 — навбати билан сув бериш.

3 — ҳар кимнинг сувга бўлган эҳтиёжини таъминлаш. 20

Анжирнай Будривич Янги Дарғом каналининг асл мақсади ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб, йўлини олиб сув бериш бўлса ҳам, аввал ариқ-ариқча навбати билан Фарғонанинг Шоҳимардони йўли тутилишини айтди.

Канал тамом бўлгандан сўнгра ҳар ариқларнинг бошига маданий эллардаги каби мурватли очиб-ёпиш ишлари ҳам қилинғусидир. Бу ишлар деҳқонлар учун катта фойдалар етқариб, сувнинг бекорга, қуруқ ерларга кетмаслигига йўл очади. Сувни иқтисод қилиш масаласи ҳал этилади. 30

Янги Дарғом каналини солиш иши 1925 йилдан бошланган бўлса ҳам 1926 йилдан жиддий ишга киришилди. Айниқса, икки ойдан бери иш жуда ғайрат билан олиб борилмоқдадир.

Агар Янги Дарғом канали муваффақият билан битса, ундан 60000 гектар ерни суғориш мумкин бўлади. Шу билан Янги Дарғом канали Урта Осиёдаги катта ариқлар қаторига кирғусидир.

Янги Дарғом каналини тайёрлаш йўлидаги ишлар жуда муваффақият билан боради. Охунбобоев, Алажухоев, Рудинку ўртоқлар ҳам яқинда бориб ишнинг боришидан хурсанд бўлдилар. 40

ЯНГИ ДАРҒОМ КАНАЛИ

2200 йилдан бери ўз сувини тартибли равишда халққа тақсимлаб беролмаган Зарафшон дарёси бугун тузалиш олдида туради. Зарафшон ҳовлиқма дарё, унинг сувлари чопар отдек тез оқади. Шунинг учун сувни тақсим қилишдаги оддий ҳаракатлар унга бас келаолмайдирлар. Зарафшондан сув ичадиган ишчи-деҳқоннинг ҳаммаси ҳам қийналиб келди. Сувни бўлиб олиш тўғрисидаги ҳаракатлар кучсиз бўлганидан меҳнатлар бекорга кетди.

Албатта, ҳўжалигимизни кўтаришда бу нарсанинг катта зарари бор, уни тузатиш керак.

Ҳукумат шу ишга киришди. Зарафшондан олинадиган ўрта Осиёнинг катта ариқларидан саналган Янги Дарғом наҳри тузатила бошланди. Унинг юқорисидан Равотхўжа дарғати ҳам ишланаётпти.

Ҳозир сиз, Самарқанддан эллик чақирим узоқликда бўлган далага чиқсангиз бу ҳақда кўрилаётган тадбирлар билан яхшигина ошно бўласиз. Янги Дарғом ҳозир канал ҳолига айлантирилаётпти. Бундан сўнгра унинг суви Фарғонанинг Шоҳимардони каби тақсим қилинади.

Ҳар куни эрта билан қатор-қатор автомобиллар Самарқанддан Зарафшон дарёсига жўнайди. Унда сиз ҳукумат бошлиқларини ҳам кўрасиз. Улар бориб, ишга раҳбарлик қилиш баробарида у ернинг ҳолидан ҳам хабардор бўлиб келадирлар. Яқинда борган ўртоқ Охунбоев ҳам ишнинг боришидан хурсанд бўлиб қайтди.

Янги Дарғом канали бирмунча ишсизларни ўз қучоғига олди. Буларнинг ичида ерлилар ҳам бирмунча позини ташкил қилади. Янги Дарғом каналида ишлагувчилар худди Зарафшоннинг ҳайқириб оқадиган ерининг ла

бида истиқомат қилади. Шу ер бир қишлоқ ҳолига айланган.

Ишчилар учун керак бўлган нарсаларнинг ҳаммаси тайёр. Театр саҳнаси, клуб, қироатхона ҳар куни очилиб туради. Ҳар куни борган автомобиллар янги газета, журналлар олиб бориб турадилар. Яқинда 400 кишилик радио ҳам қўйилди. Бу нарсаларга ишчилар қўмитаси раҳбарлик қилади.

Янги Дарғом канални солиш йўлидаги ҳаракатлар жиддий. Ишчилар бу иш билан қизиқадилар. - 10

Ишчилар тракторни темир йўлда юргизишни кашф этдилар. Канал учун керак бўлган қум ва бошқалар ишчилар томонидан солинган темир йўл орқали 20 чақирим узоқликда бўлган тоғдан келтирилади.

Ариқларни канал ҳолига айлантириб, цемент қилгандан сўнгра келадурган фойда аввалги зарарлар ўрнини босиши мумкин. Бу ишни Америкада бошлаб, катта тажриба ва муваффақият қозондилар. Шунинг каби Янги Дарғом канали ҳам цемент қилинади. Ул Ўрта Осиёда бирдан-бир тажрибакор ариқ бўлади. 20

Канални солиш йўлидаги жиддий ҳаракат баҳор ойларида бошланди. Канал солиниб битгандан сўнг, ишланмасдан ётган маҳсулдор 10 минг гектар ердан фойдаланиш мумкин бўлади.

Янги Дарғом каналнинг бошидан ҳар сонияда юз мука об метр сув оқади.

Бу кунгача Дарғом сувининг 50 фоизи бекорга кетиб, фойдаланмасдан қолиб келган. Шу вақтларда ариқдан бир мука об фут оққан сув, ҳар сонияда пахта каби қуруқ экинларнинг 30 десятинасини, шоли каби ҳўл экинларнинг 5—7 десятинасини суғорган. 30

Канал ишга бошлагандан сўнгра бир мука об фут оққан сув билан ҳар сонияда 180 десятина ерни суғориш мумкин бўлади. Бу нарса, каналнинг қандай аҳамиятга эгаллигини кўрсатса керак. Янги Дарғом канали хўжалигимизни илгарилаш йўлидаги катта муваффақиятлардандир.

ГУЛЛАЕТГАН САНЪАТ

I

Қозоқлар икки киши тўғрисида жуда кўп гапирадилар. Бунинг биринчиси Ҳасан Қайғи ва иккинчиси қари Жамбул. Ҳасан Қайғи умр бўйи яхши турмуш ва эркин яшаш тўғрисида хаёл қилади, бахт ахтаради ва уни тополмасдан, шу бахт қайғуси билан ўлиб кетади. Ҳасан Қайғи инқилобдан бурунги қозоқ халқига ўхшатилади. Жамбул ҳозир ҳаёт. унинг ёши тўқсонга кирган. Лекин

10 бақувват ва тетик. Жамбул ҳам бахт ахтарганлардан, лекин тилагига етмай ўлиб кетганлардан эмас, балки унга етишган кишидир. Жамбул — эл бахшиси, халқ шоири. У халқнинг тилак ва армонларини куйлаб, кенг саҳроларда кезиб юради. У бахт топади. Озод турмуш ва маъмур яшашга эришади. Ниҳоят, Москвага боради ва нишон олиш саодатига эришади. Қозоқлар ўзларининг инқилобдан сўнгги ҳолларини ана шу Жамбул образида кўрадилар.

20 Ҳасан Қайғи деганда, кўз ўнгида бахт излаган, бахт тўғрисида хаёл қилган ва уни тополмаган, Жамбул деганда бахт излаган ва уни топган киши жонланади.

Шу кунларда Олмаотада кўрсатилган «Эр Торғин» операси, «Омонкелди» драмаси устида ҳам шундай бир ўхшатиш юргизиш мумкин.

«Эр Торғин» — юз йиллардан бери халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб сақланиб келган халқ достони. Эр Торғин — қозоқ ботири.

30 Эр Торғин адолатсизликка қарши кўтарилиб, хоннинг ўғлини ва бекни ўлдирган. У ҳақиқат ва адолатга суяниб иш кўрадиган бир ер ахтариб кетишга қарор қилади; отланиб йўлга тушади ва шундай бир ерни ахтариб кетади. Шу кетишда Қримгача боради. Иш кўрсатиб, хоң қўшинининг қўмондони бўлишгача кўтарилади.

Хон қизи Оқюнус Торғинни севиб қолади. Саройда бўлса ҳар ёқдан ўлжа бўлиб келган жуда кўп асиралар бор. Қалмоқларни енгиб чиққандан сўнг келтирилган асира Тоно буларнинг ичида энг ақллиси ва энг гўзалидир. Торғин Оқюнуснинг севгиси ва рашкига қарамасдан Тонога уйланади. Аммо сарой Торғин ўйлаган жойга ўхшамайди. Ундаги фитна ва игво шу даражага борадики, шунчалик енгилмас ботир ҳисобланган Торғин кўшин қўмондонлигидан олиниб ташланади ва арзимаган бир кишининг қўл остида уни қалмоқларга қарши 10 урушга кетишга буюрадилар. Шунда Торғин бош тортади ва: «Мен қул эмас, ботирман, қуллар даражасига тушмайман»,— дейди.

Тоно Қримни ташлаб қочишга таклиф қилади. Торғин рози бўлади ва ўз севган отини ахтариб кетади.

Оқюнус Торғинни Тонодан ажратиш чорасини кўради, асирани чақириб, қочоқликка маслаҳат беради ва у қочган тақдирда ёрдам беришга ваъда қилади. Тоно Торғинни севганини ва ажралмаяжagini сўзлайди. Шунда Оқюнус жаллодларга буюриб, Тонони зиндонга ташлайди 20 ва ўзи Торғиннинг орқасидан чиқади.

Торғин денгиз қирғоғида Тонони кутиб турибди, аммо унинг дўстлари хон қўшинининг қўмондони, Торғиннинг ёви келаётганини айтиб, бундан тезроқ жўнашни ўтинадилар. Торғин «Тонони топмасдан, уни асир қилганларни ўлдирмасдан кетмайман», дейди. Шу аснода Оқюнус ўз дўстлари билан келиб чиқади. У Тононинг Торғиндан айниб қолганини, ўзининг қалмоқларига қочиб кетганини айтиб ишонтирмоқчи бўлади. Оқюнус 30 Торғинни қучиб, ўз севгисини такрорлайди. Торғиннинг юрагини шубҳа босади, узоқ ўйлагандан сўнг Қримни тарк қилишга қарор қилади. Оқюнус унинг билан бирга кетишга унайди.

Волга дарёсининг бўйида Торғин чодир қурган. Вафо ва садоқатдан маҳрум бўлган Оқюнус энди ўша жойдаги Хонзодани яхши кўриб қолади. У зерикканлик ҳақида Торғинга шикоят қилади. Торғинга бу ёқмайди: «Мен сенга олтин тахт ваъда қилганим йўқ. Мен билан бирга бўлишга рози бўлганингда бутун зотингдан кечгансан»,— дейди. 40

Хонзода билан Оқюнус тўйига Қримдан одамлар келдилар. Кечқурун шомда Торғинга учраб қолган кампир асира Тононинг онаси бўлиб чиқади. Торғиннинг

бир дўсти Оқюнус билан Хонзоданинг тўйи ҳақида хабар келтиради. Қримдан Тононинг ҳам келтирилганини, қайталабдан Оқюнусга қул қилинаётганини айтади.

Торғин ўз йигитлари билан тўғри тўйга босиб боради, душманларидан ўч олиб, Тонони қутқаради ва ўз яқинларини йигиб, зулм, хонлар ва хонзодалар бўлмаган кенг, эркин саҳрога чиқиб кетишга таклиф қилади.

Хулоса. Эр Торғин дунёни айланиб чиқиб бахт ва адолат тополмайди.

- 10 Омонкелди 1916 йил қўзғолонида, инқилоб ва граждандан урушлари замонида халқ ҳаракатининг қаҳрамони бўлган одам. У Октябрь инқилоби натижасида озод бўлган қозоқ халқининг бахти учун курашади. Унинг энг яқин большевик дўсти бор. Бу — Егор. Бутун рус оқ генераллари билан бирлашиб олган Олош Ўрда аксилниқилобий ҳукумати Омонкелдини йўқотиш учун курашади.

- Омонкелди қозоқ болаларини тўплаб қуроллантиради ва уларни аксилниқилобга қарши тоғдай кўтаради ва шу тоғ билан бирга халқ душманларига қарши кўкрак кериб боради.
- 20 Омонкелди ўлдирилган бўлса-да, халқ енгиб чиқади. Қуроланган қозоқ йигитлари оғир қайғу қаршисида тўла умид ва ишонч билан ҳаётга қарайдилар. Чунки бутун қозоқ халқи ўз бахти учун курашар ва уни сақлаб қолар эди.

- Март ойида бўлиб ўтган Қозоғистон Советлар қурултойига Омонкелдиннинг ёдгори — ўғли кириб келди. У ҳозир совет мамлакатининг чегара қўриқчиси бўлиб ишлайди. У минбарга чиққанда, бутун қурултой уни катта ҳаяжон билан қаршилади ва у халқ бахтини ҳам Совет
- 30 Ватанини сақлашга онт ичди.

II

Бултур Москвада ўтган қозоқ санъатининг ўн кунлиги худди чақмоқ чаққандай бўлди. Чунки унгача қозоқ санъати бобида нималар қилинаётганини кўплар билмас эди. Ҳолбуки, Москва ўн кунлигида қозоқ санъати бирданига бутун СССР аҳамиятини қозонди ва жаҳонга машҳур бўлди. Қозоқ санъатининг ютуқларига ҳамма таҳсин ва офарин ўқиди.

- Дарҳақиқат, қозоқ санъати кишини ҳайрон қиларли даражада ўсди. У шунчалик катта ютуқларни фақатгина уч йил ичида қўлга киргизди. Қозоқ музыка театри —
- 40

ҳозир қозоқ опера — балет театри 1933 йилдагина юзага келган эди. Театр шу уч йил ичида ўз артистларини етказди ва «Айман-Чўлпон», «Жалбир», «Қиз Жибек» сингари музыкали пьесаларни яратди.

Айниқса, «Қиз Жибек» Москва ўн кунлигида жуда катта муваффақият қозонган эди.

Инқилобгача қозоқларда музыка жуда қолоқ ҳолда бўлган. Дўмбирадан бошқа бирор музыка олатининг бўлганини биз билмаймиз. Рақс ҳам шунингдек, жуда ибтидий даражада, фақат халқ орасида бўлган. Театр бўлмаганлиги ўз-ўзидан маълум. 10

Ана шундай бир халқ бирданига майдонга от солиб чиқди. Гапнинг рости шу: от солиб чиқди. Москвага бориб, қозоқ қизи опера артисткаси сифатида ариялар айтди, қозоқ йигити жуда мураккаб олатлар билан музыка чалиб берди, қозоқ раққослар жуда гўзал ўйинлар кўрсатдилар.

«Қиз Жибек»нинг музыкаси, қозоқча қилиб айтганда, одамга мойдай ёқади. Асарнинг мазмуни ва ифодаси жуда юмшоқ ва лирик. 20

Бугунги қозоқ санъатининг афзалликларидан бири унинг халқ ижодига жуда яқин турганидир. Бугунги қозоқ опера театрининг бутун асарлари халқ дostonлари асосида яратилмоқда. Қозоқ санъати қозоқ халқ ижод чашмасидан озиқ олади. Музыка, рақс шунга қараб ишланади ва шунинг учун ғалаба қозонади.

Биз Олмаотада бўлган вақтда биринчи қозоқ операси кўрсатилди. Бу «Эр Торғин» эди. Бу музыкали пьеса эмас, ҳақиқий операдир. Бу — операнинг бутун хислатларини ўзига сиғдирган. Бунда асарнинг бошидан-оёғигача музыка саҳнага қўйилиб туради. Опера яратишдаги биринчи катта қадам жуда муваффақият билан қаршиланди. 30

Қозоқ санъатидаги яна катта бир жасурликни ҳам айтиб ўтиш керак. Бу қўшни жумҳуриятларнинг санъат бобидаги ютуқларини эгаллаш бобида бўлаётир. Биз қозоқ саҳнасида ўзбек рақсларини кўрдик. Лекин ўзбек рақслари ўз ҳолича қўйилган эмас, у анча ишланган ва жуда кўп қозоқ унсурлари киргизилган.

Бундан ташқари, соф ўзбек рақслари ҳам ижро қилинади. Машҳур Уста Олимнинг шогирдлари қозоқ саҳнасига чиқиб чилдирма чалмоқдалар. Раққоса Шара 40

Жандарбекова «Катта ўйин»га тушади ва бу катта завқ билан томоша қилинади.

III

Сўнгги йилларда қозоқ маданияти бобида жуда кўп одамлар етишди. Қозоғистон социалистик қурилишнинг бутун соҳаларида касб қозонган кишиларга эга бўлди. Бу ўзининг халқ хўжалигини тиклаб, ўстириб маъмур турмушга эришган қозоқ халқининг жуда катта ғалаба-сидир.

10 Камбағал бир этикдўз — ямоқчининг қизи Кулаш Бойсеитова ҳали жуда ёш бўлса-да, СССР халқ артисти номини қозонди ва бу ном унга бекорга берилган эмас.

Биз «Қиз Жибек» ва «Эр Торғин»да унинг ашуларини тингладик. Қойил бўлмасдан мумкин эмас. Булоқ сувидай тоза бўлган унинг товуши худди ипакдай товланади. Ҳар бир ашулада аввалгисига ўхшамаган, такрорланмайдиган янги бир овоз майдонга келади. Унинг «Қиз Жибек»даги машҳур «Гаккув» ариясини (ашуласини) эшитиб тўймаймиз. Қозоғистоннинг узоқ
20 «олти ойчалик» йўлларида келган кишилар энг аввал шуни сўрайдилар. Радио ҳар куни уни эшиттирмаса иложи йўқ.

Қозоқ танқидчиларидан бири Кулаш тўғрисида ёзиб келиб: «Олмоснинг юзини, гавҳарнинг кўзини кўрингизда, Оқюнус ролидаги Кулашни кўрингиз... Йўқ, мақтовга тил етмайди»,— дейди.

IV

Биз бу ёзуваримизда Қозоғистоннинг бутун соҳалардаги ажойиб ғалабаларини сўйлаб беришни ўз олдимизга қўйганимиз йўқ. Бунинг учун жуда кўп ёзиш керак бўлади. Фақат шуни айтиш мумкинки, Қозоғистон таниб бўлмас даражада ўзгарган. Яқиндагина ўрта аср қолақлигидан хабар берган бу поёнсиз ўлка бугун иттифоқдош бир жумҳуриятга айланиб, бизнинг кўз ўнгимизда эртақлардагина сўзланадиган гўзал бир жаннат тусини олмоқда. Қозоқ халқининг энг яхши ўғиллари худди ана шундай бир ўлка ҳақида хаёл қилган эдилар. Ҳозир бу ерда туганмас, битмас қувватли бир ижодий чашма қайнаб турибди.

Қозоғистоннинг гўзал раққосаси Шара Жандарбекова томонидан ижро қилинган янги бир рақс ҳаммани — оддий колхозчилардан тортиб ҳукумат раисигача ҳаяжонга солади ва хурсанд қилади.

Бу — халқ уйғонган ва юксалаётган, кенг омма буюк тоғ қатламлари сингари ҳаракатга келган вақтдагина шундай бўлиши мумкин.

Қозоғистон — Ватанимизнинг гўзал бир жумҳурияти.

АДАБИЁТ ВА ХАЛҚ

Адабиёт ўзининг барча илдизлари билан халққа боғланган. У халқ мулки. Халқсиз адабиётнинг юзага келиши ёхуд яшаши ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Чунки у халқнинг ўз ичида кўкариб чиқади, гуллайди, яна халққа қараб боради. У ўзининг бутун маъноси, моҳияти ва аҳамиятини ҳам шу халққа яқинлашганда топади. Шу жиҳатдан совет адабиёти дунёда бор ва бўлиб ўтган адабиётлар ичида энг бахтли адабиёт, унинг ижодчилари энг бахтли одамлардир. Ижодчилар учун халқ керак, чунки ижод шодлигини, яратиш ифтихорини туғдирувчи куч халқнинг ўзидир.

Одамзоднинг онгига янги тушунчалар сингдириш, кишиларнинг фикр доираларини кенгайтириш, одамларнинг миясидан феодал-патриархал жамият қолдиқлари, капитализм қолдиқларини чиқариб ташлаб, уларга инсоний фикр ва сезгиларни пайвандлаш бутун зарурияти билан санъат ва адабиёт устига тушади. Биз социализмдан аста-секин коммунизмга ўтаётган бир вақтимизда учинчи беш йилликда, кишилар онгидаги капитализм қолдиқларини тамоман йўқотиш асосий вазифа қилиб қўйилган бир даврда адабиётнинг зиммасига тушган вазифа яна ҳам масъулиятлироқ бўлади.

Санъат ва адабиёт ўзининг хос йўллари билан одамларга яхши ва гўзал хислатларни сингдиради. Кишиларнинг кўзига яхши ва ёмонни аниқ кўрсатиш адабиётга ҳамма нарсадан кўра осонроқ кўринади. Улуғ шоир Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ини кўрган кишилар дарҳол дунёнинг нималардан иборат эканини англай бошлайдилар. Уларнинг кўзлари олдида бир-бирига зид бўлган дунёлар гавдаланади. Улар бу дунёларнинг қайсиси яхши, қайсиси ёмон, қайсиси вафо, қайсиси бало

экани ҳақида ўйлай бошлайдилар. Уларга Фарҳод маъқул бўлади. Ширинни умр бўйи севиб қоладилар. Хисравни бутун вужудлари билан ёмон кўрадилар. Ёсуман деб атаган айёр хотинни йўқ қилгулари келади. Шопурнинг ишларини севиб олқишлайдилар.

Навоий яратиб қолдирган бу образларнинг кишилар кўзи олдида бирини яхши, бирини ёмон қилиб кўрсатган нарса нимада? Бу образларга сингдирилган кишилик хусусиятларидир. Фарҳод ҳам, Ширин ҳам, Хисрав ҳам — ҳар бири кишилик жамиятида бор бўлган хусусиятлардан бирини ифода қиладилар. Натижада одамлар шу жамият, унинг кишилари, унинг яхши ва ёмон одамлари ҳақида ўйлай бошлайдилар. Уларнинг кўз олдида қарама-қарши гуруҳлар гавдаланади. Улар кишиларнинг тақдирлари, шу гуруҳлардаги хусусиятлар, инсоний сифатлар ҳақида тушунишга мажбур бўладилар. Улар ёмон хусусиятларни йўқотиш устида ўйлайдилар. Фарҳод, Ширин ва Шопурда бўлган хусусиятларни ўзларида ҳам кўргилари келади, яхши ва ёмон иш қилар, юрар, турар экан, уларнинг кўз олдида Фарҳод ва Ширин, Хисрав билан Ёсуман қилган ишлар, хислатлар, хусусиятлар намоён бўлиб турадилар. Хисрав билан Ёсуманни қарғаб, Фарҳод билан Шириндаги гўзал инсоний хусусиятларни тарғиб қиладилар. Фарҳод билан Ширинни мард ва озод инсоннинг йўлошлари сифатида севиб олқишлайдилар.

Биз Навоийнинг шу мисолида адабиётнинг халқ учун қанча азиз, қанча керакли нарса бўлиб келганини ва унинг халқ ва жамият турмушида қанчалик роль ўйнаганини очиқ кўрамиз, шундай мисоллардан бири қилиб Гоголни ҳам келтириш мумкин. Гоголь яратиб қолдирган «Ревизор»даги Хлестаков образи ҳозирги кунда ҳар кун эсга олиниб туради. Улар бизнинг социализм қурган жамиятимиздаги эски қолдиқларни эслатадилар. Гоголь томонидан яратиб қолдирилган ёмон одамларнинг образлари, бизнинг жамиятимизда ҳозир ҳам тамом бўлиб етмаган муттаҳамлар, бюрократлар ва умуман ёмон, алдоқчи, бачкана, паст одамларнинг ота-болалари, қавмиқариндошлари экани аниқ англашилади. Натижада улур Гоголь бизга ёрдамга келади. Биз унинг қуроли билан ўз душманларимизга қараб ўқ отамиз.

Шу хилдаги мисоллардан яна жуда кўп келтириш мумкин. Булардан адабиётнинг халқ учун, унинг ижо-

дий иши учун нақадар зарур экани англашилади. Шунинг учун ҳам бугун халқимиз, Партия ва ҳукуматимиз адабиёт ва санъатга зўр аҳамият берадилар. Айниқса бундан сўнг коммунизм қураётган бир даврда, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги фарқ, қарама-қаршилиқ йўқолаётган бир даврда, бутун совет халқи ёппасига саводли ва маданий бир халқ бўлаётган бир вақтда, ўз-ўзидан маълумки, адабиёт ва санъатга бўлган эҳтиёж ҳеч кўрилмаган даражада зўраяди.

- 10 Ўзбекистон совет ёзувчиларининг республика II съезидига тўпланар эканмиз, бизнинг назаримиз асрлар бўйи, помешчик ва капиталистик зулми остида яратилиб қолдирилган буюк кишилик маданиятига, буюк адабиёт ва санъатларга қаратилади. Шу кишилик томонидан яратилиб қолдирилган буюк инсоний маданият устида кўпроқ ўйлаш, кўпроқ тушуниб, кўпроқ ўрганиш қанча муҳим ва зарур экани аниқроқ бўлиб қолади.

- Биз кўп миллионли маданий ўқувчига, халққа эгамиз. Бизнинг ёзган ҳар бир нарсамиз эртаси кунийёқ бутун халққа бориб етади. Бизнинг ёзганларимизга халқ беш юз минглаб қўл қўяди. Миллионларча тираж билан бошиб чиқариб ўқийди.

- Халқ душманлари — буржуа миллатчиларига қарши кескин кураш ва тортишувлар ичида ўзбек совет адабиёти ўсиб чиқди. Унинг кадрлари етишди. Биз бутун халқимиз томонидан севилиб ўқиладиган гўзал дostonлар, ажойиб ҳикоялар ва драмаларга эгамиз. Халқ уни билди ва қайта-қайта ўқиб туради. Уларни ижод этган ўз ёзувчиларини тақдир қилади. Халқ ёзувчиларимизнинг
- 30 энди анча ижодий тажриба орттириб вояга етиб қолганидан ҳам хабардор, чунки у уларнинг ҳар бирини якка-якка кузатиб боради. Шунинг учун ҳам бугун улардан жиддийроқ ва каттароқ асарлар кутади. Бу тамом қонуний бир ҳол, чунки маданий халққа кучли ва зўр адабиёт керак. Бунинг учун Ўзбекистон совет ёзувчилари халқ олдида қарздордир.

- Бизлар чин маъноси билан санъаткорона бир даврда яшаймиз. Бу санъатнинг роли жуда баланд поғонага кўтарилган. Халқимиз санъат ва адабиётни зўр ишнинг
- 40 муҳим бир бўлаги деб қарайди. Шунинг учун ҳам санъат ва адабиёт зўр тарихий силжишлар замонида тиккасига баландга кўтарилади. Кўтариладиган даврнинг ху-

сусиятлари унинг барча соҳаларида ҳам акс этади. Буюк давр буюк адабиёт яратади.

Ўзбек совет адабиётининг гуллаши таъмин этилган. Унга халқ ва ҳукумат ғамхўрлик қилади. Унинг тўғри-сида улуғ партия ғамхўрлик қилади. СССР халқларининг дўстона оиласида ўзбек совет адабиёти баланд поғоналарга кўгарилади. Унинг ёзувчилари улуғ давримизга, буюк халқимизга муносиб ва лойиқ бўлган адабиётни, албатта, юзага келтиражақлар.

ҚУШИҚ

Бизнинг машҳур халқ шоирларимиз — Ислом шоир, Фозил Йўлдош жуда кўп қўшиқлар яратдилар. Улар яратган қўшиқлар ботирликка чақиради. Улар ўз хаёлларида Гўрўғли, Авазхон ва Алпомишнинг жангларини жонлантиради. Ислом шоир халқ лашкарлари, партизанлар, колхозчи Йўлдош ва учувчи Пўлат ҳақида куйлайди.

10 — Қўшиқ айта бериб, душманни кўрмасам ҳам, кўришгандай бўлдим, майдонга кириб урушгандай бўлдим, — дейди.

Кекса шоирнинг бу ўткир сўзлари ҳамма ёзувчиларимизнинг руҳига мос келади. Ҳозир уларнинг ҳаммаси ҳам шундай. Одамхўр фашизмни дунё юзидан супуриб ташлаш — ҳозир бош мавзу. Улар душман тепасига ўзининг қиличдай кескин ва найзадай ўткир қаламини кўтарганлар. Ватан уруши бошлангандан бери улар юзга яқин қўшиқ яратдилар. Улар ҳозир ҳар ерда яратилади. 20 Шеър қўшиққа айланиб музика орқали халқ билан қўшилмоқда. Улар киноларга чиқмоқда. Миллионларча тингловчиларга эга бўлган радиодан ҳар куни шеър ва қўшиқ эшитилади. Чустий, Собир Абдулла, Уйғун, Амин Умарий ва бошқа талантили ўртоқларнинг шеър ва қўшиқларини ҳозир ҳамма ерда тинглаш мумкин. Шеър расм билан бирлашган. Рассом расм чизади, шоир шеър ёзади. Расмлар, плакатлар, шиорлар юзага келади. Майдонларда, одамлар кўп тўпланаётган ерларда Ойбек, Липко, Темир Фаттоҳларнинг шеърлари пайдо бўлади.

30 «Улим ёвга» деган шеър китоби босилиб чиқди. Ҳозир «Ватан учун» деган янги китоб босилмоқда. Бунга ҳамма ёзувчилар қатнашган. Ислом шоирнинг қўшиқлари ҳам китоб бўлиб чиқади.

Драматурглар бир пардали асарлар ёздилар. Ғафур Ғулом «Профессор Мамлок»ни таржима қилди. Саҳнада кичик томоша асарлари, экранларда кичик янги фильмлар пайдо бўлди. Бундай асарларга эҳтиёж жуда зўр. Лекин бу ҳали озлик қилиб турибди.

Қадим замонларда ўзбеклар ажойиб бир баҳодир ҳақида хаёл қилганлар. Бу баҳодир душманларни ёмон кўради. Ўз ватанини, ўз халқини севади. «Душманни кесиб бағрин тузлайман; аслим шерман, ўзим йўлбарс, эзилмайман», дейди. У, дарёга ташласа чўкмайди, ўтга солса куймайди, душман ўқи баданига ботмайди, қилич кесмайди. 10

Замонларнинг хаёли бўлган шундай баҳодирни совет халқи яратди. Бу баҳодир — Ишчи-Дехқон қизил Армияси. У, душманни, кишиликнинг энг ифлоси бўлган фашистларни қирмоқда. Одамхўрлар шайқасини дарёлар, денгизларга чўктирмоқда. Ердан келганини ерда, кўкдан келганини кўкда ўлим жаҳаннамга жўнатмоқда.

Ана шу баҳодирни халқ ўз юрагининг энг муқаддас ерида сақлайди. Узининг энг бахтли соатларида уни эсга олади. Уни энг қайноқ, энг яқин, энг самимий сўзлар билан атагуси келади. Унинг тўғрисида овози бори-ча қичқириб қўшиқ айтгуси келади. Қўшиқ унинг қалбининг таржимони, ифтихорининг байроғи, севинчининг нишони бўлиши керак. 20

Шу қўшиқни ёзувчи яратиши керак. Унинг вазифаси шунда. Бу шундай қўшиқ бўлсинки, ҳар ерда унинг акс садоси бўлсин. Боғларда, далаларда, цехларда у янграб турсин. У қўшиқ — ишга бораётганларга бош, жангга кираётганларга йўлдош, Ватанни, унинг баҳодирларини севганларга сирдош бўлсин. Қўшиқ айтган жангчи жасур, қўшиқ айтиб ҳужумга кирган ботир зўр бўлади. Қўшиқ одамнинг руҳини баланд кўтаради. Жангчини жангга чақиради. Қўшиқ айтган ботирларни кўрган душманнинг юраги орқага тортади. 30

Ёзувчи — киши руҳининг инженери-ку! Шундай қўшиқни у яратиши керак. Вазифа шу.



Ҳамид Олимжон Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми йиғилишида. 1944 йил.

ГУЛ ҲАМ, ЧАМАН ҲАМ КЎП

Мен 1939 йилни ўзбек халқининг гениал шоири Алишер Навоийнинг ўлмас асари «Фарҳод ва Ширин» ни таҳрир қилиш каби шарафли ва масъулиятли бир иш билан қаршилайман. Бундан ташқари, мен кўпдан бери «Зайнаб ва Омон» номли дoston устида ишламоқдаман. Бу дoston бизнинг ҳозирги бахтли давримизда юзага келган янги кишилар ва янги муҳаббат ҳақида куйловчи асар бўлади.

Дostonни январь охирида бутун тамом қилиб, 10 босмага топшираман.

1937—38 йилларда болалар учун «Ойгул билан Бахтиёр» деган эртақ ёздим. Бу китоб ҳозир босилаётир. 1939 йилда болалар учун яна «Семурғ» ҳикоясини ҳам ёзаман.

Яқинда менинг «Бахт» деган шеърлар тўпламим ва мен босмага тайёрлаган машҳур «Алпомиш» дostonи чиқади. 1939 йилда опера учун «Алпомиш»нинг либреттосини ёзаман.

Ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоийнинг 20 «Баҳром» деган дostonини босмага тайёрлайман.

Бахтли давримиз, порлоқ келажакимиз кишини ишга, ижодга чақиради. Яшашимиз маънодор, ҳаётимиз гўзалдир. Шундай бир шароитда кишининг ёзгиси, яратгиси келади. Улуғ ўзбек шоири Навоий тили билан айтганда, бизнинг гўзал бўстонимизда ижодчи учун «гул ҳам, чаман ҳам кўпдир».

ТУРКМАНИСТОН ЮЗ ФОИЗ

Октябрь инқилобидан кейин, ишчи-деҳқон оммасининг маданий савиясини кўтарув ишларини осонлаштирув ва тезлатув мақсади билан бир миллий шўро жумҳуриятида бошланган янги алифбега кўчув иши, тез фурсатда кўпчилик томонидан маъқулланиб, ўзига кўп-ларнинг диққатини жалб қилди, яъни оз вақт ичида Шўролар иттифоқидаги жумҳуриятларнинг кўпчилиги лотин алифбеси асосидаги бирлашган янги алифбега кў-
10 чув ишига расмий равишда киришдилар.

Янги алифбега кўчув маданий ўзгариш ишининг не-
гизи бўлганидан уни турмушга татбиқ қилиш йўлида бир
қанча зарбали ишлар бўлишини назарда тутиб жумҳу-
риятларда янги алифбега кўчув учун 5 йиллик план ту-
зилган эди. Ҳатто, баъзи бир одамлар, тамоман янги
алифбега кўчув учун 5 йил вақтнинг жуда оз бўлганини
исбот қилув ҳаракатида бўлган эдилар. Лекин амалият
бизга бутунлай бошқа нарсани кўрсатди. Янги алифбега
кўчиш йўлида ишлаб бир йил тажриба ҳосил қилгандан
20 кейин жумҳуриятдаги ҳамма янги алифбе кўмиталари,
янги алифбега 5 йилдан илгари вақтларда кўчув мумкин
эканини яхши билдилар, ҳам иттифоқ янги алифбе мар-
каз кўмитасининг 1928 йили Қозон шаҳрида чақирилган
III пленумида «бир ярим йилда янги алифбега тамоман
кўчилсин» деган қарорни чиқардилар. Иттифоқ янги
алифбе кўмита пленумида мазкур қарор чиқарилгандан
сўнг янги алифбега кўчиш ишлари яна тезлатила, яна
кучая бошлади. Масалан, Қозогистон, Татаристон жум-
30 ҳуриятларида аввалда янги алифбега кўчиш ҳаракати
кучсиз бир ҳолда эди, ҳозирда энг қисқа муддатда янги
алифбега кўчув учун бу жумҳуриятларда кескин ва
амалий чоралар кўрилмоқдадир. Хусусан, Ўрта Осиёдаги

Туркменистон жумхуриятининг меҳнаткашлари янги алифбени турмушга татбиқ қилишда бошқаларга намуна бўларли иш қилди. Чунки Туркменистон жумхурияти шу йил биринчи октябрдан эътиборан идора ишларида, мактабларда, нашриёт ва матбуот ишларида ва бошқача расмий алоқаларда 100 фоиз янги алифбе қўллана бошлади.

Янги алифбега кўчув мақсадида амалий чоралар кўраётган ҳар бир жумхурият қачон бўлмасин бир замонда, албатта, бутунлай янги алифбени татбиқ қила бошлайди. Аммо, Туркменистон жумхурияти янги алифбега тамоман кўчув ишини, ҳатто бир ярим йилга чўзмади, яъни ушбу йилнинг биринчи октябридан эътиборан, араб алифбесини тамомила амалиётдан чиқариб, унинг ўрнига бирлашган янги алифбени ишлата бошлади. Демак, Туркменистон меҳнаткашлари, эски буржуа мероси бўлиб қолган ва ҳар хил хурофотларга эга бўлган ярамас қуролни амалиётдан тездан чиқариб ташлов зарур эканини билиб, тегишли чорани кўрди. Белгиланган муддатдан илгари янги алифбега кўчув билан Туркменистон ишчи-деҳқон оммаси, ўзининг пролетариат маданияти қуриш инқилобий йўл билан олға қадам қўймоқда бўлганини очиқ кўрсатди. Туркман меҳнаткашларининг бу йўлда қилган ҳаракатлари, умуман, Ўрта Осиё жумхуриятининг маданият тарихида айрим ўрин олажакдир.

ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАМИЗДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

10 Деворий газеталаримиз турмушимиздаги камчилик ва муваффақиятларнинг ойнагидирлар. Деворий газеталаримиз идора ва корхоналардаги эгри-бугрилар, халқимиз орасидаги хурофотларга қарши фикр тўплайтурган ва бу камчиликларни тузатиш учун курашатурган маънавий бир жарчидир. Бунинг учун деворий газеталаримизни чинакам деворий газета ҳолига солиш, ундаги камчиликларни йўқотиш чораларини кўриш керакдир. Ёшлар ва ёш кашшофларимиз орасидаги деворий газеталар ҳам катта аҳамиятга эгадирлар. Булар бўлак деворий газеталарнинг бурчларидан ортиқ яна тарбиячилик ролдадир. Ёшларимизнинг орасидан қизил мухбир етиштириш учун деворий газеталар бир мактабдир.

20 Ҳозир бизда чиқадурган кўп деворий газеталаримиз ўзларининг бурчларини удда этмай, ўзларига лойиқ ва алоқадор нарсаларни ёзмайдилар. Баъзи фирқа ва ёшларнинг фикр тарқатувчиси бўлган деворий газеталаримиз фикрий жиҳатдан жуда ёмон ҳолда. Баъзи деворий газеталаримизда бутунлай муҳаррир ва ёзувчилар тўдаси бўлмай, баъзи кишиларни мажбурий ёздирадилар.

Яна бу деворий газеталардаги камчиликлар газетанинг эътиборини тушириб, ўқувчиларни жалб қилмайдилар.

Буларни тузатиш деворий газета ишларига анча аҳамият билан қараб, газета ёнида мухбирлар тўгараги очиб фирқа ва ёшлар ячейкалари, умуман ёрдам ва сиёсий раҳбарликларини дариг тутмасликлари билан бўладир.

30 Деворий газеталардаги хабарлар ҳам текширилиб, натижасиз қолдирилмаслиги керак. Бу деворий газеталарга ёзишғувчиларнинг ҳавасларини орттиришга ва яхши қатнашувга сабаб бўладир.

БАЪЗИ КАМЧИЛИКЛАР

Биз мухбирларимиздаги камчиликлардан гапирмоқчимиз. Мухбир — жамоат ходими. У қишлоқнинг олдинги онгли кишиси, талончиликлар устини очадурган пойлоқчи, қишлоқнинг камчиликларига душман, шуни йўқотиш қуроли, фирқа, шўро, касаба, комсомолнинг ишончли ёрдамчиси.

Шу кабиларни биринчи ўлка мухбирлар қурултойи ҳам гапирди. «Шундай деди» эмас «шундай бўлиши керак», деди.

10

Мухбирларимиз қишлоқнинг онгли кишилари бўлишлари учун уларга тарбия бериш керак. Тарбиясиз, ўқимасдан, ўрганмасдан жамоат ходими бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун қурултой «мухбирларга тўғараклар орқали тарбия бериш, тўғаракларда деворий газеталар уюштириши» кераклигини таъкидлайди.

Жамоат ходими бўлиш, қишлоқнинг бутун нарсаларидан; иқтисоди, сиёсий ҳолларидан, халқдаги кун кечирини ва онлавий қурилишлардан хабардор бўлмасдан, қишлоқни ўрганмасдан туриб бўлмайди.

20

Мухбирларимизда бир кўп камчиликлар кўринади. Улар қишлоқнинг бюджети билан жиндаккина танишганлар. Қишлоқдан ҳам шаҳардан шу кунларда «Очилсин очилсин» деган хабарлар жуда кўп келади. Яъни мухбирларимиз қишлоқнинг бюджетига сиғмайдирган, қилиш мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам ёзишдан ҳам тортинмайдирлар.

Масалан, бир районда ўзининг ҳолига яраша Қизил чойхона, Деҳқонлар уйи, мактаб, қироатхонаси бор. Мухбирларимиз шу жойларга халқ қандай қарайди? Қироатхонага ҳеч ким келадими? Уша ердаги бор мактаб, Қизил чойхона, қироатхоналар моддий, маънавий жиҳатдан

30

таъмин қилинганми, каби муҳим ҳоллар билан ҳисоблашмасдан ҳар қадамда бир Қизил чойхона, бир қироатхона, бир мактаб очмоқчи бўладурлар.

Буларни юзага чиқариш осон эмас, пул керак, пулсиз бўлмайди. Қишлоқнинг бюджети кўтара олмайди. Қишлоқнинг идоралари сўз билан бу нарсаларни қилолмайдилар.

10 Натижада ҳеч нарса юзага чиқмайди. Ёзилган хабарга ҳеч ким эътибор қилмайди. Газетанинг обрўи йўқолади.

Мухбирларимизнинг жамоат ходими бўлишлари, уларнинг соғлом, тозаланган бўлишларига ҳам дохил қилмасдан қолмайди, ҳозир мухбирларимиз орасида бузуқлар йўқ эмас. Улар ўзларининг бузуқликлари билан газетага ёзадирлар, «алоқалашадирлар-да», газетанинг эътиборини туширадилар. Мухбирлар сафидаги бузуқлар билан кураш тўғрисида газеталарда ҳам анча нарсалар ёзилди.

20 Бу кунларда биз мухбирларимиз сафига кирадурган бузуқларни кўрамизки, улар эса газетага ёзилиб, натижада ишдан бадарга бўлган кишилардир. Булар билан кураш яна қишлоқдаги фаол мухбирларнинг вазифасидир. Шу иш билан курашиш тўғрисида мухбирлар қурултойи ҳам анча нарсалар гапирган эди.

Энди биз шу кунларда мухбирларимизда бўлуб турган камчиликлардан гапирайлик: баъзи мухбирларимиз газетага ёзган хабарларида ўзларининг шахсий «ҳов саними!» деган нарсаларини ҳам тиқиб юборадирлар. Газета идорасидан кўп ўртоқларнинг шикоят қилишлари 30 шу нарсани очиқ исбот қилди.

«Зарафшон»нинг 47-сонида «Булар саёҳат бандаси» деган сарлавҳа билан «Тирмизак» ўртоқнинг бир хабари босилди. Хабарда Одил ҳам Ҳасан Исмоиловларнинг Боку ҳарбий мактабидан ҳайдалиб, бутун ташкилотлардан бадарга бўлганлари, ҳам шундай оиймтиллаларнинг ерлилаштириш комиссияси томонидан ишга юборилганлиги зикр қилинади. Бу тўғри. Фақат «Тирмизак» ўртоқнинг катта хатоси шундаки, у:— чунки бу икки «ахлоқ» эгаларига бу йилги ўқиш мавсумида Ленинград ўқув юртларидан жой олиб қўйган жонкуярлари бор. Шунгача рўзи роҳила ҳозирлаш лозим, бир-икки йил Руссияда ҳам юруб ўзларини танитиб келсинлар...»,— дейди.

«Тирмизак» ўртоқнинг катта шахсияти бу хабарга

дахли бўлмаган, «Саёҳат ҳангома»сидан узоқ бўлган Ленинграддаги бир киши, хабарчининг сўзича айтсак «жон куяр»нинг шахсиятига тўқинишидир. Бу бир.

Ўзингиз ўйланг, ахлоқсизлик билан машҳур бўлган, бутун ташкилотлардан бадарға кишилар Ленинграддек бир шаҳарга бориб мактабга кириб оладими? Шундай бўлганда ҳақиқат деган нарса йўқ эканда? Бу икки.

«Тирмизак» ўртоқ англамайдиким, «жонкуярликлар» шўролар мактабининг хуржунига сўнгги йилларда 10 сизмасдан қолди. Истасангиз қайси шаҳарнинг қайси мактабига боринг, имтиҳон беролмасангиз мактабга киролмайсиз-да, қўлтуғингиздан тарвузингиз тушиб, шалпайиб қайтиб келаверасиз. Ҳозир шўро мактабларида, айниқса Ленинград, Масков мактабларида «усти ялтироқ — ичи қалтироқликка» йўл қолмаган бўлса керак. Бу уч.

Яна газетанинг шу сонидан «Сайра булбул, ёрим уйғонсин» деган сарлавҳа билан Жиззах мухбирларидан бирининг хабари босилди. Хабарчи Жиззахдаги миллий 20 мусиқа тўдаси «Оҳ, воҳ, куйдим, ёндим, ёрим» деб ишқий ашулалар айтишдан бошқани билмайди»,— дейди.

Мен шу мусиқа тўдасини байрам муносабати билан кўришга муваффақ бўлдим. Тўда Содиқ аканинг қўл остида бўлиб ишқий ашулалар эмас, «Муштум», «Машраб» журналларида босилиб чиққан танқидий-ҳажвий ашулаларни ҳам Фарғона томонларидан келган, паранжи ва хотинлар озодлигига оид ашулалардан бошқани айтмайди. Ҳатто буларнинг:

— Нарзи пошшага қирон келсун, деб ҳингиллаган 30 хотинлар ичида айтган ашуласи ҳаммага катта таъсир бағишлаб, Жиззах хотинларининг «худоси» Нарзи пошшани ҳам паранжи ташлашга мажбур қилган. Буларнинг бу каби фаолиятларини район маорифи ҳам тасдиқлайди.

Яна газета мухбирларидан Элкўзи: Каттақўрғоннинг комсомол аъзоларидан Бўри Муқим ўғли ёшлар сафидан чиқарилди,— деб ёзади. Ҳолбуки, газетага келган очиқ ҳужжатлар Муқим ўғлининг уюшмадан чиқарилгани у ёқда турсин, бирон қатла танбеҳ ҳам олмаганини тасдиқ қиладир. Ҳозир бизнинг олдимиздаги вазифа шу кам- 40 чиликларни йўқотиш бўлсин.

УЧ КЕЧА

Яқинда байрам муносабати билан Каттақўрғондаги ҳаваскорлар драмтўгараги томонидан устма-уст уч кеча базм аралаш оперетталар ўйналди.

Бу тўгаракни тузиш тарихи 1915 йиллардан бошланади. Шу кунгача шаклдан-шаклга кўчиб йил сайин ўсиб келади. Бироқ, бугунгача бу тўгаракда учта асосий камчилик давом этиб келади. Биттаси шу тўгаракнинг ўзи учун доимий бир саҳнанинг бўлмагани, иккинчиси, репертуардан жуда чанқгани, учинчиси, ҳалигача шу тўгаракнинг расмийлашмаганидир.

Эски шаҳарнинг ўзида «Юлдуз» деган бир бино шу тўгаракни доимий жойлаштириш учун жуда қулай эди. Чунки бу бино саҳнасининг катталиги ва асбобларининг кўплиги билан тузуккина бир мавқега эга эди. Сиёсий маориф шуъбасининг совуққонлиги восита бўлдию, шу бинодаги саҳна бузилди, декорация жиҳозлари йўқолиб кетди, ўшанча асбоблардан дорига ҳам биттаси топилмайди. Шундай бўлса ҳам, бинонинг ўзи ҳали бузилганча йўқ. Репертуарнинг камлиги бир округ учун эмас, Ўзбекистондаги саҳначаларнинг ҳаммаси учун ҳам умумий бир камчиликдир. Лекин шу камчиликни ёпиб туриш ҳам мумкин. Тўгарак аъзоларининг ичида яхшигина адабий таржимонлар бор (Масалан, Гулжамоллардан таржима балоси қочиб қутула олмайди). Ўзимизнинг ҳаётимиздан олинган нарсалар битмас экан, бизнинг ҳаётга яқинроқ бўлган асарларни таржима қилиб турилса, жуда яхши бўлади.

Тўгаракни расмийлашмаган дедик, бу эса бутун камчиликларнинг марказидир. Тўгаракда яхши интизом йўқ. У билганини қилади. Молия масаласи жуда чатоқ. Бунинг устига юқоридаги камчиликларни ҳам келтириб

қўшсак, яна масала ойдинлашади. Тўгаракнинг ўзи яхши кучлар билан бир даража таъмин қилинган. Шу сахна-нинг эски супургиси Ғуломжон, шу сахначиликнинг мум-тоза чехраси Гулжамол ва Нафисалар асосий асабларни ташкил қиладилар. Аммо шу кучларни маълум система билан идора қилиш йўқ. Режиссёр жуда кучсиз, яхши сахна назарияти билан таниш бир кучни шу вазифага тортиш керак эди. Бўлмаса оғзингни оч, кўзингни юм деб луқма бериш билан иш битмайди. Мана шунинг ка-софати иккита ўйиннинг ҳам марказида турди. 10

3-кечада эса биз бунинг тамом тескарисини кўрдик. Ўйин жуда тартиб билан муайян бир доиранинг ичида борди. Натижада ўйнаганлар ҳам хурсанд бўлди, кўрган-лар ҳам. Гулжамолни режиссёрлик бўлмаса ҳам, шунга яқинроқ бир вазифага қўйилиши керак. Чунки бу қиз ўз-бекнинг ҳаётидан қайнаб чиққани билан бирга жуда яхши илмий кучнинг эгасидир.

Ёзлик сахна биноси ҳали тамом битмагани учун омонат бир сахнада ўйин олиб борилади. Сахна декорация-дан жуда бой бўлса ҳам жуда кичик. Сиёсий маориф 20 шуъбаси қишлоқ сахна тўғрисида ҳам жиндак ҳаракат кўрсатса бу йўлдаги муваффақият таъмин бўлиб қолар эди. Менимча, биринчи галда шу тўгаракни труппага ай-лантириб, идора усулини ҳам расмийлаштириш керак. Ҳозир Ўрта Зарафшон округида ўзининг маданий кучи билан Каттақўрғон тўртинчи ўриннинг эгасидир. Округ доирасида битта шундай расмий труппа ташкил қилиш лозим. Бунга шароит ҳам ҳозир. Ёлғиз бир қатлагина ҳаракат қилиб қўйиш керак.

ҚИЗГИН ҚАЛАМЛААР БИЛАН

(«Хужум дostonлари устида»)

Баъзи одамлар бўладики, улар ўзларининг ёмонликлари, безориликлари соясида текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрадилар. Ҳамманинг қулоғини қоматга келтирадилар. Мана шундай кишилар бир кун эмас, бир кун бир зўравонга учраб қолиб қулоқлари тегидан шундай шاپалоқ ейдиларки, гаранг бўлиб ҳолдан кетиб, ерга шалолаб йиқиладилар. Ҳушлари кетиб бир қанча вақт 10 ётиб ҳам қоладилар. Биз бунақа ҳушсизларни гапирмоқчи эмасмиз.

Хотин-қизлар масаласи жуда зўр масала эди. Бутун қишлоқлар, бутун идоралар шунга фаолият билан киришдилар. Масала оммалашиб кетди. Бир неча кун ичида бир неча минглаган паранжилар куйдирилди. Мажлислар ўтказилди, конференциялар чақирилди.

Негадир, булар билан қишлоқ идоралари, ҳужумчилар фаолиятларини орттирмасдан, ҳушсизлана бошладилар.

20 Қишлоқлардаги — ўлдириб кетди, сотиб кетди, узатиб юбордилар қулоқ-мийянгизни ейди. Хайр, бу бир ёқда турсин. Ташланган паранжилар, ҳужумчиларнинг сўнгги фаолиятларига келайлик:

Бир кун ичида минглаган паранжиларни улоқтириб юборган Жиззах каби районлар сўнгги вақтларда чўкиб қолдилар. Паранжи-чачвон ташланган кунларда паранжининг астарини келтириб бир кун берсалар, икки кун ўтказиб яна аврасини ёпиниб олдилар, Ёхуд раҳмдил эрлар кармон шақирлатиб янги паранжи олиб бердилар.

30 Бу аҳволни кўриб қайтадан паранжи — кафанга киришни истамаганлар: ҳамма паранжи ёпинсин-у, мен кўчада очиқ юрайми?— деб уйда чилла ўлтириб қолдилар.

Энди икки оғиз олди-сотди, муштуми йўғон, чирвон шиқирлатишлардан гапирайлик:

Бизнинг «қора» ҳам пишиқ киши. Ҳар фожиага етиб боради. «Хайробоод» даҳасига қарашли Шариллоқ қишлоқ аҳли Ҳайитмурод Суяндук ака ўзининг 15 яшар қизини, қишлоқлик Эржигит деганга бир ҳўкиз, бир бия, бир қўй ҳам 400 сўм пулга сотди. Яқинда тўй бўлади. Биз бу кунгача хотин-қизлар шуъбаси ёхуд ҳужум комиссиясининг шунақа ҳолатларни топиб, бирон чора кўрганганини эшитганимиз йўқ. Шу каби газетада ёзилган хабарларни текшириб бир қарорга келганини ҳам эшитганимиз йўқ. Хотин-қизлар шуъбасининг вазифаси нима экан? Ёхуд қулоғи остида қолганми? Ҳали кўрамиз, у, бу нарсани ҳам текширмайди...

Ким кимни истаса ўшанга тегсин. Йигит хоҳлаганини олсин, қиз яхши кўрганани. Қонун шуни талаб қилади. Бунга бировларнинг тумшук тиқишларига ўрин йўқ.

Қовчинан даҳасининг Қовчинан қишлоғидаги қиз Адолат Абдулфаттоҳни яхши кўрар экан, у — буни, 20 бу — уни...

«Дил сўзи» айтадики, Абдулфаттоҳ тўй қиламан деса, шу қишлоқлик мулла Акром Расул, Зоқирбой Расул, Қобилбой Оқил ўғиллари «Адолатой яхши, чиройли қиз, уни ўзимизга ўхшаган қозони ёғлиққа берамиз. Абдулфаттоҳнинг мақтангудек нарсаси бўлмаса... Қизнинг ихтиёри на ўзида, на Абдулфаттоҳда ва на отасида, фақат бизда», дейдилар. Бу им юқори Дарғом район қидириш бўлимига маълум қилинди. У ердаги акамлар «ғинг» деган бўлсалар, тилимиз кесилсин. Ҳалиги тоғалар қизни жуда сиқмоқда эдилар. Адолат чидамасдан Абдулфаттоҳникига қочиб келди.

Бу аҳволга ҳалиги қозони ёғлиқлар чидамасдан Абдулфаттоҳни ўлдириш пайига тушдилар.

Албатта, Абдулфаттоҳ билан Адолат бўлса улардан кўрқади. Шунинг учун уйларида ётмасдан ҳар кимларнинг уйида кечалари ҳам ухламасдан юрадилар.

Мана шунақа ишларга барҳам бериш шу ернинг соқчилари, қидириш бўлимининг вазифаси, муҳим вазифаси (си) бўлганидан, улар индамасдан юрадилар. 40

Оқдарё районининг Даҳбед (Дамбед) даҳа Сўфи қишлоқлик Шодмоной Мелик (Малик) қизи ўзининг эридан норози, эри уни кўп қийнаган. Ҳуқуқига тажовуз қил-

ган. Албатта, эзилишдан сўнгра эрга қарши исён кўтармак Шодмонойнинг табиий ҳуқуқи эди.

У шуни қилди. Округ прокурорига ариза берди. Округ прокурори 4814-рақамли қоғоз билан Оқдарё район судига Шодмонойнинг эридан озод қилиш кераклигини буюрди.

10 Иш суднинг мирзоси Зариф ўғлига ижрога берилди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» эмасми? Зариф акангизнинг суяклари шунақа яраштириш билан қотганидан, Шодмоной билан унинг қариндоши Қувват ўғлини чақриб, «4—5 червон пул топсанг эринг билан яраштираман»; деб ўлтиради. «Дандонигов» мана шундай бўлса, биз мақсадимизни вужудга чиқара оламизми?» деди.

Хотин-қизларимиз ҳуқуқига бўладирган тажовузлар ҳам уларга хўжайинлик қиладурган қозони ёғлиқлар билан курашгандагина соғломланиб, ўз йўлимизда муваффақият қозонамиз. Бизнинг олдимизда ҳужумни мустаҳкамлаш вазифаси туради.

ҚУРУЛТОЙ ОЧИҚ

Свердлов театруси бугун буюк шодлик ғурури билан қайнайди. Унинг бурчак-бурчакларидаги кичик-кичик эшикларидан одамлар чумоли каби кетма-кет кириб-чиқиб турадилар. Ҳар томонда баланддан, пастдан тўпланиб айтилаётган қўшиқларнинг гуриллаган товушлари муҳташам бинони гумбурлатиб юбормоқда. Бинони босиб кетган оқ кўйлакли қизил таққан пионер болалар чопиб, югуриб шовқин кўтариб газета тарқатдилар. Ҳар томондан фото мухбирлар ўт ёндириб вакилларнинг суратларини олади. Залда Ўзбекистоннинг саксон етти районидан тўпланган вакиллар ўлтирадилар. 10

Ўртадаги стулларда узоқ Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё томонларидан келган узун чопонли вакиллар «Ёш ленинчи»ни варақламақдалар.

Булар кеча ва кундуз демасдан, ўлим ва қурбонлардан қўрқмасдан, узоқ қишлоқларда социализм учун курашаётган азамат армиянинг тилакларини гапиргани келганлар. Булар муштумзўрларнинг синф бўлиб яшовини тугатишда партиянинг бош йўли учун муштлашган кенг жабҳа бўйлаб ҳужум очган синфнинг олдинги колонналарида кураш олиб бораётган, чўлларда, қишлоқларда, пахта ва нон далаларида, фабрик- заводларда зарбдор ва большевик суратлари билан янги ҳаёт қураётган юз минглаб қўшиннинг вакиллари. 20

Нариги бурчакда ҳарбий мусиқа тўдаси ҳар нафасда бир куй ўйнаб шовқунларга-шовқун қўшади.

Саҳнага юзлаб тикилган байроқлар орасидан секин-секин стенографисткалар чиқиб келаётирлар. Улар қоғозларни олдиларига ёйиб қаламларини учламоқ билан машғул. Унлаб газеталарнинг мухбирлари қўлтиқларга газета тутган ҳолда у ёқ-бу ёққа ўтаётирлар. 30

Стенографистка қоғозининг бошига катта ҳарфлар билан чизиб қўйди: Ўзбекистон комсомолининг бутун Ўзбекистон қурултойи. Театрунинг саҳна пардаси секин кўтарилди. Саҳна ичинда беш юзлаб қизил байроқлар орасидан Ўзбекистон комсомол марказқўмининг ёш котиби чиқиб келди. Қурултой вакиллари музикага қулоқ солаётгандай жим бўлдилар. Ҳамма жим. Ҳамма ўткир кўз билан қизил аскарлар томонидан қўриқланиб турилган саҳнага тикилди.

10 Стенографисткалар қаламларини қўлга олдилар. Мухбирлар қоғозларини варақлаб ёзиб қўйдилар:

4 декабрь 1930 йил, пайшанба, кеч соат еттию 11 минут, Тошкент шаҳри, Свердлов театруси Ўзбекистон комсомолининг Жумҳурият қурултойи очилди.

ШАЛЛАҚИ ФОЛЧИ ХОТИН

(Хабарлардан)

Баъзиларнинг нодонлигидан фақат бой, мулла, эшонларгина эмас, балки, хотин-қизлар орасидаги фолбин, биби халфа, пирга қўл берганлар ҳам фойдаланадилар.

Бўлмаса Нарзи пошша хоним, Юсуф Чойдиш кабилар хотинлар озодлигига қарши ташвиқот юргизмас, ёлғондан бўйнига арқон солмас, тириклайин бориб хўжа мазорга кирмас эди.

Нарзи пошшадан бошқа «пошша хоним»лар йўқ дейсизми? Майрамхон, Саломатой, биби халифалар ҳам хотин-қизлар озодлигига, очиқ чеҳраларнинг эркинлигига шодлик билан қараб турмаганлар, албатта.

Эркинлик тўйларининг охири фақат Юсуф чойдишгагина эмас, Мухторхон тўра, Камолхон эшонларга ҳам қандай кунлар келтиришини ҳамма билади. Бўлмаса Самарқанддаги икки эшон ўзини бекорга осдимиз? Улар ўлар вақтларида ҳам камбағаллар, уларнинг эркин хотинларини заҳарлашга тутиндилар.— Вой қиёмат бўлди, осмон ўйилди, дунё хароб бўлди, деб дин сафсаталарини боз кучайтирмакчи бўлганлари ҳеч кимнинг қулоғидан узоқлашгани йўқ.

Айтгандек, биз олган мавзуимизга кўра «Шаллақи фолчи хотин» тўғрисида гапиришимиз керак эди.

Бу шаллақи хотин ҳам Боғдоннинг шу қишлоғида хотин-қизлар озодлигига зарба беришга тиш-тирноғи билан тиришган. Хотин-қизларнинг очилмаслигига, мажлисларга бормаслигига жиддий ҳаракат қилган. Ҳатто, Май байрамига ҳам бир неча хотин-қизларни чиқармасликка муваффақ бўлган.

Боғдон деҳқонларидан биттаси ўзининг ички касаларига даво топмоқ учун келганда:

— Сенинг ичингда жоду бор, шуни бир илож қилиб олмасам, албатта ўласан деган ҳам «докторликка» бел боғлаб, енгин шимариб киришган. Натижада бечора деҳқонга «дори» ҳозирлаган. Бир пиёла сувга нос солиб берган. Сув «дори» шундай ўткир бўлганким, деҳқоннинг ичидаги микробларни ўлдуриш билан қаноатланмасдан, бечора деҳқоннинг ўзини ҳам ўлдурган.

Биз шу нарсаларга аҳамият бериш матлуб эканини айтамыз.

БОЛА КИМНИКИ?

(Хабарлардан)

— «Бола туққанларга ҳукумат пул берар экан. Шунинг менга кўрсатсангизчи!» деб Қўшқовуз гузаридаги хотин-қизлар клубидан Мулло Писанд қизи билан чиқиб келатурган ёш болалик хотин илтимос қилди.

— Мен ўша ернинг ўзида ишлайман, юринг бирга олиб борай,— деди-да Мулло Писанд қизи ёш болани қўлга олди.

Мулло Писанд қизи йўлда ҳалиги хотиннинг кўзини 10 шамғалат қилиб, болани уйига томон олиб қочди.

— Дод, боламини йўқотдим, кўрган борми?— деб ҳалиги хотин ҳар томонга югурди. Ҳеч ердан хабар топмади.

Мулло Писанд қизи уйига бориб гўё туққан хотин каби ётиб оладурда, Тошкентда ўқуб юрган эрига:

— Мени келиб кўриб кетинг, отаси,— деб тилигром берадир. У акам ҳам Тошкентдан лўкиллаб келиб 20 кишига катта зиёфат берадир.

Бечора боласини қўлдан олдирган хотинга эндиги 20 йўл ким туққан бўлса шуларнинг боласини бориб кўриш қолади. Ҳар ҳовлига кирадир. Ниҳоят, Мулло Писанд қизи туғиб ётибдир,— деган хабарни эшитиб югуриб борадир.

— Йўқол падарингга лаънат, бола меники,— деб боласини ахтариб борган хотинни Мулло Писанд қизи қаргай бошлайдир.

— Бола меники.

— Йўқ, меники!

Мулло Писанд қизи анча вақт муаллималик қилган. 30 Ҳар нарсага тушунади. Лекин билиб туриб хотинларга қўпол муомалалар қилади...

НУТҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўртоқлар! Бизнинг халқимиз кечаги кун мамлакатимизнинг доҳийси, бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси ўртоқ Ленин туғилган кунига 70 йил тўлишини байрам қилдилар. Шундай байрамни ўтказиб турган вақтда бизнинг диққатимиз ўртоқ Лениннинг ҳали ҳаёт вақтида Ўрта Осиё халқлари, ўша вақтдаги Туркистон халқларини эски колонизатор тузумининг қолдиқларидан озод қилиш, бизнинг халқимизни янги, социализм даврига бошлаш учун кўрсатган йўлларида муҳим бир эпизодни эслаб ўтмасдан мумкин эмас. 10

Ўртоқ Ленин ҳали инқилобнинг биринчи кунларидаёқ бизнинг халқимиз, Ўрта Осиё халқларининг тақдири тўғрисида ўйлаган. Советлар ҳукумати юзага келгандан кейин энг биринчи декретларининг ичида 37 сонли декрет билан Туркистонда суғориш ишлари тўғрисидаги масала ҳал қилинган.

«Туркистонда суғориш ишларини ташкил қилиш» деган машҳур декретда Мирзачўлдан 500 минг гектар янги ерларни суғориш, Далварзинда 40 минг гектар ерни маданий ерга айлантириш, Учқўрғонда 20 минг гектар ернинг суғориш ишини тартибга солиш масаласи қўйилган... 20

Ўртоқ Лениннинг имзоси билан чиқарилган декретдаги мана шу масалаларни ҳал қилиш учун Туркистонга 50 миллион сўм пул ҳам ажратилган. Ўртоқ Ленин шу билан суғориш ишларининг бизнинг мамлакатимиз учун қандай катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Биз тарихда шунинг гувоҳимизки, ўзбек халқининг тақдири ўртоқ Ленин кўрсатган планларнинг нима эканлигини амалда кўрсатиб берди. Ўзларингизга маълум, ўртоқ Лениннинг идеяларидан келиб чиққан план бўйича катта Фарғона канали қурилди. Ўзбе- 30

кистон большевиклари ўртоқ Ленин мўлжаллаган ердан катта Фарғона каналини қазиб чиқардилар. Ўртоқ Ленин Мирзачўлни экинзорга айлантириш масаласини қўйган экан, Ўзбекистон большевиклари бугунги кундан Мирзачўлни обод қилиш устида ишламоқдалар.

10 Ўртоқ Ленин Зарафшон дарёсини тартибга солиш масаласини қўйган экан, Ўзбекистон большевиклари ҳозир шуни амалга оширмоқдалар. Бу бизнинг мамлакатимизда, тамоман янги, социализм енгган бир шароитда, мамлакатимиз социализмдан коммунизмга ўтаётган бир шароитда рўй бераётир.

Ўзбекистонда фақат 1939 йилда ирригация соҳасида қилинган иш Туркистонда чор Русияси томонидан 60 йил ичида қилинган ишга баробар келади. Биз бир йил ичида 60 йиллик ишни тамом қилганмиз. Яна иккинчи фактни келтириш мумкин. Ўзбекистонда совет ҳукуматининг 20 йиллик даврида ирригация соҳасида қилинган иш билан 1939 йилда қилинган иш баробар келмайди.

20 Халқ ҳаракатидаги бизнинг иштирокимиз бутун ёзувчилар, санъат аҳллари учун муҳим бир масала. Чунки ўзларингизга маълум, меҳнат билан санъат доим бири-бирига боғлиқ бўлиб келган. Санъат меҳнатни туғдирган, меҳнат санъатни туғдирган. Меҳнатни енгилда санъат хизмат қилган. Буни тарихимиз, ота-боболаримиз жуда яхши кўрсатади.

Биз катта Фарғона канали қазилиб турганда ўсган меҳнат билан санъатнинг, поэзия билан меҳнатнинг бирлашганини кўрдик. Катта Фарғона каналида ва умуман, бутун ирригация қурилиши соҳасида, 1940 йилнинг бошидан ҳозир тамом қилинган канал қурилишларида санъат, шеър, адабиёт кетмон билан баб-баробар хизмат қилди. Ҳеч қачон тарихда санъат билан адабиёт халқнинг меҳнатига бунчалик яқин турмаган бўлса керак. 160 минг — 200 минг одам тўпланган жойда санъатнинг улар билан баб-баробар бўлиши, хизмат қилиши, албатта тарихда кўрилмаган нарса. Биз бевосита артистларнинг, ёзувчиларнинг, музикантларнинг, халқ ашулачиларининг, санъат аҳлларининг, адабиёт аҳлларининг бунчалик халққа яқин турганини кўрмаган эдик.

40 Ўзбекистондаги халқ қурилишларининг натижасидан қилинадиган энг катта хулосалар шундан иборатки, бизнинг халқимиз катта бир зўр ҳаракатни бошлади. Мамлакатни сероб қилиш, мамлакатнинг пахта ҳосилини кў-

тариш, мамлакатимизни бой қилиш учун бўлган ҳаракатнинг бизнинг халқ адабиётимизда янги бир тарихи бошланди. Канал фақат сув учун бўлган танқисликни йўқотиш билангина чекланиб қолмасдан, тўғридан-тўғри санъат, адабиётимиздан маълум сабаблар билан узоқ бўлган кишиларни санъатга, адабиётга яқинлаштиришга катта хизмат қилди.

Каналга Ўзбекистоннинг энг узоқ ва чет қишлоқларидан келган кишилар ўзбек халқининг энг муқаддас нарсалари билан, ўзбек халқининг энг улуғ фарзандлари Навоий, Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода ёзиб қолдирган асарлар билан танишдилар. Каналда ишлаган колхозчилар эркинлик билан ўз маданиятидан ўсиб чиққан ўзбек операсини кўришга муяссар бўлдилар. Каналда умрида театр кўрмаган одамлар катта майдонга йиғилишиб, театр томоша қилар эдилар.

Учқўрғон саҳросида бир бутоқ йўқ жойда академик театр саҳнаси турар эди. Одатда театрга келганда ўтирадиган жойлар, кутиб олувчи одамлар бўлиши керак. Лекин Учқўрғонда эса кеча-кундуз шамол бўлиши натижасида ўтирадиган жойлар қилинмаган бўлсада, академик театрнинг саҳнасини ҳар куни 10—15 минг одам томоша қилар эди. Ҳеч қандай театр бундай томошабинни кўрган эмас. Шу томошаларнинг бирида Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» асари қўйилганда биз бир киши билан суҳбат қилдик. Бу киши эски замонларда қўғирчоқ ўйинини кўрган экан. Умрида шаҳарда бўлмаган ва театрни кўрмаган экан. Шу одам, кечаси қарасам деди, саҳна ичида одамлар ўйнайдилар. Мен узоқда эдим, булар шаҳардан каналга қўғирчоқ ўйини олиб келган экан деб ўйладим. Яқинроқ бориб қарасам қўғирчоқ эмас, одамларнинг юрганини кўрдим. Саҳнада бир бойни ҳам кўрдим. Бизнинг мамлакатимизда бойлар йўқ бўлиб кетган эди, бу бой қаердан келган экан, деб ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, булар ўйинчи экан, биз шуларнинг ўйинини томоша қилган эканмиз. Бу нарсалар санъатнинг канал қурувчилар онгига қанчалик таъсир этганини кўрсатади.

Яна бир кишининг Ҳамза Ҳакимзоданинг шу пьесасидан олган таъсирини кўрсатиш керак. Спектаклда Соҳра Эшонтўраева бойнинг хизматчиси Ғофирнинг хотини ролида ўйнайди. Бой Ғофирнинг хотини Жамилани зўрлаб олмоқчи бўлади. Лекин Жамила унга қарши қаттиқ

ҳаракат билан ўзини сақлайди. Шуни кўрган меҳнаткаш хотин-қизлар эртасига Соранинг олдига келиб, ўртоқ, шу золим бойга билагингизни ушлатмадингиз, шундай бўлиш керак, деб айгганлар.

Мана бу канал қурувчиларининг тушунчасига бево-сита таъсир қилишни кўрсатадиган бир факт. Бу ҳам бизнинг эришган катта ютуқларимиз.

- 10 Узларингизга маълум, Ўзбекистон ёзувчиларининг катта отряди катта Фарғона каналининг қурилишида бўлдилар. Уларнинг шу каналда ёзилган бир неча асарларини санаб ўтиш мумкин. Ойбек, Миртемир, Охундий ўртоқлар томонидан ёзилган «Шодиёна» шеъри, Нақший, Чустий ўртоқларнинг ёзган шеърлари, Липконинг «Утро Хаджимата Хидирова» деган достони, ўртоқ Яшиннинг «Сирдарё» операсига ёзган либреттоси, Хоразмда Тошсоқа каналининг қурилиши муносабати билан ёзилган шеърлар, Ғазоват, Полвон каналларига бағишлаб ёзилган асарлар... Ҳозирча Ўзбекистон ёзувчиларининг канал тўғрисида ёзган шеърлари, достонлари, асосан мана шулардан иборат. Умуман, ёзувчиларимиз канал қурилишидаги қаҳрамонларнинг образларини яратиш устида қилган ишларини кўрсатдилар. Шундан бир мисол. Адҳам Раҳмат болаларга «Келинг қушлар» деб шеър ёзган. Лекин шунини қандай бериш керак эди? Бу жуда жиддий масала. Шундай бир приём топиш керакки, шу болаларга етиб борсин. Адҳам «Келинг, қушлар» деганда, болалар тилидан қушларга мурожаат қилади: «Қушлар, келинг, Ўзбекистонда катта Фарғона канали қурилди, дарахлар, боғлар кўп, ўйнайдиган жойлар кўпайди, чўллар обод бўлди, қушларга жой кўпайди»,— деган. Бундай приём жуда яхши. Мен буни бир жойда Адҳамнинг ўқиганида эшитдим. Бу билан мен Адҳамни ҳовлиқтириб юбормоқчи эмасмен. Шеър, асосан хом, лекин маневри тўғри.
- 30

- С. Жўранинг «Карим билан Қундуз» деган асари яхши. У каналда ишлаган бир қиз билан бир йигитнинг образини беришга ҳаракат қилган. Уларнинг ички сезгиларини меҳнат қаҳрамонлиги билан тўла бир қурувчилар қилиб яратишга ҳаракат қилган. Ҳозир чиқиб келаётганларнинг ичида С. Жўранинг достони тузук деб айтиш мумкин. Лекин жумлалари кесик бўлгани учун ўқувчида туғдирилган ҳисларни кесади.
- 40

Ўртоқ Липко томонидан ёзилган «Утро Хаджимата Хидирова» достонини ўқиган вақтда, у машҳур Ҳожимат устида катта бир ҳис туғдиради. Бу достоннинг фазилати.

Катта Фарғона канали қурилишида бирмунча ёш ёзувчиларимиз ўсиб чиқдилар. Улар яхши асарлар бердилар.

Икки оғиз сўз Полвон, Ғазоват каналлари тўғрисида.

Полвон, Ғазоват тўғрисида қатор хоразмлик шоирлар ўз савияларига қараб айтиш мумкин, яхши асарлар ёзганлар. Улар Хоразм маданиятида бўлган, Хоразмнинг эски ёзувчиларидан қолган чиройли нарсаларни, халқнинг адабий нарсаларини олиб ишлатганлар. 10

Аваз қаламига мансуб бир шеърда Хоразм халқининг чеккан асратлари тўғрисида ёзилади:

Аваз

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ.
Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,
Эй Аваз, қолмас бунингдек борҳо овора халқ. 20

Кейин шу одамни шу замонга қараб қаттиқ сўзлари кўрсатилади:

Сипоҳи пора истар,
Мулла ижора истар,
Бечора чора истар,
Қандай замонададирмиз.

Кейин шу одамнинг инқилобга, революцияга қандай ишонч билан қараганини кўрамиз:

Бор умидим, тезда бўлгуси ҳуррият куни,
Эй Аваз, қолмас булут остида донм офтоб. 30

Шунингдек, Хоразмдаги ўртоқлар Мунисдан, Огаҳийлардан жуда чиройли сатрларни келтирган.

Эски Хоразмнинг аҳволи тўғрисидаги сатрларда мана шулар бор:

Асфандиёр тахтга минди, адо Хоразм,
Гўдакларга нон тополмай, гадо Хоразм.

Кейин бизнинг қудратимизни кўрсатадиган ажойиб жойлари бор.

Энди бизнинг қўлимиздан келар ҳар бир иш,
Аслимиздир, наслимиздир ботир Алпомиш.

Сувнинг қандай муҳим эканлиги тўғрисидаги сатрлар:

Сув бўлмаса дарёларда балиқ яшолмас,
Сув бўлмаса денгизлар ҳам ўйнаб тошолмас,
Сув бўлмаса тоғ кўксига лола тақолмас,
Сув бўлмаса кўлда ғозлар қанот қоқолмас,
Сув деган сўз ер ва кўкнинг жони, дармони,
Сув бўлмаса далаларнинг қонмас армони.

10 Тошоқа канали тўғрисида ёзган ўртоқлар Хоразм учун яна жуда керакли бир нарсa — Хоразмда темир йўл қуриш масаласини қўйишади. Шундай обод бўлган мамлакатга темир йўл ўтиши керак дейдилар.

Каттақўрғондаги сув омбори тўғрисида Шароф Рашид ва Назармат жуда чиройлик сатрлар ёзишади. Улар Зарафшон тўғрисида машҳур мақолларни тўплаганлар:

Дарғом ғами ўлдиради одамни,
Кўз ёшлари тўлдиради Дарғомни.

Ундан кейин ҳозирги меҳнат қудратини кўрсатадиган 20 сатрлар бор:

Биз бугун қураимиз улуғвор ҳовуз,
Гиёҳсиз чўлларга келади Наврўз.
Олтин дарё жиловланар қўлларда,
Янги ҳаёт бошланади чўлларда...

Кейин яна давомида айтади:

Қўшиғингда янги ҳаёт жазми бор,
Ўйинида янги ҳаёт базми бор.
Ўтмишига нафрат ўқуб сув келур,
Хур ҳаётга ғазал тўқуб сув келур.

30 Ҳали бизга жуда ҳам маълум бўлиб етмаган Қуддус Муҳаммадий, Султон Акбарий ўртоқлар Тошкент канали ҳақида ёзишган. Бунда Чирчиқ тўғрисида чиройлик фольклор сўзлар бор:

Ўйноқлаб оқар қашанг Чирчиғим,
Боғларимга бермайди ранг Чирчиғим,
Асир бўлса аҳволи танг Чирчиғим,
Бўлмас энди ерлар заранг Чирчиғим.

Халқ ҳаракати тўғрисида келтирилган сатрлар:

Уйнаб-ўйнаб оқар сувлар ўйноқи,
Сахро, қирнинг ери, анҳор ўйноқи.
Канал битди, бўйида ғоз учади,
Куйчи қушлар тилидан соз учади.
Ёрқин давр, давронимиз ўйноқи,
Бахтиёр халқ, замонимиз ўйноқи.
Канал битди, чўлга баҳор келади,
Ортидан субҳ айём наҳор келади.

Мана бу келтирилган мисолларга қараб айтиш кераки, 10
Ўзбекистонда тарихий қурилишлар натижасида биз жуда кўп янги ёзувчиларга эга бўлдик. Улар шу канал тўғрисида бир нарса ёзишлари билан ҳаммага маълум бўлганлари бор. Балки шу каналлар ҳақида маълум даражада манзур асарлар ёзиб, халқнинг кўзига кўринадилар.

Канал қурилишида бизнинг ёзувчиларимизга шундай сифат қўшилди деб айтиш мумкин. Бизнинг ёзувчиларимиз — кундалик оператив ишга ўргандилар. Халқнинг ҳаётини билиш, унга таъсир қилиш хусусиятларини биз яқиндагина оқ финларга қарши бўлган урушдан қайтиб 2) келган Ставскийдан кўришимиз мумкин. Бу ўртоқ энг машҳур ёзувчи, фронтда ҳарбий мухбир тарзида ишлади. Икки маротаба фронтда бўлди. Олдин японлар билан бўлган урушда, кейин финлар билан бўлган урушда ишлади. Бу совет ёзувчисининг энг олий сифатини кўрсатди. Аскарларнинг урушдан олдин ва кейин руҳларини қандай бўлишини, уларнинг қаҳрамонларча курашувларини кўрсатиб берди.

Катта Фарғона канали, Тошкент канали қурилишларида ишлаган ёзувчиларимиз бевосита одамларнинг атрофига келиб янги типларни яратиш устида ишладилар. 30

Қандай хулоса қилиш мумкин? Биз Ўзбекистонда совет адабиётини ўстириш учун, совет адабиётининг тақдири учун халқ ичида жавобгар кишилармиз. Шунинг учун биз ҳаракатни тезроқ, жиддийроқ ўстиришимиз керак, халққа яқинлашишимиз керак. Бизнинг берган адабиётимиз халқимизга яхши сингадиган бўлиши керак.

Ўзбекистондаги канал қурилишларидан бизнинг адабиётимиз учун чиқадиган катта хулоса яна шуки, яхши адабий, тарихий, янги бир ижодий бошлаш адабиётимизни халққа яқинлаштириш соҳасида жуда катта бир қадам ташлади. 40
Ҳатто, бу нарсани ҳозир шундай кўриш мумкинки, Ўзбекистондаги газеталар, журналларимизда мақолалар, хатлар, табриклар шеърсиз жуда кам чиқди.

Улар Ўзбекистон ёзувчиларининг шеърларини, асарларини, номларини келтирадилар. Ўзларининг қанчалик ишончларини, таъсирларини яқинроқ қилиш учун бизнинг асарларимизга мурожаат қиладилар. Бундан бир неча йил илгари, албатта, бу ҳолни кўриш мумкин эмас эди.

Ёзувчиларимиз ижодий равишда шу каналларда анча ўсдилар. Бу бевосита Ўзбекистондаги ирригация — суғориш тарихини ўрганиш билан боғлиқ. Шунини айтиш керакки, Ўзбекистон ёзувчилари канал қурилиши тарихини ўрганганлари йўқ эди.

Ўзбекистонда суғориш тарихини билмасдан уларнинг ҳаётини тўғри ақс эттирадиган асарларни яратиш қийин. Ёзувчилар бу материалларни тўплаб, суғориш тарихини яхши ўргандилар. Ҳозир сув, дарё тарихлари ҳақида бўлган афсоналар бизга маълум бўлди. Ундан ташқари суғориш соҳасида бор бўлган ҳамма нарсалар бизга маълум бўлди. Ёзувчилар шуларни ўйлаб, айрим бир нарсаларни ёза бошладилар. Мен Шокир Сулаймоннинг 2) «Қизил Ўзбекистонда» босилган «Сув ҳам қон» деган очеркини кўзда тутаман. Бу жуда яхши тусда ёзилган. Бундан кейин Шокир Сулаймон, шу келтирилган ҳислар ушунда ишласа, яна яхши бўлар эди. Бадиий очеркда ўн факт эмас, бир фактнинг таъсири зўрроқ бўлади. Агар Шокир Сулаймон ёзаётган бўлса, жуда яхши.

Канал муносабати билан яна бизда қиладиган ажойиб хулосаларимизнинг бири шуки, ёш ёзувчиларимизнинг бир коллектив бўлиб ишлаш методи юзага чиқди. Уртоқларимиз биргаллашиб асар ёзишга интилдилар. Шу 3) асосда анча нарсаларни ёздилар. Бу ёш ёзувчиларнинг адабий ижодиётга жиддийроқ тортишга, уларни ўстиришга анча хизмат қилади. Канал муносабати билан бизда жуда кўп ёш ёзувчилар маълум бўлди. Бу бизнинг жуда катта ютуқларимиздан. Булар билан келажакда жиддийроқ ишлаш, уларни союзга тортиш керак. Булар ёзувчиларимиз билан бирликда каналда ўзларини кўрсатдилар. Биз уларни шу канал орқали танидик. Ҳозир Ўзбекистон ёзувчилари томонидан канал тўғрисида яратилган нарсалар бирмунча асарни ташкил қилади. Лекин 4) бу билан қаноатланиш мумкин эмас. Ҳозир шу ёзилган нарсаларнинг умумий камчиликлари тўғрисида шунини айтиш керакки, буларнинг ҳаммасида бирхиллик бор. Шу яхши эмас. Бу графаретга олиб бориши мумкин.

Бундан кейин канал ҳақида ёзиладиган асарларда шундан қочиш керак.

Яна бир ижодий камчиликни кўрсатиш керак. Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида ёзилган асарларда, қуйма фикрлар, сатрлар йўқ. Уларга меҳнат қаҳрамонлари тусини бериш учун бизнинг ёзувчиларимиз яхши ишлаши керак. Бу камчиликлар шундан иборатки, канал ҳақида ҳозиргача бадиий, ҳақиқий очерк, ҳақиқий драма туғдирилгани йўқ. Катта халқ ҳаракатига адабиёт керак. Ҳозир бир мунча ўртоқлар, Умаржон Исмоилов катта Фарғона канали ҳақида драма ёзаётир. Фатхуллин Тошкент канали ҳақида сценарий ёзган, Яшин «Сирдарё» либреттосини ёзди, Ойбек повесть ёзмоқда. Кўп ўртоқлар каналга бориб келиб, тарихий бир асар ёзишга интиладилар. Буни қилиш керак, бундай ижодий замысльни амалга ошириш керак.

Ўзбекистонда икки йил ишда ўтган ҳодисалар бизнинг ота, боболаримизнинг, аجدларимизнинг неча юз йиллаб ўйлаб мақсадига ета олмаган ишларидир. Улар ерларни гулистон қилиш, халқни фаровон қилиш ҳақида ўйлаганлар. Биз шу халқнинг минг йиллаб ўйлаганлари амалга оширилган даврда ишлаб турамыз. Биз ўн йиллар, юз йилларгача кетадиган асарларни ёзишимиз керак. Мен ўз устимда тўхтамакчиман. Мен катта Фарғона каналида икки маротаба шеър ўқидим. Бир ўртоқ билан тўрт жойга бордим. Мен бир жойда ўқидим, ўртоғим уч ерда ўқиди. Халқнинг 4—5 минг тўпланган жойида ўзим ўқидим. Ёзувчи учун бундай пайт жуда кам бўлади.

Мамлакатимизда катта ёзувчилар, шоирлар ўтган. Лекин улар халқ билан, мамлакат билан бунчалик яқин турган эмас. Бунчалик бахтни кўрган эмас.

Биз халқимиз учун, мамлакатимиз учун шу буюк ҳаракатни жиддийроқ кўрсатадиган катта асарларни беришимиз керак.

ЎзССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

(Ўзбек тилининг янги алифбоси тўғрисида)

Депутат ўртоқлар!

Тил ва алифбе масаласи маданий қурилишимизнинг энг муҳим масалаларидандир. Ихчам ва бой адабий тилга ва мукамал ишланган алифбега эга бўлмай туриб, халқ маданиятини кўтариш мумкин эмас. Ўзбек халқининг бугунги янги адабий тилига ва унинг янги алифбесига биз шунинг учун ҳам жуда кескин курашлар натижасида эришдик.

Ўзларингизга маълумки, Шарқ халқлари ичидан энг илғор фикр эгалари, ўзбек халқининг энг яхши ўғиллари адабий тил ва алифбе масаласи устида кўп вақтлардан бери бош қотирганлар. Бизнинг халқимиз ичига араблар томонидан мажбурий равишда, диний адабиёт орқали сингдирилган алифбега қарши норозилик ёлғиз бугунгина майдонга чиққан масала эмас. Араб алифбесига қарши норозилик жуда бурун замондан бошланган эди.

20 Кеча депутат ўртоқ Қори-Ниёзов ўз докладида Фузулийдан мисоллар келтирди. Навоий ва Фузулий араб алифбесигадаги шикаст ва қийинлик натижасида ёзувдаги маъноларнинг бузилишидан шикоят қилар эдилар. Китоб чиқариш иши айрим котиблар қўлида бўлган замонларда бу чигаллар масаласи жуда катта масала эди. Навоий ёзади:

Кўз уза нуқта қўймай, айлаб зўр,
Мардуми бўлмагандек айласа кўр.

30 Яъни «кўз» сўзини ёзувчи киши «з» устидаги точкани тушириб қолдириш билан кўзимизнинг қорачигини олиб ташлагандек бўлади, яъни кўзни кўр қилади, дейди.

Шундай, Фузулий ҳам араб алифбесидаги қийинчиликлар ва чигалликлар натижасида жуда кўп муҳим маъноларнинг бузилишини ёзган.

Фузулий ёзади:

Қалам ўлсин али ул котиби бадтаҳриринг,
Ки фасоди рақами сўзимизи шўр айлар.
Гаҳ бир ҳарф сукутила қилур нодири нор,
Гаҳ бир нуқта қусурила кўзи кўр айлар.

Фузулий араб алифбесидаги бир хато билан сўз шўр бўлишини, нодир сўзидаги «д» тушиб қолиши билан нор бўлишини, яъни қимматбаҳо топилмас ноёб маъносининг нор, яъни туя маъносига ўтишини ва кўзнинг кўрга айланишини ёзади. 10

Навой ва Фузулий ўзларининг бу фикрлари билан араб алифбесининг қанчалик қийин, ишқал ва чигал эканини англаганликларини ва араб алифбесида тўғри ёза билиш ҳар кимнинг ҳам иши эмаслигини кўрсатганлар. Биз бутун халқни саводхон қилаётганимиз социализм мамлакатида Навой ва Фузулийларнинг бу фикрлари, шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир. 20

Агар биз Шарқ халқлари, ўзбек халқининг тарихига назар солсак, бу халқларнинг ичидан етишган энг зўр фикр эгалари, прогрессив кишилар рус алифбесига ўтиш фикрини секин-секин ўртага ташлай келганларини кўра-миз. Озарбайжон халқининг XIX асрда ўтган машҳур ёзувчиси Мирза Фатали Охундов очиқдан-очиқ рус алифбесини қабул қилишни ўртага ташлаган ва бунинг проектини тузиб чиққан эди. XIX асрнинг сўнги ва XX асрнинг бошида яшаган бизнинг машҳур шоиримиз Фурқат жуда катта муҳаббат билан рус тилини ўрганди, улуғ рус халқининг машҳур лашкарбошиларидан Суворов ҳақида мадҳиялар ёзди. Фурқат буюк рус халқининг илғор маданиятига яқинлашди ва биринчи марта бизнинг ёзувчиларимиз ичида Пушкин, Лермонтов ва Некрасов асарларини уларнинг ўз она тилларида, рус халқи тилида ўқиб завқланди. 30

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида миллий ва колониал зулмдан қутулган ўзбек халқи ўзи учун янги тараққиёт йўлини танлади. Ўзбек халқи маданиятининг келажаги ислом идеологиясининг кишанларидан озод бўлган маданият қуролини — кенг халқ оmmasига Ленин партиясининг илғор таълимотини етказишга 40

хизмат қиладиган янги адабий тилни яратишга киришди, янги алифбе масаласини ўртага қўйди.

Буржуа миллатчилари рус алфавитини (алифбесини) қабул қилишгагина эмас, балки лотин алифбесини қабул қилишга ҳам қарши чиқдилар. Ўзбек халқининг янги тараққиёти қайси томонга қараб бораётганини пайқагандан сўнг, улар бутун кучлари билан эски араб алифбесини сақлаб қолишга тиришдилар. Буржуа миллатчиси Вадид Маҳмудий 1925 йилда Ўзбекистонда лотинчани қабул қилиш ҳаракати янги бошланган замонда лотин ва рус алифбесини қабул қилишга қарши чиқиб шундай деб ёзган эди: «Бир ҳарфни ўзгартириш масаласи ҳеч бир ижтимоий фойдаси бўлмаган, балки кўп зарарлари бўлган бир ташаббусдир».

Октябрь социалистик революцияси натижасида ўзбек тилининг тараққийси янги изга бурилди. Ўзбек тили Маркс — Энгельс — Ленин сўзлари билан, коммунизм ғояларини ифодаловчи таълимотларнинг сўзлари билан, рус интернационал сўзлар билан такомиллана бошлади. 20 Ўзбек тили дунёдаги энг маданий халқларнинг илмий бойликларини ўзлаштириш йўлида тараққий топар эди.

Буржуа миллатчилари ўзбек тилининг бу тараққиётига тишгирноқлари билан қарши чиқдилар. Ҳали юқорида номини айтиб ўтганимиз, буржуа миллатчиси Вадид Маҳмудий 1925 йилда Ўрта Осиё халқларининг ва шу жумладан ўзбек тилининг тараққиёти ҳақида номуссизларча бундай деб ёзган эди:

«Ўзбеклар арабча, форсча кўп таъсирларни сақлаган бўлсалар ҳам, қирғиз-қозоқлар буткул маҳаллилашдир-макка киришдилар. Қила олмаганларини татарлар каби русдан олдилар. Бу илмий истилоҳ ва таъбирлар бобидаги вазият тилимизнинг умумий тузилиш жиҳатига ҳам таъсирсиз қолмади. Қрим, Кавказ (кейинроқ туркманлар ҳам) шевалари усмонличага яқин бўлганидан шунга яқинлаша бошладилар. Татарлар эса (бошқирд-мешарлар билан бирга) ҳам жуғрофий вазиятлари, ҳам истилоҳ таъсирларни русдан олиш майли орқасида русга яқинлаша бордилар.... Қирғиз, қозоқ зиёлиси ҳам татар изидан бормоқдалар. Бу табиийдир. Борни ташладилар. 40 Ўзлари тузиб ишга ошира олмадилар. Ўрнига ўрисча кирди. Ўзбекнинг бу икки шевадан қайсига яқин экани ҳали очиқ эмас».

Буржуа миллатчилари бизнинг тилимизга совет сўзларининг, большевизм ғояларини ифода қилувчи сўзларнинг киришига қарши курашар эдилар. Бу сўз ва ғоялар бизга энг аввал рус тили, рус халқи маданияти орқали кирар эди. Шунинг учун улар энг аввало рус тилига қарши курашар эдилар. Буржуа миллатчилари ўзбек тилини қадим ҳолда сақлаб қолиш билан коммунизм идеяларини бизнинг халқимиз ичига киргизмасликни таъмин қилмоқчи эдилар. Бу катта сиёсий кураш эди. Ўзбек халқининг йўли жуда очиқ эди ва у ўзининг ёрқин шуълалари билан душманларимизнинг кўзларини кўр қилиб, социалистик маданиятга қараб борди. Ўзбек тили одамзод яратган маданий-адабий бойликнинг барча хазиналарини эгаллаш асосида, улуғ рус халқининг қудратли маданиятига яқинлашиш йўли билан гуллайди.

10

Ўтган йиллар ичида бизнинг тилимиз ўзбек совет интеллигенциясининг зўр кураши ва ташаббускорлиги соясида СССР халқларининг энг бой ва энг маданий тилларидан бирига айланди. Бу бизнинг жуда катта тарихий ғалабамиздир.

20

Революция натижасида ўзбек тили шундай тараққий топдики, ҳозир фан, фалсафа ва техниканинг барча назария ва тушунчаларини, Маркс — Энгельс — Лениннинг барча таълимотларини тўла ифода қилиш ва шулар воқитаси билан халқимизнинг — ишчи ва колхозчиларимизнинг маданий даражасини яна ҳам юксалтириш мумкин.

Шунинг учун ҳам рус алифбесини қабул қилиш масаласи ҳозир олдимизда катта бир тарихий зарурият бўлиб туради. Биз ўз тарихий тараққиётимизни яна ҳам тезлаштирмоқни хоҳлаймиз ва ҳозир рус алифбеси асосидаги янги ўзбек алифбесини қабул қилиш масаласини узил-кесил ҳал қилмоғимиз лозим.

30

Депутат ўртоқлар!

Ўзбек халқи ўзининг бутун тақдирини Ленин партияси билан, Маркс — Энгельс — Ленин таълимоти билан, коммунизм билан, буюк рус халқи билан умрбод боғлаган. Бизнинг халқимиз учун бу йўлдан бошқа бахт ва саодат топадиган йўлнинг бўлиши мумкин эмас. Биз Совет Иттифоқи халқларининг тенг ҳуқуқли оиласида одамзоднинг улуғ ва зўр маданиятини яратмоқдамиз. Рус графикаси асосидаги янги алифбега ўтишимиз бу тараққиётни яна ҳам жиддий қадамлар билан илгарилатишга сабаб бўлади, партиямиз миллий сиёсатини янги ғалабаларга

40

олиб боради.

Депутат ўртоқлар!

Ўзбек тилининг янги алифбесини қабул қилиш билан,
бу сессияда халқимизнинг тарихида янги бир шонли са-
ҳифа очарсизлар деб ишонаман.

Яшасин социалистик маданиятимиз!

Яшасин бахтли ўзбек халқи!

Яшасин бизнинг саодат, бахт ва маданият қуёши-
миз — большевиклар партияси!

ДУСТЛИГИМИЗ ҲАҚИДА

Гитлер бизнинг мамлакатимизни дунёнинг бошқа давлатларидан тамом ажратиб ташламоқчи, танҳо қолдирмоқчи эди. Одам қиёфасидаги бу йиртқич ҳайвон, уруш бошланиши ҳамоно Совет Иттифоқи халқлари бир-бирлари билан таллашиб, олишиб кетадилар, қўзғолонлар бошланади, мамлакат айрим майда бўлақларга ажралиб кетади, деб ўйлаган эди.

Зулм қилишдан завқ оладиган йиртқич, ўзга ўлкаларни талон-торож қилишдан баҳра олувчи ваҳший, бошқаларнинг қонини тўкишни касб қилиб олган қонхўр, халқларнинг ҳаёти ва осойишталигига чангал солишдан завқ олувчи жаллод, СССР халқлари ўртасидаги дўстликни сунъий — ясама бир ҳодиса деб ўйлаган эди. Бу дўстлик, унинг фаҳмига кўра, қандайдир омонат нарсаларга суяниб тургандай бўлиб туюлган эди. У, бу дўстликни бузиш учун ҳеч қандай машаққат чекишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаган эди.

Дўстлик деган нарсанинг нима эканини умрида билмаган бу бўри, бутун ҳаёти алдаш ва хиёнатдан иборат бўлган бу махлуқ, виждон ва ахлоқ деган нарсаларнинг кўчасидан ўтмаган бу ҳайвон, СССР халқлари ўртасидаги дўстликнинг ҳеч қандай кучи йўқ, деб хаёл қилган эди.

У, бу дўстлик учун бизнинг курашганимиз ва тер тўкиб меҳнат қилганимизни, бу дўстлик бир-бирига виждон ва садоқат билан берилган кишиларнинг дўстлиги эканини, бу дўстликда ҳеч қачон заррача хиёнат бўлмаганини ва бўлмаёганини, бу дўстлик расмий ва китобий бўлмасдан, чуқур ҳаётий эканини, бу дўстлик бизнинг яшашимизнинг чуқур илдизлари ва маъноси билан маҳкам боғлиқ эканини, бизлар — рус ва ўзбек, украин ва грузин, белорус ва тожик — бир-биримиз учун ўлишга ҳам

тайёр эканимизни, шу муқаддас инсоний дўстлик учун ўлимга ҳам ҳозир эканимизни асло тушунмайди.

Бизнинг ҳаётимиз бу дўстликдан ташқари бўлиши мумкин эмас. Бу дўстлик бизнинг ҳаётимиздир. Биз ўз озодлигимизни ҳам бирга олганмиз. Яхши бир оила ҳалол меҳнат билан топган нонни ўзаро дўстона бўлгандай, биз ҳам ўз тақдиримизни баҳам кўрамиз. Бизнинг дўстлигимиз ҳам тантанали қасам ва самимиятдан келиб чиққан бир ҳодисадир. Биз бир-биримизни яхши кўрамиз, 10 чунки бир-биримизга ишонамиз. Чунки бу дўстлик бир тўда қонхўрларнинг иттифоқи бўлмасдан, балки инсофли, онгли, илғор ва барча нарсада тенг инсонлар, халқлар ва уруғларнинг бирлашмасидир.

Мен, бизнинг дўстлигимиз фақат тантанали қасамлардагина эмас, балки ўзаро муносабатларда ҳам ёрқин кўринади, дедим. Мен бир ленинградлик илмий ходимни — Василий Захарович Голубевни билар эдим. У ўтмишда гражданлар урушида қатнашган. Финляндия frontiда орден олган киши эди. Ватан уруши бошланиши ҳамоно 20 у фронтга кетди. У ерда комиссар бўлиб ишлади. Голубев ярадор ҳам бўлди, ёв замбараги ўқининг тўрт парчаси унинг қўлига келиб тегди. У госпиталда ётди. Тузалди ва яна урушга — жангга қараб жўнади ва яқинда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ана шу Василий Захарович Голубев, рус киши, ҳали госпиталда ётар экан, ҳозир Тошкентда бўлган ленинградлик дўсти Александр Юрьевичга хат ёзди. Бу рус киши, бу шахсий мактубда ўз дўстига нималар ҳақида ёзди экан?

У ўзбеклар ҳақида ёзди:

30 «Азиз Александр Юрьевич!

Сиз Тошкентдасиз, мен эса йўқ ва мен сизга ҳасад қиламан. Ҳасад қилганим, қўлимга тўрт замбарак ўқ парчаси тегиб, мени госпиталда ётишга мажбур қилган уруш ҳодисаларидан Тошкентнинг узоқда бўлгани учун эмас, албатта. Йўқ, бунинг учун эмас. Менинг ҳам ўзбекларнинг ичида яшагим, уларнинг хушҳавосида нафас олгим, уларни яхшироқ англагим, уларнинг ватанига, ўзи ва санъатига бўлган муҳаббатимни англагим келар эди.

Мен улар ҳақида ёзган китобимнинг босилиб чиқолмай қолганига жуда афсус қиламан. Ким билсин, эҳтимол, у бир неча минутлик шодликка сабаб бўлган бўлар эди. Мен ўз меҳнатимга афсус қилмайман, балки мени узоқ вақт ҳаяжонга солган ва ҳамон ҳаяжонлантиришда

давом қилмоқда бўлган сезгилар ва фикрларга ачинаман, холос.

Сизга яна шунинг учун ҳам ҳасад қиламанки, мен ҳозир тадқиқодчилик билан шуғуллана олмайман. Начора, фашизмни тамом қуритмагунча севган ишимизни қилолмаймиз, шундай...

Ўзбек театрининг ютуқларини билгим келади. «Улуғбек» қалай бўлди? Кўрдингизми? Эшитдингизми? Мен уни жуда ҳам кўргим келар эди.

Бу мактуб тасодифий бир ҳодиса эмас. Бу бизнинг 10 дўстлигимизнинг гўзал ифодасидир. Газеталар шу даҳшатли кунларда, ёв бомбалари ёғилиб турган бир пайтда, қаҳрамон Ленинград халқи ўзбекларнинг XV асрда яшган улуғ шоири Алишер Навоийнинг юбилейига тайёрланаётганини хабар қилдилар. Газеталар бундай деб ёздилар:

«Орадан бир қанча вақт ўтди. Хонага бир киши келиб кирди. Бу киши ҳозиргина уйнинг деразаларини ғиштлаган эди. «Отишма тамом бўлди,— деди у,— ҳар ким ўз ишини қилиши мумкин. Мен эса Навоийни қўлга 20 оламан». У ўтириб Навоий асарларини таржима қила бошлайди. У яқин кунларда Эрмитаж томонидан ўтказиладиган юбилей сессиясига тайёрланмоқда. Яқинда бутун Совет Иттифоқи ўзбекларнинг улуғ шоири туғилган куннинг 500 йиллигини байрам қилади. Ленинград бу маданият байрамига қатнашади. Ҳали яқиндагина уй деразаларини ғиштлаган киши юбилей кунларига Навоий асарларининг таржимасини тайёрламоқда.

«Сўзларингнинг баҳори маъно билан гулласин»,— деб пичирлайди у таржима қилар экан: 30

Аدل илаки ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш.
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

Ўзбекларнинг улуғ шоири буюк рус халқи томонидан оғир ва даҳшатли кунларда унга кўрсатилган муҳаббат ва ҳурмат эвазига зўр акс-садо билан жавоб беради. XV асрнинг улуғ шоири узоқ асрлардан бизга қараб, адолат ва ҳақиқатга асосланган ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги ва йиқилмаяжаги ҳақида қичқиради. 40

Одамхўрлар ва чет эл босқинчиларига қарши халқлар дўстлигини мадҳ қилган улуғ шоир Навоий, афсонавий Искандар, унинг одамхўр яъжуж-маъжужларга қарши

қурган хаёлий маъдан девори ҳақида ёзган эди. У бу дostonда халқларнинг одамхўрларга қарши курашида русларнинг етакчи бўлишларини айтган эди.

Бизнинг бузилмас дўстлигимизнинг илдизлари жуда чуқур.

10 Ҳозир, жаҳон урушининг улуғ ёнғинида барча совет халқлари рус халқи билан бирликда ва унинг етакчилиги билан фашист йиртқичлигига қарши аёвсиз жанг қилмоқда. Бу кураш оловида бизнинг дўстлигимизнинг пўлати яна ҳам ажойиброқ тобланади, бутун халқлар ва маданиятларнинг нажоти шунда. Бутун инсониятнинг нажоти шунда.

Шунинг учун ҳам ўзбеклар Москва бўсағаларида фашистларга қарши аёвсиз жанг қилмоқдалар. Улар Москвани, бизнинг бахтимиз ва дўстлигимизнинг бешиги бўлган Москвани мудофаа қилишдек улуғ шарафга эга бўлдилар. Одамхўрлардан Москвани ҳимоя қилиш билан улар ўзларини, ўз халқини, унинг тақдирини мудофаа қилаётирлар.

20 Мен Ғарбий фронтда бўлган бир ўртоғимдан мактуб олдим. У старший политрук эди. Қаттиқ жангларда иштирок қилган унинг дўсти ҳалок бўлган. У унинг ўрнини босган ва ўзини бир батальоннинг комиссари деб эълон қилган. Ўзининг хатида у хотинлар кийимига ўралиб қочиб бораётган фашистлар ва бизнинг қисмларимиз тайёрланаётган янги ҳужум ҳақида буюк шавқ билан сўзлайди. Мана унинг хати:

«Фашистлар қочаётирлар, «Гитлер капут» деб қичқираётирлар. Бу «Гитлер битди» деган сўз. Ҳақиқатан 30 ҳам, Гитлер жароҳатланди.

Биз ҳужум қиляпмиз. Ғарбга қараб, ташлаб келган таниш жойларимизга қараб боряпмиз. Таруза, Калугаларга штурм қиляпмиз. Агар бу шаҳарларнинг олингани ҳақида хабар борса, уларни ўзбек йигитлари ҳам олди деб тушунингиз».

Бу муқаддас курашдир. Бу муқаддас кураш бизнинг дўстлигимизни яна ҳам мустаҳкамлади.

Бизнинг дўстлигимизнинг кучи нимада? Бизни бир-биримизга маҳкам боғлаган, бирлаштирган нарса нима? 40 Бизнинг дўстлигимизни бузилмас қилган нарса нимадир? Бу дўстлик натижасида эришган озодлигимиздирки, бизнинг ундан ажралгимиз ва ҳеч кимга бой бергимиз келмайди. Бу бизнинг узоқ йиллик меҳнат билан топган бах-

тимиздирки, биз уни йўқотишни истамаймиз. Бу бизга дунёни танитган ва болаларимиз тарбия топаётган мактаблардирки, биз уларни беркитмоқчи эмасмиз. Бу бизнинг ҳали ҳеч ким кўрмаган ва ҳеч ким синамаган янги бир дунёни мукамал яратиш тўғрисидаги интилишимиздирки, биз ундан қайтмоқчи эмасмиз. Бу ўлимга, ёввойликка, зулм ва қулликка қарши бизда нафрат ҳиссини тарбия қилган большевиклар партиясига туганмас садоқатимиздирки, биз унда ҳамон маҳкам тураемиз. Бу дунёни ва одамзоднинг истиқболини бирдан-бир тўғри англа-
тувчи Маркс — Энгельс — Лениннинг таълимотига ту-
ганмас муҳаббатимиздир. 10

Бизнинг аждодларимиз қул бўлиб ўтганлар. Хонлар, подшо амалдорлари уларни минг хил азоб-уқубатларга дучор қилганлар. Улар чуқур зиндонлар ва зах ертўларда ўз ватанининг қуёшини кўришга зор бўлиб ҳалок бўлганлар. Улар бизни курашга ва Ватанга муҳаббатга чақирадилар. Одамзоднинг энг яхши фикр эгалари доим жангчи ҳам бўлганлар. Доҳий Ленин шундай эди.

Одамхўр Гитлер ўзининг ақли паст босқинчи қўшин-
ларига ва аҳмоқ қилиб ўз орқасидан эргаштирган дав-
латларга Москвани олиш ва 7 ноябрда Қизил Майдонда
қўшинларнинг паради бўлажаги ҳақида тантанали ваъда
берган эди. 6 ноябрь кечқурун, Гитлер Москва устига
қараб 200 самолёт қўйган вақтда Сталин Москва Совет-
тининг мажлисида Улуғ Октябрь социалистик револю-
циясининг XXIV йиллиги ҳақида доклад билан чиқди.
7 ноябрь куни Қизил Майдонда совет қўшинларининг
ҳайбатли ва салобатли паради бўлди. Қизил Майдондан
генерал Рокоссовскийнинг афсонавий жангчилари саф
тортиб ўтдилар. 20 30

Доҳийларимиз бизни шундай қаҳрамонлик, жасорат
ва журъатга ўргатадилар. Яна ўн мартаба ортиқроқ меҳ-
нат қилайлик. Қутурган душманни тамоман қириб таш-
ламоқ учун ҳаммамиз қўлимизга қурол оламиз. Муқад-
дас тупроғимизни фашист ваҳшийларининг ифлос
туёғидан батамом тозалаймиз. Доҳийларимизнинг руҳи
бизни илҳомлантиради.

Яшасин бизнинг қудратли ишчи-деҳқон Қизил Ар-
миямиз ва Ҳарбий денгиз флотимиз!

Яшасин Совет халқларининг бузилмас дўстлиги!

Яшасин одамхўрлар галаси бўлмиш фашизм устидан
ғалабамиз!

МЕН ЎЗБЕК ХАЛҚИ НОМИДАН СЎЗЛАЙМАН!

Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман. Менинг халқим ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидан ҳам азиз кўради. Менинг халқим ўз боболари кўмилган тупроқни ўпади, шу тупроқни ҳаром, нопок қилган одамни ўлдиради. Эски ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда бир ҳовуч ватан тупроғини доимо ўз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга ўз туғилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдга солган.

- 10 Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унуттирмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам уни ўз ватанида ҳис қилдирган ва қаерда бўлмасин ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содиқ ўғли бўлишга чақирган. У, ватанини қанча севса, ота-онасини қанча севса, ота-онадан, севимли ёрдан, қадрдон ватандан нишон бўлган шу бир ҳовуч тупроқни ҳам шунча севган. Шу бир ҳовуч тупроқнинг кучи шунча зўр бўлганки, у, сувсиз саҳролардан, қорли тоғлардан, ваҳший дарёлардан, ёввойи ўрмонлардан кўз очиб юмгунча ўта олган. Шу бир ҳовуч тупроқ уни ўтдан олиб ўтга ташлаган, лекин омон сақлаган. Ўқ унинг кўкрагини теша олмаган, қилич танасини кесолмаган, олов куйдиrolмаган, зиндон чирита олмаган.

- Шундай. Менинг халқим ор ва номусини билади. У ўз ўғил-қизларини номус ва ҳаё билан тарбия қилади. Фарзанд ўз ота-онаси учун ўлишни бўйнига олади. Ўғил ўз онасини хўрлаган кишини ўлдиради. Ака ўз синглиси номусини ҳақорат қилган одамни ўлдиради. Сингил ўз акасини ўлдирган кишидан хун талаб қилади.

Менинг халқим бирлик ва иттифоқри, ҳамжиҳатликни яхши кўради. Тирик экан бир-бирини қўллаб-қўлтиқлай-



Ҳамид Олимжон нутқ сўзламоқда. 1941 йил.

ди. У, тирик бўлсак бир ерда, ўлик бўлсак бир гўрда бўламиз, дейди. У, ўз ожизларининг товушини кўчага чиқармайди. У ўз халқидан бўлган кишининг кўчада қолганини кўрса уялади, шармсор бўлади, юзи қизаради. Ота ўз болаларини доим ўз қаноти остига олиб юради. Она ўз фарзандлари учун парвона бўлади, тишига тишлаб, орқасига опичлайди. Улар ўлганда ўз қабрларини бир-бирига яқин қўядилар. У ўз ўлигини бегона қилмайди.

- 10 Менинг халқим дўстлик, биродарликнинг қадрини билади. У, ўз ҳамсоясини, ўз қўшниларини ҳурмат қилади. Уларнинг кўнглига ғаш соладиган, ранжитадиган ишни қилмайди. Яхши кунда дўст бўлиш — бу катта фазилат эмас, ёмон кунда дўст бўлиб кўр, дейди. Тўйга ҳамма ҳам келади, шодликни ҳамма ҳам баҳам кўра беради. Яхши кунингда сенга душман ҳам дўст бўлиб кўринишга ҳаракат қилади, дилида заҳари бўлса ҳам тили ширин бўлиб кўринади. Лекин бошингга ёмон кун келганда дўст-дўстга, душман-душманга ажралади. Яхши кунингда тил
- 20 учи дўст бўлиб юрганлар, дўстлиги қалбаки бўлганлар сендан ажралиб четга чиқадилар. Яхши виждонли дўстлар эса сен билан бирга қолиб қайғунгни баҳам кўрадилар, дейди. Шунинг учун у, дўст ёмон кунда билинади, қиёмат куни қўшнидан, дейди.

- Бугун бу ерга менинг халқимнинг энг эски дўстлари йиғилганлар. Бизнинг боболаримизнинг қабрлари бир-бирига жуда яқин бўлган. Биз бир қориндан талашиб чиққан халқларнинг вакилларимиз. Бизнинг бешигимиз бир ерда бўлган. Қозоқ онасининг айтган алласига ўзбек
- 30 боласи ҳам ухлаган. Ўзбеклар тожиклар билан бир ҳовлида яшаб келганлар. Навоийни туркманлар худди ўзбеклардай яхши кўрадилар. қирғизнинг тўйи ўзбексиз ўтмаган. Бизнинг халқларимиз бир-биридан қиз олиб, қиз бериб қуда бўлиб келганлар. Бизнинг чўполаримиз айни тоғлардан қўй ҳайдаганлар. Бизнинг подачиларимиз бир яйловда йилқи боққанлар. Бизнинг аждодларимиз бир мадрасада ўқиганлар. Бизнинг боболаримиз бир-бирига китоб ёзганлар. Бизнинг йигитларимиз бир майдонда улоқ чопганлар. Бизнинг уруғларимиз бир-бирига ча
- 40 тишиб кетган. Бизнинг тилимиз бир томирдан тарқалган. Бизнинг халқларимизни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ўзбек халқининг буюк эътиқоди шу.

Менинг халқим ўз тақдирини бошқа дўст халқларнинг тақдири билан маҳкам боғлай билади. Чунки у биладики, унинг тақдири тўрг девор орасида қамалиб умр ўтказадиган эски бева хотиннинг тақдири эмас. Менинг халқим, қандай бўлмасин, бир илож қилиб умр ўтказиш учун дунёга келган халқ эмас. Бутун қайғуси қорин тўйдиришдангина иборат бўлган одам ҳар бир жойда ҳам кун кўра олади. Йўқ, менинг халқим бахт ва саодат билан кўкрак кериб яшашни истайди. У, ер юзига ўзининг бутун имкониятларини намоян қилишни, ўз доҳийсини 10 кўрсатишни, ўз яратган бойликлар, шонли ўтмишини, нималарга қобил ва қодир эканини намойиш қилишни, ўз миллий маданияти, ўз миллий анъаналарининг бир руҳий ғурури билан яшашни, ўзининг келажак авлодларига бахт ва саодат беришни истайди. Шунинг учун у ўзининг тақдирини Совет Шарқида яшайдиган халқлар билан, бутун СССР халқлари билан, буюк рус халқи билан бир умрга маҳкам боғлаган. Бу жуда ажойиб дўстлик. Одамзод тарихи бу хилдаги дўстликни ҳалигача билмаган. 20

Бу, дўстликда ғараз ва сохталик йўқ. Чунки бу дўстликнинг муҳташам саройини бир чироғ ёритади. Чунки бу дўстликнинг тоғ ва тупроқларини бир қуёш иситади, чунки бу дўстликнинг ҳамма дарёларида ҳам оби ҳаёт оқади, чунки бу дўстликнинг ҳамма ўрмонларида ҳаёт дарахти кўкаради.

Агарда бу дўстлик бўлмаганда эди, менинг халқим хўр ва хор, унинг бола-чақалари оч ва яланғоч, авлодлари эса бахти қаро, кўр ва басир бўлган бўлар эдилар. Агарда бу дўстлик бўлмаганда эди, унинг ватани харобистон, бўстонлари чўл-саҳрога, обод шаҳарлари бойқушхонага айланган бўлар эди. Менинг халқимни рўёбга чиқарган, шод ва бахтиёр қилган, нон ва ош, кийим ва усти-бош, эътибор ва обрў берган нарса шу дўстликдир. Шунинг учун ҳам у бу дўстликнинг қадрига етади. Шунинг учун ҳам у бу дўстликни ўзининг кўз қорачуғндай сақлайди. Шунинг учун ҳам у ўзининг бутун ўғил ва қизларини бутун қардош халқларга ҳурмат руҳира, буюк рус халқига муҳаббат руҳида, Ленинга туганмас садоқат руҳида тарбия қилади. 40

Менинг халқим қўлига қурол ушлашни ҳам яхши билади. Минг йиллар давомида у, ўз душманлари билан учрашиб келган халқ. Араб босқинчиларини тумтарақай

қилиб қувган Муқанна, Чингизхонни даҳшатга солган Торобийнинг руҳи ҳамон тирик. Бутун ўзбек жангчилари курашга кирар экан, халқ ботирларининг номи билан қилич чопадилар. Душман билан курашар экан, менинг халқимнинг 7 дан 70 гача бўлган ҳар бир аъзоси қурол ясаган.

Девона Гитлер ана шунга ишонмаган эди. Шунинг учун менинг халқим қўлига қурол олиб, майдонга чиқди. Узининг энг асил йигитларини жангга юборди. Кекса ва
10 қарилари қилич ясашга, милтиқ ва тўп ясашга, миномёт ва бомба ясашга киришди.

Бугун ватан урушининг майдонларида ўзбек халқининг ўғиллари қардош СССР халқларининг ўғиллари билан бирга фашистнинг тухумини қуритмоқда. Менинг халқим ҳар соат, ҳар минут ўз ўғиллари билан бирга, миллион-миллион эллар унинг меҳрини ўз ўғилларининг қалбига пайванд қилиб туради. Ҳар соат у ўз ўғилларига мурожаат қилади. Ватан учун жангда жон олиб, жон бераётган ўзбек йигити, бизни эшит! Сенинг ватанинг бугун
20 Амударё билан Сирдарё орасигина эмас. Ленин сенга буюк ватан берди. Амудан то буюк Волга дарёсигача, узоқ Шарқдан то Болтиқ денгизигача, Шимолий Муз денгизидан то Қора денгизгача, узоқ Хоразмдан то Ленинградга, Андижондан то Мурманскга қадар сенинг ватанинг. Сенинг энг буюк шаҳринг — Москва. Сенинг энг мухташам саройинг — Кремль.

Ватан урушининг кўз илғамас фронтларида бу кун сенинг қадаминг тегмаган ер йўқ. Кавказ тоғларидан тортиб то Украинагача, Дон дарёсидан Қишлоқ Саройга
30 қадар, Сталинграддан то Великий Лукигача сен жанг майдонида жавлон қилиб, от ўйнатиб юрибсан. Сени эсласак кўкрагимиз кўтарилади. Чунки бу ерларнинг ҳаммасида бир вақтлар ҳали сен туғилмаган чоғларда одамлар сенинг халқинг, сенинг бахтинг учун қон тўккан, жон берган эдилар. Сенинг халқинг ўша ерлардаги жанглар соясида бахт топган эди. Ўша ерларнинг ҳаммаси сенинг ватанинг, ўша ерларнинг ҳаммасида сенинг опа-укаларинг, ғариб сингиллар қийналмоқдалар. Ўша ерларнинг ҳаммасига ризқинг сочилган. Сен жангга кирар экан, бир
40 ҳовуч ватан тупроғи сенинг қўйнингда, ўша ерларнинг ҳаммасига ҳам сенинг киндигингнинг қони томган. Сенинг киндигингнинг қони томган ер муқаддас. У ерларни душман ҳаром қиляпти экан, сен уни ўлдир. Сен уни ўл-

дир — бунинг учун сен ҳеч ким олдида жавобгар бўлмайсан. Бунинг учун ер юзи фақат сенга, сенинг ота-онангга, сенинг халқингга раҳмат дейди.

Жангчи ўзбек! Сен билан бизнинг орамиз узоқ. Лекин кўнглимиз яқин. Биз сенинг нафас олганингни ҳам эшитамиз. Сен ҳам бизни эшитасан.

Эски вақтда, ҳали душман билан ошкора кураш йўқ вақтида ота-онанг сенга душманнинг қон чиқмас ерига солишни ўргатар эдилар, ҳозир кураш жуда ошкора бўлиб кетди. Сен энди фашистнинг қон чиқадиган ерига солабер. Ундан қанча кўп қон оқса, шунча тез йиқилади. Ундан қанча кўп қон оқса, шунча мадори кетади. Ундан қанча кўп қон оқса, шунча кўпроқ ўлади. Душманни кўпроқ ўлдир! Ота-онанг сендан шуни талаб қилади. Бирор-та душманни ўлдирмаган кунингни ўзингга ҳаром сана! Сенга халқингнинг буйруғи шу.

Дилингда доим Ленин номи бўлсин. Большевиклар партиясига суян. Ленинга суян. Ленинга суянган одам йиқилмайди. Ёдингда доим — ота-онанг, халқинг бўлсин. У, заводда, колхозда, илм-маърифат уйларида сенинг учун ишлаяпти. Халқингни ёдингга олсанг — шер бўласан. Жангчи йўлдошларинг — СССР халқларининг ўғиллари билан ажралмас дўст бўл. Улар сенинг ака-укаларинг. Ҳаммангиз бир она, бир отанинг болаларисиз. Онагиз — СССР, отангиз — партия.

Сенинг халқинг тоғдай бўлиб орқангда турипти. Ўзбек халқи ер юзида бирорта ҳам босқинчи фашистни тирик қолдирмаслик учун охиригача жанг қилишга қасамёд қилди. Ўзбекнинг қасами қаттиқ бўлади. Ўзбек қасам ичса, қайтмайди. Ўзбек қасам ичса, ғазот қилади. Сен ўз халқингга, ўз ота-онангга муносиб бўл. Душманни тору мор қилиб ватанни озод қилиб, ғалаба билан эсон-омон, соғ-саломат, қаҳрамон бўлиб элга қайтиб кел. Сенинг халқинг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, кўзига уйқу кўндирмасдан ғалаба кунини, сени кутиб турипти.

Яшасин бизнинг яқин ва муқаррар ғалабамиз!

Яшасин, миллиард йиллаб бор ва ғолиб бўлсин бизнинг ватанамиз — СССР!

Яшасин қўлига қурол ушлаб, ёвни қираётган азамат қизил жангчиларимиз!

Яшасин адолатнинг нузли офтоби, бахт китоби, жангчиларнинг улуғ илҳоми, ғалабамизнинг номи — буюк партия!

МАТЕРИАЛ

КАМПИРНИНГ ГАПЛАРИ

— Икки одам касал деса, сен инграгин қўшилиб.

Гап паранжи ҳақида. Ҳамма очилиб озод юрганини кўриб ўзи ҳам чачвонини очиб юради.

— Ҳаммаёқ газборга тўлибти. Шунинг учун ҳа деб пахта деб қичқирар эканда. Пахта бўлмаса булар бўлмас экан.

Тошкент ГОПУсини кўриб келгач.

— Эркак, аёл — пахта.

Қишлоқда бораётган пахта терими ҳақда.

10

Оқсоқоллик қилиб ҳамманинг олдига нон синдиради.

Кўплар бундан жирканади. У буни сезмайди. Кампир нонни синдириб бўлиб бутини қашийди.

Чойни стаканга, стаканни тарика (тарелка) га қўйиб туриб ичишга ажабланади.

ГОПУ га бориб келиб, ўзи ҳақида гапирди. Бир қарин юз бир сўм эмиш.

Шу олиб берилса деган таъма қилади. Иккинчи кампир дўхтир дока бўлса керак деб уни айнилади.

— Ҳозир олиб қўйсам. Кўзимнинг тириклигида тай-ёр бўлса, тагин ўлганимдан сўнг топилмасдан дўхтирнинг докасига ўрамасинлар.

20

Кампир поезддан тушуб автомобилга минади.

— Бизни қутичага солиб юборди. Извошчи паранжини ташламасанг миндирмайман,— деди.

Кампир ўлган эри ҳақида гапирди. У «эрим» деб гап бошлади.

Аям:

— Қаро ер бўсун. Отанг денг, бобонг денг, ҳадеб эримчи-эрим.

30

Кампир совға қилиб келинга бир дастрўмол келтирган. Лекин уйга келиб, у ёқ бу ёқни титкилаб қараганда

у тополмайди.— Сан олгандурсан деб оёғимга ёпушади.

— Узингиз олиб қўйдингизми? деб келиндан сўрайди. ГОПУ га боргандан сўнг бир қўлтуқ киссаси тўппайиб кўринади. Қараса ўша рўмол. У рўмолни қидирганда ҳамма киссасини қарамаган экан. У бутун кийимини Тошкант бораман, деб илма-тешик қилиб кисса қилган. Кисса ўнтўртта, Рўмол шу киссаларнинг бирида бўлган: Кампир шу ҳақда, топилган рўмол ҳақида гапиради.

10 — Рузвон хола, шўрлик билмасдан сувга борганда обкаш деб елкасига чархни қўйиб борибди. Бориб обкашни олиб ҳовузга соламан деса чархи сувга ботаётган эмиш. Ман ҳам худди шундай бўлдим.

Кампир самолётга чиқади. Тошкант бозорлари, гапиришганлари, магазинларини қарайди.

Қайтиб келиб ўз таассуротини гапиради:

— Кўча тўла одам. Эркак-хотин — аппа-аралаш.

Хотинларнинг бошлари яланг.

Ҳаммаси яшаб юради. Шунинг учун бу ҳукумат ҳадеб яшасин дер экан-да.

20 Кампир болаларнинг Тошкантда келиб ўқишининг сабабини таҳлил қилади:

— Кўчада юрганнинг ҳаммаси китоб кўтарган. Шунинг учун болам, ўз болаларин бу ёққа юборганакан.

Электрик чойнак

— Ҳой, болам, мана шунда қувват бўлар экан. Шуни шунга суқиб қўйса қайнар берар экан.

— Нариги симни ушласа, қўлни мажақ-мажақ қилиб юборар экан.

30 — Ёпиримай! Бу илми ҳикматни қаранг-а.

Кампир ўтнинг иссиғини, сувнинг тиниғини ахтаради.

Уғри кўйлакни олиб кетди

— Тўғрида, йўлни устида турган экан, касали борми ўғирламай.

— Ая, энди паранжини ташланг сиз ҳам.

— Биздан ҳукуматга бир тегишлигимиз бўлмаса, ташлаб ҳам нима қилдик.

Кампир:

— Кўчада икковларинг бирга-бирга юрасанларми?

— Йўқ, ман олдинда, у киши орқадан юради.

29 апрель.

Индинга Биринчи Май. Бутун дунё меҳнаткашларининг байрами. Ўзбекистоннинг колхозлари бу байрамга пахта, юқори ҳосил, экинни ўз вақтида, ҳатто муддатидан илгари бажариш ғалабалари билан чиқажаклар. Ишнинг бошқача бўлиши мумкин эмас. Бунсиз байрам ҳам ош бўлмайди. Ўз олдига қўйилган вазифани бажармасдан туриб байрамга чиқишнинг қандай қизиғи бор.

Шунинг учун бутун кучларни қамчилашга тўғри келади. Қандайгина бўлмасин, байрамга ёруғ юз билан чиқмок керак. 10

Мулқободнинг азамат колхозчилари буни яхши биладилар. 27-кечаси участка сиёсий штаби, таянч партия ячейкаси, агроучастка томонидан қилинган чора аллақачон ишнинг боришига қаттиқ таъсир кўрсатди.

Мулқободнинг бутун кучлари ҳаракатга келди. Эрта билан Урганжи томонга кетган Ризаев туш пайти қайтди. У, жуда серкайф ва хурсанд эди. Унинг орқасидан ичкарига Муродов киради. Ризаев унга қаради ва Мулқободнинг рақамларидаги тикка кўтарилиш ҳодисасини гапирди: 20

— Экин 78,9% га чиқибди. Бу кечаги ҳол. Икки кун ичида 20% кўтарилибди.

Хабар Муродовни ҳам хурсанд қилди. У Ризаевнинг фикрини тўлдирди:

— Бу кунги кўтарилиш ундан ҳам кўп бўлур. Бу кунги ҳисоб ҳам кечагидан аниқроқ бўлса керак.

Ризаев яна плашчини кийиб, қўлига сумкасини олди. Муродовга бўлинг ишорасини қилди. 30

— Ҳаво ойдин бўлиб қолди. Бугун кечаси билан экдирамиз.

Муродов кўшилди ва унинг фикрини аниқлади:

— Жуда орқада қолаётганларни, даражаси пастларни эктириш керак.

Ризаев унинг фикрини маъқуллади ва хурсанд бўлиб, илжайиб гапирди.

— Биринчи Майга бир юз фоиз бўлиб кетса эди.

Муродов ҳеч нарса демади ва юзи билан розилик ва қаноат аломати қилди. Улар уйдан чиқдилар.

10 Ҳавонинг икки-уч кундан бери жуда қизиб кетиши колхозчиларга анча хурсандлик берди. Улар ҳавонинг бу даража қизиб кетиши экилган чигитнинг олти кун ичида чиқиши ва чиққанларнинг гуркираб ўсиб кетишига йўл очади, деб ўйларди.

Бу йил баҳор жуда кеч келди. Агар ҳаво исиб турганда ҳозир чопиқни бошлаб юбориш мумкин эди.

20 Бунинг устига ҳавонинг иккинчи ёмон хусусияти ҳам бор. Ҳаво жуда ҳам сершамол, кундузи иссиқ. Лекин, шунга қарамасдан кечаси ҳаво совимайди. Шунинг учун бутун баҳор бўйи ҳалигача бирон марта шудринг тушган эмас. Бу экинга ва айниқса йўнғичқага ёмон таъсир қилади. Йўнғичқаларнинг барглари қуриб кетмоқда.

Ҳавонинг ана шу жиҳати сув қаҳат бўлиб турганда ёмон.

Мен бугун «Сталин» колхозида бўлганимда участка агрономи Приходькониинг «Сталин» колхози раҳбарлари билан чой ичишиб ўтирганини кўрдим. Агроном уйнинг тўрида ёнбошлаб ўлтирар, унинг атрофида бошқалар уюлишган, мироб бўлса чой қуйиб бериб ўтирар эди.

30 Уртада дастурхон. Дастурхон нон билан тўла ва катта-катта майдаланган қанд ҳам бор. Мироб чойни қуяр экан, унинг ичига уч-тўрт бўлак қанддан солиб, сўнгра агрономга узатар эди. Қанднинг шунча кўп ташланишига қарамасдан пиёлада чой ярмидан ошмас эди.

Бунда уларнинг агрономга бўлган муҳаббатини кўриш мумкин. Узлари чой ичганда чойга бунча қанд ташламас эдилар. Ёхуд озгина ташлар, ёхуд агрономнинг пиёласи тегида қолган қанд билан қаноатланар эдилар.

40 30-кун мен тамоман Қорамулла жамоасида бўлдим. Жамоадаги «Ленин» колхози ҳамон ўпирилишдан чиқа олгани йўқ. Экин бошқа колхозларга нисбатан жуда суст, жамоа бўйича энг орқада бораётир.

Мен эрта билан «Ленин» колхозининг идорасига борганимда дарвоза қулф эди. Сўнгра 2-бригадага бордим.

Унда озгина одам ер чопар, икки қўш ер ҳайдар, хотинлар йўқ, манзара жуда кўнгилсиз эди. Мен бригадирдан Ёқубжон акани сўрадим. Бригадир менга шу икки-уч кун ўртасида колхознинг икки оти ўлганини, бугун кечаси ўлган отни акт қилиш учун ҳамманинг биринчи бригадага кетганини гапирди.

Кеча қизил от қаттиқ касал эди. Унга ўт солдилар, у овқатланмади. Сув бердилар, ичмади. Шу ҳолни кўриб, билиб туриб, отбоқарлар ухлаб қолдилар. Ҳеч бир даво излаш йўлини ахтармадилар. От кечаси ўлиб қолди. От ўлганда отбоқарлар данг қотиб ухлаб ётар эдилар. Шунинг учун отнинг ўлиши ҳеч кимга маълум бўлмади. Эрта билан туриб, улар отни ўлиб ётган ҳолда кўрдилар. 10

«Ленин» колхозининг тортув кучи, ўлчови жуда оқсоқ, колхоздаги зараркунандалар бедаларни сотиб, куйдириб юборганлар. Бедага ўт қўйиб юборган хотинни жинниликка чиқариб, беданинг куйдирилиш ҳодисасидан ҳеч қандай натижа чиқармаганлар. Масала изсиз тугалиб кетган. Ҳозир ҳам колхознинг отларига ем, беда, ҳўкизларга овқат йўқ. Улар ишга ярамас даражада оч ва ориқ. 20

Ҳозир «Ленин» колхози фақат бошқаларнинг буксирга қараб қолди. Бунсиз у яқин орада экинни тугата, ўпирилишдан чиқа олмайди.

Мен учинчи бригаданинг ерини айланиб чиқиб, қишлоққа кирар эканман, мени Юсуфжон ака (уни Юсуфхожи ҳам, Юсуф Банги ҳам дейдилар) чақариб қолди. У айвонда сўрига тахланиб қўйилган кўрпаларга орқа бериб ўтирар эди.

Вақт туш қизиги бўлиб келаётир. Ҳамманинг ишлаб турган вақти. Ҳозир бир минут ҳам даладан четланиш катта зарар. Шундай вақтда Юсуфжон ака сўрида чўзилиб ўтирар эди. Мен ҳайрон бўлдим. 30

Юсуф ака менга истиқбол қилди. Мен икки тол ўртасидаги кичкина йўлакдан кириб, кичкина ариқдан ҳатлаб, Юсуфжон аканинг ҳовлисига кирдим.

Ҳовлининг кенглиги ярим танобча келар эди. Унинг икки томони девор, бир томони уй ва айвон ва бир томони шох билан ўралган эди. Шох билан ўралган томон кўча тараф ва ҳовлининг энг узун девол талаб қиладиган тарафи эди. Кўчадан ўтган ҳамма одам Юсуф аканинг айвони,..., унинг нима қилиб ўтирганини кўради. 40

Юсуфжон ака ҳовлини уч-тўрт бўлакка бўлган. Сўрининг олдидаги бир парча беш жўяк ердан сабзи барглари

кўкариб ётар эди. Сабзи жуда қалин эдики, ундан ҳеч бир қўлга илинадиган сабзининг ўсуви мумкин эмас. Сабзининг орқасидаги, шох билан ўралган томондаги кичкина ер текис, унга пиёз экилган, айвоннинг олдидан ток новдалари ва шафтоли ўтказилган ернинг қолган бир қисмига қовун ва қолган қисмига Юсуф аканинг ўз истеъмолига керак бўладиган нарсалар экилган.

10 Айвонга кирар экансиз, энг аввал кўзга токчадаги иккита оғзи синиқ, кичкина хум (кўза), шипга осилган тўртта бедана, токчанинг бир тепасига осилган исриқ кўзга тушади.

Айвоннинг таги чимдан, усти кесакдан кўтарилган, у шўрхок очиб, тулаб, бутун сувоқлари тушиб кетган... кўрасиз, ва айвоннинг ўнг бурчидаги кичкина эшикдан уйга кирилади, уйга ҳеч бир қоронғи тушмайди. Фақат эшик олдидаги (уй ичидаги) ўчоқдан бир хотиннинг боласини қўлтиқлаб, ивирсиб, ўтин тутатиб ётгани кўринади.

20 Юсуфжон ака мени сўрига таклиф қилди. Сўрининг устига жуда ҳам чанг босиб кетган шол тўшалган, унинг юқори томонига кўрпа тахланган, чап томонига бешик қўйилган эди. Мен сўрига чиқдим. Сўрининг устига, шолнинг тагига жуда ҳам кўп хашак солинганидан у, жуда юмшоқ эди.

Уйдан чой, нон чиқди. Биз ўтиришиб, ...гап қилдик. Юсуфжон ака энг аввало колхозчиларнинг ишнинг кўзини билмаганидан, у гапирганда қулоқ солмаганидан қўйиб кетди:

— Улар менинг айтганимнинг тўғри эканини энди 30 тушунмоқдалар. Улар Юсуфжон ака авлиёлик қилган экан, биз билмаган эканмиз, дейишга мажбур бўлдилар.

Юсуфжон ака, халқнинг уни жуда ҳам боши айланган одам эканини билиб қолганига қарамасдан, отдан тушса ҳам, эгардан тушгуси келмайди. Шунинг учун у, ҳамон колхозга раҳбар бўлиш ниятидан қайтмайди. Лекин бунга, унинг укаси Ёқубжон аканинг колхозга раис бўлиб қолгани ишнинг белига тепадир. Бир ёғи жигарлик қилиб, у раисликка тамагирлик қилмайди. Ҳеч бўлмаганда омборчи бўлганда эди, Юсуфжон ака тилакка етар эди.

40 Гап асносида ичкаридан товуш чиқди:

— Болани олиб туринг, мен сув олиб келай!

Юсуфжон ака унга аҳамият бермайди ва жавоб беради:

— Болани кўтариб бориб, олиб келабер!

Ичкарида хотин ўзича гўнғиллади ва боласини бир қўлида ушлаб, пақир кўтариб сувга чиқиб кетди. Юсуф ака гапида давом қилди.

Хотин қайтиб келганида Юсуфжон ака энди унинг далага чиқишини буюрди. Хотин эътироз билдирди:

— Вақт ўтиб кетди, энди чиқмай қўя қолай, нима ҳам иш қилар эдим.

Юсуфжон ака жаҳлланди:

— Номаяқул қибсан, ишласанг-тишлайсан, югур! 10

Хотин жуда хафа бўлди. Дарҳақиқат, хотинларни мен Юсуфжон аканикига кирган замонимда ишга чақириб кетган эдилар. Ҳозир ҳамма хотинлар далага, иш бошига етиб улгурдилар. Шуларнинг ҳаммаси орқасидан бориб ишга тушиш, хотин бечорага жуда оғир туйилди. Айниқса у, боласини ҳам ташлаб кета олмайди. Юсуфжон ака болага қарамайди. Бошқа боқадиган киши бўлса йўқ. Далада бўлса, бир қўлда бола кўтариб, бир қўлда иш қилишга тўғри келади, чунки ҳали далада хотинлар меҳнатини енгиллаштирадиган яслилар йўқ. Хотин ҳаммадан кечикиб боришнинг қандай қийин ва юз қизартирувчи эканини кўз олдига келтирди: 20

— Ҳаммадан кечикиб борсам, хотинлар ғиринг-пиринг деб қулоқ-миямни ейдилар, бўлмайди.

Юсуфжон ака қаттиқ жаҳлга минди. Мен туриб, уриб юборарми деб ҳам ўйладим.

Хотин боласини кўтариб йиғлагандай бўлиб чиқиб кетди. Ҳолбуки, Юсуфжон аканинг ўзи ишга чиқмасдан ўтирар эди. Бу тўғрида хотин ҳали ҳеч нарса дея олмади. Мен, нима учун ишга чиқмаганини сўраганимда ўзи ҳам тузук жавоб беролмади. 30

Юсуфжон аканинг кийиб ўтирган... материясидан эди. У, ҳамма нарсани... ҳам ўзига олади, деб ундан жуда хафа бўлиб... эмиш.

Кечқурун «Сталин» колхозининг идорасида Қорамулла жамоа шўросининг Биринчи Май байрамига бағишланган тантанали пленумини ўтказдик. Пленумда Май байрами ва жамоада экин ишларининг бориши ҳақида мен доклад қилдим. Мажлисда Мирзажонов колхозни экинни тугатгани ҳақида, «Сталин» колхозни экиш мумкин бўлган ерни эрта тушга тугатажаги ҳақида рапорт бердилар. Мажлисга ёғ заводидан келган Эгамбердиев деган ўртоқ ҳам иштирок қилди. 40

Мажлиснинг диққатини кўпроқ «Ленин» колхозини ва «Маданият» колхозини мустақамлаш, ўпирилишдан чиқариб олиш атрофига бурдик. Умумий мажлис Мирзажонов колхозидан 3 кунга уч... «Сталин» колхозидан бир кунга икки... буксирга юборишга қарор қилди.

10 Мажлис «Ленин» колхозининг ташкилий-сиёсий жиҳатдан ҳам ёрдамсиз ҳолда деб топиб, унга сиёсий жиҳатдан ёрдам бериш, колхоздан муштумзўр ва унинг думларини топиб ҳайдаш чораларини тезлатиш зарур ҳисоблади. Шунинг учун «Ленин» колхозини ҳам № 4 ёғ заводи оталиғига беришга қарор қилди. Оталиқдан келган ўртоқ Эгамбердиев завод учбурчаги исмидан колхознинг оталиғини қабул қилди. Эгамбердиев Биринчи Май куни заводда катта байрам, тўй бўлажаги ҳақида, улар ҳам саноат-молия планини байрамга бажариш учун курашиб ётганлари ҳақида гапирди ва заводда Биринчи Май таптанасини ўтказиб келиш учун тўртта яхши зарбдорни кўрсатиб беришни талаб қилди. Мажлис уларни кўрсатиб берди.

20 Мажлис охирида зарбдорларни мукофотладик, шуларнинг ичидан бири:

— Мен бир ойда қирқ кун, ўттиз сўтик ишладим,— деди.

— Мукофот рўмол, тўн, чит ва шундайлардан иборат эди.

Биринчи май

30 Биринчи Майни Мулқобод колхозлари далада қарши олдилар. Бугун яна катта астойдиллик билан иш давом қилди. Планини бажарган, экинни Биринчи Майга бажариб улгурган жамоадаги катта колхозлар — байрамни тўй, томоша билан қарши олдилар.

«Ворошилов» колхози шундай бўлди. Улар икки қўй сўйиб палов дамладилар. Колхознинг хизматчиларидан битгаси шу тўй учун фақат сабзининг қимматга тушганини гапирди. Бошқа масаллиқнинг ҳаммаси колхознинг ўзидан чиққан эмиш.

Тўйга заготпунктдаги ишчилар ҳам чақирилдилар. Тўй олдидан бунда мажлис ўтказилди. Унга Муродов бориб, Биринчи Май ҳақида ярим соат доклад қилди.

40 Тўйда Карвоннинг ўзи йўқ эди.

Колхозларда жуда яхши, онгли одамларни учратиш

мумкин. Улар ўз атрофида ўтиб турган ҳодисаларга жуда тўғри ва чуқур баҳо бера оладилар. Айни замонда, дунёда бўлиб турган шунча гапларга қарамасдан, ҳеч нарсанинг фаҳмига бормаидиган одамлар ҳам учрайди.

Менга кўп вақтдан бери маълум бўлган бир чол бор. У, колхозда аъзо, лекин ишга яхши бормаиди, оёғи чўлоқроқ. Нонвойлик билан кун кечиради. Хотини бўлса гаранг эмиш, у ҳам колхозда ишлар экан.

Чол бир куни гапириб ўтириб, ўзининг ички касаллари устидан гап чиқарди. Гўё доктор уни шаҳарга боришга, операция қилишга маслаҳат берган эмиш: 10

— Мени шаҳарга олиб бориб, қорнимни ёрар эмиш: ундай бўлар экан, мен ёнимга яна бир ҳамроҳ топиб бормоғим керак. Бордию, ўлиб қолсам, ўша ернинг ўзида кўмиб қайтиб келаберади. Икки одамни шаҳарга олиб бормоқ учун пул керак. Ундай пул менда йўқ. Иккинчи томондан, беш кунли умр қолибдир. Энди ичимни ёрдириб, бир фалокаг босиб ўлиб қолсам, нима бўлади? Шу фикрга келиб мен шаҳарга боришдан қайтдим. Нима бўлсам ҳам шу ерда бўлай.

Чол, одамлар орасида кўп бўлади. Ҳамма гапни тинглайди. Ҳамма гапга иштирок ҳам қилади. Лекин, шунга қарамасдан жуда ҳам содда. Чолнинг издел тўғрисида ҳам ўзига махсус назарияси бор. 20

— Ишлаган тишлайди, дегани тўғри,— дейди чол,— бир кун худо ўзи овқат беради, деб, бир одам чалқанча осмонга қараб оғзини очиб ётган. 7 кунгача осмондан ҳеч нарса тушмаган. Сўнгра бандалар унга овқат олиб келиб тутсалар, оғзига тушмаган, қарасалар оғзи юмилиб, тиришиб қолган экан. 30

Чол шу йўсин билан изделга ишлаб ҳақ олишга ташвиқ қилмоқчи бўлади.

Айниқса чолни радио таажжубга солади. У, радио тўғрисида кўп ўйлайди. Лекин, ўйлаб ҳеч бир ўйга етмайди. Радионинг бир нафас ичида бутун нарсани, симсиз, трубкасиз ҳамма жойга етказиб туриши, унинг масофаси масаласи, айниқса, унинг калласини ғувиллатиб юборади:

— Шу радионинг ашуласи, домла, Мулкободга неча кунда келар экан,— деб сўрайди чол,— худди шу ернинг ўзида айтгандай бўлади-я. У ерга қарайди ва нон ўралган дастурхон тегига ётқизиб қўйилган нос шишасини текшириб қўяди. 40

Яна бир кечмиш

Бу кечмиш тўғрисидаги ҳикоя 1916 йил исёнига та-
аллуқлидир.

Бугун кечқурун мен «Ворошилов» колхозининг муко-
фотланган икки зарбдори билан суҳбатда бўлдим. Унинг
биттаси мухбир эмиш. У мендан тунов куни «Вороши-
лов» колхози тўғрисида ишланган нарсанинг қачон чи-
қажагини сўради. Мен «бугун балки чиққан бўлса ке-
рак», дедим ва ундан мухбирликни давом эттираётган-
лиги ҳақида сўрадим. У ҳозир кетмончи бўлиб ишлаёт-
ганини ва икки ойдан бери мухбирлик қилолмаганини,
ва иккинчи жиҳатдан район газетасининг муҳаррири Ри-
заевнинг ўзи шу ерда раҳбар бўлиб, камчиликларни ўз
вақтида тугатишга чора кўраётганлиги ҳақида гапириб,
ҳозир ёзиш талаб қиладиган катта камчилик йўқлиги
ҳақида сўзлади. Мен унга албатта камчиликни ёзиш
шарт эмаслиги, муваффақиятларни ва айниқса кеча му-
кофотланган зарбдорларни ёзиш ва уларни ялқовларга
қарши қўйиш зарурлиги ҳақида гапирдим.

20 Шунда ҳалиги унинг ёнидаги, томоғида кичкина бу-
қоғи бор одам гапга қўшилди. У, бугун анча ясанган,
белбоғни икки-учта боғлаган, янгироқ тўнни ушлаб ўти-
рар ва олдидида оқ рўмолга боғлаб олинган уч-тўрт қадоқ
чамасидаги гурунч турар эди. У шаҳарга бормоқчи бў-
либ чиққан экан.

У гапга қўшилди:

— Мухбирнинг ҳам кўзи бўлади,— у яна такрор
қилди. Мухбирнинг 18 кўзи бўлади. Кетмон чоп-
гани билан ҳам ҳаммани кўра беради. Ёзмоқ керак. Мух-
бир бўлмаганда кўп камчиликлар бекилиб кетган бўлар
эди.

У одам жавоб бермай, йигит кулиб қўйди. У, унинг
гапига завқ қилар эди. У бўлса, жуда содда, лекин очиқ,
кўнгилда кири йўққа ўхшайди.

Ҳалиги мухбирман деган йигит Тошкентда мухбир-
лар қурултойида бўлгани, Тошкентнинг ободлиги, трам-
вайларнинг кўплиги ҳақида гапирди. Шундан сўнг ҳа-
лиги одам ҳам шаҳар кўргани (мен уларнинг исмини
билмайман) ҳақида гапириб кетди. Унинг шаҳар кўриш
40 ҳодисаси шундай:

1916 йилда мардикор воқеаси чиқади. Шунда марди-
кор учун Мулкободнинг бойлари ҳаммага 50 сўмдан пул

соладилар. Лекин, 50 сўм топиш ҳар нарсадан қийин. Бу, бўлса отасининг бирдан-бир ўгли бўлиб 16 ёшда бўладир.

Бойлар урушга фақат камбағалларнинг болаларини жўнатиш учун маслаҳат қилиб, камбағалларга, айниқса, ҳозирги кунда пул бермаслик кераклиги ҳақида гапириб:— Ким пул берса, отасининг... бўйнига бўлсин!— деб қасамёд қиладилар.

Унинг отаси ўглини қутқариш учун бор-бурдини сотмоқчи, пахтасини териб бойларга бермоқчи бўлади. Лекин, улар пахтани олмайдилар, пул ҳам бермайдилар. 10

Шунда у урушга кетишга мажбур бўладир. Мулк-ободдан у билан бирга 16 киши жўнайди. Қаттиқ мотам, йиғи-сиги ичида жўнайдилар. Улар жўнатилганда бутун қишлоқ, бутун Қўқон кўз ёшлари билан қараб қоладир. Улар 38 кун деганда Петроградга етиб борадилар. Петроградда уларни икки ой машққа ўргатадир. Шунда улар биз машқ-яшиқни билмаймиз, бизга иш бер — дейдилар.

Уларнинг бир мусулмон бошлиғи бўладир. У шапка кийиб олгани учун булар уни чўқинди деб атайдирлар. Петрограддан буларнинг ким, қайси шароитдан, қандай мамлакатдан келганини яхши англамаган одамлар, сизлар қандай ишни биласизлар,— деб сўрайдир. 20

— Биз мол боқиш, ер ҳайдаш, кетмон чопишдан бошқани билмаймиз,—деб улар жавоб берадирлар.

Шунда уларни «Владикавказ»га жўнатадилар. Улар Кавказга бориб, аскарларнинг овқати учун мўлжалланган молларни боқишга буюриладилар.

Шунда уларнинг ўртасида шундай гап чиқади. Чўқинди, Владикавказ билан Афғон орасидаги Миср тоғини пудратга олган эмиш. Биз ўшани тешиб, аскарларга овқат олиб ўтар эканмиз. 30

Бу гапга ишониб, улар молларнинг фақат ориғини сайлайдилар. Улар бундай молларни кечроқ аскарларга юбориш, кучсиз бўлгани учун урушга тез етиб бормаслик, бироз бўлса ҳам урушдан четда туришни фикр қиладирлар. Улар олган моллар йўлда, далада, тоғ бетларида бешта-ўн талаб ўла бошлайдир. Шунда моллар учун уларнинг иш ҳақларини ушлаб қоладилар. 40

Миср тоғини тешиш тўғрисидаги фикр ёлғон бўлиб чиқади. Шу вақтда улар Кавказ шаҳарларида кўчаларга эълон ёпиштирилгани, мусофирларни ўз шаҳарларига

кетишга рухсат бўлгани, подшонинг тахтдан туширилгани хабарини эшитадилар.

Уларни ватанга қайтиш севинчи маст қиладир, лекин йўлга фақат пули борлар тез чиқа оладилар. Бу одамга бир неча кундан сўнг янги тузилган Шўролар ҳукумати 16 сўм пул бериб, Қўқонга жўнатган эмиш.

Шундай қилиб, у Қўқонга қайтиб келади. Шунда унинг фақир ота-онаси қайтадан дунёга келгандай бўладилар. Онаси овқат олиб чиқар экан, унинг олдига икки 10 шокоса тўла майда гўшт бурдасини қўядир.

Бу унинг хосиятини сўрайди. Шунда унинг онаси: — Сенинг ризқинг деб ҳар еган овқатимиздан жиндай-жиндай гўштни олиб қўяр эдим. Буни сен келгангача шундай қилиб бордим. Тома-тома шунча бўлибдир. Сени шу келтирди менга, — деди.

У қаттиқ таъсирга кўмиладир ва она муҳаббатининг нақадар улуғлиги денгизига чўмадир.

РАҲБАРЛИК САНЪАТИ БОБИДА

2 май куни мен Урганжида бўлдим. Бугун яна бозор 20 куни, бозор одам билан лиқ тўла эди. Атрофдаги колхозларнинг ишини тамом қилиб бир қадар бўшаганларининг Май байрами кайфияти бозорларни тўлдириб турар эди.

Бозорнинг энг қайнаган жойидаги кичкина бир ҳовли кенглигидаги жойда «КИМ» колхозининг ёнига мос жойлашган, чойхона саҳнидаги кичкина бўшлиқ жой, чуқурроқ олиб, ҳар хил гуллар, райҳонлар экилгани мўлжаллангани кўринади. Лекин бу ернинг ўзига экин экиб кўкартиб бўлмайди, чунки девор орқасидаги катта бир 30 тол ҳовлининг тепасини қуршаб олган, ерга тангадай ҳам офтоб тушмайди... бўлатурган ерларга ундай нарсалар қилолмайди. Толни эса қирқиб ташлаш мумкин эмас. Чойхонанинг бутун гўзаллиги ўшандан иборат. Агар тол кесилса, чойхона ҳам ўзидан ўзи битади. Улар ҳеч кимнинг жазирама офтобда Мулкобод участкасида сув қон қадар қаҳат бўлган бир пайтда, у ерга келиб дам ололмасликларига ишонадилар. Шунинг учун толни кесиб ташлаш мумкин эмас. Чойхонанинг саҳнидаги ерда бўлса гулларни кўчат усули билан кўкартирилади. Ҳалиги 40 кичкина саҳнининг атрофига айланиб сўрилар қўйилган. Улар одам билан тўла.

Чойхонанинг тўр томонида кичкина уй бор. Унда «КИМ» колхозининг ячейкаси жойлашади. Унинг эшиги олдидаги кичкина бурчакдаги сўридан жойлар ажрати- либ, бир-икки стол қўйилиб, қизил алвон ва байроқлар билан безаб, газеталар қўйилиб қўйилган.

Ячейканинг котиби ўртоқ Султонов бир чойнак чой ичилганга қадар мен билан гаплашиб ўтирди. У бошлаб раҳбарнинг санъати масаласида гапирди:

— Кўп одамлар Шўролар ҳукумати қурилганига 15 йил бўлди. Энди деҳқонлар ҳам жуда яхши тушуниб қолдилар. Шунинг учун партия директивларини тўғри- дан-тўғри амалга ошира бермоқ керак, дейдилар. Булар тарбиялаш, ишонтириш, қондириш, йўлга солиш ишини қуруқ дабдаба, тажовуз, зўрлаш, маъмуриятчиликла олиб борадилар. Бунда деҳқонлар раҳбарни ўзининг ки- шиси эмас, балки душман сифатида кўради. Ундан қўр- қади, хавфсирайди, ёмон қарайди. Унга яқин ҳам кел- майди ва балки, унга секинлик билан ўзаро суҳбатда аксилинқилобий мафкурани сингдиргувчи муштумзўрлар- нинг таъсирига осонлик билан киради. Муштумзўрлар деҳқонларни тарбиялашда баъзан бизнинг раҳбарлардан устароқ ҳаракага қиладилар.

— Тўғри, ҳар бир деҳқонни ҳеч нарсани англамайди, дейиш хато бўлар эди. Улар 15 йил ичида анча гап эшит- дилар. Лекин, бу 15 йил шаҳардаги 15 йилдан жуда ҳам фарқ қилади. Бошлаб босмачилик, ўғрилиқ, таловчилик қишлоқни сўнгги вақтга қадар... жойига қўймади. Деҳ- қонлар ҳар... хўжалик турмуши билан яшаб, ўз хўжалик- ларини тиклай олмадилар. Улар энди тинч, осойишта турмуш йўлига тушдилар. Унгача албатта деҳқонлардан ҳалиги шароитда кўп нарса талаб қилиш мумкин эмас эди.

— Иккинчи жиҳатдан, бизнинг вазифамиз деҳқон- лар манфаатини сақлашни тушунтириш ва шу рўзгорни унга қуриб беришдан иборат. Бизнинг бошқа мақсади- миз йўқ. Деҳқонни озод, тинч ва тўқ турмушга чиқариш вазифасига биз Шўролар ҳукумати аҳамиятидаги вазифалар нуқтаи назаридан қараймиз. Масалан, пахта экиш ишини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш асосида уларнинг турмушини тузатишни олайлик. Деҳқонни мана шу йўлга бирдан солиб юбориш жуда қийин бўлди. Улар кўп вақт айтилган гапга ишонмадилар. Шубҳа билан қарадилар. Ўзларининг манфаатини англамадилар. Кўп вақт улар-

нинг баъзан янгиликдан қўрқадиган табиат кишилари эканликларидан ҳам келди.

- Деҳқонни янги коллективлаш йўлига солиш учун анча қийинчилик чекиш зарур эди. Бизнинг олдимизда улар юз йиллаб яшаб келган, уларнинг қонига йўқотилиши мумкин бўлмаган даражада сингиб кетган хўжалик системасини, динни, урф-одатни беш йил ичида бузиб, янги йўлга кўчириш вазифаси турар эди. Бу жуда ҳам буюк инқилоб эди. Бунинг юзага келтириш учун қуруқ ташвиқот, декламация, алдаш, юпатиш ёрдам бермайди. Деҳқон ўлгудай ҳушёр одам. У кўз олдидаги фактдан бошқа ҳеч бир нарсага ишонмайди. Ерга донни сепаб қўйиб ҳам ундан олажак нарсасини аниқ бошдан айтиб қўяди. Галвирни сувдан кўтарганда, ғўза ўсиб чиқиб, кўрак етилганда маълум бўлади, дейди. Шунинг учун бизнинг олдимизда коллектив хўжаликнинг бутун манфаатларини унинг кўзи олдига қўйиш вазифаси турар эди. Шунинг учун биз унга ер бердик, колхозга тортдик, трактор билан ерини ҳайдаб бердик. Қишлоқ хўжалик асбоблари бердик. Деҳқон биринчи марта уларни кўрди. Трактор атрофида қаттиқ синфий кураш борди. Муштумзўрларни тугатиш, камбағалларни қашшоқликдан чиқаришнинг бирдан-бир йўли — қишлоқ хўжалигини техника базаси билан маҳкамлаш эди. Бунинг энг катта омили трактор. Тракторга қарши дин катта роль ўйнади. Улар диний туйғу билан тракторга қарши юриш қилдилар. Уни буздилар, ишлатмадилар. Колхоз янги тузилган, трактор янги келган вақтда тракторни ишлатадиган жой бўлмасдан, қайтарилиб олиб кетилган замонлар бўлган эди. Шунда тракторни қандай бўлмасин ишга солиш керак эди. Биз большевиклар бунинг қилдик. Трактор от, хўкиз билан умр бўйи ҳайдаб бўлмайдиган жойни бир неча кунда ҳайдаб берди ва от, хўкиздан ҳеч нарса билан қолишмади ва балки ортиқлик кўрсатди. Деҳқон бунча ерни умрида ҳайдолмас, унга улов ҳам топмас, топса ҳам муштумзўрсиз бўлмас ва сочи оқариб кетар эди. Ортиқ деҳқон тракторнинг манфаатини аниқ кўришга мажбур бўлди ва натижада унинг психологиясида ҳам ўзгариш бошланди. У аввалги таассуб, диний тушунчадан қайтди ва ҳозир трактор учун талаш бошланди. Унда тушунтириш, ишонтиришнинг катта хизмати бор эди.

— Лекин, ҳали деҳқонда эскилик кучлари тамом синган эмас. У баъзан эскига тортиб қолади. У ҳали анча

нарсани англаган бўлса ҳам шу янгиликка мустаҳкам равишда одатланиб, эскиликнинг традициясидан тўла равишда узилиб чиққани йўқ. Бу ҳали кўпга чўзилади. Ана шу янги одатни маҳкамлаш учун биз фақат унга яқин туриш, ишонтириш йўли билан иш кўрмагимиз, унинг кундалик ва оилавий можароларигача бориб кўришга мажбурмиз. Биз уни фақирлик, қашшоқликдан тўқ хўжалик даражасига кўтарганга қадар қаттиқ равишда ишонтириш асосида иш кўрамиз. Шу ҳолни унинг руҳи, миясига сингдирамиз. Бўлмаса бўлмайди. Ҳа, бунда деҳқоннинг тилини билишнинг буюк аҳамияти бор. У газета-лар, шаҳарнинг тилини тушунмайди. Нарсалар, ҳодисаларни унинг ўз сўзи билан айта билмоқ, ўз тушунчаси доирасида сингдира билмоқ зарур. Деҳқон билан бирга бўлиш, унинг тилини ўрганish лозим.

Шундан сўнг суҳбат МТС ларда ташкил қилинажак сиёсий бўлимлар масаласига ўтди.

— Кўқонда ҳали сиёсий бўлим йўқ. МТСда унинг бўлимлари колхознинг сиёсий, ташкилий жиҳатига аралашолмадилар. Бу жиҳатдан уларнинг фойдаси кам бўлди. Улар фақат ерни ҳайдаш билан машғул бўладилар.

Султонов билан мен сўзлашиб ўтирганда унинг олдига кичкина қизи келди. У 7—8 ёшларда бўлган жажжигина пишиқ қиз эди. У дадасининг қулогига алла нима шивирлади. Дадаси индамади ва менга қаради. Гап чойхонанинг саҳнига ўтқазилажак гуллар устида борар эди. Қиз сўради:

— Дада, райҳон ҳам экасизларми?

— Экамиз.

— Биз ўғирлаймиз.

— Пойлаймиз, ўғирлаганни ушлаб оламиз.

— Биз билдирмасдан, секин ўғирлаймиз.

Биз ташқарига чиқдик. Чойхона олдида кўчанинг икки томони бозорчилар билан тўлган эди. Қизча — ўсма олиб берасиз! — деб дадасининг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

Биз Султонов билан ўтирганда активлар борасида ҳам гаплашдик. Султонов Кўқонбой акани маъқуллади.

— У ҳеч қачон ҳовлиқмайди. Ҳамма вақт ўзини бирдай ушлайди. Унинг ўзгарганини, шошганини, ўзини йўқотганини кўриш мумкин эмас.

Хотинлар уни катта раис деб атайдилар. Бултур колхоздаги раис... чиқиб қолди. Шунда мен колхозга бордим. Шунда 50 хотин менинг атрофимни ўраб олиб, бизга

катта раисни қайтариб берасиз деб туриб олишди. Биз раисни бўшатиб, бошқа раис қўйдик.

— Муродовда шошилиш, ҳовлиқиш бор. У ўзини йўқотади ҳам. Баъзан умидсизланиб ҳам қўяди. Лекин жуда қаттиқ ишга!

10 Шу кун ман икки кишининг суҳбатини тингладим. Унинг иккови ҳам чол эди. Улардан бири мен ишламасдан ўтдим деб гапирди. Иккинчиси умрбод ишлаб келаётгани ҳақида сўзлади. Гўё улар ҳар иккови ҳам бир

— Колхозчиларнинг энди кўзи очилди. Улар астойдил ишляптилар. Улар ишласа тишлашни англадилар.

— Менинг меҳнат куним кўп ишлаганим учун кўп экан. Чол одамнинг шунча ишлаши мумкин эмас, деб ҳар ўн кундан бир кунни қирқдилар. Мен ҳеч нарса демардим. Модомики, кўп ишлагани қирқсаларинг, оз ишлаб оч қолсам, 5 жоним билан эшикларингга келиб ётиб оламан, дедим.

20 Мулкобод участкасида Абдуллаев деган комсомол агротехник ишлар эди. У мен билан 3 кун бирга юрди. Биз у билан колхозларнинг ерларини кўриб, экилган ерларининг сифатини текширдик.

У жуда жонли йигит. Ўзи Самарқандда пахтачилик институтида ўқир ва ҳозир тажрибада экан. Айниқса, бунинг менга бир нарсаси ёқди. У ҳеч нарсадан қўрқмайди, ваҳима ҳам қилмайди. Сўнгра ҳеч чарчамайди. Қўлида таёғи бўлгани ҳолда ярим кечаларда бир ўзи ёлғиз жамоаларни ҳам айланиб чиқа беради.

30 22—24 Эртага Май деган куни ўша шаҳарга кетди. Шаҳар қақирим келади, дейдилар. Унинг орқасида юк, қўлида яна таёғи бор. Кун иссиқ. У яна пиёда кетди, қишлоқда юрабериб, кўйлаги чириб кетар даражасида эди.

Шу кун мен «КИМ» колхозининг ҳисобчилари олдида ҳам бўлдим. Улар нарядни ўтказиш жуда ҳам мушкул бўлаётгани, участка ҳисобчиси келиб ўргатмоқчи бўлганда ҳам бригадирлар келмаганидан зорланди.

— Бригадир ўн кунлик иш планини тузиб, бугун-эрта ва индин қилажак ишни ўз аъзоларига тайинлаб қўймо-

ги лозим. Улар... тўлдирадилар, лекин наряд юргизмайдилар. Жуда қийин бўлаётир.

— Таваккал билан ишлаб келганларни планли турмушга бирдан киргизиш қийин. Унинг устига наряд тузишга уларнинг кучлари ҳам келмайди. Шунинг учун сиз ўзингиз энг яхши бригада билан 10 кун юриб, шу ишнинг намунасини берсангиз, сўнгра бошқалар ҳам амалга оширар эдилар.

— Эҳтимол, шундай қилишга тўғри келар.

Мулқободда экин 2 май кунига 92% га чиқди. Шунда мен Муродов, Қўқонбой ака ва бошқалар билан гаплашдим. Қўқонбой ака: 10

— 90 процент ҳам бир, 10 процент ҳам,— деди. Ҳар йили ҳам экин ҳам, терим ҳам 90 га етгандан сўнг жуда ҳам секинлик билан силжийди. Чунки 90 процент қилганда бутун имкониятларнинг энг қулай ва осонлари тамом бўлиб, ишнинг қийин жиҳати қолади. Ҳозир ҳам ернинг ҳайдалмаган, етилмаган, суви қуримаган, заҳи кетмаган жойлари қолди. Мана буни тезлатиш учун 90 га сарф қилгандан кўпроқ куч сарф қилиниши керак бўлади. Шундагина тез бажариш мумкин,— деди. 20

УЛУҒ ҲОФИЗ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Мулла Тўйчи санъатга қўйган муҳаббати, халққа чин қалбдан қилган хизмати, қобилияти, поклиги билан санъатимизнинг ҳақиқий олийжаноб оқсоқолларидан бири эди. Халқимизнинг энг яхши орзуларини куйлаган Мулла Тўйчи бизнинг фахримиз ва обрўйимиз эди. Мулла Тўйчи оғзи билан айтилган қўшиқлар шунчалик машҳур ва табаррук эдиларки, халқимиз уларни энг гўзал идишларга ва чинни пиёлаларга ёзиб, ўзининг энг севган меҳмонларини шу идишларда меҳмон қилар эдилар.

ЕР ЮЗИДА

Ер юзида нимаики яхши фикр бўлса, қандай буюк сиймо ўтган бўлса, ҳар қандай фикр кишиси бўлса ҳаммаси фашизмга, ваҳшийлик ва йиртқичликнинг тимсоли мужассам бўлган фашизмга қаршидир. Буюк Алишернинг ижоди ўзининг бутун моҳияти билан ваҳшийликка, зулмга, фашизмга душмандир.

Биз бутун жаҳон, бутун халқлар, бутун миллатлар, бутун уруғлар номидан фашизмга қарши курашмакдамыз. 10
Ўзбек халқи ўзи учун, руслар, украинлар, яҳудийлар учун кураш қилмоқда. Унинг томири СССР даги бутун халқлар, барча миллатлар ва бутун уруғларнинг тақдири билан маҳкам боғлиқ.

Навойи биз билан бирга. Пушкин учун, Толстой учун, Шевченко учун бизнинг сафимизда туриб кураш қилмоқдадир.

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.

Агар ҳар кимниким қотил билибман,
Отам ҳам бўлса ким қатл қилибман.

20

Если любого из людей узнаю убийцей,
Убью, если даже окажется он отцом моим.

АСОРАТДА ЖАФО ЧЕКИБ ЕТГАН УКРАИН ДУСТЛАРИМИЗГА ЎЗБЕК ХАЛҚИДАН ХАТ

Совет Украинасининг XXV йиллиги кунда Украин тупроғида Герман фашизмининг зулмига қарши курашаётган украин биродарларимизга, унинг қаҳрамон партизанларига, азамат жангчиларига озод ўзбек халқидан дўстона алангали саломлар юборамиз.

Украин, ўзбек халқлари бир вақтда қуликдан қутулган эдилар.

- 10 Синган занжирлар, парчаланган кишанлар, узилган сиртмоқлар бизни дўст қилган эдилар. Бизни дўст қилган нарса озодлик эди. Бизни одамзоднинг энг доно йўлбошчиси Ленин дўст қилган эди. Шундан сўнгра бутун совет халқларининг, украин ва ўзбек халқининг тақдири бир умрга ажралмас бўлиб қолди. Биз ўз бошимизга келган оғир кунларни бирга кечирдик. Дилга-дил, қўлга-қўл беришиб чин ҳаётга чиқдик.

Улуғ рус халқи бизнинг қўлтиғимиздан суяди, парвоз қилишга ўргатди.

- 20 Совет халқларининг дўстона оиласида Украина энг кўркам бир республикага айланди.

ВАРИАНТЛАР

Ҳамид Олимжоннинг насрий асарлари, мақола ва нутқларидан кўплари ўз вақтида матбуот саҳифасини кўрган. Уларнинг мавжуд қўлёзмалари аксарият араб графикасида бўлиб, дафтарга, машинака қоғозига ва ўлчовлари ҳар хил бошқа қоғозларга ёзилганлари ҳам учрайди. Қўлёзма саҳифаларида ўчирилган, қайта ёзилган жумлалар, автор ўзи учун қўйган баъзи белгилар мавжуд. Булар адибнинг ўз асарларига ниҳоятда талабчанлик билан муносабатда бўлганлигидан далолат беради.

Ўз навбатида асарларнинг илк нашрларида йўл қўйилган айрим текстологик характердаги нуқсонларни қайд этиш керак бўлади. Масалан, 1933 йилда ёзилган «Иштибоҳнинг тугалиши» сарлавҳали публицистик мақола ўша йилларда «Янги Фарғона» газетасида «Иштибонинг тугилиши» тарзида янглиш кетган.

Қўлёзма ва нашрларни қиёс қилиш билан текстларда йўл қўйилган айрим ноаниқлик бартараф этилди.

Том учун асарларнинг мавжуд қўлёзмалари, қўлёзмалар сақланмаган тақдирда адиб яшаб ижод этган йилларда нашр этилган газета, журнал ҳамда тўпламларда мавжуд матнлар асос қилиб олинди.

Адиб асарларининг мавжуд қўлёзмалари ва нашрлари учун мазкур «Мукамал асарлар тўплами»нинг I ва II томлари учун қабул қилинган шартли қисқартмалар бу ўринда ҳам сақланди. Ҳар бир асардаги сатрлар олдига қўйилган рақамлар ўларнинг вариант ва изоҳлардаги ўринларини ҳам билдиради.

ҚУ — «Қизил Ўзбекистон» газетаси.

ЕЛ — «Еш ленинчи» газетаси.

ЯФ — «Янги Фарғона» газетаси.

ИШТИБОҲНИНГ ТУГАЛИШИ

(43-бет)

ЯФ, 1933 йил 1 май

43 бет

1 Иштибоҳнинг тугалиши/Иштибонинг туғилиши
8 қўриқларни/ўроқларин

44-бет

1 Жирттаки/чиртаги

- 31 бўйинини/буни
 45-бет
 30—31 устига қора ва йўғон чизиқ/устига чизиқ
 39 тайинлаган кун эди./тайинлаган эди.

ЗАЙНАБ

(64-бет)

ЕЛ, 1936 йил 28 январь

- 64-бет
 7 тушмайдиган/тегмайдиган
 26 бойларга/жойларга
- 65-бет
 9—10 элликбошининг хотинлари,/элликбошининг,
 13 қизиқтиради:/қизиқтирди:
 38 от/ном
- 66-бет
 4—5 Сорагина ўзини четга олди./Сора қочди.
 36 бу/шу
 38 бу/бунинг
- 67-бет
 10 кун/кун
 11 ёзилишиб/ёзилиб
 30 тўхталадиганга ўхшаш/тўхталатурганга ўхшаб
- 68-бет
 12 кета олмади./кета олмайди.
 20 оғирлиқдан/оғизликдан
 36 бир илож /шунинг учун бир илож
- 69-бет
 11 айвонда/айвонга
- 70-бет
 9—10 Артель колхознинг/Ортиқ колхознинг
 13 Ширкат/эркин
- 71-бет
 6 қизиқиб/қизиб
 14 қабул қилдилар./тингладилар.
 31—32 ташиб, ғалтак билан содда эски қопларга солиб кўтарар,
 ташир, ғалтак билан судрар, эски қопларга солиб кўтарар,
 38 Эндигина Зайнаб/Зайнаб
 41 ўрнидан/ўрнида
- 72-бет
 12 ўз/унинг
 18 қўйлади./қурилди.
 35—36 Зайнабнинг хурсандлигидан/Хурсандлигидан Зайнаб-
 нинг
- 73-бет
 7 Кечқурун Акмалобод./Акмалобод

МЕН ЎЗБЕК ХАЛҚИ НОМИДАН СУЗЛАЙМАНИ

(232-бет)

«ҚУ», 1943 йил 5 февраль

232-бет

7 ўз ёнларида/ёнларида
8—24 Чунки бу тупроқ ∞ зиндон чирита олмаган./Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам уни ўз ватанида ҳис қилдирган ва қаерда бўлмасин, ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содиқ ўғли бўлишга чақирган. Шу бир ҳовуч тупроқнинг кучи шунча зўр бўлганки, у сувсиз саҳролардан, қорли тоғлардан, ваҳший дарёлардан, ёввойи ўрмонлардан кўз очиб юмгунча ўта олган, ўқ унинг кўкрагини тешолмаган, қилич танасини кесолмаган, олов куйдиролмаган, зиндон чиритолмаган.

28 кишини ўлдирди./кишини,

31 Менинг халқим бирлик ва иттифоқни./Менинг халқим дўстлик, биродарлик

232—234-бетлар

32—1—2 Тирик экан бир-бирини қўлаб қўлтиқлайди ∞ бўламиз, дейди./У, тирик бўлсак бир ерда, ўлик бўлсак бир гўрда бўламиз, дейди.

234-бет

2—9 У ўз ожизларининг ∞ қилмайди. Менинг халқим/Менинг халқим

12—13 Уларнинг ∞ қилмайди. Яхши кунда/яхши кунда

13 бу катта/катта

14—24—25 Тўйга ҳамма ∞ қўшнидан, дейди. Бугун бу ерга менинг халқимнинг/Бугун бу ерга халқимнинг

26 Бизнинг боболаримизнинг/Боболаримизнинг

34—40 Бизнинг чўпонларимиз ∞ томирдан тарқалган./Бизнинг йигитларимиз бир майдонда улоқ чопганлар. Бизнинг аждодларимиз бир мадрасада ўқиганлар. Бизнинг подачиларимиз бир яйловда йилқи боққанлар.

234—235-бетлар

41—26 Бизнинг халқларимизни ∞ ҳаёт дарахти кўкаради./Бизнинг халқларимизни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Менинг халқим ўз тақдирини Совет Шарқида яшайдиган халқлар билан, бутун СССР халқлари билан, буюк рус халқи билан бир умрга маҳкам боғлаган. Одамлар тарихи бу хилдаги дўстликни ҳалигача билмаган.

27 Агарда бу/Бу

29 бахти қаро, кўр ва басир бўлган бўлар эдилар./бахти қаро бўлар эдилар.

30—32 Агарда бу дўстлик бўлмаганда эди, унинг ватани харобистен, бўстонлари чўл-саҳрога, обод шаҳарлари бойқушхонага айланган бўлар эди./Бу дўстлик бўлмаганда ватан бўстонлари чўл ва биёбонга, обод шаҳарлари бойқушхонага айланган бўлар эди.

- 32—34 Менинг халқимни ∞ шу дўстликдир./Менинг халқимни рўёбга чиқарган, шод ва бахтиёр қилган, унга эътибор ва обрў берган нарса шу дўстликдир.
- 36—37 Бу дўстликни ўзининг кўз қорачуғидай сақлайди./ҳам халқим бу дўстликнинг қадрига етади, уни ўзининг кўз қорачиғидай сақлайди.
- 235—236-бетлар
- 41—11 Менинг халқим қўлга ∞ яшагга киришди./Ана шу дўстликнинг кучи ва муқаддаслигига девона Гитлернинг фаҳми етмаган эди. У бутун дунёни забт қиламан деган бемаъни хаёл билан Ватанимизга ҳужум қилган вақтда, халқим ўзининг энг асл йигитларини жангга юборди, ёш ва қарилари қилич ясагга, милтиқ ва тўп ясагга, миномёт ва бомба ясагга киришди.
- 14 Менинг халқим ∞ бизни эшит!/Ватан учун жангга жон олиб, жон бераётган ўзбек йигити, бизни эшит!
- 19 Сенинг ватанинг ∞ энг буюк падаринг партия./Сен бугун Амударё билан Сирдарё орасидаги ҳаётбахш воқияларни, буюк Совет Ватанимизни ҳимоя қилмоқдасан. Узоқ Шарқдан то Болтиқ денгизгача, Шимолий Муз денгизидан то Қора денгизгача, узоқ Хоразмдан то Ленинград, Андижондан то Мурманскка қадар бўлган ер—сенинг Ватанинг, Сенинг энг буюк шаҳаринг—Москва, сенинг энг муҳташам саройинг—Кремль, сенинг энг буюк падаринг—партия.
- 236—237-бетлар
- 28—3 Кавказ тоғларидан ∞ сенинг халқингга раҳмат дейди./Сен бир вақтлар одамлар сенинг халқинг, сенинг бахтинг учун қон тўккан, жон берган ерларни озод қилмоқдасан. Совет халқлари, шу жумладан, ўзбек халқининг бахтига, ҳаётига тажовуз қилган қонхўр йиртқичларни мумкин қадар кўпроқ қир!
- 237-бет
- 7—25 Эски вақтда, ҳали ∞ отангиз—партия/Халқинг душманнинг қаерига ва қандай уришни сенга ўргатган. Манфур душманни кўпроқ қиргин! Ҳеч бўлмаганда битта босқинчини ўлдирмаган кунинг бўлмасин. Ота-онанг сендан шунни талаб қилади. Халқинг сенга шунни буюради.
- 26—33 Ўзбек халқи ер юзида бирорта ҳам ∞ қаҳрамон бўлиб элга қайтиб кел./Халқингни ёдингга олсанг шер бўласан. Жангчи йўлдошларинг—СССР халқларининг ўғилларидан кейинда қолма. Ўзбекнинг қасами қаттиқ бўлади. Сен ўз халқингга, ўз ота-онангга муносиб бўл. Душманни тор-мор қилиб, Ватанни озод қилиб, қаҳрамон бўлиб элга қайтиб кел.

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ТОЖИКИСТОН
ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ХАЛҚЛАРИ
ВАКИЛЛАРИНИНГ ФАШИЗМГА ҚАРШИ МИТИНГИ
МАТЕРИАЛЛАРИ (ЎЗДАВНАШР, Т., 1943, ТЎПЛАМ)

(232-бет)

232-бет

12 ўлкаларда/ўлкаларида

25 У ўз/ўз

234-бет

26—36 йиғилганлар ∞ йилқи боққанлар./йиғилганлар. Биз бир қориндан талашиб чиққан халқларнинг вакиллари-миз. Бизнинг бешигимиз бир ерда бўлган. Қозоқ она-сининг айтган алласига ўзбек боласи ҳам ухлаган. Ўзбеклар тожиклар билан бир ҳовлида яшаб келганлар. Навоийни туркманлар худди ўзбеклардай яхши кўрадилар, қирғизнинг тўйи ўзбексиз ўтмаган. Бизнинг халқларимиз бир-биридан қиз олиб, қиз бериб қуда бўлиб келганлар. Бизнинг боболаримизнинг қабрлари бир-бирига жуда яқин бўлган. Бизнинг чўпонларимиз айни тоғлардан қўй ҳайдаганлар. Бизнинг подачиларимиз бир яйловда йилқи боққанлар.

235-бет

21—23 Бу дўстликда ∞ қуёш иситади./Бу дўстликда ғараз ва сохталик йўқ. Чунки бу дўстликнинг тоғ ва тупроқларини бир қуёш иситади,

35—37 Шунинг учун ∞ сақлайди./Шунинг учун ҳам у бу дўстликни қадрига етади.

237-бет

11—16 Ундан қанча ∞ буйруғи шу./Ундан қанча кўп қон оқса, шунча кўпроқ ўлади. Душманни кўпроқ ўлдири! Ота-онанг сендан шуни талаб қилади. Бирорта душманни ўлдирмаган кунингни ўзингга ҳаром сана! Сенга халқингнинг буйруғи шу.

ИЗОҲЛАР

Ҳамид Олимжон кенг қамровли ижодкор эди. У замон нафаси билан йўғирилган бадий баркамол шеър ва дostonлари билан бир қаторда катта санъаткор масъулияти билан яратилган кўплаб ҳикоя, очерк ва публицистик мақолалар муаллифи сифатида ҳам танилди. Актив жамоатчи бу адибнинг қайноқ социалистик ҳаёти-мизнинг кўп соҳаларига оид мақолалари, нутқлари бугунги кунда ҳам катта маърифий аҳамиятини сақлаб келади.

Ҳамид Олимжон яратган ҳикоя, очеркларнинг қаҳрамонлари совет мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилаётган совет кишилари, республикамизнинг ишчи ва деҳқони, зиёлиси ва умидли ёшларидир.

Ҳамид Олимжон ижтимоий воқеликнинг муҳим масалаларига эътибор қилиб, ҳаётни чуқур ўрганди. Мамлакатимизда олиб борилаётган гигант ирригация-мелиорация иншоотлари, саноатимизнинг янада ривож топиши, қишлоқ хўжалигининг катта суръатлар билан ўсаётганлиги, совет кишиларининг яратувчи меҳнат ва ижоди билан уларнинг ҳаёт тарзи тобора янги мазмун касб этиб бораётганлиги, Улуғ Ватан уруши даврида халқлар дўстлиги, совет интернационализи янада мустақамланаётгани унинг асарларида ўз аксини топди.

Томдан ўрин олган асарлар адибнинг ана шу серқирра фаолиятини кенг тасаввур этиш имкониятини яратади.

Маълумки, Ҳамид Олимжон 1926 йилнинг иккинчи ярмидан Самарқанд область «Зарафшон» газетасига бўлим мудири лавозимига ишга келади. Жамоатчи мухбир, айна пайтда газета ходими сифатида область миқёсидаги совет, комсомол, касаба союз йиғилишларида актив қатнашади. «Зарафшон» газетасига келган хатларга ўзи хизмат қилган бўлим орқали кўплаб жавоблар йўллайди. Газета саҳифаларида «Фирқа бирлиги йўлида», «Зоминда зулуклар булоғи», «Жон чиқар олдида», «Фирқа ичида ичкиликка қарши кураш масаласи», «Миллий сиёсат ҳақида биринчи Шўро қурултойи нима деди?», «Самарқанд округ ижрокўмининг IV пленуми», «Раҳбарликка муҳтож ячейка», «Избосканда маориф ишлари ивирсиб қолди» каби мақола ва ахборотлари билан иштирок этади.

Ҳамид Олимжоннинг «Зарафшон» газетасидаги мухбирлик фаолияти билан боғли, айна пайтда хабар характериға эға бўлган бу мақолалар томға жалб этилмади.

Томдан ўрин олган асарларнинг нашр тарихига оид маълумот-

лар билан бир қаторда уларда учраган тарихий шахс номлари, географик атама ва бошқа сўзларни изоҳлашда адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги, шунингдек маданият тарихига онд танқидий асарларда мавжуд қайдлардан фойдаланилди.

ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ

(9-бет)

Ҳамид Олимжоннинг илк проза асарлари сирасидан бўлган ушбу ҳикоя 1927 йилда ёзилган. Қўлёмаси мавжуд эмас. Биринчи марта «Зарафшон» (1927 йил 22 август) газетасида босилган. Кейинчалик адибнинг «Танланган асарлар»и III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта чоп этилган.

Нашрга «Зарафшон» газетаси матни асос қилиб олинди.

«Ҳақиқат излаб» ҳикоясининг «Зарафшон» матнида у воқеий ҳикоя деб аталади.

9-бет 8. Мўққи — теридан ишланган енгил оёқ кийими.

ТОНГ ШАБАДАСИ

(13-бет)

Қўлёмаси сақланмаган бу ҳикоя 1928 йилда яратилган. У дастлаб Ҳамид Олимжоннинг «Тонг шабадаси» ҳикояси ва «Заҳарли юрак» очеркини ўз ичига олган «Тонг шабадаси» (1930) кичик тўпламида босилган. Шунингдек, ҳикоя адибнинг «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта нашр этилган.

Ҳикоя «Тонг шабадаси» тўпламидаги матн асосида чоп этилмоқда.

13-бет 6. Утимиликлар — тилак, орзулар.

15-бет 4. Оқ қарс — аёлларнинг оқ докадан қилинган катта рўмоли.

10—11 Қидириб кетган — меҳмонга кетган, қариндошлариникига кетган.

17-бет 42. Зирак-зирақ — таъма билан, таъмали.

18-бет 40. Қўллари лангар чўп каби ботиб — бунда қўлнинг қўполлиги, оғирлиги маъносида берилган.

19-бет 39. Чарх — революциядан илгари ип йиғириш учун қўлланилган ёғочдан ясалган оддий мослама.

20-бет 10. Болаларининг эгилигини кўрманг! — болаларингдан ҳеч яхшилиқ кўрмагин маъносида берилган.

21-бет 22. Бу гаплар унга пором келганидан — бу гаплар унга маъқул бўлганидан маъносида берилган.

БИР ҚУЛОҚНИНГ ОТИ УЧДИ

(26-бет)

Ушбу ҳикоя 1930 йилда Норинда ёзилган. Қўлёмаси мавжуд эмас. Биринчи марта «Еш ленинчи» (1930 йил 22 ноябрь) газета-

сида босилиб чиққан. Кейинчалик «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси» IV томи (1972)га киритилган.

Ҳикоя «Еш ленинчи» газетаси асосида нашр этилмоқда.

26-бет 1. Қулоқ — қишлоқдаги эзувчи.

24. Муаммо — масала маъносида.

27-бет 9. Омоқ — ер ҳайдаш учун ишлатилган ёғочдан ясалган мослама.

28-бет 35. Дорилахлоқ — ахлоқ тузатиш лагери.

ЗАҲАРЛИ ЮРАК

(33-бет)

Ушбу очерк 1929 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Зарафшон» газетасида «Учқун» тахаллуси билан босилган. 1930 йилда чоп этилган «Тонг шабадаси» тўпламига ҳам киритилган. Кейинчалик Ҳамид Олимжон «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да берилган.

Нашрга «Тонг шабадаси» матни асос қилиб олинди.

33-бет 4. Ворама япроқ — сўлиган, қовжираган (кузги) япроқлар.

20. Бекат — қадимги узоқ йўللарда қарвон ва йўловчилар тўхтаб дам оладиган махсус жой. Унда тунайдиган йўловчилар учун алоҳида уйлар, от-уловлар учун алоҳида саройлар бўлган. Ём — чопарлар, йўловчилар от алмаштирадиган жой, бекатнинг қадимги номи.

34-бет 34. Округ — давлат территориясининг бир қисми. Бошқаришнинг муайян соҳаси учун ажратилади. СССР да 1923—1930 йилларда губерналар реформа қилиниб, улар ўрнига кичикроқ маъмурий-иқтисодий бирикликлар, округлар ташкил этилган. 1930 йилда округлар Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 30 июнь қарорига биноан бекор қилинган эди.

35-бет 13—14. Номиқ Камол (1840—1888) — турк ёзувчиси, публицист ва давлат арбоби. «Фикр тасвири» газетасини ташкил қилган, турк драматургиясининг ривожига муҳим ҳисса қўшган. «Ватан ёки Силистра», «Бегона гўдак», «Оқафбой», «Гул ниҳол» каби асарлари бор. 1885 йилда ёзилган «Жалолиддин Хоразм шоҳ» драмаси Жалолиддиннинг Чингизхонга қарши олиб борган курашига бағишланган. Номик Камол «Алибойнинг саргузаштлари» (1876), «Жазм» (1880) асарлари билан турк романчилигини бошлаб берди.

36-бет 18. Узоқ алвасти қишлоқлар — қолақ қишлоқлар.

27. Қабоҳат — ёмонлик, қабиҳлик.

37-бет 10. Ёл — мақсад, умид, тилак.

10. Жоду — сеҳр.

13. Ячейка котиби — партбюро секретари.

ҚУВА ҚҰЙНИДА

(39-бет)

1930 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. «Ер юзи» (1930 йил, 9—10-сонлари) журналида босилган.

Нашрга журнал матни асос қилиб олинди.

39-бет 1. **Қува** — Фарғона область Қува районининг маркази. Қува областнинг юқори пахта ҳосилли районларидандир. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ўзининг «Дўст ва замондош ҳақида эсдаликлар» номли мақоласида у Ҳамид Олимжон билан биргаликда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Қувада командировкада бўлгани ҳамда сафардан қайтгандан кейин Ҳамид Олимжон ўзининг очерк ва шеърларини эълон қилганини фахрланиб хотирлайди. (Сен элимнинг юрагида яшайсан. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1973.)

3. **Ясов** — қатор, тик.

24. **Дон сепар** — дон селласи; сеялка (русча сеять — эмақ) — экин уруғини ксракли чуқурликда бир текис экиш ҳамда экинларни ўғитлаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик машинаси.

30. **Отага қараб** — колхозга келган меҳмонлар орасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси Й. Охунбобоев ҳам бўлган. Отага қараб — Й. Охунбобоевга қараб маъносида берилган.

41-бет 15. **Мирмуҳсин** — Мирмуҳсин Шермухамедов (1895—1929) ўзбек совет матбуотининг асосчиларидан бири, журналист, ёзувчи.

ИШТИБОҲНИНГ ТУГАЛИШИ

(43-бет)

Қўлёзмаси адабнинг рафиқаси, Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфия қўлила сақланаётган ушбу асар 1933 йилда ёзилган. Шў йили «Янги Фарғона» газетасининг 1 ва 6 май сонларида босилган. Сўнгра «Танланган асаолар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972) нашрига киритилган. Бу мақола Ҳамид Олимжон ёзувчи ва журналист Шариф Ризо (1906—1947) билан ҳамкорликда ёзган.

Қўлёзма формати 21×29 см, қоғозга араб алифбоси билан яшил сиёҳда ёзилган бўлиб, 9 бетдан иборат. Охириги бетда Мулк-обод деб ёзиб тагига чизиб қўйилган.

Автор қўлёзмаси билан «Янги Фарғона» газетасининг 1933 йил, 1 май сониди босилган қисмининг вариантлари берилди. «Янги Фарғона» газетасининг 6 май сониди босилган қисмининг вариантларини бериш имконияти бўлмади.

Мақола адаб «Асарлар»нинг IV томида «Ҳақиқий шараф» номи билан берилган. «Янги Фарғона» газетасида «Иштибонинг туғилиши» сарлавҳасига ёга.

Қўлёзма асосида чоп этилмақда.

- 43-бет 1. **Иштибоҳ** — шубҳа, гумон, шак.
2. **Аминжон қишлоғи** — Қўқон шаҳрига яқин ҳозирги Фрунзе районидаги қишлоқ.
21. **Карвон** — Мулкободдаги Ворошилов номи колхоз райси. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва граждандар уруши даврида босмачиларга қарши курашда шўҳрат қозонган қишлоқ активларидан.
- 44-бет 2. **Лангар ташлагандай бўлди** — босгандай, оғир юк ташлагандай каби маъноларда ишлатилган.
9. **Мулкобод** — Қўқон яқинидаги ҳозирги Фрунзе районининг пахтакор қишлоқларидан.
- 45-бет 16. **Таноб** (чилвир, арқон) — Ўрта Осиё хонликларида экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги.
- 46-бет 18. **Ўрта Чирчиқ райони** — Ўзбекистон ССР Тошкент областининг районларидан бири. Маркази Тўйтепа шаҳри. 1973 йилда ташкил топган. Тошкент—Ангрен темир йўл станциясидан 6 км узоқда. Тўйтепада металл конструкциялар ва гишт заводлари ҳамда маданий-оқартув муассасалари мавжуд.
- 48-бет 34—35. **«Иккинчи беш йиллик» колхоз отаси «Ворошилов» билан биргаликда** — «Иккинчи беш йиллик» колхозини оталиққа олган «Ворошилов» колхозини билан биргаликда маъносидан берилган.
36. **Истиқбол қилмоқ** — қаршиламоқ.

ФАЙЗУЛЛА ОТА ЮНУСОВ

(49-бет)

Қўлёмаси сақланмаган ушбу очерк 1936 йилда ёзилган. Ҳамид Олимжон дастлаб 1936 йил 3 январда Свердлов театрида ўқилган ва 5 январда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Қаҳрамонлар қайтди» шеърида бухоролик машҳур пахтакор Зайнаб Омонованинг ҳамқишлоғи Файзулла ота Юнусов номини тилга олган ва кейин бу пахтакор ҳақида сўз бораётган очеркни ёзган.

Очерк биринчи марта 1937 йилда ЎзССР Давлат нашриёти томонидан чоп этилган «Нишондорлар» тўпламига киртилган. Кейинчалик адибнинг «Танланган асарлар»и III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси» IV томи (1972)да қайта босилган. Адибнинг «Файзулла ота Юнусов» номи бу очерки рус тилида 1936 йилда «Литературный Узбекистан» (№ 5, 14—20-бетлар)да эълон қилинган эди.

«Нишондорлар» тўплами матни асосида чоп этилмақда.

- 49-бет 1. **Файзулла ота Юнусов** — Бухоро область Акмалобод районидаги (ҳозирги Гиждувон райони) «Сталин» номи колхознинг донгдор звено бсшлиғи (1936).
- 51-бет 17. **Истиқола** — тортинмоқ, бошқалардан уялиш.
- 52-бет 33. **Нури** — гўнг, маҳаллий ўғит.
43. **Қизилтепа** — Бухоро областида район маркази. Акмалобод билан оралиғи 17 км.
43. **Акмалобод** (ҳозирги Гиждувон) — Бухоро области

даги шаҳар, 1972 йилда ташкил этилган. Ғиждувон район маркази. Самарқанд—Бухоро йўли ёқасида жойлашган. Бухородан 42 км.

- 54-бет 3. **Бой хотин** — Бухоро область, Акмалобод (ҳозирги Ғиждувон) районидаги қишлоқни «Бой хотин» деб атаганлар. Ҳозирда ҳам шу ном сақланади.
6. **Ғазали** — ҳозирги Қазалинск, Қозоғистон ССР Қизил Урда областининг шаҳарларидан. Темир йўл станциясидан 12 км узоқликда.
6. **Оқмачит** — ҳозирги Қизил Урда. Қозоғистон ССР Қизил Урда областининг маркази. Сирдарё бўйида жойлашган. Темир йўл станцияси, ўзининг қоғоз-картон комбинатлари ва бошқа саноат марказларига эга.
7. **Хўжайн жаҳон мазори** — Бухоро область Ғиждувон районидаги қабристонлардан бири.
- 56-бет 16. **Обдорлик** — сувчилик, мироб маъносида.
- 57-бет 37. **Ғўсола** — бузоқ.
- 61-бет 3. «**Рустами дoston**» — Шарқ халқлари оғзаки ижодида баҳодирлиги билан машҳур қаҳрамон. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг марказий қаҳрамонларидан. У юксак куч-қудрат рамзига айланиб кетган. Фарғона водийсининг пахтакорларини Файзулла ота шу афсонавий нсм билан атайди.

ЗАЙНАБ

(64-бет)

Ушбу очерк 1936 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Дастлаб «Еш ленинчи» (1936 йил 28 январь) газетасида ва «Нишондор комсомол» (ҳикоя, очерк ва шеърлар) тўплами (Ўздавнашр, Тошкент, 1936 йил)да чоп этилган. Шунингдек, «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972) нашрига киритилган.

«Нишондор комсомол» тўплами матни асосида нашр этилмоқда.

- 64-бет 1. **Зайнаб** — Бухоро область Акмалобод районидаги Сталин номли колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Зайнаб пахтадан юқори ҳосил етиштиргани учун Ленин ордени олишга муяссар бўлган биринчи ўзбек хотин-қизларидан эди. Кейинги вақтларда Зайнаб Омонова Бухоро область Ғиждувон районида қарашли Фиришкент қишлоқ советида раис лавозимида ишлаган.
8. **Уй бутун қишлоқда ҳеч кимнинг оёқ изи тушмай диган бир ўтовга ўхшайди** — ҳеч ким кирмайдиган, ҳаммадан ажралиб қолган маъносида берилган.
26. **Чинакчи** — теримчи, пахта терувчи.
- 67-бет 28. **Ҳашша калла** — сабрсиз, ўзбошимча.
- 68-бет 15. **Калавасини йўқотиб юрди** — ўйланиб, ҳеч ишга кира олмади юрди.
29. **Омон** — Акмалобод район Сталин номли колхоз аъзоси. Зайнабнинг умр йўлоши. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган.

ВАХШ

(74-бет)

1937 йилда яратилган ушбу асар дастлаб «Танланган асарлар» III томи (1960)да нашр этилган. Кейинчалик «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта босилди.

«Танланган асарлар» III томи (1960) матни асосида нашр этилмақда.

74-бет 1. **Вахш** — Тожикистон ССРдаги дарё, Панж дарёсининг ўнг irmoғи. Вахш қуйилгандан кейин Панжоб Амударё деб аталади. Узунлиги 524 км. Вахш Орқа Олой тизмасининг шимолий ёнбағридан бошланиб, Олой водийси бўйлаб оқади. Қирғизистон ССРда Қизилсув, Тожикистон ССР территориясига ўтгандан сўнгра Сурхоб (Қизил сув) деб аталади. Энг йирик чап irmoғи — Обиҳингов дарёси қўшилгандан кейин Вахш номини олади. Вахш тор, чуқур ва жуда нишаб ўзанда урилиб, тез оқади. Баҳор ва ёз ойларида сув кўпаяди. Қуйи оқимида кема қатнайди. Вахш оқимида Норак, Қўрғонтепа, Калининobod шаҳарлари бор.

75-бет 1. **Помир** — Урта Осиёдаги тоғли ўлка (асосан Тожикистон ССР тоғли Бадахшон Автоном областида) Помир деганда Шимолда Орқа Олой тизмаси, шарқда Сарикўл тизмаси, жанубда Зўржўл, Помир дарёси ва Панж дарёсининг юқори оқими, Ғарбда Панж водийсининг меридионал бир бўлаги орасидаги территория тушунилади.

7. **Қўрғонтепа** — Тожикистон ССРнинг шаҳарларидан, Вахш водийсида. Душанбадан темир ва автомобиль йўли билан боғланади.

17. **Рафтор** — юриш.

28. **Тожикистон** — Совет Социалистик республикаси. Тожикистон АССР 1924 йил 14 августда ташкил топиб, Ўзбекистон составига кирган. 1929 йил 5 декабрдан иттифоқдош республикадир.

34—35. **Шикаст хат** — IX—X асрларда араб графикасида 36 тур хат санъатларининг номи маълум бўлса, бунга қўшимча яна 17 та шухратланган хат номлари мавжуд эди. Бу хатлар орасида шикаст хат олдинги ўринлардан бирини эгаллаган. Бунинг шикаста, шикасти настаълиқ деб ҳам юритилган.

36. **II Қўнғира** — II конгресс.

II конгресс 1891 йил август ойида Брюссель шаҳрида ўтган. Бунда, асосан ишчи синфи оmmasининг урушга муносабати аниқланади. Ҳар қандай уруш қораланади. Уруш капиталистлар учун ниҳоятда керак экани, социалистик тузум фақат халқларга озодлик келтириши кўрсатилади.

36. **Коммунистлар байналминнали** — Коммунистлар интернационали — текстини француз шоири, Париж коммунасининг иштирокчиси Э. Потье (1887), музикасини П. Дигейстор (1888) ёзган. Биринчи мартаба француз ишчилари байрамида (1888) иж-

ро этилган. Тез орада «Интернационал» меҳнаткашлар озодлиги учун курашда пролетар интернационализмининг рамзига айланиб, бошқа мамлакатларга тарқалади. XX аср бошларида интернационал рус тилига таржима қилинади. Бутун Россия Советларининг III съезидида Интернационал биринчи марта Республиканинг Давлат гимни сифатида ижро этилган (1918). Революциядан сўнг Интернационал Урта Осиёда ҳам кенг тарқалган. 1937 йилда интернационални Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, Ойбек, Н. Оқундий, Т. Фаттоҳлар ҳамкорликда ўзбек тилига таржима қилганлар.

76-бет 26. Шўролар шарқи — Советлар шарқи.

27—28. Миср пахтаси — сифатли узун толали пахта. Ассан, Нил дарёсининг қуйи оқими водийсида ўстирилади.

Ингичка толали пахта ҳозир Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон пахта далаларида ҳам кўплаб етиштирилмоқда.

77-бет 3. Вахшстрой — Вахш дарёсида бош ГЭС қурилган. 1967 йилдан бери Норак ГЭСи қурилмоқда. Вахш дарёсидан йirik Вахш ва Шўробод каналлари чиқарилган.

31. Волховстрой — Волхов дарёси РСФСРнинг Новгород ва Ленинград областларидан оқиб ўтади. 1939 йилда катта гидроэлектростанция ва бошқа саноат марказлари бунёд этилган.

78-бет 11. Иброҳимбек — Бухоро ва Тожикистон территориясида ёш совет республикасига қарши курашган босмачилар тўдасининг қўрбошиси.

79-бет 37. ҲзАПП — Ўзбекистон пролетар ёзувчилари уюшмаси.

37. САПП — Урта Осиё пролетар ёзувчилари уюшмаси.

ҲАЁТ ДАРЕСИ

(81-бет)

1939 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Мақола биринчи марта Ҳамид Олимжон «Танланган асарлар»и III томи (1960)да чоп этилган. Кейинчалик «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972) да қайта босилган. «Асарлар мажмуаси» IV томи (1972) матни асосида нашр этилмоқда.

Ушбу публицистик мақола Катта Фарғона каналининг ишга туширилиши муносабати билан ёзилган бўлиб, унда янги социалистик тузумнинг илк мўъжизаларидан бири — қисқа муддатда қазиб битқазилган Катта Фарғона канали ҳақида сўз боради. Мақола тўғридан-тўғри Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги канал қазिश жараёнини тасвирловчи ўринларни сўзлашдан бошланиб, халқимизнинг улкан орзуси бўлган Мирзачўл ерларини суғориш ва унга сув чиқаришга ҳам тўхталиб ўтилади.

81-бет 2. Айнулҳаёт чашмаси — Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида куйланган Арман ўлкасидаги

катта булоқнинг номи. Фарҳод қазиган ариқ шу Айнулҳаёт чашмасидан бошланиб Ширин қасрига келтирилган.

3. **Армения** — Арманистон СССР таркибидаги Иттифоқдош республика, Закавказьенинг жанубида, шимол ва шарқда Грузия ва Озарбайжон Иттифоқчи республикалар билан, ғарб ва жанубда Туркия ҳамда Эрон билан чегарадош. Арманистон қадимги тарих китобларида ва ривоятларда афсонавий гўзал шаҳар сифатида қаламга олинади. Бу афсоналар кейинча Фарҳод ва Ширин ҳақидаги асарларга ҳам кўчган.

4. **Муҳандис** — геометрияни яхши билувчи, бинокор мутахассис.

16. **Нуҳ** (умри) — узоқ умр кўрган деб фараз қилинадиган афсонавий пайғамбар номи. Нуҳ пайғамбар замонидagi тўфон мелоддан аввалги учинчи минг йиллик охири, иккинчи минг йиллик бошида бўлган деб ривоятларда тахмин қилинади.

27. **Қоруи** — афсонавий билим ва ҳунар эгаси. Фарҳод тош йўнишни шу устоздан ўрганган.

- 82-бет 1. **Маҳинбону** — Алишер Навоий «Хамса» (1484) снга кирган «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги Арманистон мамлакатининг ҳукмдори, Шириннинг аммиси, дostonнинг ижобий қаҳрамонларидан бири сифатида берилган.

12. **Баҳрунажот** — Фарҳод томонидан Ширин учун қазилган катта афсонавий ҳовуз номи.

27. **Поён** — чегара, охир, қуйи.

28. **Наҳрулҳаёт** — ҳаёт дарёси. (1441—1501) «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги ариқнинг номи.

- 83-бет 17. **Оч дала** — суғорилмаган, сув чиқарилмаган, ўзлаштирилмаган ер.

17. **Мирзачўл** — Урта Осиёдаги текисликлардан. Майдони 10 минг км². Иқлими кескин континентал. Текисликка Бекобод шамоли кучли таъсир этади. Сизот сувларига бой ва секин оқади. Мирзачўлни ҳақиқий ўзлаштириш Улуғ Октябрь социалстик революциясидан кейин бошланди. 1922—1924 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланди ва янги ерлар ўзлаштирилди. 1920 йилда Ленин юборган мутахассислар кўмаги билан суғориладиган ерлар майдони кенгайтирилади. Янги ерда совхозлар ташкил қилина бошлайди. 1924 йилда «Пахтаорол» совхози, 1929 йилда «Малик», «Боявут» совхозлари ташкил этилди. 1939—1940 йилларда ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори билан 60 минг гектар ер очилди. 1941 йилга келиб суғориладиган экин майдони 90 минг гектарга етди. 1956 йилга келиб аса экин майдони 200 минг гектардан ошди. 1965 йилда Қайроққум сув омборининг қурилиши Мирзачўлда сув таъминотини яхшилади. «Главгоодностепстрой» ташкилоти тузилди. Ҳозир 430 минг гектар ер ўзлаштирилган. Мир-

заҷўднинг Ўзбекистон қисмида 1972 йилда 510 минг тонна пахта, 14 минг тонна сабзавот, 22 минг тонна шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Мирзаҷўлда Гулистон, Янги Ер шаҳарлари ва посёлкалар вужудга келди. Ўтмишда сувсиз, гиёҳсиз бу текислик — «Оч дала» деб ҳам юритилган. Унинг «Голодная степь» дейилиши ҳам шундан.

84-бет 18. **Фарғона** — Фарғона областининг маркази. Фарғона водийсининг жанубига жойлашган.

20—21. **Катта Фарғона канали** — Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали — Фарғона водийсидаги канал. Ўзбекистон ССР (283 км) ва Тожикистон ССР (62 км). Водийни шимоли-шарқдан жануби-ғарбга кесиб ўтган СССРдаги энг йирик ирригация иншоотларидан бири. Учқўрғон шаҳри яқинида Норин дарёсидан бошланиб, Тожикистон ССР Ленинобод шаҳригача боради. Бу канал 1939 йили колхозчилар ташаббуси билан жуда қисқа муддатда (45 кунда) қурилган. 1940 йили ТожССР территориясида яна узайтирилди. Канал қурлиши натижасида Фарғона водийси ва Ленинобод областининг жуда кўп экин ерлари сув билан таъминланди.

42. **Учқўрғон** — Наманган областининг Учқўрғон район маркази. Норин дарёсининг чап қирғоғига жойлашган.

85-бет 3. **Муқимий** — Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли (1850—1903, Қўқон), ўзбек демократик адабиётининг асосчиларидан бири. Бошланғич маълумотни Қўқондаги мактаблардан бирини олган. Онаси — Бибиойша Сайдолим Нодиршайх қизи Муқимийнинг шеърятга ҳавасини уйғотган. Қўқонда «Ҳокимойим» мадрасасида, сўнгра Бухоро мадрасасида ўқиган. У тахминан 1876 йилда Қўқондаги ер қурлиш маҳкамасида мирзолик қилади. 1877 йилда Сирдарё ёқасидаги Оқжар паромидида паттачи бўлиб ишлайди. 1887—1888 йилларда Тошкентга саёҳат қилиб, рус маданияти янгиликлари билан танишади. Камий, Алмай, Нодим Намангоний каби прогрессив руҳдаги ижодкорлар билан алоқа боғлаб ижодий ҳамкорлик қилади. Ўзбек адабиётида демократик йўналишни вужудга келтиришда Муқимийнинг роли катта.

Муқимий ижодининг катта қисмини унинг лирикаси ташкил қилади. Шунингдек, шоир ижодида сатиранинг ўрни, айниқса, каттадир. Унинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстмуҳамедовнинг хабар беришича, Муқимий рус ҳаёти ва прогрессив ижодкорлари билан ҳам таниш бўлган.

18. **Норин** — Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон ССРдаги дарё, марказий Тяньшандан бошланади. Узунлиги 807 км.

20. **Ёзёвон саҳроси** — Фарғона водийсининг марказий қисмидаги чўл. Қўқон, Марғилон, Андижон ва На-

манган воҳалари билан ўралган. Шимолдан Сирдарё оқиб ўтади. Чўлни ўзлаштириш учун катта каналлар қазилган. Ҳозир бу ерда пахтачилик колхоз ва совхозлари мавжуд. Ёзёвоннинг ўзлаштирилган катта қисми Фарғона область, Охунбобоев районидаги Ёзёвон қишлоқ советига қарашли қишлоқдир. Қишлоқ пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик билан шуғулланади. Қишлоқ Катта Фарғона каналидан сув ичади.

22. **Алмашлаб экиш** — хўжаликнинг иқлими ва тупроқ шароитига қараб қишлоқ хўжалик экинларини навбат билан экиш тури. Бунда қишлоқ хўжалигидан мунтазам мўл ҳосил етиштириш ҳамда чорвачилик учун ем-хашак базасини вужудга келтириш кўзда тутилади.

ҲАЁТ

(87-бет)

Очеркнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1940 йилда ёзилган ва шу йили «Қизил Ўзбекистон» (1940 йил 7 ноябрь) газетасида босилган.

Кейинчалик «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта нашр қилинди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси матни асосида чоп этилмақда.

87-бет 32. **Учқўрғон** — Наманган областидаги район. 1935 йил 28 июлда ташкил этилган. Маркази Учқўрғон шаҳри.

88-бет 43. **Шимолӣ Фарғона канали** — Катта Фарғона каналидан кейин қурилган.

89-бет 6. **Жанубий Фарғона канали** — Катта Фарғона каналидан кейин қурилган.

10. **Тошкент канали** — 1941 йилда қазилган. Чирчиқ дарёсидан сув олади.

24. **Каттақўрғон сув омбори** — «Ўзбекистон денгизи». 1940—1951 йилларда битказилган. Зарафшон дарёсидан сув олиб областнинг районларини сув билан таъмин этади.

24. **Каттақўрғон** — Самарқанд областига қарашли шаҳар. Каттақўрғон районининг маъмурий маркази. Темир йўл станцияси мавжуд. Самарқанд шаҳридан 22 км шимоли-ғарбда.

90-бет 4. **Тошсоқа канали** — Хоразм областида ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш учун Улуғ Ватан урушидан олдин қурилган каналнинг номи.

25. **Катта Ўзбекистон тракти** — узунлиги 708 км. Бу йўл Ўзбекистон территориясини шимолдан жанубга кесиб ўтади. 8 шаҳар ва 6 йирик областдан ўтиб, республиканинг иқтисодий-маъмурий ва маданий районларини бир-бири билан боғлайди.

40. **Чирчиқ дарёси** — Сирдарёнинг ўнг irmoғи ҳисобланади. У Ғарбий Тяньшань тоғларидан бошланади.

- Чирчиқ ўзанига кўп гидроэлектростанциялар қурилган.
- 91-бет 4. **Водород** — Н. Менделеев даврий системасининг биринчи группасидаги кимёвий элемент, одатдаги шароитда рангсиз, ҳидсиз газ бўлиб, таъми йўқ.
11. **Оҳангарон** — Тошкент областидаги шаҳар. Оҳангарон районининг маркази. Қурама тоғининг этагида. Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳили.
11. **Унда Оҳангарон ҳамманинг ҳам бошини қотириб қўяр эди** — бунда асосан тоғ фойдали қазилмалари ва кўмир кўзда тутилади.
14. **Разведкачилар** — фойдали қазилмаларни қидириб топадиган геолог мутахассислар.
14. **Геолог** — бу мутахассислик ер қобиғининг тузилишини, составини, тарихини ҳамда фойдали қазилмаларини қидириб топиш методларини билдиради ва ўргатади.
23. **«Лайли ва Мажнун» операси** — Саҳна асари. Яқин ва Урта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган самимий севги дostonи бўлмиш «Лайли ва Мажнун» сюжети дастлаб араблар орасида вужудга келган. 1188 йилда Низомий Ганжавий шу сюжет асосида мукаммал бадий асар яратган. Кейин Амир Хисрав Деҳлавий ҳам 1298—1299 йилда шу сюжет асосида дoston битaди.
- «Лайли ва Мажнун» Алишер Навоий «Хамса» сининг учинчи дostonи (1484). У 3622 байтдан иборат. Навоийнинг бу оригинал, гўзал дostonи кўп қатор саҳна асарларига асос бўлиб хизмат қилди. Дастлаб ўзбек саҳнасида музикали драма сифатида ёритилган бу асар асосида кейинча опера ҳам юзага келган. Опера 1940 йилда қўйилган. Либретто Ш. Хуршидники, музика Глиэр ва Т. Содиқовникидир.
25. **Ўзбекистон Фанлар академияси** — СССР Фанлар академиясининг филиаллигидан 1943 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Фанлар академиясига айлантирилди. У ўзининг составида кўп илмий институтларни бирлаштиради.
38. **Ҳиндистон** — Ҳиндистон қулай денгиз алоқа йўлига жойлашган. Деярли бутун мамлакатлар билан денгиз йўли орқали алоқа қила олади. Маркази — Деҳли. Маъмурий жиҳатдан Ҳиндистон штатларга бўлинади. Давлат тузуми — Федератив республика. Ҳукумат бошлиғи — президент.
39. **Афғонистон** — Осиёдаги давлат. Шимолда СССР, ғарбда Эрон, жануб ва жануби-шарқда Покистон ва Ҳиндистон билан чегарадош. Пойтахти — Кобул шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 28 вилоятга бўлинади. 1919 йил майда Совет ҳукумати Афғонистоннинг мустақиллигини таниди. 1921 йилда Москвада Совет-Афғон шартномаси имзоланди. Афғонистонда 1978 йил апрель ойида монархия афдарилиб, Халқ Демократик Республикаси ташкил этилди.

39. **Маёқ** — маяк — минора типдаги сигнал ишооти, ёруғлик, радио ва товуш тўлқинлари тарқатадиган қурилма. Самолёт ва кемаларнинг хавфсиз ва янглишмай қатнашида мўлжал вазифасини ўтайди. Денгизда кемаларга йўл кўрсатиш учун тепасига кучли ёруғлик манбаи ўрнатилган минорали маёқ ишлатилади. Маёқнинг сувда сузиб юрадиган хили ҳам бор. Самолётларга йўл кўрсатиб турадиган маёқ авиация маёқи дейилади. Туман ва ёғингарчилик пайтларида радио-маёқ қўл келади ва самолётни хавфсиз ерга қўндиришга ёрдам беради.
- 92-бет 2. **Наманган** — Ўзбекистон ССРдаги шаҳар. Наманган областининг маъмурий маркази.

ОНАНИНГ НОМУСИ

(93-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган ушбу асар 1942 йилда ёзилган ва шу йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 2 август сонисида босилган.

Ҳамид Олимжон «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта чоп этилган. «Қизил Ўзбекистон» газетаси матни асосида нашрга тайёрланди.

95-бет 11. **Амри вожиб** — бажарилиши мажбурий, зарурий бўлган буйруқ.

17. **Ғози** — муқаддас урушда қатнашмоқ.

ФАРҲОД ТОҒИНИНГ ЭТАКЛАРИДА

(96-бет)

Очерк 1943 йилда ёзилган. Қўлёзмаси мавжуд эмас. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» (1943 йил 6 март) газетасида берилган. Сўнгра «Фарҳод чироқлари» (Ўздавнашр, Тошкент, 1949) тўпламида, «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да нашр этилди.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси матни асосида чоп этилмоқда.

96-бет 1. **Фарҳод** — «Фарҳод ва Ширин» достонининг ижобий қаҳрамони. Фарҳод меҳнатсеварлик, довиюрлик, жангда ботирлик рамзи бўлган афсонавий қаҳрамон.

1. **Фарҳод тоғи** — Тошкент областининг Бекобод районидаги тоғ оралиғи — дарасига улкан гидроэлектростанция қурилган жойни қадимдан символик равишда Фарҳод тоғи деб номланиб келмоқда. Бу ерда Сирдарё суви тўсилиб, 1947 йилда Гидроэлектростанция ҳамда Ўзбекистон ва Тожикистон территорияларида катта сув омбори ҳам қурилган. Фарҳод сув дамбаси Мирзачўл ва Далварзин чўллариини суғориш ва сув чиқаришга хизмат қилади.
4. **Ширин** — Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг бош қаҳрамонларидан бири.
9. **Эрон** — Осиёнинг ғарбида жойлашган. Шимолдан

- СССР, ғарбда Туркия ва Ироқ билан, шарқда Афғонистон ва Покистон билан чегарадош давлат.
21. **Хисрав Парвия** (591—626) — Эрондаги Сосоний давлатининг ҳукмдорларидан. III—VI асрларда Яқин ва Урта Шарқда Сосонийлар сулоласи давлатни бошқарган. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида, фольклор асарларида Хисрав Парвиз босқинчи, таловчи сифатида тилга олинади.
 22. **Бўйра** — пишган қамишнинг пўстини тозалаб, тўқилган, уй-жойларга намат-кигиз, гилам, палос тагидан тўшаладиган солинчиқ. Бўйрани мутахассис бўйрачилар тўқийди. Бўйра палосларни тупроқ ва заҳдан сақлаган, иморат томини ёпишда васса устидан қўйилган, тўйларда, турли маросимларда меваларни ёйиб қуриштида, қурилган меваларни қишда сақлашда бўйрани чоклаб, қоп ўрнида ишлатганлар. Урта Осиёда яшовчи мусулмонларнинг урф-одатларига кўра, дафн маросимида ҳам бўйрадан фойдаланадилар. (Ҳасад тобутда бўйра устига қўйилади).
 27. **Бекобод** — Тошкент областидаги шаҳар (1945 йилдан) Сирдарёнинг ҳар иккала соҳилига жойлашган. Шаҳарда Ўзбекистон металлургия заводи мавжуд.
- 97-бет 19. **Ғиёҳсиз** — ўсимликсиз, ўтсиз, дарахтсиз.
- 98-бет 9. **Фарҳод ГЭС** — Ўзбекистонда Сирдарёга қурилган энг катта гидроэлектростанция. Бу 1943 йилда бошланиб, 1948 йилда тугатилган. Бу ерда катта ирригацион ишлар ҳам олиб борилган. Сув чиқариш каналлари ҳам қурилган. Ўзбек металлургия комбинати — В. И. Ленин номидаги Бекобод оғир саноати комбинати 1943 йилда қурила бошлаган, ўзининг биринчи пўлатини 1944 йил март ойида бера бошлади.
19. **Иштиёқ** — муштоқлик, кўнгили истаги, завқланиш.
 - 98-бет 40. **Бухоро** — Ўзбекистон ССРдаги шаҳар. Бухоро областининг маркази (1938 йилдан). Ўзбекистоннинг жанубий ғарбида Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида Шохрӯд канали ҳавзасида.
 41. **Қорақалпоғистон** — Автоном Совет Социалистик Республика. 1932 йил 20 мартда ташкил топган. 1936 йил 5 декабрдан Ўзбекистон составида. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбига жойлашган.
 - 99-бет 36. **Олим Эгамбердиев** — Фарҳодстройда жонбозлик билан меҳнат қилган, иш нормасини ошириб бажарган ғайратли наманганлик йигит.
 41. **Пославский В. В.** (1896—1979) — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, инженер-ирригатор. Ўзбекистоннинг йирик ирригация ҳамда гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда иштирок этган. Катта Фарғона канали гидротехника иншоотлари лойиҳаси қурилишининг бош инженери. Фарҳод ГЭСи иншоотлари комплекс лойиҳаларининг бош инженери, 4 марта Ленин ордени, Октябрь революцияси, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллари билан муко-

фотланган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги.

- 100-бет 12. «Фарҳод ва Ширин» операси — Ш. Хуршид ва К. Яшин либреттоси. В. Успенский, Г. Мушель музикаси.

ЗАЪФАРОН

(101-бет)

1943 йилда ёзилган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» (1943 йил 23 апрель) газетасида босилган. Сўнгра «Танланган асарлар»нинг III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта чоп этилган.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси матни асосида нашрга тайёрланди.

Очеркдаги асосий персонажлар — Анна Ивановна ва Александра Терентьевна Ҳ. Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши даври «Кундаликлар»ида ҳам қаламга олинади.

Фронтга совға-салом олиб борган делегация иштирокчиларидан бўлган Ҳамид Олимжон, у ерда кўрган-кечирганларини «Кундалик»ка ёзиб борган. Қайтгач, шу тўплаган материаллари асосида ўзининг «Заъфарон» очеркини ёзган.

101-бет 1. Заъфарон — сарғиш тус, ранг.

2. Анна Ивановна — Курск шаҳрида истиқомат қилувчи аёл. Шаҳарни фашистлар вақтинча ишғол қилганда бу ерда бир йилга яқин яшаган. Ҳ. Олимжон Марказий фронтга Ўзбекистон делегацияси составида келганда шу аёлнинг хотираларини тинглаган эди.

13. Курск — РСФСР Курск области маркази. Тускар дарёси, Сейм дарёсига (Днепр ҳавзаси) қўйиладиган жойда. Темир йўл узелига эга. Курскка X асрда асос солинган. Биринчи марта 1032 ва 1095 йилги солномаларда тилга олинади. XI—XII асрларда Чернигов ерининг чегара қўрғони бўлган. 1238 йилда Курскни татар-мўғул босқинчилари вайрон қилган. Улуғ Ватан уруши йилларида Курскнинг шимолий ва жанубий районларида шиддатли жанглар (1943) бўлган.

- 102-бет 33. Ленинград — 1703 йилда асос солинган. 1914 йил августгача Санкт-Петербург; 1924 йил 26 январгача Петроград деб номланган. СССРнинг саноат, маданият ва илмий маркази, энг йирик транспорт узели, денгиз портига эга. Ленинград Улуғ Октябрь революциясининг бешиги. Қаҳрамон шаҳар. Шаҳар Нева дельтасидаги 42 та оролда жойлашган. 1924 йил 26 январда В. И. Ленин вафотидан кейин СССР Советларининг II съезди шаҳар меҳнаткашларининг илтимосини инобатга олиб, Петроградга Ленинград номи берилди.

- 103-бет 8. Александра Терентьевна — Курск атрофидаги Свобода қишлоғида истиқомат қилувчи аёл. Тўртта ёш

боласи бор. Эри фронтда. Ҳ. Олимжон Марказий фронтга Ўзбекистон делегацияси составида келганда бу жасур аёлнинг уруш ҳақидаги таассуротларини эшитган. Бу аёл адибнинг «Кундалик саҳифалари» асарнда ҳам тилга олинади. Шаҳодатнома — фашистлар вақтинча ишғол қилган районларда аҳолига бериладиган гувоҳнома. Шаҳодатномалари бўлмаганлар оғир жазога тортилган. Бу ҳужжатга қарамогидаги болалар ёки бу шахснинг бутун хислатлари ҳам ёзилган.

11. **Сариқ варақа** — фашистлар вақтинча ишғол қилган районларда аҳолига бериладиган шаҳодатнома. Бу қалин сариқ қоғоздан ишланган.
18. **Амуру фармон** — буйруқнинг эскирган номи; ҳоким, амир, подшоҳ, бек, раисларнинг буйруғи ёки фармони.

КУНДАЛИК ДАФТАР

(107-бет)

1933 йилда ёзилган. Қўлёзмаси мавжуд. Биринчи марта «Шарқ юлдузи» (1971 йил 7-сон) журналда Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфиянинг қуйидаги кириш сўзи билан босилган: Ҳамид Олимжон йиққан китоблар орасидан унинг «Кундалик дафтар»и чиқиб қолди. Ҳамид Олимжон 1933 йилнинг 5 апрелидан то 29 апрелгача Мулкобод ва Қўқонда бўлади. Сафарда унга «Правда»нинг махсус муҳбири Мануэлов ва Ризаев ҳамроҳ экан. Кундалик худди шу кунлари вужудга келган. Араб ҳарфи билан ёзилган бу дафтардаги материал каттагина экан, машинкада 77 бет бўлди. «Кундалик дафтар» худди мукаммал бадиий асар каби иштиёқ ва мароқ билан ўқилади. Ҳаётини ўйлар ва ўткир мулоҳазалар, ажойиб ҳикоялардан ташкил топган бу асарнинг ҳар бир бўлими маржон дуридек терилган. Ундан қайноқ қалб эгаси бўлиши Ҳамид Олимжоннинг ҳаётга қандай жиддий ва теран кўз билан қараганини, турмушнинг ҳамма томонларини синчковлик билан кузатган сезги ва дидга эга эканлигини ва ундаги янгиликларни жон-дили билан қувониб ардоқлаганлигини кўриш мумкин. 24 яшар йигитнинг сиёсий сезгирлиги, ҳаётни чуқур билиши ва айниқса одамлар қалбидаги руҳий ўзгаришларни жуда тиниқ ва равшан тасаввур қилиши кишини қойил қолдиради. Мен дафтарнинг ҳар бир саҳифасида ҳам 30-йиллар бошларидаги қишлоқларимиздаги социалистик ўзгаришларнинг аниқ манзарасини кўриб, ҳам халқнинг бахтга эришаётганлигидан юрак-юрагидан қувонган, унинг шодлигидан руҳи баланд кўтарилган ижодкорнинг жўшқин қалбини тинглаб, ҳайратланиб кетдим. «Кундалик дафтар» Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон», «Жиноят» каби бир қанча асарларининг хамиртуришини шу сафар жараёнида топганлигидан ҳам гувоҳлик беради. Шу жиҳатдан дафтар буюк шоиримизнинг ижодини ўрганувчилар учун ҳам жуда муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу кундалик адибнинг беш томлик «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да ҳам нашр этилган.

Ҳ. Олимжон «Кундалик дафтар»нинг қўлёзмаси икки катта қалин дафтардан иборат. Биринчи қора муқовали дафтар 50 варақ,
286

иккинчи оқ муқовали дафтар 56 varaқ. Иккала дафтарга ҳам, асосан қизил сиёҳ билан, айрим бетлари яшил сиёҳ ва гунафша қалам билан араб графикасида ёзилган. Автор ҳар иккала дафтарнинг айрим бетларидаги сатрларнинг тагини, баъзан айрим жумлаларни ёнидан ўзи учун чизиб қўйган.

Биринчи дафтарнинг муқоваси орқасига «Биринчи дафтар» деб ёзиб қўйилган. Муқова олди бетига «Ҳамид Олимжон, 5 апрелдан 29 апрелгача Мулкобод, Қўқонга қилинган сафар кундалиги», иккинчи дафтарнинг биринчи бетига «Ҳамид Олимжон, иккинчи дафтар, Мулкобод, Қўқон саёҳати»,— деб ёзилган. Яна шу иккинчи дафтарнинг охири бетига «Мен 5 апрелда Қўқонга келдим. 6-нчида Мулкободга чиқиб кетдим. 17-нчида яна Қўқонга бориб, 20-нчида қайтиб келдим. 24-инчида кечқурун яна Қўқонга бориб пул олиб, 25-инчида кундуз қайтиб келдим»,— деб ёзилган.

Биринчи ва иккинчи дафтарлар формати 14×20 см. Ҳар иккала дафтарда баъзан тўлиқ ёзилмаган бетлар учраб туради. Масалан, биринчи дафтарда 3, 18, 28, 39 ва бошқа бетлар; иккинчи дафтарда 4, 7, 13, 15 ва бошқа бетлар. Ҳар иккала дафтар varaқларининг фақат бир томонига ёзилган. «Кундалик дафтар»нинг бошланиш жумласи:

Мулкободга 6-нчи апрелда келдик.

охири:

Ана шу картинада жуда ҳам қизиқ воқеани келтириш мумкин. Мазмун коллективлаш ва оила.

Нашр учун қўлёзма асос қилиб олинди.

107-бет 1. **Кундалик дафтар** — 1928—1932 йилларда республика миҳзада амалга ошаётган колхозлаштириш, колхозларни сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистонга командировкага келган «Правда» газетасининг махсус муҳбири Мануэлов билан биргаликда «Ёш ленинчи» газетасининг масъул секретари Ҳамид Олимжон 1933 йили кўкламида Қўқонга келади. Улар «Янги Фарғона» газетасининг масъул муҳаррири Шариф Ризо билан биргаликда бир ой давомида Қўқон атрофидаги янги ташкил қилинган колхозларда бўладилар. Ҳамид Олимжон ўзининг «Кундалик дафтар»ини шу ерда яратади.

4. **Шариф Ризо** — (1906—1947) ўзининг қатор очеркларини, ҳикояларини, бадий таржималарини ва илмий мақолаларини билан ўзбек совет адабиётига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлардан дидир. Шариф Ризо 1906 йилда Қўқонда туғилади. Илк маълумотни ҳам ўша ерда олди. Шариф Ризонинг адабиётга бўлган ҳавасини уни шаҳар матбуотининг актив муҳбирлари қаторига олиб келди. Қўқонда «Янги Фарғона» газетасининг адабий марказ ҳисобланар эди. Ш. Ризо 1926 йилда шу газетага мақолалар бериб турди. 1930 йилларга келиб Ш. Ризо актив журналист ва ёзувчи сифатида танилган эди.

Ш. Ризо 1931—1933 йилларнинг маълум бир даврида «Янги Фарғона» газетасининг редакторини бўлиб ҳам ишлади. У кўпинча очерк жанрида ижод

- қилган. 1933 йилда Ҳамид Олимжон билан биргаликда «Иштибоҳнинг тугалиши» очеркини ёзди. Бунда қишлоқдаги яқка хўжаликларнинг йирик колхозларга уюшаётгани баён қилинган.
- 109-бет 9. **Сахалин** — Осиёнинг шарқий қирғоқлари ёнидаги орол. Сахалин области РСФСР таркибида. Майдонини 7640 км². Сахалинни материкдан Татар бўғози ажратиб туради Охот ва Япон денгизлари билан қуршаб олинган. Қирғоқлари бўйлаб Гарбий ва Шарқий Сахалин тоғлари ўтади.
14. **Дадажон ака** — Мулкободда терговчи.
27. **Муродов Муллазиё** — Мулкобод скуппунктининг мудар муовини. Ўз даврида Мулкободнинг энг билимдон кишиларидан ҳисобланган.
38. **Крахмал** — ўсимликнинг асосий углевод запаси.
- 110-бет 3. **Поп** — Наманган область, Поп районидаги шаҳар посёлкаси (1972), районнинг маъмурий маркази.
3. **Олмос қишлоғи** — Наманган область, Чуст райони Олмос қишлоқ советидаги мавзе. Ленин номи колхоз территориясида. Район марказидан 14 км, яқин темир йўл станцияси — Чустдан 28 км. Пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шугулланади. Ғовасойдан сув ичади.
17. **Беҳбудий** — Маҳмудхўжа (1875 Самарқанд, 1919 Қарши). Туркистонда жадидизм ҳаракати раҳбарларидан бири, ёзувчи, журналист ва жамоат арбоби.
18. **Айний** — (тахаллуси) Садриддин Саидмуродов (1878 Бухоронинг Гиждувон тумани Соктаре қишлоғи — 1954 Душанба) тожик совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет адабиётининг бошловчиларидан бири, улкан ёзувчи, публицист, шарқшунос олим, жамоат арбоби, ЎзССР ФА фахрий аъзоси (1943). Тожикистон ССР ФА академиги ва биринчи президенти (1951—1954). Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби (1946), филология фанлари доктори (1948), профессор (1950). У бир неча марта СССР ва Тожикистон ССР Олий Советларига депутат қилиб сайланган, 3 марта Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.
20. **Иван Ле** — Мойся Иван Леонтьевич 1895 йилда туғилган. Украин совет ёзувчиси. 1923—1927 йилларда Киев политехника институтида ўқийди. Битиргач Ўзбекистонда ирригация қурилишида инженер бўлиб ишлайди Унинг асарлари 1924 йилдан бошлаб чиқа бошлади. Жумладан, ҳикоялар гўлами 1927 йилда чоп этилди. «Тоғлар оралиғи» романи 1929 йилда босилиб чиқди. Бунда Ўзбекистон ССРда амалга ошаётган қурилишлар ҳақида баҳс юритилади. 1932 йилда ёзилган «Қувонч париси» романи совет кишиларининг маънавий ахлоқ дунёсини акс эттиришга бағишланди.

- 111-бет 16. **Ҳақимов** — Дзержинский номи колхоз Ҳосилот шўросининг раиси.
- 112-бет 5. **Қўқонбой ака** — Мулкободнинг билимдон кишиларидан, батрақлардан бўлган. 1929 йилда биринчи бўлиб етти кишидан иборат артель тузган. Бу кичик артель 1930 йилда 85 хўжалик бўлиб, катта колхозга айланган.
- 116-бет 41. **Аккредитив** — 1) Маҳсулот ёки бажарилган иш ҳақини тўлаш формаси; 2) муайян бир банк, масалан, СССР Давлат банки ёки омонат кассаси бўлимининг тегишли бир шахсга маълум миқдордаги суммани тўлаш учун бошқа бўлимларга берадиган буйруғи. Бу махсус бланка воситасида амалга оширилади.
- 117-бет 19. **Тавоб қиласизлар** — узр қилмоқ, кечирим сўрамоқ. **Тавобий** — эргашувчилар, тобей кишилар.
- 119-бет 41. **Қорамулла жамоаси** — Қорамулла қишлоқ совети.
- 121-бет 8. **Коппон** — дон маҳсулоти билан савдо қилганидан бозордаги жой номи.
15. **Кооператив** — матлубот кооперацияси — аъзоларнинг пай тўловига асосланган истеъмол молларини сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш учун тузилган уюшма.
- 132-бет 26—77. **Регистон** — (Эль-Регистон). Гарольд Габриэльевич 1924 йилда Тошкентда туғилган, совет шoirи. Максим Горький номидаги адабиёт институтини 1951 йилда тамомлаган. 1944 йилдан бошлаб тўпламлари чиқа бошлаган. Уни «Севги ва кўшиқ», «Юрак», «Етуклик» ва бошқа тўпламлари эълон қилинган. Юзлаб кўшиқлар автори, қардон хаёқлар адабиётидан рус тилига таржималари ҳам кўп. Совет Иттифоқи Гимни авторларидан.
27. **ТАСС** — Совет Иттифоқи телеграф агентлиги.
32. **РКИ** — Район ижroiя комитети.
32. **КК** — контроль комиссияси.
- 133-бет 13. **Урганжи** — Урганжи Қўқон шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бирининг номи. Шаҳардан 5—6 км масофа узоқликда.
- 139-бет 16. **Тумушиб ўтириб оладилар** — шумшайиб, гужмайиб ўтириб оладилар.
27. **Кин сақламоқ** — кек сақловчи, душманлик қилувчи.
- 140-бет 9. **Купец** — савдогар.
- 142-бет 27. **Пискент** — Ўзбекистон ССР Тошкент областидаги шаҳар. Пискент районининг маркази.
- 145-бет 5. **Оқтепа жамоаси** — Оқтепа қишлоқ Совети.
- 147-бет 16. **«Инжилия»** — Инжил — (Евангелис) — илк христианларнинг «муқаддас» китоби.
20. **«Ўзбекистон Правда»си** — бунда «Правда Востока» газетаси назарда тутилади.
- 149-бет 41. **Самоохран отрядининг соқчилари** — давлат маъмурий идорасининг соқчилари назарда тутилади.
- 150-бет 7. **Мирзадавлат жамоаси** — Мирзадавлат қишлоқ совети.

- 155-бет 41. 30-инчида рапорт бермоқчи ва баъзилар ҳатто ҳезирдан 29-инчида тамом қиламиз деб ёзиб бердилар — пахта экишни 29—30 апрелда тамом қиламиз деган мазмунда берилган.

КУНДАЛИК САҲИФАЛАРИ

(163-бет)

Улуғ Ватан уруши таассуротларидан иборат бўлган ушбу асар 1943 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» (1967 йил 26 март) газетасида қисқарган ҳолда эълон қилинган. Сўнгра «Гулистон» журнаlining 1969 йил, 11—12-сонларида чоп этилди.

«Гулистон» журнаli матии асосида нашр этилмоқда.

ЎзССР ФА қўлёзмалар институтидаги шоир архивида 10,5×14,5 ҳажмдаги «Ён дафтар»нинг 6 варағида рус тилида ёзилган фронт ҳақидаги хотираларнинг қораламаси ҳам мавжуд. Айрим варақлар четида араб графикасида ҳам ёзувлар бор. Шу архивда яна 1943 йил 18 февралдан 28 мартгача ширнинг фронт ҳақидаги хотираларининг Р. Бородина томонидан қилинган 11 варақли машинкаланган русча таржимаси ҳам мавжуд.

163-бет 11. Николай Андреевич Ломакин — 1943 йилда Ўзбекистондан фронтга совға-саломлар олиб борган делегация раҳбари. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети секретари.

13. Турғун Тошматов — Тошкент область, Қорасув районидаги колхоз раиси, делегация аъзоси.

14. Убай Солихўжаев — Убай Бурҳон, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, 1967 йилдан Телевидение ва Радио эшиттириш Давлат комитети раис ўринбосари.

14. Ҳалима Тошмуҳамедова — делегация аъзоси, В. П. Чкалов номидаги авиация заводи ишчиси.

25. Харьков — Украина ССР, Харьков областининг маркази.

26. Киев — Қаҳрамон шаҳар. Украина ССРнинг маркази, Киев областининг ҳам маркази. Днепр дарёсининг ўрта оқимида, дарёнинг икки томонида жойлашган. Совет Иттифоқидаги энг катта саноат, илмий ва маданий марказлардан ҳисобланади. Темир йўл ҳамда Днепр дарёсида жойлашган порт шаҳар.

164-бет 31. Попов — РСФСР, Чкалов (ҳозирги Оренбург) область (1943 йил) ижроия комитетининг раиси.

33. Чкаловск (шаҳар — 1955) — Чкаловск 1937 йилгача Василева деб номланган. Чкалов районининг маркази, РСФСР Горький областига қарашли шаҳар. Шаҳарда кема ремонт заводи ҳамда В. П. Чкаловнинг уй музейи мавжуд.

35. Оренбург — 1938 йилдан 1957 йилгача шаҳар. РСФСР Оренбург областининг маркази.

165-бет 4. Бузулук — РСФСР Оренбург областидаги шаҳар.

Бузулук дарёси Самара дарёсига қуйиладиган ерда жойлашган.

9. **Каратюк** — подполковник. Ўзбекистон ССРдан юборилган совға-саломларни ва улар билан келаятган делегацияни кутиб олиш учун мудофаа министрлиги томонидан тайинланган вакил.
24. **Берюлево** — кичик станциялардан бўлиб, Москвадан 30 км узоқликда.
27. **Елец** — РСФСР, Липецк областига қарашли шаҳар. Темир йўл узели мавжуд, электр жиҳозлари ишловчи, машинасозлик, қурилиш материаллари ҳамда кўн, қанд, тамаки ва бошқа саноат марказлари бор.
43. **Ожерелье** — РСФСР Москва областига қарашли шаҳар. Темир йўл узелига эга. Шаҳарда темир йўл транспортига қарашли корхоналар мавжуд.
- 166-бет 13. **Жданка** — Москва темир йўлига қарашли станция номи.
- 167-бет 18. **Рубаков** — Елец станциясидаги ҳарбий ҳаракат бошлиғи.
26. **Косторка** — станция номи. Воронеждан 90 км узоқликда, шимолий ғарбда.
33. **Воронкалар** — снарядлар ерга тушиб портлагандан сўнг ҳосил бўладиган чуқураклар.
- 169-бет 10. **Эрзац** — похолдан тўқилган оёқ кийими.
32. **Щитрин** — станция номи.
- 170-бет 8. **Кравченко** — Курск шаҳрида Ўзбекистондан совға-саломлар билан келган делегацияни кутиб олган полковник. Марказий фронт вакили.
10. **Галаджев** — генерал-майор (1943). Марказий фронт сиёсий Бошқармасининг бошлиғи.
Муқанна — Ҳамид Олимжоннинг драматик асари. 1942—1943 йилларда ёзилган ҳамда Ҳамза номли драмтеатрида ижро этилган.
- 171-бет 17. **Община** — фашистлар (1941—1945) вақтинча оккупация қилган совет қишлоқ районларида колхозларни тугатиб, унинг ўрнига тузган ўзининг янги хўжалиғи. Фашистлар қонунига асосан ҳар бир совет кишиси бу ерда бир гектардан ерни экиб беришга мажбур этилган.
31. **Ильюшин** — Ильюшин Сергей Владимирович (1894) авиаконструктор. СССР ФА академиги, инженерлик техника хизмати генерал полковниги, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
42. **Кучер** — извош ҳайдовчиси.
- 172-бет 10. **А. Безименский** — рус совет шоири. **Қаранг:** Ҳ. Олимжон. «Мукамал асарлар тўплами», том I, 361-бет, Тошкент, 1979.
16. **Свобода** — Курск атрофидаги қишлоқлардан бирининг номи.
22. **Малинин** (1943 йил) — Марказий фронт ҳарбий советининг аъзоларидан.
22. **Козаков** (1943 йил) — Марказий фронт ҳарбий советининг аъзоларидан.

22. Пономаренко (1943 йил) — Марказий фронт ҳар бий советининг аъзоларидан.

КЕЛГУСИ ДАРҒОМ

(175-бет)

1927 йилда ёзилган. Қўлёзмаси мавжуд эмас. Биринчи марта «Зарафшон» (1927 йил 22 август) газетасида босилган.

Газета матни асосида нашрга тайёрланди.

«Келгуси Дарғом» публицистик мақоласининг «Зарафшон» газетаси матнида у «Гаассурот аралаш» деб аталади.

175-бет 1. **Дарғом** — Зарафшон дарёсидан сув оладиган қадимий канал, ариқ. Равотхўжа қишлоғи яқинидаги Биринчи Май тўғонидан бошланиб, Улус чўлигача боради. Узунлиги 60 км дан ошиқроқ. Тарихий манбалар ариқнинг мил. ав. V—IV асрларда қазилганидан хабар беради. Клавдий Птолемей тузган картада (2-а) «Дарғомоний» дейилган. Қадимда ариқнинг бош тўғони бир неча марта хароб бўлган. Новларига қўрғонини ётқизилган бош тўғон 1220 йилда Чингизхон томонидан бузилган. XVIII асрдаги сув тошқинлари тўғонни бир неча марта ювиб кетган. Совет даврида бош тўғон қайта тикланди ва катта инженерлик иншоотига айланди. Сув тақсимловчи қўшимча тўғонлар қурилди. Ҳозир каналнинг максимал сув сарфи 100—113 м³/сек, ўртача сув сарфи 25—50 м³/сек. Дарғомдан Самарқанд областининг Ургут, Самарқанд ва Ўстдарғом районларидаги қишлоқлар сув ичади. Дарғомда Таалирулон, Хишров, Ертешар гидроэлектростанциялари қурилган. Канал атрофида истироҳат боғлари, хиёбонлар ташкил этилган.

26. **Бадивъа** — нафис.

176-бет 36. **Бадалов** — Степан Тигранович (1919 йил) совет минерологи ва геохимиги, геология-минералогия фанлари доктори (1962), проф. (1968). 1949 йилдан УзССР ФАнинг Ҳ. А. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтинида илмий ходим ва лаборатория мудири (1964).

177-бет 25. **Шоҳимардон** — ҳозирги Ҳамзаобод, Ўзбекистон ССР, Фарғона область, Водил районинидаги тоғли курорт жой. Денгиз сатҳидан 1550 метр баландда. Уч томондан баланд тоғлар билан ўралган. Иқлимни баланд тоғ ҳавоси.

41. **Охунбобоев** — Охунбобоев Йўлдош (1885, Фарғона область Марғилон р-н Жойбозор қишлоғи — 1943, Тошкент). — Совет давлат арбоби. 1921 йилдан Коммунистик партия аъзоси, камбағал аравасоз оиласида туғилган. 1901 йилда отаси вафот этган, Марғилондаги пахта тозалаш заводида ишчи. 1904 йилдан Уш уездининг Узган қишлоғида батрак. 1914 йилдан Марғилонда бойга чоракор, 1916 йилги Марғилон халқ қўзғолонининг иштирокчиси.

УзКП(б) I съезди (1925)да Ўзбекистон КП МК бюроси аъзоси, 1925 йил 13 февралда Бухорода бўлиб ўтган УзССР Советларининг биринчи Таъсис курултойида УзССР МИК раислигига сайланди. Шу йили ВКП(б) МК Урта Осиё бюроси ижроия комиссияси составига, Бутуниттифоқ Советларининг III съездида МИК аъзолигига, сўнгра СССР МИК Президиуми аъзолигига сайланди. 1926—1927 йилларда УзССРда ер-сув ислохотини ўтказиш Марказий комиссиясининг раиси сифатида жуда катта иш олиб борди, 1938 йилдан СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари ҳамда УзССР Олий Совети Президиуми раиси.

ЯНГИ ДАРГОМ КАНАЛИ

(178-бет)

1927 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Ушбу публицистик мақола биринчи марта «Ер юзи» (1927 йил № 30) журналида босилган.

Журнал матни асосида нашрга тайёрланди.

178-бет 15. **Наҳр** — анҳор.

16. **Ровотхўжа дарғати** — Ровотхўжа қўрғони Дарғом каналининг бош тўғони ёнида қурилган қадимги истеҳком.

179-бет 29. ...Сонияда юз мука об метр сув оқади — секундига юз кубометр сув оқиб ўтади маъносида берилган.

30. **Десятина** — қишлоқ хўжалигида ерларни ўлчаш учун қўлланилган ўлчов. Бу 1927 йили биринчи сентябрда ман этилган.

ГУЛЛАЕТГАН САНЪАТ

(180-бет)

1937 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган.

Биринчи марта «Гулистон» журналининг 1937 йил 4 сонида босилган бу публицистик мақола кейинчалик адибнинг «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта нашр этилган. Ушбу нашрда «Гулистон» журналининг матнига асосланилди.

180-бет 10. **Жамбул Жабаев** — (1846—1945) машҳур қозоқ оқини. СССР Давлат мукофоти лауреати (1941). Камбағал чорвадор oilасида туғилган. Октябр революциясигача яратган асарлари оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган. («Шикоят», «Қувғин», «Васият», «Дангаса ҳақида эртак» ҳикоялари) Улуғ Октябр революцияси Жамбул Жабаев ижодида бурилиш ясади. Жамбулнинг «Большевиклар съезидига», «Ҳаёт ҳақида кўшиқ», «Олатов», «Совет Иттифоқи» каби асарлари машҳурдир. Улуғ Ватан уруши даврида Жамбул ўз асарлари билан совет халқларини фашист босқинчиларига қарши курашга руҳланти-

ради, қаҳрамонлик ва мардликни куйлайди. («Москвага», «Ленинградлик фарзандларим», «Уғлимга хат», «Уғлимнинг ўлими»). Умрининг сўнги йилларида яратган «Менинг умрим» поэмасида қozoқ халқининг ўтмишдаги оғир ҳаёти ва бугунги фаровон турмушини реалистик тарзда тасвирлаб берди. Машҳур оқин Ленин ордени, Меҳнат Қўзил байроқ, Ҳурмат белгиси ордени ва бир қанча медаллар билан мукофотланган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Унинг номига шаҳар (Авляёта) ва муассасалар қўйилган.

22. **Олмаота** — 1921 йилгача Верний шаҳри, Қозоғистон ССР пойтахти. Олмаота область маркази. Орқа Или Олатови тизмасининг шимолий ёнбағри этакларида 650—950 м баландликда.
22. «**Эр Торғин**» операси — Е. Г. Брусиловский музикаси. Либреттосини С. Камолов ёзган. Биринчи мартаба 1937 йилда Олмаотада Қozoқ музыкали театрида (ҳозирги Абай номидаги опера ва балет театрида) қўйилган. Эр Торғин ролини Қозоғистон ССР халқ артисти Қ. Жандарбеков, Оқюнус ролини СССР халқ артисткаси К. Бойсётова ижро этган. «Эр Торғин» операси 1938 йилда Ўзбекистон ССРда музыкали драма театрида ҳам қўйилган.
23. «**Омонкелди**» драмаси — либреттосини Ф. Мусрепов, музикасини М. Тулегенов ёзган.
- 181-бет 1. **Оқюнус** — Эр Торғин халқ афсонасининг қаҳрамонларидан. У Торғин ботирнинг севгилиси, Доно Оқюнус Оқшахоннинг қизидир.
4. **Тоно** — «Эр Торғин» достонидаги асира.
- 182-бет 14. **Егор** — «Омонкелди» драмасида ижобий қаҳрамонлардан. Большевик.
15. **Олош Урда** — Қозоғистоннинг Октябрь революциясидан олдинги аксининқилобий ҳукуматининг номи.
- 183-бет 3. «**Айман-Чўлпон**» — музыкали драманинг либреттосини М. Ауёзов ёзган. Музикаси Е. Г. Брусиловскийники, 1934 йилда Олмаота шаҳрида музыкали драма театри, ҳозирги Абай номидаги Қозоғистон Давлат опера ва балет театрида ижро этилган.
3. «**Жалбир**» — (музикали пьеса) Е. Г. Брусиловский операси, либреттоси Б. Майлинники. 1935 йилда 7 ноябрь кунин қozoқ музыкали драмтеатрида (ҳозирги Абай номидаги опера ва балет театрида) Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 18 йиллиги ва Қозоғистон ССРнинг 15 йиллиги муносабати билан қўйилган. Жалбир 1936 йили Москвада ўтказилган қozoқ адабиёти ва санъати декадасида ҳам намоён этилган. Бош ролларни Қозоғистон ССР халқ артисти Қ. Жандарбеков (Жалбир), СССР халқ артисткаси К. Бойсётова (Хадича) ижро этган.
3. «**Қиз Жибек**» (1934) — музыкали драма. Қozoқ эпо-

си асосида ёзилган. Е. Г. Бруслковский музикаси, Ф. Мусрепов либреттоси.

8. **Олат** — асбоблар, қурооллар. (Чинни олат — чинни идишлар). Музика олати — музика асбоблари.
41. **Уста Олим Комилов (1875—1958)** — Марғилонда туғилган, созанда, доира, ногора, куй ва усуллар билимдони, педагог, ўзбек совет рақс санъатининг асосчиларидан. ЎзССР халқ артисти, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

184-бет 1. **Катта ўйин** — Фарғона рақс санъатига хос қадимий классик рақс туркуми. Катта сюжетга, ҳаётбахш чуқур мазмунга эга бўлган Катта ўйин туркумидаги рақсларда йирик, қаҳрамонлик ва ҳаётий мотивлар акс эттирилган. Катта ўйинда ҳар бири алоҳида мазмун ва ижрочилик усулига эга бўлган 60 дан ортиқ рақс усули мавжуд эди. Улар асрлар давомида такомиллашиб бизгача Қўш рақс, Чор рақс, Садр, Садр рези, Ором йўргаси, Сарбоз каби 47 тури етиб келган.

Катта ўйин рақсларининг кўплиги, узоқ вақт ижро этилиши билан бошқа ўйинлардан фарқ қилади. Катта ўйин туркумига кирган рақсларнинг ҳар бири маълум бир маънога ва классик ифодага, ижрочилик услубига эга бўлганидан алоҳида ҳам ижро этилаверган. Қадимда Қўқонда Катта ўйиннинг истеъдодли кашфиётчилари, ижрочилари бўлган. Совет даврида Катта ўйин туркумига кирган айрим рақсларнинг такомиллашувида Уста Олим Комилов, Тамарахоним, М. Турғунбоева каби санъаткорлар катта роль ўйнадилар.

10. **Кулаш Бойсеитова (1912—1957)** — 1936 йилдан СССР халқ артисти, Қозоқ опера санъатига асос солувчилардан, солист.
18. **Гаккув Арияси** — «Қиз Жибек» драмасидаги ушбу арияни СССР халқ артисткаси Кулаш Бойсеитова ижро этган.

АДАБИЕТ ВА ХАЛҚ

(186-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган бу публицистик мақола 1939 йилда ёзилган. Шу йил «Еш ленинчи» газетасининг 22 апрель сонида босилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» III томи (1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да чоп этилган.

«Еш ленинчи» газетаси матни асосида нашр қилинмоқда.

187-бет 4. **Шопур** — Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг қаҳрамонларидан. Фарҳоднинг дўсти. Шопур жаҳолат, зўрлик ва шунга ўхшаш инсонийликни камситадиган барча нарсаларга нафратли ва ғабладидир. Қора кучлар билан доимий мурасасиздир.

31. **Гоголь Н. В. (1809—1852)** — рус ёзувчиси ва драматурги. 1831—1832 йилларда «Диканька қишлоғи

оқшомлари» номли тўплами чиқади. Шу даврда «Тарас Бульба» қиссасини яратади. 1835 йилда «Миргород», «Арабеска» тўпламларини чиқаради. 1836 йилда «Ревизор», 1843 йилда «Уйланиш» комедияларини ёзади. 1836 йилда чет элга кетиб ўзининг «Улик жонлар» номли романини ёзади. Бунда Россия деҳқонларининг ҳуқуқсизлигини кўрсатиб, бу билан рус адабиётида ҳаётни ҳаққоният билан акс эттирувчи танқидий реализм йўналишини бошлаб беради.

ҚУШИҚ

(190-бет)

1941 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган, ушбу мақола илк дафъа «Қизил Ўзбекистон» (1941 йил 2 сентябрь) газетасида босилган. Газета матни асосида нашр этилмоқда.

190-бет 5. Гўрўғли — ўзбек халқ эпослари орасида энг катта туркумини ташкил этган қаҳрамонлик, қаҳрамонлик-романик дostonларнинг бош қаҳрамони. Гўрўғли Ватан ва халқ, адолат ва осойишталик учун курашган тенги йўқ халқ ботири, феодализм даврида меҳнаткашлар орзу қилган эркин ва фаровон афсонавий ўлка — Чамбил юртини барпо этган, уни ички ва ташқи душманларга қарши курашувчи ботирлар маскани қилган азамат. Гўрўғлининг қирқ йнгити турли халқ ва қабилаларнинг ботирлари бўлиб, улар Чамбилнинг шуҳратини оширадilar. Гўрўғли образи халқ манфаати йўлида курашувчи, енгилмас қаҳрамон тимсолидир.

5. **Авазхон** — Гўрўғли туркумидаги дostonларнинг қаҳрамони. Гўрўғлининг асранди ўғли, сафдоши. Авазхон мардлиги, маънавий бойлиги, ота-онага, ёр-дўстларига иззат-ҳурмати, мардонавор хизматлари, олийжаноб фазилатлари билан танилади, улуғланади. Авазхон мардлик, гўзаллик тимсоли бўлиб қолган. Ўзбек халқ шoirлари Авазхон саргузаштлари ва сафарларига атаб кўп дostonлар яратган («Масалаи», «Аваз», «Авазхон», «Авазнинг уйланиши» ва бошқалар).
5. **Алпомиш** — ўзбек халқининг қаҳрамонлик дostonи. Алпомиш минг йиллар илгари Сирнинг қуйи оқими, Дашти қипчоқ далаларида феодализм шакллани бошлаган, аммо патриархал уруғчилик муносабатлари сақланиб қолаётган шароитда туркий халқларнинг дostonчилиқ анъаналари заминида Қўнғирот қабиласида юзага келган. Ўзбек Алпомишининг икки версияси, 30 дан ортиқ варианты ёзиб олинган. Фозил Йўлдош куйлаган «Алпомиш» классик вариант бўлиб ҳисобланади.
6. **Ислom шoir Назар ўғли** — (1874—1958) Самарқанд область Нарпай райони Галақассоб қишлоғи —

- Ўзбек халқ бахшиси. ЎзССР халқ шоири (1940). Камбагал деҳқон оиласида туғилган. 22 ёшидан достонларни мустақил куйлай бошлади. У 30 га яқин халқ достонларини билар, шунингдек, халқ қўшиқлари, эртақларини ҳам маҳорат билан айтар эди. Асарлари қардош халқлар тилларига таржима қилинган.
22. **Собир Абдулла** — Абдуллаев Собир (1905 — Қўқон, 1972 — Тошкент), ўзбек совет шоири, ёзувчиси, драматурги. ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944), ЎзССР халқ шоири (1965). 1925—1948 йилларда «Янги Фарғона», «Ёш ленинчи» газеталарида, «Муштум» журналида бўлим мудири, Андижон театрида, Ўзбекистон Давлат филармониясида ва Муқимий театрида адабий эмалдош. Собир, Масобир, Ийжиқ ботир, Танқа тахаллуслари билан ижод қилган.
22. **Амин Умарий** (1913—1942) — ўзбек совет шоири, драматург. Амин Умарий колхоз тузуми, оғир индустрия яратиш ҳамда саводсизликни тугатиш, кадрлар тайёрлаш ҳақида бир қанча шеърлар ёзди. «Давр тантанаси» (1933), «Ёшлик» (1935) тўпламларини яратди. Унинг 1937—1939 йилларда «Фарзанд», «Садоқат», «Шеърлар», «Болалик қўшиқлари», «Овозим» каби турли мавзуларни қамраган шеърлий тўпламлари чоп этилди. Улуғ Ватамуруши даврида унинг «Қасамёд» (1942) тўплами босилди. У «Ҳамза» (Яшин билан ҳамкорликда, 1940), «Қасос» (Туйғун билан ҳамкорликда, 1941) драмалари авторидир. «Ленинград хотиралари» деган ҳарбий мавзудаги асари унинг насрда ҳам бақувват ижодкор эканлигини кўрсатди. Г. Гейне, Т. Шевченко, М. Ю. Лермонтов асарларини ўзбек тилига таржима қилди.
27. **Ойбек** — Мусо Тошмуҳаммад ўғли (1905—1968, Тошкент), ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан, ёзувчи, шоир, олим ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги (1943), Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси (1965). Ўзбекистон ССР Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида илмий ходим ва сектор мудири (1934—1937). Ўзбекистон Уқув педагогика наشريётида муҳаррир (1938—1941). Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи (1943—1953). Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси раиси (1945—1950). 1958 йилдан умрининг охиригача «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг бош муҳаррири.
27. **Липко** — Липко Владимир Александрович. Москвага яқин Коломна шаҳрида 1912 йилда туғилган. 1934 йилдан бошлаб Ўзбекистонда яшайди. «Гинчлик вахтасида» (1951), «Танланган асарлар» (1958), «Сенинг ғалабанг» (1977) ва бошқа асарларнинг авторидир. У моҳир таржимон ҳамдир. Ўзбек халқ эпо-

си «Қундуз ва Юлдуз» асарини, Алишер Навоий, Машраб, Фурқат, Муқимий, Мунис Хоразмий ғазалларини ҳамда ўзбек совет ёзувчиларидан Ф. Ғуллом, Миртемир, Шайхзода, Ҳ. Олимжон асарларидан кўплаб таржималар қилган. Унинг таржималари «Қуёш билан туғилган» тўпламига кирган.

27. **Темур Фаттоҳ** — Фаттоҳов Темур (1910 — Қўқон, 1967 — Тошкент). Ўзбек совет шоири. Деҳқон оиласида туғилган. Қўқондаги механика техникумида (1927—1929), Москвадаги кинематография институти адабий-сценария факультетида (1930—1934) ўқиган. Тошкент киностудиясида (1935—1936), Ўзбекистон Ёзувчилар союзиди (1938—1943), радиокомитетда (1943—1944) ва Ўзбекистон нашриётида (1944—1960) ишлаган. Илк шеърлар тўплами «Йиллар эсдалиги» 1933 йилда нашр этилади. Кейинги йилларда унинг «Асрлар фожиаси» (1934), «Шеърлар» (1942), «Япроқлар» (1945), «Ленин ҳақида шеърлар» (1956) тўпламларида босилди. 1947 йилда Т. Фаттоҳ Ўзбек Совет Давлат Гимни текстини ёзди.

- 191-бет 1. **Ғафур Ғуллом** (1903—1963) — ўзбек совет ёзувчиси, халқ шоири, ЎзССР ФА академиги, 1923 йилдан бошлаб шеърлари матбуотда босилди. Ғафур Ғуллом мероси шеърлар, дostonлар, ҳикоя ва повестлардан иборат. Адибнинг маҳорат билан бажарилган кўплаб таржималари мавжуд. 1946 йилда СССР Давлат мукофотига, 1970 йилда Ленин мукофотига сазовор бўлди. У 3 та Ленин ордени ва бошқа орден, медаллар билан мукофотланган.

Профессор Мамлок — немис ёзувчиси Фридрих Вольф асари. 1941 йилда Ҳамза театрида саҳналаштирилган.

ГУЛ ҲАМ, ЧАМАН ҲАМ КҮП

(193-бет)

Кўлёмаси сақланмаган. «Қизил Ўзбекистон» (1939 йил 1 январь) газетасида босилган.

Газета матни асосида чоп этилмоқда.

Ҳамид Олимжон бунда ўзининг янги йил ижодий режа, планларини, яъни «Зайнаб ва Омон» дostonи, «Семурғ» ҳикоясини ёзаётгани ҳамда Алишер Навоийнинг «Баҳром» («Сабъан Сайёр») дostonини нашрга тайёрлаётганини баён қилади.

ТУРКМАНИСТОН ЮЗ ФОНД

(194-бет)

Мақола «Аланга» журналининг 1929 йил 11-сонидида нашр этилган.

Журнал матни асосида нашр этилмоқда.

- 194-бет 1. **Туркменистон Совет Социалистик Республикаси** — 1924 йил 27 октябрда ташкил топган.
23. **Қозон** — Татаристон АССРнинг пойтахти.
28. **Татаристон** — Автоном Совет Социалистик Республикаси. Татаристон РСФСР таркибида 1920 йил 27 майда ташкил этилган. Шарқий Европа текислигида, Волга дарёсининг ўрта оқимида жойлашган.

ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАРДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

(196-бет)

1926 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Зарафшон» (1926 йил 11 октябрь) газетасида босилган.

Газета матни асосида нашр этилмоқда.

Газетанинг «Мухбирлар бурчаги» бўлимида босилган «Деворий газетамиёдаги камчиликлар» номи мақола, асосан бутун газеталаримизнинг аҳамияти, уларнинг меҳнаткашларни тарбиялашдаги ролига бағишланади.

БАЪЗИ КАМЧИЛИКЛАР

(197-бет)

1927 йилда ёзилган. Қўлёзмаси йўқ. Биринчи марта «Зарафшон» (1927 йил 20 июнь) газетасида босилган.

Газета матни асосида нашрга тайёрланди.

197-бет 22. **Бюджет** — давлат, ташкилот, муассаса, онла ёки айрим шахснинг маълум муддат учун белгиланган даромад ва харажатлари.

198-бет 34. **Боку** — шаҳар, Озарбайжон ССР пойтахти. СССРнинг йирик саноат, илм ва маданият марказларидан бири. Каспий денгизининг ғарбий соҳилидаги йирик порт шаҳар.

УЧ КЕЧА

(200-бет)

1927 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган.

Ушбу мақола «Зарафшон» газетасининг 1927 йил 20 июнь сонидида чоп этилган бўлиб, шу газета матни асос қилиб олинди.

200-бет 4. **Оперетта** — кичик опера, музикавий саҳна асари. Драматургияси вокал ва чолғу музика рақс ҳамда диалогларнинг эстрада элементлари билан узвий боғланишига асосланган.

ҚИЗГИН ҚАЛАМЛАР БИЛАН

(«Хужум дostonлари устида»)

(202-бет)

1927 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган бу мақола «Зарафшон» газетасининг 1927 йил 26 июль сонидида чоп этилган.

Ушбу нашрда газета матни асосга олинди.
202-бет 15. Мунглаган — ғамли, аламли.
203-бет 9. Шуъба — бўлим.

ҚУРУЛТОЙ ОЧИҚ

(205-бет)

Ушбу мақола 1930 йилда ёзилган. Биринчи марта «Ёш ленинчи» (1930 йил 10 декабрь) газетасида босилган.

Шу газета матни асосида нашрга тайёрланди.

205-бет 2. Свердлов театруси — ҳозирги Ўзбекистон Давлат филармониясининг концерт зали биноси.

13. Қашқадарё — Ўзбекистон ССР составидаги область.

13 Сурхондарё — Ўзбекистон ССР составидаги область.

206-бет 14. Жумҳурият қурултойи — Республика қурултойи, съезди.

ШАЛЛАҚИ ФОЛЧИ ХОТИН

(хабарлардан)

(207-бет)

1927 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган.

«Зарафшон» (1927 йил 27 май) газетасида босилган.

Газета матни асосида нашрга тайёрланди.

БОЛА КИМНИКИ?

(Хабарлардан)

(209-бет)

1927 йилда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. «Зарафшон» (1927 йил 19 май) газетасида босилган.

Газета матни асосида нашр этилмоқда.

209-бет 4. Қўшқовуз гузари — Жиззах шаҳридаги гузарлардан бирининг номи.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

(213-бет)

Ҳамид Олимжоннинг бу нутқи 1940 йилнинг 23 апрелида Ўзбекистон ёзувчиларининг халқ қурилишларида иштироклари, шу муносабат билан бир қатор сўз санъаткорларининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ «Катта Фарғона канали иштирокчиси» значоги билан мукофотланишига бағишланиб чақирилган мажлисда сўзланган.

Ўзбекистон ССР Давлат марказий архивида сақланаётган Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг материаллари ўртасида ушбу нутқнинг стенограммаси мавжуддир. Нутқ қўлёзмаси сақланмаган.

Стенограмма машинка қилинган, вақт ўтиши билан қоғозлари сарғайган. Саҳифаларда баъзи сўз, жумлалар сифатсиз ёзилганлиги

сабабли ўқилиши қийин, баъзан ўчиб кетган, бўш қолдирилган ўринлар ҳам учрайди.

Нутқ стенограмма асосида чоп этилмоқда.

- 215-бет 25. «Бой ила хизматчи» — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий драматик асарининг номи. 1918 йилда ёзилган.
27. Қўғирчоқ ўйини — ўзбек халқ қўғирчоқ ўйини қадимдан маълум бўлиб, ўтмишда бу ўйинлар адолат ва ростгўйликни ҳимоя қилган. Золим амалдорлар ва руҳонийларни фош этган.
- 40—41. Сора Эшонтўраева — СССР халқ артисти (1951). Сора Эшонтўраева 1939 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асарига Жамила ролини ижро этган эди.
- 216-бет 11. Миртемир (Турсунов Миртемир, 1910—1978) — Ўзбекистон ССР халқ шоири (1971).
11. Охундий — Насрулла Охундий 1908 йилда туғилган. Унинг шеър, поэма, очерк ва ҳикоя тўпламлари нашр этилган.
- 13—14. «Утро Хаджимата Хидирова» — В. А. Липко достони, 1939 йилда ёзилган. «Правда Востока» газетасида, сўнг 1951 йилда «Строители мира» номи тўпламда «На вахте мира» номи билан нашр этилган.
14. Яшин — Комил Яшин (1909). Ўзбек совет адабиётининг йирик намояндаси. 1974 йилдан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
17. Ғазоват — Хоразмда урушдан олдин суғориш ва сув чиқариш ишларини яхшилаш учун қазилган каналнинг номи.
17. Полвон — Хоразмда канал номи.
- 22—23. Адҳам Раҳмат (1909) — ўзбек совет ёзувчиси. Бир қанча шеърлар, эртаклар, тўпламлар муаллифи. «Окопдан овоз» (1965), «Брест лавҳалари» (1967) асарлари учун республика мукофотига сазовор бўлган.
- 216-бет 35. Султон Жўра — ўзбек совет шоири. 1910 йил Бухоро область Шифрикон район Қоголтон қишлоғида туғилиб, 1943 йилда Белоруссия ССР, Гомель область Лоев район, Козероги қишлоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.
- 217-бет 14. Аваз — Аваз Утар (1884—1919, Хива). Ўзбек тараққийпарвар шоири. Унинг ғазал, мухаммас, рубойи, қитъа, фард ва бошқа лирик жанрларда ёзилган шеърлари «Саодат ул-иқбол» номи девонига тўплангандир.
31. Мунис — (Асли исми Шермуҳаммад Авазбий ўғли, 1778—1829, Хива). Тараққийпарвар ўзбек шоири, тарихчи, таржимон, хаттот. 1820 йилларда «Мунисул-ушшоқ» девонини тузади. Бу девон ўз ичига 80 000 дан зиёд мисрани қамраб олади. Мунис шеъриятида халқчиллик, маърифатпарварлик ғоялари кенг ўрин олган.
31. Огаҳий — (Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий 1809 йилда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида ту-

- ғилган. 1874 йилда вафот этади). Ўзбек шоири, тарихнавис олим, таржимон. Мунис Хоразмийнинг жияни. Мунис қўлида тарбияланади. Огаҳий Хоразм адабий ҳаракатининг Мунисдан кейинги энг йирик сиймоси сифатида илғор фикрли шоир, ёзувчиларга раҳнамолик қилди. Унинг «Тавизул-ошиқин» номи девони мавжуд. Тарихчи сифатида ҳам катта мерос қолдирди.
35. **Асфандиёр** — Хива хони. 1918 йилда Ҳунайидхон томонидан ўлдирилган. Отаси Муҳаммад Раҳимхон II нинг вафотидан кейин тахтга чиқади (1910). У жоҳил, золим ва адоватчи бўлиб, меҳнаткаш халқни қаттиқ эксплуатация қилган.
- 218-бет 13. **Каттакўрғон сув омбори** — Ўзбекистон денгизи. Самарқанд областида қурилган бўлиб, 1940—1951 йиллар давомида фойдаланишга топширилган. Ўзунлиги 28 км. Сув омбори Самарқанд, Бухоро областларини сув билан таъминлашда аҳамияти катта. Сув омборида балиқчилик ривожлантирилган.
13. **Шароф Рашид** — Шароф Рашидов (1917). Ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаси. Давлат ва жамоат арбоби.
14. **Назармат** — Назармат Эгамназаров 1917 йилда Тожикистон ССР Ленинобод область Нав қишлоғида туғилган. Ўзбек совет шоири, журналист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967).
- 30—31. **Қуддус Муҳаммадий** — 1907 йил Тошкентда деҳқон оиласида туғилган. Ўзбек совет болалар шоири.
31. **Султон Акбарий** — (1923, Тошкент). Ўзбек совет шоири.
- 219-бет 21. **Ставский** — Кирпичников Владимир Петрович. 1900 йилда Пенза шаҳрида туғилган. 1943 йил Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Рус совет ёзувчиси 1941—1943 йилларда фронт мухбири. Кўплаб очерк ва ҳикоя тўпламларининг автори.
- 220-бет 19. **Шокир Сулаймон** — 1900 йилда Қўқонда боғбон оиласида туғилган, 1942 йилда вафот этади.
- 221-бет 10. **Умаржон Исмоилов** — (1906) Қозоғистон ССР Марка қишлоғида туғилган. Ўзбек совет драматурги.
11. **Зиннат Фатхуллин** — атоқли драматург, 1903 йилда Горький область Серғоч район, Митр қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган.

ЎзССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

[Ўзбек тилининг янги алифбоси тўғрисида]

(222-бет)

1940 йилда ёзилган, қўлёзмаси сақланмаган бу нутқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи чақириқ III сессиясида сўзлан-

ган. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1940 йил 12 май сониде босилиб чиққан. Сўнгра адиб «Асарлар мажмуаси»нинг V томи (1972)да чоп этилган. «Қизил Ўзбекистон» газетаси матни асосида нашір этилмоқда.

222-бет 21. **Фузулий** (1498—1556) — Ироқнинг Карбало шаҳрида зиёли оиласида дунёга келади. Фузулий ғазал жанрини камолатга етказган буюк санъаткор. Павлойдан кейин энг кўп, энг ғўзал оҳангда ғазаллар яратган шоир. Достони ҳам машҳурдир.

223-бет 26. **Мирзо Фатали Охундов** — (1812 — Шеки, ҳозирги Нуҳа — 1878 — Тифлис) Озарбайжон ёзувчиси, маърифатпарвар философ — материалист. Озарбайжон драматургиясининг асосчиси. Рус, араб, форс тилларини билган. Ижоди 1830 йиллардан бошланган. Унинг «Пушкиннинг ўлимига шарҳ поэмаси» асари (1837) улуғ рус ёзувчисига бағишланган.

Охундовнинг дунёқараши Яқин Шарқ, шунингдек, XVIII аср рус философияси ва француз материалистларининг илғор ғоялари таъсиринда шаклланди. У материалистик ғояларни тараққий эттирди, философия ва фанни диндан ажратиш тарафдори бўлди, табиатни ўрганишга чақирди. Биши назариясида материалистик сенсуализм позициясида турди, ижтимоий зулмга қарши чиқиб, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Охундов араб алфавитини ислоҳ қилишга бағишланган «Араб, форс ва турк тилларининг ёзувлари учун янги алфавит» асарининг (1857) муаллифи.

30. **Фурқат** — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли (1853 — Қўқон, 1909 — Ёркент), ўзбек шоири ва маърифатпарвари. У социал мазмундаги шеърларида меҳнаткашларнинг оғир шароитини баён қилиб, жамият тартибларининг ноҳақлигини танқид қилади. Фурқат ўз асарларида рус маданиятининг аҳамиятини ниҳоятда катта эканини кўрсатиб берди ва уни ўрганишга, ундан ўрнат олишга чақирди.

31. **Суворов Александр Васильевич** (1729 — Москва, 1800 — Петербург) — рус саркардаси.

34. **Некрасов Николай Алексеевич** (1821 — Немиров қишлоғи, ҳозирги Винница область — 1877 — Петербург) — рус шоири, адабий танқидчи. Ешлиги Ярославль яқинидаги Грешнево қишлоғида ўтган. 1832—1837 йилларда Ярославль гимназиясида ўқиган. Петербург университетида (1839—1840) таҳсил кўрган. Ижоди 1838 йилдан бошланган. 1843 йили Белинский ва унинг тўғарақ аъзолари билан танишган. Шоир ижодининг шаклланишида декабристлар ҳаракати, уларнинг ғоялари, Белинский, Чернышевский сингари буюк танқидчиларнинг роли катта бўлган. Некрасов асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

ДУСТЛИГИМИЗ ҲАҚИДА

(227-бет)

1941 йилда ёзилган. Қўлёзмаси мавжуд эмас.

Адибнинг Тошкент интеллигенциясининг 1941 йил 27 декабрда бўлиб ўтган умумшаҳар йиғилишида сўзланган ушбу нутқни тексти 1942 йилда алоҳида китобча бўлиб нашр этилди.

Кейинчалик Ҳамид Олимжон «Танланган асарлар» (1951, 1960), «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта chop этилди.

1942 йилда нашр этилган рисола матни асосида нашрга тайёрланди. Ушбу нутқ тексти рус тилида «Правда Востока» (1941 йил 31 декабрь) газетасида ҳам босилган.

228-бет 17. Василий Захарович Голубев — ленинградлик илмий ходим.

228-бет 18. Гражданлар уруши — Бир мамлакатда ички синфлар ва ижтимоий группаларнинг давлат ҳоқимияти учун олиб борган қуролли кураши, синфий курашнинг энг кучли ва юксак шакли. 1918—20 йилларда Совет Ватани ички ишларига бир неча капиталистик давлатларнинг ҳарбий йўл билан аралашуви ҳамда ички ва ташқи контрреволюцияга қарши Коммунистик партия раҳбарлигида ишчи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг олиб борган кураши.

22. Госпиталь — Уруш ва тинчлик вақтларида ҳарбий касал ва ярадорларни даволайдиган касалхона.

30. Александр Юрьевич — бу ерда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, тарих фанлари доктори А. Ю. Якубовский назарда тутилади.

229-бет 7. «Мирзо Улугбек» — А. Козловский музикаси. 1942 йилда биринчи марта Алишер Навоий номидаги опера-балет театрида ижро этилган.

22. Эрмитаж — Ленинград шаҳридаги давлат музейининг номи. Бунда санъат ҳамда маданиятга оид тарихий обидалар сақланади. Бу обидалар, асосан 1700 йиллардан бошлаб тўплана бошланган.

31. Адл — адолат, тўғрилиқ, инсоф.

34. Мулк сабот — мамлакат барқарорлиги.

43. Искандар — Искандар Зулқарнайн — Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган образ. Бу образ Александр Македонский фаолияти билан бевосита боғлиқ. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тарихий факторлардан бир мунча тўғрироқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома», Амир Хисрав Деҳлавийнинг «Ойинаи Искандарий», Ҷомийнинг «Хирадномаи Искандарий» дostonларида Искандар образи зақоли лашкарбоши, олим, файласуф тарзида кўрсатилади. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарига Искандарнинг Равшанаққа уйланганлигини қайд этган. «Садди Искандарий» дostonи талқинида идеал шоҳ.

43. Яъжуж-мажуж — афсонага кўра — хунук башара, баҳайбат, ҳамма нарсани нобуд қилувчи махлуқдир.

230-бет 20. **Гарбий фронт** — урушнинг биринчи кунларидан бошлаб округлар шимолий, шимоли-гарб, гарб, жануби-гарб ва жануб фронтларига айланди. 1941 йилда Гарбий фронт бошланги этилиб С. К. Тимошенко тайинланди. Смоленскда бўлган жангда маҳорат кўрсатган бирлашма қисмларга биринчи марта «Гвардиячи» номи берилган. 1941 йил 10 январда Гарбий фронт ва Резерв fronti қўшилади ва у Гарбий фронт деб номланади ва қўмондон этилиб Г. К. Жуков тайинланди.

Старший политрук (политический руководитель) — сиёсий раҳбар.

32. **Таруза** — Таруси — РСФСР Калуга области Тарусса районининг маркази. Ока дарёсининг чап қирғоғига жойлашган. Автобус ва пароход станциялари бор.
32. **Калуга** — РСФСР область маркази. У Москва давлатининг жануби-гарбий чегарасида қалъа сифатида вужудга келган. Калуга (1607) И. И. Болотников бошчилигидаги деҳқонлар қўзғолонининг маркази. XVII—XVIII асрларда муҳим савдо маркази. К. Э. Циолковский Калугада яшаган ва шу ерга дафн этилган. Калуга 1971 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

МЕН ЎЗБЕК ХАЛҚИ НОМИДАН СЎЗЛАЙМАН!

(232-бет)

1943 йилда ёзилган. Қўлёмаси шоирнинг уй архивида сақланади. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» (1943 йил 5 февраль) газетасида босилган. Шунингдек, «Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон халқлари вакилларининг фашизмга қарши митинги материаллари» тўплами (Ўздавнашр, Тошкент, 1943 йил, 65—69 бетлар)да нашр этилган. Ордени ёзувчи Ҳамид Олимжон нутқи (Ўзбекистон ССР) деб берилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1951, 1960) ва «Асарлар мажмуаси»нинг IV томи (1972)да қайта босилган.

Ҳ. Олимжоннинг ушбу нутқи 1943 йил, 31 январда Тошкентда ўтган Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон халқлари вакилларининг фашизмга қарши митингида сўзланган.

Қўлёзма матни асосида нашрга тайёрланди.

234-бет 11. **Ҳамсоя** — қўшни.

235-бет 24. **Оби ҳаёт** — (оби ҳайвон, оби зиндагоний) мифологияга кўра, уни ичган кимса ўлмай, абадий яшайди деб ҳисобланган сув, тириклик суви. Бу сув қандайдир бир чашмадан чиқади деб фараз этилганидан «чашмаи ҳайвон» деб ҳам аталади, чашма сувига Хизр муяссар бўлган дейилиб, Хизр суви тарзида ҳам юритилади.

31. **Бойқушхона** — бузилган, хароб бўлган жой.

236-бет 1. **Муқанна** (туғилган йили номаълум — 783) — VIII асрнинг 70—80 йилларида Мовароуннаҳрда

Араб халифалигининг ҳукмронлиги ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракатининг бошлиғи.

1. **Чингизхон** — исми Темучин (1155—1227). Мўғул хони, босқинчи лашкарбоши. (Ушбу нашр II томига қаранг. 213-бет, 1979 й.).

Таробий — Маҳмуд 1238 йилда вафот этган. Бухоро яқинидаги Тароб қишлоғидан бўлган бу шахс маҳаллий деҳқон ва ҳунармандларни бирлаштириб мўғул маъмуриятига ва ерли феодалларга қарши чиққан. Ҳокимиятни қўлга олиб, Таробий ўзини халиф деб эълон қилади. Таробий кўзғолонидан қочиб кетган феодаллар ва аскар бошлиқлари янги куч тўплаб келиб кўзғолонни бостиради ва кўзғолончилардан қаттиқ ўч олади.
20. **Амударё** — Урта Осиёдаги энг серсув, катта дарё. Амударёни юнон ва римликлар Окус, ёки Оксос, араблар Жайхун, ерли халқлар дастлаб Ўқуз, Вахш, сўнгра Омул деб атаганлар. Олимлар Омул сўзи ҳозирги Чоржўй ўрнида бўлган шу номдаги шаҳар атамасидан келиб чиққан дейдилар.
21. **Волга** — СССРнинг Европа қисмидаги энг йирик серсув дарё. Узунлиги 3530 км Волга дарёси ўзанига 200 га яқин ирмоқ қўшилади. Волга дарёсида Волга («Москва денгизи»), Углич, Рибинск, Горький, Куйбишев, Волгоград каби сув омборлари ва улкан ГЭСлар қурилади.
22. **Шимолий Муз денгизи** — Шимолий Муз океани ер юзидagi тўртта океаннинг бири. Европа ва Осиё, Шимолий Америка ҳамда Гренландия ораллиғига жойлашган. Катта майдони Совет Иттифоқи территориясига туташади. Майдони 13,5 млн. км².
23. **Қора денгиз** — Қора денгиз СССРнинг жануби-ғарбий томонига жойлашган бўлиб, Европа қирғоғи (шимолда) Қрим ярим ороли, Кавказ тоғлари (шимоли-шарқ) ҳамда Кичик Осиёнинг шимолий қисми, Керч бўғози, Азов денгизи, Босфор ҳамда Мрамар денгизи, охири Урта ер денгизи билан боғланган.
24. **Мурманск** — шаҳар, РСФСР Мурманск области маркази. Баренц денгизининг Кола қўлтиғи соҳилидаги музламайдиган порт.
28. **Кавказ** — Қора денгиз, Каспий ва Азов денгизлари ўртасидаги территория. Озарбайжон ССР, Арманистон ССР, Грузия ССР, Кабардин Балқор АССР, Доғистон АССР ва Ставрополь ўлкалари жойлашган.
29. **Қишлик сарой** — Ленинградда 1754—1762 йилларда қурилган Рус императорларининг резиденцияси. 1917 йил 7—8 ноябрда революцион ишчи солдатлар штурм билан қишки саройни оладилар. Қишки сарой Улуғ Октябрдан кейин 1922 йилда Давлат Эримтажи музейига топширилади. 1941—1945 йилги Улуғ Ватан уруши даврида бу бино душман

- отишма ва бомбаларининг зарбидан анча шикастланганди. Кейин қайта тикланган. Бу бино ҳозир шаҳардаги энг нодир архитектура ёдгорлигидир.
30. **Сталинград** — РСФСР Волгоград областининг маркази, Волгоград шаҳрининг 1925 йилдан 1961 йилгача бўлган номи. Сталинградда (1942 йил 17 июлдан 1943 йил 2 февралгача) фашист қўшинларига қарши мудофаа ва ҳужум операциялари ўтказганлиги муносабати билан унга Қаҳрамон шаҳар деган фахрий ном берилган.

КАМПИРНИНГ ГАПЛАРИ

(241-бет)

Қўлёзмаси ЎзССР ФА қўлёзмалар институти Х. Олимжон архивида сақланади. У араб графикасида, гунафша сиёҳ билан ёзилган. Қоғоз формати 13×21 см, мактаб дафтариди. Ҳаммаси 7 варақ, вақт ўтиши билан анча сарғайган, ёзилган йили кўрсатилмаган.

Қўлёзма асосида нашрга тайёрланди.

241-бет 17. Қарин — ўлчов.

[29 апрель]

(243-бет)

Ҳамид Олимжоннинг 1933 йилнинг апрель ойида Қўқон ва Мулкободда бўлган кезларида тутган кундалик дафтари материаллари юқорида матнлар сирасида берилди. Ушбу кундаликлар икки умумий дафтарда экани, уларда 5 апрелдан 29 апрелгача бўлган кундалик таассуротлари баён этилгани ҳам ўқувчига маълум. Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфия томонидан «Мукамал асарлар тўплами» учун тақдим этилган яна бир материал характер жиҳатидан юқоридаги кундаликларнинг айнан давоми сифатида кўзга ташланади. Ушбу материал 25 машинка саҳифасидан иборат бўлиб, 29 апрель — 2 май кундаликларини ўз ичига олади. Қоралама асосида машинкаланган текстда айрим сўзларнинг ўрни бўш қолдирилган.

Материаллар бўлимида чоп этилаётган ушбу матн Ҳамид Олимжон кундаликларининг давоми сифатидаги янги ҳужжатдир.

248-бет 22. **Бир ойда қирқ кун, ўттиз сўтик ишладим** — бир ойда қирқ меҳнат куни ишладим (ўттиз сўтих қўшимчаси билан) демоқчи.

249-бет 24. **Сделний (издел)** — ишбай асосига қурилган иш. Меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўлаш.

251-бет 27. **Владикавказ** — Шимолий Осетия АССРнинг пойтахти. Оржоникидзе шаҳарининг илгариги (1931 йилгача) номи. 1944 йилдан 1954 йилгача Дзаужикау.

УЛУҒ ҲОФИЗ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

(258-бет)

Машҳур устоз Тўйчи Ҳофиз Тошмуҳамедов вафоти муносабати билан тўпланган митингда ўқилган бу нутқ «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1943 йил 4 июнь соннда босилган. Газета матни асосида chop этилди.

258-бет 2. Тўйчи Ҳофиз — Тошмуҳамедов (1868 — Тошкент, 1943) атоқли хонанда, ўзбек ашулачилик санъатининг йирик намояндаси. Халқ ҳофиз (1927). Эски мактабда ўқиган (1878—1884), тўқувчилик билан шуғулланган. Ҳофиз, Навоий, Машраб, Бедил, Фузулий каби классик шоирларнинг ижоди билан яқиндан танишиб, уларнинг ғазалларини ижро этган. Кейинчалик бу хушхон ижрочи довриги Туркистон ўлкасининг ҳамма шаҳарларига таралган. Тўйчи Ҳофиз Октябрь революциясидан кейин, Ўзбекистонда маҳаллий халқ лирика ансамбллари ташкил этишда фаол иштирок этди. 1927 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон радиокomitети Ўзбек халқ чолғу ансамбли (кейинчалик унисон оркестри)да устоз хонанда, шунингдек, Ўзбек давлат филармониясининг етакчи солисти бўлган. У «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланган. Тошкент грампластинкалар заводи ва Қашқадарё области музыкали драма ва комедия театри Тўйчи Ҳофиз номидадир.

ЕР ЮЗИДА

(259-бет)

1943 йилда ёзилган. Қўлёзма нашр этилмаган. У уч varaқдан иборат бўлиб, қоғози формати 9×31 см. Араб ва рус графикаларида қалам билан ёзилган.

Х. Олимжоннинг катта йиғилишда ёки фронтга борганида жангчилар олдидаги нутқининг тезиси бўлиши эҳтимол.

259-бет 14. Толстой Лев Николаевич (1828—1910) — улуғ рус ёзувчиси, жаҳон адабиёти классиги.

Л. Н. Толстойнинг биринчи асари «Тараққиётнинг тўрт даври» номли автобиографик роман бўлиб, у тўрт китобдан иборат («Болалик» 1852, «Ўсмирлик» 1852—1854, «Ешлик» 1855—1857, тўртинчиси «Йигитлик» қисми ёзилмай қолган).

Л. Н. Толстойнинг армияда хизмат қилиши ҳамда Севастополь мудофаасида қатнашиши унинг «Севастополь ҳикоялари»га (1855) бой материал бўлиб хизмат қилади. 60-йиллар Толстой ижодининг энг гуллаган даври бўлди. «Уруш ва тинчлик» романи юзага келди.

1889—1899 йилларда «Тирилиш» романини ёзади.

15. **Шевченко** Тарас Григорьевич (1814—1861) — улуф украин ёзувчиси, рассоми, революцион демократ, подшо тузумига ҳамда крепостнойликка қарши курашувчи. Т. Г. Шевченко Н. Г. Чернишевский, Н. Р. Добролюбов ва бошқа революцион демократлар билан яқинлашади. 1861 йилда Петербургда вафот этади. Уни кўмиш маросимида Н. Н. Некрасов қатнашади ва «Шевченко ўлими» деган шеърини ёзади. Шевченконинг васиятига кўра, дўстлари унинг жасадини Украинага олиб кетадилар ва Днепр яқинига кўмадилар.

АСОРАТДА ЖАФО ЧЕКИБ ЕТГАН УКРАИН ДЎСТЛАРИМИЗГА ЎЗБЕК ХАЛҚИДАН ХАТ

(260-бет)

1943—1944 йилларда ёзилган. Бу хат авторнинг уй архивида сақланаётган «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» нутқи тезиси varaқларининг орқасига ёзилган. Тугалланмаган.

Ушбу нашрда қўлёзма матни асос қилиб олинди.

РАСМЛАР РЎЙХАТИ

Ҳамид Олимжон. 1929 йил	12
Ҳамид Олимжон қаламкаш дўстлари Гафур Ғулом, Зулфия ва Ойбек билан. 1943 йил	25
Ҳамид Олимжоннинг «Ҳақиқат излаб» ҳикояси. «Зарафшон» газетасидан, 1927 йил	80
Ҳамид Олимжон фронтда. 1943 йил, март	135
Ҳамид Олимжон «Кундалик дафтар»нинг дастхат саҳифаси	162
Ҳамид Олимжон Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми йиғилишида. 1944 йил	192
Ҳамид Олимжон нутқ сўзламоқда. 1941 йил	233

МУНДАРИЖА*

Ҳикоялар

Ҳақиқат излаб	9 — 272
Тонг шабадаси	13 — 272
Бир қулоқнинг оти ўчди	26 — 272

Очерклар

Заҳарли юрак	33 — 27
Қува қўйнида	39 — 27
Иштибоҳнинг тугалиши	43 263 27
Файзулла ота Юнусов	49 — 27
Зайнаб	64 264 27
Вахш	74 — 2
Ҳаёт дарёси	81 — 2
Ҳаёт	87 — 2
Онанинг номуси	93 — 2
Фарҳод тоғининг этакларида	96 — .
Заъфарон	101 — .

Қундаликлар

Қундалик дафтар	107 —
Қундалик саҳифалари	163 —

Мақола ва хабарлар

Келгуси Дарғом	175 —
Янги Дарғом канали	178 —
Гуллаётган санъат	180 —
Адабиёт ва халқ	186 —
Қўшиқ	190 —
Гул ҳам, чаман ҳам кўп	193 —
Туркманистон юз фоиз	194 —
Деворий газетамиздаги камчиликлар	196 —
Баъзи камчиликлар	197 —
Уч кеча	200 —
Қизғин қаламлар билан («Хужум дostonлари устида»)	202 —

* Биринчи устундаги рақамлар асосий текст, иккинчи устун рақамлар вариантлар, учинчи устундаги рақамлар эса изоҳлар билан саҳифаларни билдиради.

Қурултой очиқ	205 — 300
Шаллақи фолчи хотин	207 — 300
Бола кимники?	209 — 300

Нутқлар

Ўзбекистонда ирригация қурилиши ҳақида	213 — 300
ЎзССР Олий Совети сессиясида сўзланган нутқ (Ўз- бек тилининг алифбоси тўғрисида)	222 — 302
Дўстлигимиз ҳақида	227 — 304
Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман	232 265 305

Материал

Кампирнинг гаплари	241 — 307
[29 апрель]	243 — 307
Улуғ Ҳофиз билан видолашув	258 — 308
Ер юзида	259 — 308
Асоратда жафо чекиб ётган украин дўстларимизга ўзбек халқидан хат	260 — 309
ВАРИАНТЛАР	261 — —
ИЗОҲЛАР	269 — —
РАСМЛАР РҮЙХАТИ	309 — —

Олимжон Ҳамид.

Мукаммал асарлар тўплами. 10 томлик (Таҳрир ҳайъати: С. Азимов ва бошқ.).

Т. «Фан», 1981.

Сарл. олдида: ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти.

3-т. Ҳикоялар. Очерклар. Кундаликлар. Мақола ва хабарлар. Нутқлар. Материал (Масъул муҳаррир С. Эркинов). 312 б.

Алимджан Ҳамид. Полное собрание сочинений. В 10-ти т., т. 3. Рассказы.

Очерки. Дневники. Статьи и сообщения. Речи.

На узбекском языке

ХАМИД АЛИМДЖАН

Полное собрание сочинений

в 10 томах

том III

РАССКАЗЫ
ОЧЕРКИ
ДНЕВНИКИ
СТАТЬИ И СООБЩЕНИЯ
РЕЧИ

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир *М. Алиева*
Рассом *А. Расулов*
Техмуҳаррир *В. Тарахович*
Корректор *М. Саидова*

ИБ № 1210

Теришга берилди 17.03.81. Босишга рухсат этилди 4.08.81. P08181. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма л. 16.38. Ҳисоб-нашриёт л. 14.3. Тиражи 5000. Заказ 53. Баҳоси 1 с. 80 т. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70. ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.